

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФИСКАЛ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.221 (575.1)

ГИЯСОВ САРВАР АЪЗАМОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ
МЕХАНИЗМИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини
олиш учун тайёрланган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий маслаҳатчи: иқтисодиёт фанлари доктори - И.М. Ниязметов

Тошкент шаҳри – 2022 йил

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I	ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИ-	
БОБ	РИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШ-	22
	НИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1	Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шакли ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги	22
1.2	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли ва солиқ механизмидан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти	47
1.3	Солиқлар воситасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга оид илмий - назарий ёндашувлар	68
	Биринчи боб бўйича хулоса	87
II	ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН	
БОБ	РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН	89
	ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ	
2.1	Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ қонунчилиги таҳлили	89
2.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали тартибга солиш амалиёти	106
2.3	Солиқ механизми воситасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилиш ҳолати	131
	Иккинчи боб бўйича хулоса	147
III	ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ-	
БОБ	ГА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ	149
3.1	Корхоналар илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солиқ механизмининг таъсири	149
3.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ рағбатларининг баҳолаш услугиёти	168
	Учинчи боб бўйича хулоса	190
IV	СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
БОБ	ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖ-	191
	ЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
4.1	Солиқ механизмидан самарали фойдаланишнинг халқаро амалиётини Ўзбекистонда кўллаш имкониятлари	191
4.2	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш йўллари	209
	Тўртинчи боб бўйича хулоса	231
	Хулоса	233
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	237
	Шартли қисқартмалар	258
	Иловалар	259

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, ҳозирги кунда инновациялар нафақат алоҳида ташкилотларнинг ривожланишида, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашда ва унинг фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. 46 макро технологияларга эга энг ривожланган етти мамлакат бозорнинг 80 фоизини эгаллайди. Ҳар йили юқори технологияли маҳсулотлар экспортидан Қўшма Штатлар 740,0, Германия 530,0, Япония 410,0 млрд. АҚШ доллар олади. Бугунги кунда юқори технологияли маҳсулотларнинг жаҳон бозори ҳажми 2,0 трлн. 300 млрд. АҚШ долларидан зиёд. Ушбу миқдорнинг 39 фоизи АҚШ, 35 фоизи Япония, 17 фоизи Германия ва 9 фоизи бошқа мамлакатлар маҳсулотларидир¹.

Муваффақиятли инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ҳисобланади. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда давлат ўз қўлидаги барча иқтисодий инструментлардан, жумладан фискал, тариф, пул-кредит, суғурта ва бошқа иқтисодий механизмлардан фойдаланади.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, жаҳонда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Франция, Бельгия, Голландия, Португалия, Греция, Канада, Ирландия, Корея, Япония ва Австралия каби мамлакатларда бунга алоҳида эътибор берилмоқда. Агар 1996 йилда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ механизмларининг турли схемалари жаҳоннинг 20 та мамлакатлари томонидан фойдаланилган бўлса, 2019 йилда 50 дан зиёд, Иқтисодий

¹ Гутгарц Р. Д. В плену тренда «инновации» // Экономист. - 2019. - № 2. - С. 70-84.

хамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 35 та аъзо мамлакатларидан 30 таси, шунингдек, Аргентина, Чили, Колумбия, Перу, Коста-Рика, Малайзия, Индонезия, Таиланд ҳамда БРИКС мамлакатларининг барча бешталиги томонидан фойдаланиб келинмоқда².

Ҳозирда етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари, ривожланган давлатлардаги нуфузли олий таълим ва илмий муассасалари томонидан иқтисодий инновацион ривожлантириш аҳамияти ва муҳимлиги, шунингдек, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни тартибга солишда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш, уни такомиллаштириш зарурати, солиқнинг рағбатлантириш, қоплаб бериш ва чеклаш функцияларидан уйғунликда ва оқилона фойдаланиш, ИТТКИни рағбатлантиришда солиқ механизми таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, мазкур фаолият турларига инвестицияларни фаол жалб қилишда, инновацион фаолликни оширишда ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришда солиқларнинг ролини кучайтириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (Швейцария)³, Жаҳон банки (АҚШ)⁴, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (АҚШ)⁵, Халқаро валюта фонди (АҚШ)⁶, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти⁷ (Франция)⁸, Европа комиссияси (Белгия)⁹, Бюджет ва сиёсат

² Fiscal policies for innovation and growth. International Monetary Fund. Fiscal monitor: Acting now, acting together. Chapter 2. Washington. USA. April 2019. 29 p.

³ Перспективы инновационной политики 2020: Восточная Европа и Южный Кавказ. Европейская экономическая комиссия организации объединенных наций. Женева. 2021. 420 с.

⁴ Всемирный банк, годовой отчет 2018. Информационно-издательский отдел Всемирного банка: Publishing and Knowledge Division, The World Bank, Washington. 97 с.

⁵ Innovations in tax compliance. Building Trust, Navigating Politics, and Tailoring Reform. © 2022 International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. Washington, DC 20433. 239 p.

⁶ Fiscal policies for innovation and growth. International Monetary Fund. Fiscal monitor: Acting now, acting together. Chapter 2. Washington. USA. April 2016. 29 p.

⁷ Policy incentives for private innovation and maximising the returns. From: OECD Journal: Economic Studies. Vol. 2013/1. Paris. © OECD 2014. p 45.

⁸ Stimulating digital innovation for growth and inclusiveness. The role of policies for the successful diffusion of ICT. 2016. Ministerial meeting on the digital economy. Background report. OECD digital economy papers No. 256. 151. p

⁹ How Can EU Legislation Enable and/or Disable Innovation? Jacques Pelkmans, Andrea Renda. Report. European Commission. Brussels, Belgium. July 2014. 78 p.

устуворликлари маркази (АҚШ)¹⁰, Беккер Фридман институти (АҚШ)¹¹, Милкен институтининг Ишчи ўринлар ва инсон капитали маркази (АҚШ)¹², Консалтинг ва аудит халқаро тармоғи (Буюк Британия)¹³, Ҳукумат ҳузуридаги илмий тадқиқот маркази (Австралия)¹⁴, Халқаро илмий ҳамкорлик маркази (РФ)¹⁵, Инновациялар бўйича ҳукумат агентлиги (Буюк Британия)¹⁶ ва Ички Европа солиқ маъмуриятчилиги ташкилот (Венгрия)¹⁷лари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлари юзасидан шакллантирилган илмий маърузалари, ҳисоботлари ва материалларида айнан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга қулай муҳитни яратишда асосан солиқ механизмларига мурожаат қилинганлиги, ушбу механизмларидан самарали фойдаланиш орқали сезиларни ижобий натижаларга эришилганлиги қайд этилган.

Ўзбекистонда ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюрolari, тажриба, ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак¹⁸.

¹⁰ Tapping More People’s Capacity to Innovate Can Help States Thrive. Center on budget and police priorities, Report. 09.12.2020 й. Washington, USA. 44 p.

¹¹ Taxation and Innovation: What Do We Know? Becker Fridman institut. For economics. Working paper. NO. 2020-70. may 2020. AT Chicago. 21 p.

¹² California’s Innovation-Based Economy: Policies to Maintain and Enhance It. December 2015. Center for Jobs and Human Cap. Milken Institute. 78 p.

¹³ Government many roles in fostering innovation. Innovation – PricewaterhouseCoopers (PwC). Report. London, United Kingdom. 68 p.

¹⁴ Australia 2030: prosperity through innovation. Innovation and Science Australia 2017, Australian Government, © Commonwealth of Australia 2017. Canberra. 125 p.

¹⁵ Инновации в науке, обществе, образовании: факторы и механизмы устойчивого развития. Монография. / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева - Пенза: Международный центр научного сотрудничества. «Наука и Просвещение». РФ. - 2021. - 200 с.

¹⁶ Hubs of Innovation. The role of Districts, Corridors and Quarters as hubs of the Covid-adjusted innovation economy. Nicola Yates OBE – CEO, Connected Places Catapult. London, United Kingdom. 39 p.

¹⁷ Applying new technologies and digital solutions in tax compliance. Articles from presenters of the iota annual international conference-tax compliance technology showroom. Intra-European Organization of Tax Administrations, 2020. Budapest. 58 p.

¹⁸ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 20-бет.

Мамлакатимизда охирги йилларда тадбиркорлик субъектлари учун қулай солиқ муҳитини яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ўсишнинг янги турини шакллантириш ва барқарор инновацион ривожланишга ўтиш вазифасини амалга ошириш мақсадида сўнгги йилларда ХЮСларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди, бунда солиқ соҳасидаги чора-тадбирларига муҳим ўрин берилди.

Инновацияларни рағбатлантиришга қаратилган солиқ қонунчилигига кўплаб ўзгартиришлар киритилди, бироқ қабул қилинган янгиликлар инновацион ривожланиш учун қулай солиқ муҳитини яратишда салмоқли натижа сезилмади. Шунингдек, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики, қабул қилинган ўзгаришларда рағбатлантириш керак бўлган солиқ тўловчилар тоифасини аниқлашга ҳамда уларнинг ҳар бир тоифаси учун фойдаланиладиган самарали солиқ механизмлари таркибига ягона методологик ёндашув мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бундан ташқари, инновацияларга бўлган талабни шакллантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қоидалар солиқ қонунчилигида етарлича акс эттирилмаган бўлса, инновацион фаолиятни рағбатлантириш билан бирга чеклаш характердаги солиқ воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласи лозим даражада илмий-назарий кўриб чилмаган.

Бугунги кунга келиб ХЮСлар инновацион фаолиятининг барча босқичларини қамраб олувчи солиқлар воситасида комплекс рағбатлантиришнинг таъсирчан тизими яратилмаганлиги, шунингдек, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун солиқ механизмларидан, уларни қўллашнинг мураккаблиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан самарали фойдаланишга ягона методологик ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати ушбу тадқиқот мавзуси долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон «2022-2026

йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда солиқ механизмларини такомиллаштиришга орқали иқтисодий инновацион ривожлантиришга қаратилган бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Жаҳон банки экспертлари томонидан 2018 йилда мамлакатлараро олиб борилган тадқиқотларида инновацияларнинг жорий қилиниши орқали қашшоқликка барҳам беришга ва умумий фаровонлик таъминланишини тезлаштиришга эришилади, деган хулосага келинган. Инновацияларнинг жорий қилиниши глобал муммоларни ҳал этишдаги етакчи ролини эътироф этган ҳолда, барчанинг фаровонлиги учун иш ўринлари ва бозорларни яратилиши ҳамда тадбиркорлик моделининг такомиллаштирилишга олиб келади¹⁹. Хусусан, инновацияларни жорий қилиниши орқали

¹⁹ Всемирный банк, годовой отчет 2018. Информационно-издательский отдел Всемирного банка: Publishing and Knowledge Division, The World Bank, Washington. 97 с.

ресурслар миқдорини икки баравар оширилиши асосида беқарорлик, можаро ва зўравонликни енгиб ўтиш; кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалаларни хал этишга эришиш учун молиялаштириш кўламини максимал даражада ошириш; ички ресурслар моббилигини ошириш ва молиявий ҳолатларни мақбуллаштириш; экспериментал тадбирларни амалга ошириш орқали "мослашувчан ечимлар"ни синовдан ўтказиш; пандемияда фавқулотда чораларни молиялаштириш механизми доирасида маблағларни захиралаш; инқирозга қарши молиялаштириш механизмлари доирасини кенгайтириш; лойиҳалар доирасида рискларни бошқариш сифатини яхшилаш; иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби тадбирларни амалга ошириш имкони тезлашади.

Шунингдек, илм-фан, технология ва инновацияларга давлат харажатларининг таҳлили ҳукуматларга бу борадаги тегишли стратегияларни ишлаб чиқиш, илғор тажрибаларни амалга ошириш ва инновацион сиёсатни яхшироқ мувофиқлаштиришга ёрдам берадиган янги диагностика воситаси ҳисобланади.

Европа комиссияси томонидан амалга оширилган тадқиқотлари қонун ҳужжатларида инновацияларни тартибга солишга доир меъёрларини такомиллаштириш орқали инновацияларга ижобий таъсир этишга бағишланган бўлиб, қонун ҳужжатларидаги тартибга солиш меъёрларини қатъий белгиланиши инновацияларни чекласа, ушбу меъёрларнинг бир мунча мослашувчанлиги инновацияларни яхшироқ рағбатлантиради деган хулосага келинган. Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, қонунчилик талабаларига камроқ риоя этиш ва бюрократик юкининг камайтирилиши инновацияларга ижобий таъсир кўрсатади. Қонунчиликни инновацияларга таъсирини баҳолайдиган тест жорий қилиш ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш орқали инновацияларни сезиларли рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади²⁰.

²⁰ How Can EU Legislation Enable and/or Disable Innovation? Jacques Pelkmans, Andrea Renda. Report. European Commission. Brussels, Belgium. July 2014. 78 p.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси томонидан Шарқий Европа ва Жанубий Кавказ мамлакатларининг инновацион фаолият учун жорий қилинган фискал рағбатлар кўлами ва уларнинг аҳамияти юзасидан изланишлар олиб борилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, фискал сиёсатнинг инновацион ривожланишга таъсирини баҳолашда солиқ тизимини ҳар томонлама таҳлил қилиб, муайян тармоқларга ва умуман иқтисодиётга нисбатан яхшиланишга олиб келган самарали сиёсат чораларини аниқлаш талаб этилади. Ушбу баҳолаш жуда муҳимдир, чунки солиқ имтиёзларининг бевосита ва билвосита харажатлари юқори бўлиб, уларнинг баъзи инновацияларга таъсири чекланган²¹.

Бюджет ва сиёсат устуворликлари маркази мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, инновациялар етишмаётган давлатларда инновацияларни рағбатлантиришга одатда технологик воситалар тўпламига, шу жумладан ИТТКИ учун грантлар ва солиқ кредитларига, STEM (турли фанлар кесишмасидаги таълим модели) таълимини мустаҳкамлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга, венчур капитали имкониятига, патент ислоҳоти ҳамда давлат-хусусий шериклик ва "инновацион марказлар" каби турли маҳаллий стратегияларга эътибор беришади. Ушбу ёндашувлар, инновацияларнинг умумий даражасини оширишда ҳам, уларни диверсификация қилишда ҳам ўз афзалликларига эга²².

Милкен институтининг Ишчи ўринлар ва инсон капитали илмий тадқиқот маркази мутахассислари томонидан олиб борилган изланишларида ИТТКИларга инвестицияларни жалб қилишда асосан 4 та, жумладан илмий тадқиқот учун кредит, кичик бизнес учун кредитларни қайтариш (қоплаб бериш), Университет тадқиқотларини молиялаштирадиган ташкилотларнинг ИТТКИлари учун ўсиб боровчи солиқ кредити ҳамда фирмаларнинг ИТТКИларига икки барабар оширилган солиқ кредити, яъни,

²¹ Перспективы инновационной политики 2020: Восточная Европа и Южный Кавказ. Европейская экономическая комиссия организации объединенных наций. Женева. 2021. 420 с.

²² Tapping More People's Capacity to Innovate Can Help States Thrive. Center on budget and police priorities, Report. 09.12.2020 й. Washington, USA. 44 p.

ИТТКИлари билан шуғулланувчи фирмаларга ҳам федерал ва ҳам штат солиқ кредитларидан фойдаланиш имконияти каби асосий рағбатлантириш сиёсатига устувор берилганлиги маълум бўлган²³.

Халқаро илмий ҳамкорлик маркази томонидан амалга оширилган тадқиқотлари натижасида солиқлар воситасида рағбатлантириш корхоналар инновацион фаолиятини билвосита қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиши илмий асосланган. Марказ мутахассисларининг фикрича, солиқ механизми давлатнинг инновацион фаолиятини самарали тартибга солиш имконини беради. Муваффақиятли солиққа тортишнинг муҳим шарти тўғри шакллантирилган солиқ сиёсати, унинг шаклланиши ва фаолият кўрсатиш шартларини ҳисобга оладиган, етарли даражада мослаштирилган солиқ механизми ҳисобланади. Зеро, солиқларни тартибга солиш усулларида бири солиқ ставкаларини оптималлаштириш бўлиб, бу фискал ва тартибга солувчи солиқ функциялари ўртасида оқилона мувозанатга эришиш имконини беради. Корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантиришда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солишнинг энг муҳим механизми эса солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмлари эканлиги алоҳида қайд этилган²⁴.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, шунингдек, корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш масалалари қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хорижлик иқтисодчи олимлар ва мутахассислар А.Ufuk, J.Grigsby, T.Nicholas, D.Hanley, A.Vankan, S.Stantcheva, J.Atanassov, X.Liu, T.Karkinsky, N.Riedel, Z.Chen, N.Rao, D.Romero-Jordan, A.Dechezlepretre, R.Nirupama, E.Einio, R.Martin, K.Nguyen, J.Reenen, I.Guceri, L.Li, J.Serrato ва бошқалар томонидан

²³ California's Innovation-Based Economy: Policies to Maintain and Enhance It. December 2015. Center for Jobs and Human Cap. Milken Institute. 78 p.

²⁴ Инновации в науке, обществе, образовании: факторы и механизмы устойчивого развития. Монография. / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева - Пенза: Международный центр научного сотрудничества. «Наука и Просвещение». РФ. - 2021. - 200 с.

солиқларнинг инновацияларга таъсири ва инновацион ривожланиш билан боғлиқ муаммолар, солиқлар орқали ХЮСларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш каби масалалар тадқиқ этилган²⁵.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари ва мутахассисларидан Д.Черник, А.Пансков, И.Майбуров, С.Барулин, Р.Шумяцкий, А.Васильева, О.Мандрощенко, О.Савина, Ю.Малкова, О.Никулина, А.Сердюк, И.Коростелкина, М.Орлова, И.Мельникова, П.Свобода, Е.Мармилова, Е.Баклыкова, В.Клавдиенко, Т.Малинина, Г.Кутергина, О.Фишер, А.Окунь, Ю.Стешенко С.Головань, Е.Ермакова, Н.Ларионов, Р.Иванов, О.Калачева, М.Меркулов, А.Киселев, Л.Чайковская ва бошқаларнинг илмий ишларида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий-назарий жиҳатлари, иқтисодиётни инновацион ривожлаштиришга таъсир этувчи солиқ инструментларнинг ўзига хос хусусиялари, ИТТКИ ва солиқлар воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг халқаро тажрибалари ёритилган²⁶.

²⁵ Akcigit Ufuk, John Grigsby, Tom Nicholas, and Stefanie Stantcheva, "Taxation and Innovation in the 20th Century," *Quarterly Journal of Economics*, forthcoming, 2022; Stefanie Stantcheva, The effects of taxes on innovation: theory and empirical evidence, Working Paper 29359, National bureau of economic research 1050, Massachusetts Avenue Cambridge, MA 02138 October, 2021; Atanassov, Julian and Xiaoding Liu, "Can Corporate Income Tax Cuts Stimulate Innovation?," *Journal of Financial and Quantitative Analysis*, August 2020, 55 (5), 1415-1465; Karkinsky Tom and Nadine Riedel, "Corporate Taxation and the Choice of Patent Location within Multinational Firms," *Journal of international Economics*, 2012, 88 (1), 176-185; Romero-Jord'an, Desiderio, Mar'ia Jes'us Delgado-Rodr'iguez, Inmaculada Alvarez-Ayuso, and Sonia de Lucas-Santos, "Assessment of the Public Tools Used to Promote R&D Investment in Spanish SMEs," *Small Business Economics*, 2014, 43 (4), 959-976; Dechezlepretre, Antoine, Elias Eini'o, Ralf Martin, Kieu-Trang Nguyen, and John Van Reenen, "Do Tax Incentives for Research Increase Firm Innovation? An RD Design for R&D," *NBER Working Paper Series*, 2016, (22405); Guceri, Irem and Li Liu, "Effectiveness of Fiscal Incentives for R&D: Quasi-Experimental Evidence," *American Economic Journal: Economic Policy*, 2019, 11 (1), 266-91; Chen, Zhao, Zhikuo Liu, Juan Carlos Su'arez Serrato, and Daniel Yi Xu, "Notching R&D Investment with Corporate Income Tax Cuts in China," *American Economic Review*, 2021, 111 (7), 2065-2100; Rao, Nirupama, "Do Tax Credits Stimulate R&D Spending? The Effect of the R&D Tax Credit in Its First Decade," *Journal of Public Economics*, 2016, 140, 1-12.

²⁶ Черник Д. Пути реформирования налоговой системы // *Экономика. Налоги. Право.* - № 1. - С. 2013. 54-64; Пансков В.Г. Налоговое регулирование как инструмент подъема экономики. *Налоги, управление финансами. Финансовый университет при Правительстве РФ.* М. 2019. 86-99 с; Майбуров И.А и др. *Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп.* - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015– 487 с; Майбуров И. и др., *Экономика налоговых реформ. Монография.* К.: Алерта, 2013. с. 221-225; Майбуров И. Оценка налоговых расходов и эффективности налоговых льгот // *Общество и экономика.* № 4. 2013. с. 87; Шумяцкий Р. И. Некоторые аспекты налогового регулирования инновационно-инвестиционной деятельности. *Сибирский институт управления - филиал Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ.* Новосибирск. 2018. 34-36 с; Васильева А. Г. *Налоговое регулирование инновационного развития экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой*

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Яхъёев, Ш.Гатаулин, Т.Маликов, Д.Ғозибеков, С.Гулямов, И.Алимарданов, О.Олимжонов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, Ш.Тошматов, С.Воронин, И.Ниязметов, С.Худойкулов ва бошқаларнинг илмий ишларида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ

степени кандидата экономических наук. МаГУ. Челябинск – 2010. 28 с; Малкова Ю. В. Налоги как инструмент развития инновационной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. ФГОБУВПО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» М. 2011. 27 с; Никулина О. В., Сердюк А. А. Налоговое регулирование инновационной деятельности как фактор развития системы государственной поддержки инновационного предпринимательства. Бюджетно-налоговая система. Финансы и кредит. № 27. 2016. 2-19 с; Коростелкина И.А., Андросова А.О. - Эффективность налогового стимулирования инновационной деятельности в РФ: оценка и расчет // Тренды и управление. - 2020. № 1. – С. 38 - 50; Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности. Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. 2016. Стр. 1-5; Мельникова И.Н. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в Беларуси / И.Н.Мельникова // Центр системного анализа и стратегических исследований НАН Беларуси. - 2011; Svoboda P. The impact of tax incentives on research and development. Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis, Czech.2017. 65(2): 737–743; Мармилова Е.Н. Роль налогов как экономических рычагов стимулирования инновационных процессов // Экономические и юридические науки. Финансы и налогообложение. № 5 Минск. 2016. стр. 109-115; Баклыкова Е.А. Механизмы налогового регулирования инновационного развития предприятий в условиях членства России в ВТО. Российское предпринимательство. Москва. № 20 (266) / 2014. стр. 158-164; Меркулов М.М. Инвестиционный налоговый кредит: а стоит ли браться? Научная статья. Юридический департамент ЗАО «МКД». 2017. Стр.1-10; Калачева О.С. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в РФ на современном этапе. Business. Education. Law. Bulletin of Volgograd business institute, 2016, november № 4 (37). Subscription indices – 38683, P8683. стр. 157-159; Барулин С. В. Налоговая политика России: монография // С.В. Барулин, А.В. Макрушин, В.А.Тимошенко. – Саратов: Сателлит, 2004. – 167 с; Иванов Р. Х. Налоговый кредит / Х.Р. Иванов // Гуманитарные, социальноэкономические и общественные науки. - 2014. - №5. - С. 143-146; Ермакова Е.А. Ларионов Н.А. Налоговые кредиты в системе стимулирования инновационной активности / Е.А. Ермакова, Н.А. Ларионов // Управленец. - 2015. - №2. - С. 4-10; Савина О. Проблемы проведения оценки эффективности инструментов налогового стимулирования: анализ современной практики // Налоги и налогообложение. - № 8 (134). 2015. - С. 580-591; Мандрощенко О. Основные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Финансовая аналитика. проблемы и решения. Издательский дом Финансы и кредит, М. № 39. 2016. стр. 45-60; Савина О. ва Малкова Ю. Мониторинг эффективности системы налоговых инструментов стимулирования развития инновационной экономики в условиях действующего законодательства и направления его совершенствования. Налоговое администрирование. Налоги и налогообложение – №4 (94). 2012. стр. 24-34; Кутергина Г. ва Мингазина Е. Методики оценки и мониторинга эффективности налоговых льгот: подходы и проблемы // Финансы, кредит и денежное обращение. Известия ДВГУ. Экономика и управление. № 1. 2014. стр. 84-99; Головань С. Обзор основных методик оценки эффективности налоговых льгот в целях стимулирования инновационной деятельности. Финансовая, налоговая и денежно-кредитная политика. Байкальский государственный университет экономики и права. 2014. стр. 142-168; Окунь А. ва Стешенко Ю. Совершенствование подходов к оценке эффективности налогового стимулирования в Российской Федерации // Финансовая политика: проблемы и решения. -М. 10, 2017. №12. - стр. 1407-1423; Фишер О. ва бошқалар. Оценка эффективности налогового стимулирования инновационной деятельности в России / О. В. Фишер, Л. В. Перекрестова, Т. П. Ломакина, М. Ш. Иризепова // «Налоги и налогообложение». - № 2. 2014. - С. 156-173. Малинина Т. Оценка налоговых льгот и освобождений: зарубежный опыт и российская практика. - М.: Ин-т Гайдара, 2010. 212 с; Клавдиенко В.П. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае // Общество и экономика, МГУ им. М.В. Ломоносова. № 7, 2018. Стр.39-50; Киселев А.О., Безрукова Т.Л. Методы государственного стимулирования инновационной деятельности// А.О. Киселев, //Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. - 2017. - Т. 5. № 1 (27). - С. 411-415; Ильина Н.А. Роль государственного регулирования в инновационной деятельности организаций//Научный электронный журнал Меридиан. - 2018. - № 1 (12). - С. 54-56; Чайковская Л.А., Мамрукова О.И. Налоговое регулирование как эффективное средство развития инновационной экономики / Инновационная экономика России и зарубежных стран. 2013. стр. 103-129.

килинган²⁷. Жумладан, Қ.Яхёев томонидан солиқларнинг рағбатлантирувчи функциясининг моҳияти ва аҳамияти алоҳида кўриб чиқилган бўлса, Д.Ғозибеков солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш таклифи илгари сурилган. Н.Ҳайдаров томонидан солиқлар орқали рағбатлантиришнинг назарий асослари тадқиқ этилиб, илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Ш.Тошматов томонидан иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий-назарий жиҳатлари, молиялаштиришнинг инновацион усуллари, шу жумладан инновацион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашда солиқларнинг ўрни, инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш зарурати бўйича хулосалар шакллантирилган. И.Алимарданов республикада ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-

²⁷ Яхёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Қайта ишланган. ТМИ. Фан ва технологиялар маркази. Тошкент. 2003. 247 б; Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение. Учебник. Издательский дом «Мир экономики и права» Т.: 1996. стр. 303.; Гулямов С. Инновационное развитие Узбекистана: проблемы и пути их решения. // Иқтисодиёт ва таълим. Инновация ва инвестиция. 2018. № 2.43-47 б; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия» нашриёти, 2003; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т., 2004; Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: «Академия» 2002. -53 б; Олимжонов О. Адолатли солиқ – мамлакат таянчи // Солиқ тўловчининг журнали, 2006. №6; Маликов Т.С. Солиқ имтиёзларининг салбий жиҳатлари. «Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Т. Молия. 2011. 438 б; Ташмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2007.–28 б; Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқларнинг ролини кучайтириш муамолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, БМА. – 2008. 321 б; Тошматов Ш.А. Ражаббаев Ш.М. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. Т.: Молия. 2015. 160-б; Воронин С.А. Налоговый механизм стимулирования инноваций и необходимость его совершенство-вания в Узбекистане. Института прогнозирования и макроэкономических исследований. Ташкент. 2017. Стр. 11; Алимарданов И. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматларини экспорт қилишда солиқлар орқали рағбатлантириш масалалари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» Т.: № 2, 2016. 1-8 б; Ниязметов И. М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. Молия. Тошкент. 2018. 32 б; Ниязметов И. М. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. (541) 14-16 б; Ниязметов И. М. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш йўллари. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобининг муаммолари» мавзусида Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ФИ., 2022. – (787) 171-177 б; Ашурова Н. Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадларининг узвийлиги. // Солиқлар ва солиққа тортиш./ Молия. 2015. №4 ТМИ. 82-86 б;

қувватлаш, солиқлар воситасида рағбатлантириш ва солиққа тортиш механизмини янада такомиллаштириш масалалари атрофлича кўриб чиқилган. И.Ниязметов томонидан инвестицион ва инновацион фаолликни оширишда солиқ механизмининг роли, бу борадаги мавжуд муаммолар ҳамда бартараф этиш ва такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилган. С.Воронин томонидан солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш асосида юқори даражада қайта ишланган ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рақобатбардошлигига кўмак берувчи шароитларни яратиш бўйича тавсиялар берилган. Б.Санакулова кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш²⁸, Н.Ашурова барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш²⁹, Ж.Урмонов тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари устида диссертацион тадқиқотларни олиб боришган³⁰.

Ўзбекистон иқтисодиётини айнан инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмларидан самарали фойдаланишнинг назарий, ҳуқуқий, услубий жиҳатлари ҳамда амалий муаммолари алоҳида ва яхлит илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзунини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институтнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмурчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини

²⁸ Санакулова Б. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. Монография. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.

²⁹ Ашурова Н. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Тошкент, 2018.

³⁰ Ўрмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. диссерт. Т.: БМА. 2018. 308 б.

такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни инновацион ривожлаштиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан фойдаланишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва солиқ механизмдан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамиятини илмий асослаш;

иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан фойдаланишга қаратилган қонунчиликни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш имкониятларини очиқ бериш;

корхоналарнинг инновацион фаолиятини солиқ механизмдан самарали фойдаланиш орқали ривожлантиришнинг халқаро амалиётини таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон солиқ тизимида татбиқ этиш йўллари тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда корхоналарнинг инновацион фаолиятига инвестицияларни жалб этишда солиқ механизмдан фойдаланишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

солиқ механизмнинг корхоналар илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига таъсирини баҳолаш;

корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иқтисодиётни инновацион ривожлаш-тиришга қаратилган солиқ механизмлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети иқтисодий инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмларидан фойдаланишда юзага келадиган иқтисодий ва молиявий муносабатлар ҳисоблананади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида услубий асос сифатида молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг бир қатор усулларидан фойдаланилди. Хусусан, иқтисодий, мантикий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил ва синтез, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, индукция, дедукция, статистик ҳамда регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«инновация», «инновацион фаолият» ва «инновацион инфратузилма» каби тушунчаларни инновацион фаолиятга доир қонун ҳужжатларида белгилаш орқали мазкур фаолиятни солиқлар воситасида самарали рағбатлантириш таклиф этилган;

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатларни солиққа оид қонун ҳужжатларида белгилаш ҳамда ушбу харажатларни фойда солиғи базасидан чегириш тартиби такомиллаштирилган;

илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчиларга солиқларни тўлиқ тўлашдан озод қилиш тарзидаги афзалликлар ўрнига инвестицион солиқ кредитини қўллаш таклифи асосланган;

илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни фаол жалб қилишда янги технологик ускуналар, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган маблағларга нисбатан инвестицион солиқ чегирмаларни жорий қилиш лозимлиги асосланган;

инновацион фаолиятнинг муҳим босқичи ҳисобланган янги ва инновацион технологиялар, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларининг ускуналари ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк ва ер солиғидан озод қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«инновация», «инновацион фаолият» ҳамда «илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга доир харажатлар» каби тушунчаларга аниқлаштирилган муаллифлик таърифи берилган;

инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг уч босқичли услубиёти ишлаб чиқилган;

инновацион фаолиятга солиқ механизмнинг ижобий таъсирини ошириш мақсадида нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларини ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига мазкур солиқнинг пасайтирилган ставкаларини қўллаш лозимлиги асосланган;

илмий тадқиқот натижаларини сифат жиҳатдан яхшилаш ва амалиётга жорий қилишни жадаллаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан грант лойиҳаларида миллий шартномалар асосида илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларнинг лойиҳа доирасидаги даромадларига нисбатан даромад солиғининг пасайтирилган ставкасини қўллаш ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда даромад солиғидан озод қилиш таклиф этилган;

иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион фаолиятнинг барча босқичларини солиқлар воситасида комплекс рағбатлантириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган таҳлилий материаллар ва статистик маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг расмий манбаларидан олинганлиги, тадқиқотлар аниқ норматив-ҳуқуқий

хужжатлар ва амалий маълумотлар, хусусан, корхоналарнинг молиявий ва солиқ ҳисоботлари таҳлилига асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришда, солиқ соҳасида белгиланган асосий йўналишларни рўёбга чиқаришда, шунингдек, иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланишга қаратилган кейинги илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шакллантирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигини белгилайди.

Ишнинг тегишли натижаларидан олий ўқув юртларида «Солиқлар ва солиққа тортиш» йўналишидаги фанларнинг, хусусан, «Фискал сиёсат», «Солиқ сиёсати», «Иқтисодий солиқлар воситасида тартибга солиш», «Солиқ назарияси ва тарихи», «Солиққа тортиш асослари» ва «Солиқ маъмурчилиги» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда, унинг базасини мустаҳкамлашда ва ўқув жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодий инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

инновацион фаолиятни солиқлар воситасида самарали рағбатлантиришда рағбатлантириш объектини аниқлаш ва қонунчилик билан мустаҳкамлаш мақсадида инновация, инновацион фаолият каби тушунчаларни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаш таклифи Ўзбекистон Республика-сининг 2020 йил 24 июлдаги «Инновацион фаолият

тўғрисида»ги ЎРҚ-630-сонли Қонунининг 3-моддаси «Асосий тушунчалар»ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/1-11/502-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 243-моддаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда инновацион фаолиятни солиққа тортишга доир меъёрлардаги ноаниқликлар бартараф этилган;

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатлар мазмун-моҳиятини солиққа оид қонун ҳужжатларига киритиш ва ушбу харажатларни чегириш тартибини такомиллаштириш таклифлари янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/1-11/502-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республи-каси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 17/2-07216-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сонли Қонунига асосан Солиқ кодексининг 312-моддасида ўз аксини топиши ва уни қўллаш тартиби такомиллаштирилиши натижасида корхоналарнинг илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатларни икки бараварга кўп чегириш имконияти яратилган;

корхоналарнинг инновацион ва инвестицион фаоллигини самарали рағбатлантириш мақсадида инвестицион солиқ чегирмаларни жорий қилиш ҳамда уларнинг аҳамияти ва натижадорлигини ошириш юзасидан берилган таклиф янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 308-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/1-11/502-сонли ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 17/2-07216-сонли маълумотномалари). Ушбу таклиф-

нинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 25,3 млрд.сўмга кўп реинвестиция қилинган;

айрим тоифа солиқ тўловчиларга, хусусан, инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналарга солиқларни тўлашдан тўлиқ озод қилиш тарзидаги афзалликлар ўрнига инвестицион солиқ кредитини жорий этиш юзасидан берилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сонли Қонуннинг 35-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/1-11/502-сонли маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 17/2-07216-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналарни солиқ механизми воситасида рағбатлантириш самарадорлигини ошириш, бюджетга солиқ тушумларини прогнозлаш ва кутилмаган йўқотишларни олдини олиш имконияти яратилган;

янги ва инновацион технологияларни жорий қилган солиқ тўловчиларни самарали рағбатлантиришни давом эттириш бўйича таклиф янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 414 ва 428-моддасида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2022 йил 19 апрелдаги 04/1-11/502-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф амалиётга татбиқ этилиши натижасида янги ва инновацион технологиялар, жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилган корхоналарга мол-мулк ва ер солиқларидан имтиёз татбиқ этилиши орқали 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 12 та корхонанинг 582,2 млн.сўм миқдордаги маблағлари тежалган.

солиқ имтиёзлари натижаларини фискал ва иқтисодий мониторингдан ўтказиш ҳамда самарадорлигини баҳолаш услубиёти амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 5 мартдаги 17/2-07216-сонли далолатномаси). Инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар учун мўлжалланган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш услубиётининг амалиётга жорий қилиниши солиқ имтиёзлари ҳисобига қутилаётган натижаларга эришиш даражасини ошириш, бюджетдаги йўқотишларни прогнозлаш, самарасиз солиқ имтиёзларини аниқлаш орқали уларни бекор қилинишини таъминлаш ҳамда солиқ имтиёзлари фойдаланувчиларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот доирасида олинган натижалар 13 та, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, шу жумладан, 3 таси хорижий ва 12 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 267 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

§ 1.1. Иқтисодиёт ривожланишининг инновацион шакли ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги

XX ва XXI асрлар жаҳон тарихида турлича номлар билан аталади. Глобаллашув даври, ахборот ҳукмронлигига асосланган инфорацион цивилизация асри, технократия ҳукмронлиги, илмий-техника инқилоби даври, индустриал цивилизация асри, постиндустриал цивилизация асри каби тарихий терминлар шулар жумласидандир.

Мазкур терминлар аслида тарихий тараққиётдаги туб ўзгаришлар, яъни XX асрдаги илмий-техника инқилоби ютуқларининг ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиниши билан боғлиқ. Бу даврга келиб давлатнинг иқтисодий тараққиётини белгиловчи янги мезонлар пайдо бўлдики, энди улар билан ҳисоблашиш заруратга айланиб қолди. Шундай мезонлардан бири инновацион иқтисодиёт тушунчасидир.

Муваффақиятли иқтисодиётни куриш ривожланишнинг ўзгарувчан ташқи ва ички омиллари остида, унинг барқарорлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш, мамлакатнинг жаҳон бозорида ҳам, ўз ички бозорида ҳам рақобатбардош устунликларини ошириш билан боғлиқ.

Жаҳон амалиёти шуни тасдиқлайдики, мамлакатлар бошланғич шароитлардан келиб чиқиб, бозор йўлининг бошида узок муддатли истиқболда ўзларининг барқарор ривожланишини таъминлай олмайдилар. Айни пайтда, иқтисодиёти чуқур диверсификацияланган ва саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бундай муваффақиятли ўзгаришларнинг асосий таркибий қисмларидан бири ривожланишнинг инновацион омили ҳисобланади.

Замонавий дунёда инновацион фаолият тобора муҳим аҳамият касб этиб, нафақат иқтисодий, балки жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий соҳаларига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Инновацион иқтисодиёт моҳиятига ўтишдан аввал инновацияга доир асосий тушунчаларга қисқача тўхталиб ўтишни жоиз топдик. Ҳозирги вақтда инновациялар соҳасидаги асосий тоифаларнинг моҳиятини очиб берадиган кўплаб тадқиқотлар натижалари тўпланган. Тадқиқотда терминологик аппаратдан фойдаланиш жараёнида тушунмовчиликларни бартараф этиш учун биз илмий тадқиқотларга асосланган асосий таърифларнинг мазмунини очиб берамиз.

Инновация билимларни ҳақиқий технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларга айлантириш сифатида талқин этилади. Инновация тушунчаси кўплаб муаллифларнинг асарларида мавжуд. Жумладан, ушбу тушунча XX асрнинг 30-йилларида дастлаб австриялик (кейинчалик америкалик) олим Ж.Шумпетер томонидан илмий адабиётларга киритилган бўлиб, у иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили, бу инновациялар эканлигини таъкидлаб ўтган³¹. Яъни, Шумпетер бу атамани иқтисодий ривожланишга ёрдам берадиган ишлаб чиқариш омилларининг янги илмий ва ташкилий комбинацияси сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, «инновациялар истеъмолга киритилган янги ёки янада мукамаллаштирилган маҳсулот (иш, хизмат), тадбиркорлик амалиётини юритиш, иш ўринларини ташкил қилиш ёки ташқи алоқалар ўрнатишнинг янги ташкилий усули ҳисобланади»³².

Жаҳон илмий ҳамжамияти инновацияларни тушуниш ва тавсифлашнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқди. Улар 1963 йилда Италияда қабул қилинган Фраскати қўлланмасида ўз ифодасини топган, кўп марта қайта кўриб чиқилиб, охирги нашри 1992 йилдаги қабул қилинган Осло йўриқномасида 1993 йилда пайдо бўлган³³. Бунга асосан инновацияларнинг асосий хусусиятларини келтириб ўтишимиз мумкин:

³¹ Шумпетер Й. Теория экономического развития [Текст] / Й. Шумпетер. - Москва: Прогресс, 1982. - 455 с.

³² Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. Москва: ЭКСМО, 2007. 864 б.


³³ Опубликовано ОЭСР, Фраскати Руководство представляет собой международный методологический справочник для статистических исследований в области исследований и развития (R&D) деятельности. Он

- илмий-техник янгилик;
- амалий жорий қилиниши;
- тижорат талаби;
- истеъмолчиларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш хусусияти.

Иқтисодиёт соҳасидаги олим ва тадқиқотчилар “инновация” тушунчасини янгилик, новаторлик сифатида изоҳлашади. Хусусан, Н.Тўхлиевнинг ишида инновация киритилган янгилик, ихтиро тарзида эътироф этилиб, қуйидагича тавсифланади:

1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилиши»³⁴. Юқоридагиларга асосланиб, инновация тушунчасининг моҳиятига бўлган ёндашувларни қуйидагича тасвирлашимиз мумкин:



1.1-расм. Инновациялар моҳиятига ёндашувлар³⁵

стандартизирует способ сбора правительством информации об инвестициях в исследования и разработки (НИОКР). В этом Руководстве рассматривается исключительно измерение человеческих и финансовых ресурсов, выделяемых на исследования и экспериментальные разработки (НИОКР), часто называемые «вкладом» в НИОКР. <https://www.oecd-ilibrary.org/>

³⁴ Тўхлиев Н. Осиё тараққиёт модели. Тошкент. Ўзбекистон. 2015. 169-бет.

³⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

Ф.Никсоннинг фикрига кўра, инновация бозорда янги технологияларнинг пайдо бўлишига олиб келади³⁶. Н.Мончев инновацияни янги, яқинда фойдаланишга киритилган нарса сифатида белгилайди³⁷. Олим инновацияларни таснифлашни таклиф қилади ва унда инновацияларни: техник, илмий ҳамда илмий-техника ажратади. Техник инновация деганда муаллиф ўзининг шахсий ва жамоат манфаатларини рўёбга чиқариш учун табиат ва жамият ҳаёти қонунларини билиш, амалда қўллаш асосида инсон томонидан яратилган ҳамда фойдаланиладиган сунъий асбоблар ва воситалар тизимини тушунади³⁸. Ушбу таъриф асосида техник янгиликларнинг 2 тури ажратилади:

- 1) технологиянинг горизонтал равишда тарқалиши, яъни бир соҳада узок вақт ишлатилган бир хил техника бошқасида янги деб қабул қилиниши натижасида уни қўллашнинг кенг имкониятлари ошқор қилиниши;
- 2) анъанавий маҳсулотларнинг айрим техник, иқтисодий, эргономик, эстетик ва бошқа хусусиятларини такомиллаштириш.

Илмий янгиликлар турли фанлар тадқиқот натижаларининг кириб келиши натижасида янги илмий йўналиш шаклланишини тавсифлайди. Илмий-техник янгиликларни яратиш илмий, лойиҳа-конструкторлик ва технологик ишланмаларни ҳамда уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни ўз ичига олади. Бу эса ижтимоий-иқтисодий ҳаётда туб ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бунда, ушбу жараёнга турли босқичларда кўплаб одамлар, молиявий ва бошқа ресурслар жалб қилинади.

И.Перлаки инновацияларни моддий ва процессуал маънода тушунади. Моддий маънода инновация ижобий ва илғор ғояларни, технологияларни ёки уларни қабул қиладиган ва ишлатадиган ходим, жамоа ёки ташкилот

³⁶ Никонова Я.И. Теоретико-методологические основы устойчивого инновационного развития малых городов [Текст] / Я.И. Никонова // Россия: тенденции и перспективы развития: ежегодник / под ред. Ю. Пивоварова. – Москва: ИНИОН РАН. - 2011. - Вып. 6, ч. 2. - С. 499-503.

³⁷ Московский А. Институционализм: теория, основа принятия решений, метод критики [Текст] / А. Московский // Вопросы экономики. - 2009. - № 3. - С. 110-124.

³⁸ Евстигнеева Л.П. Методологические основы экономической синергетики [Текст] : научный доклад / Л.П. Евстигнеева Р.Н. Евстигнеев. – Москва: ИЭ РАН, 2007. – С. 30-34.

учун янги бўлган моддий объектларни англатади. Процессуал маънода инновация деганда унинг пайдо бўлиши, ривожланиши, амалга оширилиши, мослашиши ва ишлатилишининг бутун жараёни тушунилади³⁹.

Э.Мэнсфилд амалиётда қўлланиладиган ихтирони илмий-техник инновациялар деб тушунади⁴⁰. П.Друкернинг таъкидлашича, инновация ва ишлаб чиқаришни янгилаш ўртасидаги ҳақиқий фарқ шундан иборатки, янги қийматни шакллантириб, инновацион маҳсулотни яратувчи ва жорий қилувчи корхона буни истеъмолчига қанчалик кераклиги ва истеъмолчи бунинг учун пул тўлаши каби масалаларни ҳал қилади⁴¹.

Инновацияларнинг ажралмас асосий мезонларидан бири бу ғоянинг янгилиги, амалиётда қўлланилиши ҳамда эҳтиёжларни қондириш ва даромад олишга қаратилган янги маҳсулотлар, жараёнлар ёки хизматларда жорий қилиниши ҳисобланади.

Ю.Осипов таърифига кўра, инновация деганда бир-бири билан ўзаро боғланган янги ёки такомиллаштирилган, яъни бозорга янги маҳсулотни киритиш, маҳсулот турлари (инновацион маҳсулотлар), хизматлар (инновацион хизматлар), ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологиялари (инновацион жараён ва технологик инновациялар), корхонадаги ижтимоий муносабатлар (ижтимоий ёки кадрлар инновацияси), ишлаб чиқариш тизимлари каби турларни англатади⁴². Муаллифларнинг таърифларини умулштирадиган бўлсак, инновация бу ҳар қандай янгилик эмас, балки мавжуд тизим самарадорлигини жиддий ва кескин оширишдир.

Инновация ижодий жараён ва инновацияларни жорий этиш жараёнининг натижаси бўлганида 2 ёндашувга ажратилади. Масалан, А.Ракитовнинг фикрича, инновациялар юқори ноаниқлик шароитида

³⁹ Егоров Е. Научно-инновационная система региона: структура, функции, перспективы развития [Текст] / Е. Егоров, Н. Бекетов. – Москва: Academia, 2002. – С. 13.

⁴⁰ Мэнсфилд, Э. Экономика научно-технического прогресса [Текст]: пер. с англ. / Э. Мэнсфилд. – Москва: Прогресс, 1970. – 238 с.

⁴¹ Друкер, П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы [Текст] / П.Ф. Друкер. – Москва: Бук Чембэр Интернешнл, 1992. – 350 с.

⁴² Осипов Ю.С. Большая российская энциклопедия: [в 35 т] –М.: 2004-2017. <https://ru.m.wikipedia.org>

хавфли қарорларнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва мақсадларга тез эришишга, рақобатбардош даромад олишга қаратилиши керак. М.Додгсон инновацияларни илмий, технологик, ташкилий ва молиявий фаолиятни ўз ичига олган ҳолда кўриб чиқади.

Юқорида келтирилган талқинларнинг энг аҳамиятлиси инновацияни жараён (фаолият) сифатида талқин қилинишидир, чунки бундай ёндашув бизга инновацияни энг кўп қиррали тарзда кўриб чиқишга имкон беради. Бироқ, инновацияга доир илмий ишлар ва адабиётларда ушбу масалага ягона ёндашув мавжуд эмас (1-иловага қаранг).

Мисол учун инновациялар баъзи олимлар, тадқиқотчилар ва мутахассислар томонидан “ўзгариш”⁴³, “натижа”⁴⁴, “жараён”⁴⁵, “фаолият”⁴⁶ сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, Р.Нельсон саноат инновацияларининг пайдо бўлишини қайд этса, Л.Водачек ва О.Водачквалар инновацияларни корхона фаолиятининг тизим сифатида мақсадли ўзгариши⁴⁷, деб талқин қиладилар.

Демак, инновация – амалиётга татбиқ этилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, технология, янги хизмат, ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорий ёки бошқа тусда янги ташкилий ва техник қарор топишидир.

Фикримизча, инновация – бу инсон интеллектуал фаолиятининг яқуний натижаси бўлиб, бозор талабидаги муайян жараён ёки маҳсулотнинг сифат жиҳатидан самарадорлигини таъминловчи

⁴³ Ерасова Е.А. Научно-технические и экспортные возможности российского оборонно-промышленного комплекса [Текст] / Е.А. Ерасова // Вестник Санкт-Петербургского университета. – Серия 5: Экономика. – 2004. – № 1 (5). – С. 28-33.

⁴⁴ Тюкавкин, Н.М. О механизме государственного регулирования экономики [Текст] / Н.М. Тюкавкин, А.В. Бадирова // Вестник Самарского государственного университета. – Серия: Экономика и управление. – Самара, 2011. – № 9 (90). – С. 54-57.

⁴⁵ Иващенко, Н.П., Модели инновационного развития университетов в России [Текст] / Н.П. Иващенко, А.А. Захаров // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). – 2015. – Т. 6. – № 3-1 (23). – С. 112-118.

⁴⁶ Ракитов, А.И. Прогноз развития науки и технологии в России на период до 2025 года [Текст] / А.И. Ракитов // Вестник РАН. – 2009. – № 8. – С. 746-753.

⁴⁷ Гончаров, В. Опыт формирования и управления инновационной средой в США [Текст] / В. Гончаров // Проблемы теории и практики управления. – 2008. – № 6. – С. 63-78.

истеъмолга киритилган янгиликдир. Шундай қилиб, инвестиция-ишланма-жорий қилиниши-сифат жиҳатдан яхшиланиш жараёни зарурдир.

Дарҳақиқат, янгилик ёки новаторлик деб аталиши учун янги ғоя қуйидаги талабларни бажариш керак, биринчидан, вақтнинг тежалиши, иккинчидан, харажатлар даражасининг камайиши, учинчидан, экологик хавфсиз, атроф муҳит ҳимояси бўйича талаб стандартларига жавоб бериши⁴⁸.

1.1-жадвал

Инновациялар таснифи⁴⁹

Таснифлаш белгиси	Белгиларнинг моҳияти			
	Глобал	Тармоқ	Маҳаллий	
Таъсир этиш кенглиги ва қўлами	Глобал	Тармоқ	Маҳаллий	
Янгилик даражаси	Базис	Яхшиловчи	Псевдоинновация	
Ғоялар манбаи	Кашфиёт	Ихтиро	Рационализаторлик таклифлар	Бошқалар
Янгилик тури	Конструкция ва тузилма	Технология	Материал, модда	Тирик организмлар
Мавжудларини алмаштириш усуллари	Эркин алмаштириш	Тизимли алмаштириш	—	—

1.1-жадвалдан кўринадикки, инновациялар янгилик даражасига кўра базис, яхшиловчи ва псевдоинновациларга ажратилади. Базис инновациялар йирик ихтироларни амалга оширади ва техника ривожининг янги авлодлари ва йўналишларини шакллантириш учун асос ҳисобланади. Яхшиловчи инновациялар кичик ва ўрта ихтироларни жорий қилиш билан боғлиқ ва оммалашув босқичларида ҳамда илмий-техник циклнинг барқарор ривожига устунлик беради. Псевдоинновациялар техника ва технологияларнинг эскирган турларини қисман яхшилашга йўналтирилган.

Инновациялар пайдо бўлиш сабабларига кўра икки турга ажратилади: реактив ва стратегик. Реактив инновациялар фирманинг барқарорлигига йўналтирилган бўлиб, рақобатчилар томонидан радикал инновацион ўзгаришларга реакция сифатида амалга оширилади. Стратегик

⁴⁸ Rakhmonov D.A. and Sulaymanov S.A. "Essence of the notion innovation and its financing bases." International Journal of Engineering Technologies and Management Research, 2019. 6(2), 86-90. DOI: 10.5281/zenodo.2593760.

⁴⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

инновациялар олдини олишга қаратилган ва истиқболда сезиларли рақобатдош устунлик олишга йўналтирилган.

Демак, инновация тушунчаси илмий-тадқиқот фаолияти тушунчасига нисбатан бир мунча кенг бўлиб, ўз ичига истеъмол қийматининг яратилиши, инновацион маҳсулот маркетинги, бозорда инновацион маҳсулотни тижоратлаштирилиши, охирги истеъмолчилар эҳтиёжига янги маҳсулотни мослаштирилиши ва шу қабиларни олади⁵⁰.

Шу билан бирга, илмий-тадқиқот фаолияти технологик янгилик яратишда асосий детерминант ҳамда инновацион жараёнларнинг бошқа барча босқичларида ҳамроҳ бўладиган инновацион маҳсулотларни яратиш жараёнида бош бўғин ҳисобланади. Агар инновацион маҳсулот иқтисодий агентлар фаолиятининг натижаси бўлса, илмий тадқиқот фаолияти унинг бош асосидир. ИТТКИлар инновациянинг учқунлари ҳисобланади⁵¹. Шунинг учун аксарият мамлакатларда инновациявий солиқ рағбатлари объекти бўлиб айнан илмий тадқиқот фаолияти майдонга чиқади.

Энди инновацион фаолият тушунчасига ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Й.Шумпетернинг фикрича, инновацион фаолият ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида янги ёки такомиллаштирилган жараён ва технологияларни қўллашни, янги турдаги маҳсулотлар, ишлар, хизматларни яратишга қаратилган фаолият деб тушунилади⁵².

Инновацион фаолият тушунчасига ҳам қатор олимлар томонидан таърифлар келтирилган (2-иловага қаранг). Жумладан, В.Базилевич «инновацион фаолиятни йиғилган билимлар, технологиялар ва ускуналарни тижоратлаштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий,


⁵⁰ Гиясов С.А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш йўллари. // «Молия ва банк иши» электрон илмий журнал / № 11. 2018. 45-49 б.

⁵¹ Лукин А.Е. К разработке программы долгосрочного социально-экономического развития России. проблемы перехода к инновационной экономике // Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики, N 1 (33), 2010. стр. 1-10

⁵² Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. Москва: ЭКСМО, 2007. 864 б.

молиявий ва тижорий комплекс тадбирлар»⁵³, дея таъриф берган бўлса, С.Ильенкова, Л.Гохберг, С.Ягудинлар «илмий-техник ғоялар, ихтиролар ва ишланмаларни амалиётда фойдаланишга яроқли бўладиган натижага қадар етказилган фаолият»⁵⁴, дея таъриф беришган.

Бизнингча, инновацион фаолият, тор маънода бу янгилик яратиш ва у асосида амалий натижа олишни таъминлайдиган фаолиятдир. Кенг маънода инновацион фаолият тўпланган билимлар, технологиялар ва ускуналарни жорий қилинишига ҳамда тижоратлаштиришга қаратилган илмий, технологик, ташкилий, молиявий ва тижорат фаолияти мажмуасидир.



1.2-расм. Инновацион жараённинг модели⁵⁵

Инновацион фаолликнинг асосий хусусияти эса амалга оширилган ҳаракатларнинг интенсивлик даражаси, яъни унинг миқдорий баҳосидир. Инновацион фаоллик "инновацион фаолият" тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Инновацион фаолият тоифасини талқин қилувчи асосий манба "Осло қўлланмаси" халқаро ҳужжати бўлиб, унда маҳсулот, жараён, маркетинг ва саноатдаги технологик инновациялар, уларни баҳолаш ва ўлчаш методологиясини ўрганиш мумкин.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги нафақат инновацион фаолият, балки турли хил ресурслар (молиявий, кадрлар, илмий-техник,

⁵³ Базилевич В.Д. Неортодоксальна теория Й.А.Шумпетера // История экономических учений: У 2 ч.-3-е издание. –К.: Знания, 2006.- Т. 2. –С. 320. -575 с.- ISBN 966-346-150-0. 12. 1. 2

⁵⁴ Ильенкова С. Д., Гохберг Л. М, Ягудин С. Ю. Инновационный менеджмент.-М. Банки и биржи. ЮНИТИ. 1997.-327 стр.

⁵⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

ташкилий, бошқарув, ахборот-услубий ва бошқалар) комбинацияси билан тавсифланадиган инновацион салоҳият билан ҳам белгиланади. Бунда, дастлабки инновацион салоҳиятда инновацион фаолиятнинг турли натижалари инновацион фаоллик даражаси билан изоҳланади.

Умуман олганда, корхонанинг инновацион салоҳияти деганда фойдали янгиликларни, жумладан, янги билимлар, ғоялар, технологиялар, маҳсулотлар, хизматлар, усуллар киритиш ва тарқатиш имкониятини тушуниш мумкин.

Инновацион фаолиятнинг мазмуни ва натижаси инновацияларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тарқатишга қаратилган инновацион салоҳият (муайян ресурсларнинг мавжудлиги) ва ХЮСларнинг инновацион фаоллигини амалга оширишга (интенсивлиги, мураккаблиги, ўз вақтида бажарилиши) бевосита боғлиқ. Бунда, инновацион фаоллик инновацион салоҳият ташқи кучининг ифодасига айланади ҳамда инновацион фаолият мазмуни ва унинг натижалари ўртасида ўзига хос "кўприк" вазифасини бажаради.

Бугунги кунда инновацияларни иқтисодий субъектлар, объектлар ва уларнинг атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларини ўз ичига олган ижтимоий ҳамда илмий-техник жараён сифатида кўриб чиқиш мумкин. Инновацияларнинг янги ролини нафақат илмий-техник ишланмаларни амалга ошириш ва жорий қилиш сифатида, балки иқтисодиёт иштирокчилари ўртасида ахборот, технологиялар ва билимлар алмашиш жараёни сифатида ҳам таъкидлаш керак. Бундан ташқари, инновациялар меҳнат унумдорлигининг ўсиши туфайли ишлаб чиқаришни янада кучайтиришга имкон беради.

Энди инновацион иқтисодиёт тушунчасига тўхталар эканмиз, албатта мазкур тушунча анъанавий равишда "ўсиш" ва "ривожланиш" тушунчаларини ажратган, шунингдек, иқтисодий фаолият соҳасидаги инновацияларнинг ўрни ва аҳамиятини асослаган Жозеф Шумпетернинг илмий тадқиқот фаолияти билан боғлиқдир. Эътиборлиси, ўтган асрнинг

бошларида олим инсоният маданияти тарихида алоҳида позицияни яратиш вазифасини кўйди. Ушбу позиция иқтисодий жараёнларга нисбатан инновацион ниятни акс эттирди. Шу маънода, Шумпетер "йўқ жойдан" инновациялар ёки "тасодиқий янгилик"ни инкор этади, иқтисодий дунёда асосий роль бутунлай тадбиркорларга тегишли эканлигини таъкидлайди, чунки улар янгисини яратишда таваккал қилишга қодир, деб ҳисоблайди⁵⁶.

С.Курегян ва бошқаларнинг фикрича, инновацион иқтисодиёт - нисбатан яқинда пайдо бўлган, юқори технологик ва сифат жиҳатидан янги ресурслар ва маҳсулотларни яратиш ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган иқтисодиёт туридир⁵⁷. Илмий билимлар ва номоддий соҳа улушининг устунлиги инновацион иқтисодиётнинг фарқли жиҳати ҳисобланади.

К.Герасимов ва бошқаларнинг фикрига кўра, инновацион иқтисодиёт технологик тадбиркорлик ва инвесторнинг интеграцияси орқали шаклланади. Технологик тадбиркорлик яратишни, инвестор эса молиялаштиришни амалга оширади. Инновацион иқтисодиёт интеллектуал фаолият натижаси учун пул шаклидаги мукофотга таянади⁵⁸. Айтишимиз мумкинки, ишлаб чиқарувчилар маълум даражада технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотадилар ва тарқатадилар. Бирок, бу жараёнга мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар томондан қарайдиган бўлсак, бу жараённинг миллий иқтисодиётлар учун ривожланиш кўлами ва долзарблиги ойдинлашади.

С.Сайфуллина ва бошқалар инновацион иқтисодиёт тушунчаси билимлар иқтисодиёти, янги иқтисодиёт каби тушунчалар билан боғлиқ, деб

⁵⁶ Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. - М.: Эксмо, 2007. – 864 с.

⁵⁷ Курегян С.В., Елкина О.С., Елкин С.Е. Инновационная экономика и экономика инноваций // Экономическая наука сегодня. 2018. №8. С. 43-47.

⁵⁸ Герасимов К.Б., Шкодина Е.С. Экономическое лидерство и инновационная экономика. I Междисциплинарный Форум с международным участием «Человек. Знак. Техника». Самарский национальный исследовательский университет имени академика С.П. Королева. Россия, г. Самара, 2021. 212-216 стр.

ҳисоблайди⁵⁹. Иқтисодиёт ушбу тармоғининг асосий мақсадларидан бири турли ижтимоий-маданий хусусиятларнинг ривожланиш суръатларини янада ривожлантириш ва тезлаштиришдир.

Л.Орлова эса инновацион иқтисодиётни янги билимлар ва инновацион маҳсулотлардан тенг равишда фойдаланиш, уларни инсон фаолиятининг турли соҳаларига амалда татбиқ этишга тайёрлик асосида ривожланаётган иқтисодиёт, деб ҳисоблайди⁶⁰. Инновацион иқтисодий тизим эса шундай тизимки, бунда унинг ривожланиши учун технология асосий таянч ҳисобланади.

Р.Исаев инновацион иқтисодиётни (билимлар иқтисодиёти, интеллектуал иқтисодиёт) инновациялар оқимида, доимий технологик такомиллаштиришга, жуда юқори қўшилган қиймат билан юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга ҳамда технологияларнинг ўзларига асосланган иқтисодиёт шаклидир, дея таъкидлайди. Муаллиф ўз илмий ишида Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма, Д.Белл ва Дж.Нейсбитт каби баъзи тадқиқотчиларнинг айнан инновацион иқтисодиёт замонавий дунёда аксарият ривожланган мамлакатлар учун жаҳонда иқтисодий устунликни таъминлайди, деган илмий қарашларини алоҳида қайд этган⁶¹.

И.Бойконинг таъкидлашича, инновацион иқтисодиёт, бу - ўзгарувчан ички ва ташқи шароитларга тез мослаша оладиган динамик иқтисодиётдир⁶². Инновацион иқтисодиёт том маънода билимлар иқтисодиётидир. Чексиз яхшиланишларнинг оқими жуда катта қўшилган қийматга эга юқори технологияли маҳсулотларни яратиш имкониятларини

⁵⁹ Сайфуллина С.Ф., Усманова З.Я. Признаки инновационной экономики // Инновационная наука. 2015. №12-1. С. 264-266.

⁶⁰ Орлова Л.Н. Инновационная экономика: факторы и противоречия развития, уровни формирования. Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ». ФГБОУ ВПО «Московский государственный университет экономики, статистики и информатики (МЭСИ)» Том 7, №3. Россия, Москва. 2015. стр. 1-15.

⁶¹ Исаев Р.О. Устойчивое развитие, наука, инновации – три вектора региональной экономики будущего // Креативная экономика. – 2019. – Том 13. – № 11. – С. 2169-2178. doi: 10.18334/ce.13.11.41360.

⁶² Ворушили Л.В. Государственно-частное партнерство в обороннопромышленном комплексе: анализ специфики и перспективы развития [Текст] / Л.В. Ворушили, А.Х. Курбанов, Р.А. Князьнеделин // Управленческое консультирование. – 2014. – № 3 (63). – С. 73-80.

вужудга келтиради. Бозор нархида сотиладиган янги юқори технологияли саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш "билимлар иқтисодиёти"нинг бир қисми ҳисобланиб, ишланмалар ва илмий тадқиқот жараёни уйғунлигини англатади⁶³.

О.Белокрилова инновацион иқтисодиётнинг хусусиятларини келтирар экан, муаллифнинг фикрига кўра, тор маънода бу шундай иқтисодиётки, иқтисодий ўсишнинг асосий омили инновация ҳисобланади. Кенг маънода инновацион иқтисодиётни тегишли институтлар негизида инновацияларни такрор ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий муносабатлар тизимига асосланган бошқарув (хўжалик юритиш) усули сифатида талқин қилиш мумкин⁶⁴.

Бизнингча, тор маънода инновацион иқтисодиёт – бу аксарият корхоналар томонидан инновацион фаолиятни амалга ошираётган, яъни инновацион маҳсулотни ишлаб чиқарадиган ва қўллайдиган иқтисодиётдир. Кенг маънода эса, иқтисодиёт тармоқлари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар, иқтисодиётни бошқаришга фан-техника соҳасидаги қўлга киритилган янгиликлар, кашфиётлар, ноу-хау, патентларни жорий этиш ҳисобига интенсив ривожланишни йўлга қўйган замонавий иқтисодиётни ифодаловчи тушунчадир.

Юқорида инновацион иқтисодиётга берилган таъриф ва талқинлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, инновацион иқтисодиёт ишлаб чиқариш, хизматлар самарадорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, экологик ёки ижтимоий фойда олиш учун ҳар қандай фойдали янгиликдан (инновациядан) самарали фойдаланиш тизимидир.

⁶³ Инновации в науке, обществе, образовании: факторы и механизмы устойчивого развития: монография / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева - Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». - 2021. - 200 с.

⁶⁴ Андреев О.С. Развитие инновационной экономики на основе трансформации наукоемкого сектора. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Федеральное государственное автономное образовательное учреждение высшего образования «Самарский национальный исследовательский университет имени академика С.П. Королева». Самара. 2021. 294 с.

Фикримизча, инновацион иқтисодий шакллантириш мантиғи куйидаги кетма-кетликка асосланади: инновациялар-инновацион фаолият-инновацион иқтисодиёт. Иқтисодийнинг бундай турини тавсифлаш учун билимлар иқтисодиёти, ахборотга асосланган иқтисодиёт, янги иқтисодиёт каби атамалар қўлланилади.

Инновацион иқтисодиёт биринчи навбатда молиявий ресурслар етарли бўлишини тақозо этади. Шу ўринда, инновацион иқтисодиёт белгилари сифатида куйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Юқори малакага эга бўлган, янги ғоя ва тадбирларни амалга ошира оладиган, янги техника-технологияларни қўллай оладиган кадрлар захирасининг мавжудлиги;

2. Хўжалик субъектларининг доимий равишда ўз фаолиятига янги замонавий техника ва технологиялар, жиҳозларни жорий қилиш орқали ўз фаолиятини модернизациялашга интилиши;

3. Хўжалик субъектларининг инновацион ва инвестицион фаолиятини молиявий ресурслар билан узлуксиз таъминлашга қодир бўлган ривожланган банк–молия институтларининг мавжудлиги ва бошқалар.

Юқорида келтирилган инновацион иқтисодийнинг белгиларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу атамага янада батафсилроқ ва мукамалроқ таъриф бериш мумкин. *Демак, инновацион иқтисодиёт - ишлаб чиқаришда хом-ашё ресурсларини тежайдиган, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашни мақсад қилиб қўювчи, вақтни ва сарф-харажатларни тежовчи, кадрларга юксак маънавий-интеллектуал талаблар қўйган, ахборот асрнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошқарув ва меҳнатни оқилона ташкиллаштирувчи, товар-пул муносабатлари, хизмат кўрсатиш жабҳалари, ахборот ва молия айрибошлашни оптималлаштирувчи, келажак авлодга улкан табиий ресурслар ва бой интеллектуал мерос қолдирувчи ҳамда иқтисодий тараққиёт талабларига тез мослашувчи иқтисодиёт ҳисобланади.*

Инновацион иқтисодиёт биринчи навбатда инсон омили, яъни инсоннинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутди. Мазкур турдаги иқтисодиёт аломатлари аввалги даврларда ҳам кўзга ташланган бўлсада, бироқ бугунгидек долзарблик касб этмаган. Негаки кейинги даврларда жаҳон оммасини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолар, яъни аҳоли сонининг кескин ўсиши ҳисобига хом-ашё ресурслари камайиб бориши, саноатлашув жараёнидаги экологик инкирозларни бартараф этиш зарурати, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни оптималлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион иқтисодиётга ўтишни заруратга айлантормоқда.

Қолаверса, Собик Иттифоқ давридаги иқтисодий тараққиётга хос хусусиятлар, яъни маъмурий-буйруқбозлик, иқтисодий тараққиётга ривожланган давлатлар ютуқларининг жалб қилинмаслиги, табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиш, исрофгарчилик, экстенсив омилларнинг устунлиги ҳисобига турғунлик ва кейинчалик қолоқликнинг вужудга келишидан тегишли сабоқ чиқарган МДҲ мамлакатларининг инновацион иқтисодиётга мурожаат қилиши тарихий зарурат бўлиб қолди.

Бундан ташқари, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш зарурати, яъни ўз ўсишини таъминлаш учун инновациялардан мунтазам ва кенг фойдаланиш зарурати ҳозирги кунда кенг доирадаги тадқиқотчи олимлар, амалиётчилар, сиёсатчилар ва жамоат арбоблари томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, С.Гулямов фикрига кўра, Ўзбекистоннинг халқни турмуш даражасини ошириш учун инновацион ривожланиш йўлига ўтишдаги муаммоларини ечиш зарур. Инновацион иқтисодиёт келгуси авлод фаровонлиги учун барча турдаги ресурсларни инновация ва юқори сифат орқали иқтисод қилиб етказишдир⁶⁵. Инсон интеллектуал ривожланиш индекслари таҳлили орқали Ўзбекистон аҳоли сони ўсиши кўрсаткичларини

⁶⁵ Гулямов С. Инновационное развитие Узбекистана: проблемы и пути их решения. // Иқтисодиёт ва таълим. Инновация ва инвестиция. 2018. № 2.43-47 б.

ва иқтисодиётнинг бугунги кўрсаткичлардаги ўсишига ҳамоҳанг равишда ресурслар камайиши тенденцияларини ҳисобга олиш керак.

Инновацион иқтисодиёт, ўз навбатида, жаҳон интеллектуал мулкнинг энг муҳим сегментларидан бўлган илмий ишланмалар бозори ривожланишига тurtки бўлди. Бу бозор илмий-техникавий ишланмалар ва турли лойиҳалар олди-сотди қилиниши, тендерлар ўтказилиши, контрактлар тузилиши, грантлар танлови ўтказилиши, ярмарка ва кўргазмалар ташкил этилиши, янгиликларни инновация фирмалари ва биржалардан сотиб олиниши билан ифодаланади. Бунда, бозорда сотувчи сифатида университетлар, илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технологик, лойиҳалаштириш фирмалари фаолият кўрсатади. Улар ўзи ишлаб чиққан ғоялар ва лойиҳаларни таклиф этадилар. Харидор вазифасини эса турли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фирмалари ҳамда давлат идоралари бажаради.

Замонавий жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши бир нечта фундаментал омиллар билан белгиланади:

ривожланаётган бозорларда инновацион ва инвестицион фаолликнинг ошиши;

глобаллашув жараёнларининг давом этиши ва минтақавий интеграция жараёнларининг кучайиши шароитида ривожланган мамлакатларда нисбатан заиф иқтисодий ўсиш.

Ривожланишнинг инновацион тури инновацияларни ишлаб чиқаришга узлуксиз жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларига эришишини англатади. Ҳозирги замоннинг шиддатли рақобат шароитида инновациялар ҳар қандай корхонанинг ривожланишида, шунингдек миллий рақобатбардошликни таъминлашда асосий рол ўйнайди.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ЯИМ ўсишининг 80-95 фоизгача қисми инновациялар орқали таъминланади. 2012 йилда жаҳонда юқори технологияли маҳсулотлар бозори ҳажми 12,6 трлн. доллардан ошиб, унинг 36 фоизи АҚШга, 30 фоизи Японияга, 9,5 фоизи Германияга, 6 фоизи

Хитойга тўғри келди⁶⁶. 2020 йилга келиб эса юқори технологик товарларни экспорт қилувчилар рўйхатида биринчи ўринни Хитой эгаллади (745,3 млрд. АҚШ доллари), сўнгра Европа Иттифоқи (ЕИ) (316,1 млрд. АҚШ доллари), АҚШ (207,4 млрд. АҚШ доллари) ва Жанубий Корея Республикаси (137,8 млрд. АҚШ доллари)⁶⁷ бу рўйхатдан ўрин олди.

Энг ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиёт йўналишларини таҳлил қилганда кўплаб иқтисодий тизимлар ичида такрор ишлаб чиқариш ҳар бир циклда фан ва техниканинг янги ютуқларидан фойдаланишга асосланган ҳолда барқарор интенсивлашганлиги қайд этилади. Такрор ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган жараёни ривожланишнинг инновацион тури билан аниқлана бошлади ва бундай такрор ишлаб чиқаришнинг ўзи инновацион деб номлана бошлади. Париждаги INSEAD мактаби ва Жаҳон бизнес интернет портали мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, давлатларнинг инновацион ривожланиш индексини аниқлаш саккизта омилга асосланган бўлиб, улар орасида "инсон капитали", "рақобатбардошлик", "бизнес ва капитал" ҳамда "инфратузилма" етакчи ўринни эгаллади.

Бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиш қобилияти эга. Ўзини ўзи тартибга солишнинг мавжудлиги эса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви заруратини истисно этадигандай кўринади. Бироқ, ҳозирги кунга қадар бозор шаклидаги иқтисодиётда давлатнинг роли масаласи мунозаралигича қолмоқда. Масалан, фақатгина табиатан “мукамал” бозор мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида ташқаридан тартибга солиш чораларини қўллаш заруратида эмас, балки давлат ва жамиятнинг сиёсий институтлари ҳаракатлари, барқарор иқтисодий ва бозор муносабатларининг вужудга келишида дастлабки шарт сифатида намоён бўлади.

⁶⁶ Чайковская Л.А., Мамрукова О.И. Налоговое регулирование как эффективное средство развития инновационной экономики / Инновационная экономика России и зарубежных стран. 2013. стр. 103-129.

⁶⁷ Джон Миллер, компания Trade Data Monitor (TDM), и Саша Вунш-Винсент, Всемирная организация интеллектуальной собственности (ВОИС). 15-03-2021. В торговле высокотехнологичными товарами во второй половине 2020 г. наблюдался активный рост, что послужило интересам новых азиатских экспортеров. https://www.wipo.int/pressroom/ru/news/2021/news_0001.html.

Ўз навбатида, инновацион иқтисодиётнинг таянч тамойиллари, белгилари ва индикаторларини атрофлича кўриб чиқиш жоиз. Аввало бўш капитал эгалланишига тўхталар эканмиз, уларнинг эгалланиши инновацион жараённинг ҳар бир босқичида иштирок этади. Давлат илмий грантлар ва инновацион инфратузилмага қўйилмалар орқали фундаментал илм-фанни молиялаштиради. Бу ҳар қандай тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштиришга манфаатдор ўзаро рақобатлашадиган турли хил илмий жамоаларни жалб қилади.

Инновацион иқтисодиёт инновацион жараённинг ҳар бир босқичида ўзининг маҳсулотлари, хизматлари ва агентлар сонининг ортиқ ёки етарли бўлишини кўзда тутди. Хусусан, билимлар, ғоялар, ишланмалар, патентлар, юқори технологиялар, корхоналар, тадбиркорлар, олимлар, инфратузилмалар керагидан ортиқ бўлиши кўзда тутилади. Бу рақобатга ундайди ва уни қўллаб-қувватлайди, натижада товарлар хилма-хиллиги ва сифати ҳамда меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Рақобат шахс, инсон капитали, иқтисодиёт ва жамиятнинг бош интенсив омил сифатида ривожлантириш двигатели ҳисобланади.

Инновацион тизимнинг илм ва таълим тизими билан ҳамкорлик доирасида инновацияларни ишлаб чиқарувчи турли компанияларнинг яратилишини рағбатлантириш рўй беради. Бу илмий ускуна, технопарклар, махсус солиқ ҳудудлари, имтиёзлар ва дотациялардан жамоавий фойдаланадиган марказларни қуриш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион иқтисодиёт янги ташкил этиладиган бозорлар орқали барпо этилади. Янги ғоялар, ишланмалар, интеллектуал мулк, инновацион маҳсулотлар бозорида иқтисодиётнинг эски тузилмалари алмаштирилади ва янги сифатга ўтказилади.

Давлат манфаатлари бозор иқтисодиётининг барча босқичларида иштирок этади. Буни ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг амалиёти шак-шубҳасиз намойиш этмоқда.

Машхур америкалик олим Дж.Стиглиц фикрига кўшилар эканмиз, бозор механизмининг қодирсизлиги иқтисодиёт ривожда давлат аралашуви заруратининг асосий сабаби ҳисобланади⁶⁸. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш заруратига қатор далилларни келтириш мумкин:

1. Бозор субъектлари учун ахборотларнинг мавжуд эмаслиги ёки етарли эмаслиги ва бунинг оқибатида бозор тўлиқ мувозанатга эриша олмаслиги;

2. Бозор измида бўлмаган омилларга мувофиқ жамият неъматларини қайта тақсимлаш зарурати;

3. Етарли ҳажмда кўплаб бозор турларининг мавжуд эмаслиги;

4. Такмиллашган реал рақобатнинг йўқлиги;

5. Фундаментал илм-фан, муҳофаа хизматлари ва шу каби бошқа жамият неъматлари яратилиши ва истеъмол қилиниши билан боғлиқ аҳамиятли соҳаларнинг мавжудлиги.

Албатта, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор иқтисодиёти ишлашини яхшилашга олиб келган тақдирдагина ўзини оқлаган деб ҳисобланади. Замонавий шароитда давлат ва унинг ҳукумати иқтисодиётни тартибга солиш бўйича ўзига муайян функциялар рўйхатини қабул қилади. Мазкур функциялар ўзида миллий хўжалик юритувида ички ва ташқи шароитларни белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг муайян йиғиндисини ифода этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналиши инновацион соҳанинг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Инновацион фаолият катта молиявий инвестиция-ларни талаб қилади, шунинг учун уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг объектив зарурати юзага келади.

⁶⁸ Блауг М. Стиглиц, Джозеф Э. // 100 великих экономистов после Кейнса = Great Economists since Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2009. - С. 286 -288. - 384 с.

Давлат томонидан кўллаб-қувватлаш деганда тадбиркорлик субъекти ёки маълум бир ижтимоий институтнинг лозим даражада ривожланишини таъминлаш учун давлат фаолиятининг ўзига хос шакли тушунилади. Инновациялар эса ишчиларнинг билимлари, кўникмалари ва ижодкорлигига боғлиқдир.

Давлат бошқаруви инновацияларни ҳамда кучли илмий-техник базани ҳисобга олган ҳолда, динамик ва инновацион иқтисодиётга зарур бўлган, шу жумладан, билимлар ва юқори таълим стандартларига асосланган ижтимоий товарлар кўлами ва турларини ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратишда муҳим рол ўйнайди⁶⁹.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва юқори технологияли маҳсулотлар экспортини кенгайтиришнинг муҳим омили унинг инновацион ривожланиш йўлига босқичма-босқич ўтишидир. Ўзбекистонлик айрим экспертларнинг фикрича, "... XXI асрда турли мамлакатларнинг стратегик муҳим муаммоларини ҳал қилишда инновация, инновацион фаолият ва билимга асосланган иқтисодиёт ёки инновацион иқтисодиёт муҳим рол ўйнайди ..." ⁷⁰.

Маълумки, АҚШ, Япония, Европа Иттифоқининг бир қатор давлатлари ва Жануби-Шарқий Осиёдаги ривожланган мамлакатларнинг барқарор ривожланиш йўлига ўтишига асосан иқтисодиётнинг реал секторидаги инновацион жараёнларнинг кенгайиши туфайли эришилди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда инновацион самарадорликнинг асосий омили К.Фримен томонидан "миллий инновацион тизим" деб номланган иқтисодий механизмнинг мавжудлигидир. Айнан унинг шаклланишида бир қатор давлатлар ҳукуматларининг фаолияти сўнгги йилларда беқарорлик ва

⁶⁹ Ильина Н.А. Роль государственного регулирования в инновационной деятельности организаций//Научный электронный журнал Меридиан. – 2018. – № 1 (12). – С. 54-56.

⁷⁰ Воронин С. А., Корабоев Б. У. Государственное стимулирование развития инновационной сферы в условиях глобализации. // *Ars Administrandi* (Искусство управления). 2017. Том 9, № 3. С. 434-451. DOI: 10.17072/2218917320173434451. стр. 434-451.

рақобат кучайиши шароитида жаҳон бозорларида сезиларли ютуқларга эришишни мақсад қилиб қўйган⁷¹.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш босқичида давлатнинг роли миллий инновацион тизимни яратиш ташаббускори, инновацион жараёнларнинг катализатори, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, низоларда ҳакамлик қилиш, миллий инновацион тизимнинг турли тузилмалари ўртасида мулоқот ташкилотчиси бўлишдир. Шу муносабат билан ҳар қандай мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим вазифаси унинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиш учун зарур шартларни шакллантириш ҳисобланади.

АҚШ иқтисодиёти ўзининг моҳиятига кўра либерал ҳисобланади ва бундай мамлакатнинг иқтисодиётида давлатнинг роли минимал бўлиши керакдай кўринади. Аслида Қўшма Штатлар иқтисодиётининг либераллик даражаси кучли бўрттирилган. Моҳиятан ҳукумат маҳсулот ва хизматларнинг энг йирик буюртмачиси, асосий тадбиркор ва бош банкир ҳисобланади⁷².

АҚШнинг илмий-техник ривожланишида давлат муҳим аҳамият касб этади ва шунинг учун бу эҳтиёжларга давлат харажатлари ўсиб бормоқда. Бу йўналишда АҚШда муайян имтиёз сиёсати амалга оширилмоқда. Масалан:

илмий тадқиқотлар ва ишланмалар қўлланилиши ҳисобидан олинган фойдани солиққа тортишдан озод этиш;

давлат мулкани бепул ижарага бериш ва давлат маблағлари ҳисобидан кадрлар тайёрлаш;

⁷¹ Dorin M., Olaru M., Andreea M., Eidenmüller T. Importance of Innovation in the Context of Changes Arising from Economic Globalization // Proceedings of the 27th International Business Information Management Association Conference “Innovation Management and Education Excellence Vision 2020: From Regional Development Sustainability to Global Economic Growth”. Milan: IBIMA, 2016. P. 3102–3108. Rodriguez V., Soeparwata A. The Governance of Science, Technology and Innovation in ASEAN and Its Member States // Journal of the Knowledge Economy. 2015. Vol. 6, № 2. P. 228–249.

⁷² Игнатова Т.В. Государственное регулирование экономики. Учебное пособие. Часть 1. Ростов/н/Д. Изд-во СКАГС. 2006. С. 11.

давлатнинг интелектуал мулки, патентлари ва лицензияларидан бепул фойдаланиш.

АҚШда давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хослиги нафақат миллийлаштирилган корхоналар мулкига таянади, балки Европа сингари федерал бюджетнинг жуда катта молиявий ёрдамига ҳам таянади.

Буюк Британияда асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини кўтариш мақсадида ҳукумат узоқ муддатли дастур ишлаб чиқади. Ушбу дастурда кўрсаткични кўтаришнинг асосий омили сифатида инновацион технологиялар ва юқори қўшилган қийматга эга илм-сиғимкор маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ривожлантириш ҳисобланди. Дастур макроиктисодий барқарорлик, инвестициялар, илм-фан ва инновациялар, илғор амалиёт, таълим даражасини кўтариш, замонавий инфратузилма ва тўғри бозор тузилмасини ўз ичига олади. Мазкур дастурнинг ҳар бир бобида муаммоларнинг аҳамияти, вазифалари, ҳал этиш усуллари ва унда ҳукумат иштирокининг роли каби аниқ фундаментал таянчлар белгиланган. Барча белгиланган таянчлар давлат томонидан тартибга солинмагунча мустаҳкам бўлмайди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати икки турдаги сабаблар билан изоҳланади. Биринчиси жамият манфаатларини қондириш зарурати билан боғлиқ бўлса, иккинчиси жамиятнинг такрор ишлаб чиқариш ва унинг кенгайиши заруратидаги қарама-қаршилиқларнинг объектив юзага келиши билан боғлиқ.

Шунингдек, инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солишнинг зарурати биринчи навбатда, иқтисодиёт ва жамият учун инновацион жараёнлар аҳамиятининг ортиб бораётганлигидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, инновацияларни жорий қилиш жараёнларига давлат аралашувининг зарурати илмий ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, юқори харажатлар ва якуний натижанинг номаълумлиги билан изоҳланади.

Бозор узоқ муддатли рискли инвестициялар муаммосини ҳал қилишга қодир эмас, шу сабаб бу функцияларни давлат ўз зиммасига олади.

Илмий иқтисодий муҳитда давлатнинг тартибга солиш функцияси турлича талқин қилинади. Баъзи бир олимлар давлатнинг маълум бир жараёнлар ва иқтисодий ходисаларнинг ўзгариши ёки уларнинг алоқаларини таъминлаш (қўллаб-қувватлаш) мақсади билан фаолият кўрсатаётган иқтисодий тизимга мақсадли йўналтирилган таъсир этиш шакли деган фикрга таянадилар. Баъзилари давлатнинг тартибга солиш функциясини иқтисодий дастаклар ёрдамида иқтисодиёт ривожига таъсир этиши сифатида, яна бошқалари эса иқтисодий сиёсатни ўз назарияси, услублари ва амалиётини амалга ошириш механизми сифатида кўриб чиқадилар.

Давлатнинг тартибга солиши ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва инновацион ривожланишнинг стратегик йўналишлари танлаб олиншига асосланади. Ресурслар чекланган шароитларда, улардан келажакда энг юқори иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий самара олиш имкониятини берувчи фойдаланиш йўналишларини танлаб олиш асосий вазифа ҳисобланади. Бу танлов иқтисодиётни ривожлантиришнинг истикболли йўналишларини акс эттирувчи устуворликлар тизими сифатида амалга оширилади.


Ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланиб, шуни айтиш мумкинки, агар илгари инновацион соҳани давлат томонидан тартибга солиш энг муҳим ва қиммат лойиҳаларга тор доирада таъсир кўрсатилган бўлса, замонавий давлат бутун инновацион комплексни тартибга солишга интилади. Бу нафақат аниқ лойиҳаларни, балки таълим ва фундаментал фан тизимини ҳам фаол қўллаб-қувватлаш истагида намоён бўлмоқда.

Инновацион соҳада давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича янги механизмни яратиш зарурати илмий-техника тараққиётининг бозор тамойилларига асосланган рақобатбардош устунликларини қўлга киритишнинг етакчи омилига айланиб бораётгани билан изоҳланади. Тадбиркорлик илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда асосий

манфаатдор томонлардан бири сифатида тан олинди. Хусусий тадбиркорлик секторининг инновацион фаолияти давлат томонидан кўйидаги асосий шарт-шароитлар яратилиши натижасида эришилади:

- инновацион ривожланиш устуворликларини аниқлаш;
- асосий тадқиқотларни молиялаштириш;
- зарур ҳуқуқий, ахборот, таълим ва маданий муҳитни шакллантириш.

Шу билан бирга, кўйидаги 1.3-расм орқали инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлашга зарур бўлган асосий сабабларни кўриб чиқамиз.



1.3-расм. Инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган асосий сабаблар⁷³

Алоҳида ХЮС томонидан кўламли инновацияларни амалга оширишда молиявий ресурслар марказлашувининг имкони йўқлиги, инновацион лойиҳалар натижаларининг ноаниқлиги, кўйилмалар қопланиши даврининг узоклиги, инновацион фаолиятнинг турли субъектлари томонидан ИТТКИга такрорий харажатлар қилиниши, аксарият фундаметал тадқиқотларни тижоратлаштириб бўлмаслиги ва алоҳида корхоналар

⁷³ Мармилова Е.Н. Роль налогов как экономических рычагов стимулирования инновационных процессов // Экономические и юридические науки. Финансы и налогообложение. № 5 Минск. 2016. стр. 109-115.

томонидан илмий-техник ютуқларга монопол эга бўлиши инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга зарур бўлган асосий сабаблар ҳисобланади.

Замонавий шароитда асосий эътибор илм-фанни ривожлантиришнинг энг истикболли йўналишлари ва лойиҳаларини амалга оширишга қаратилмоқда. Бунда, фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш, ишланмалар ишлаб чиқариш, уларни жорий этиш ва тижоратлаштиришни ўз ичига олган инновацион циклнинг интерфаол моделини давлат томонидан тартибга солиш зарурати юзага келмоқда. Ушбу модел вақт ўтиши билан биров ўзгарган бўлса ҳам, у инновацион цикл босқичларида ишлаш ва уларни тuzатиш зарурлигига асосланади. Шубҳасиз, йирик лойиҳаларни амалга оширишда бундай мувофиқлаштириш давлатнинг фаол аралашувини талаб қилади. Зеро, инновацион иқтисодиётнинг янги турини шакллантириш ишлаб чиқаришнинг янги юқори технологик соҳаларини ривожлантириш орқали амалга оширилади.

Фикримизча, инновацион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида давлатнинг иштироки асосан илмий ва кичик илмий-техник тадбиркорликни меъёрий молиялаштириш, кичик илм-сиғимкор фирмаларга маблағлар сафарбар этаётган хусусий инвесторларни суғурталаш, қулай солиқ муҳитини яратиш, хусусий фирмалар ва университетлар томонидан яратилаётган қўшма тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаш, илмий-техник ахборот хизматлари ва халқаро илмий-техник ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда илм-фаннинг моддий техника базасидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга ошириш каби шаклларда намоён бўлиши керак.

Замонавий иқтисодиёт ривожини инвестициялар ва инновацияларсиз таъминлаб бўлмаслиги маълум. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларини инновацион-инвестицион фаолият билан шуғулланиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш ҳар қандай замонавий давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шу

жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётини жадал ривожлантириш, инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш бугунги кунда ва яқин келажакда давлат ҳал қилиши лозим бўлган жуда муҳим ва долзарб масаладир.

Инновациялар давлат учун ҳам, умуман аҳоли учун ҳам жуда муҳимдир, чунки улар мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга, бозорни юқори сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга ва янгиликларни жорий этишга ҳисса қўшади. Инновацион корхоналар мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун зарур шарт-шароитларни, қўшимча иш ўринларини яратадилар ва рақобат муҳитини тўйдирадилар.

Бундан ташқари, инновациялар макроиқтисодий кўрсаткичларга, ижтимоий барқарорликка, атроф муҳитга, халқаро техник ҳамкорлик интенсивлигига, миллий хавфсизлик даражасига ва жаҳон хўжалик тизимида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигига таъсир кўрсатади. Давлат инновацион жараёнларни тартибга солиши керак, чунки ҳозирги кунда айнан у иқтисодиёт ривожини истиқболларини белгиламоқда.

§ 1.2. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли ва солиқ механизмидан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамияти

Бозорнинг ўз-ўзини тартибга солишнинг номукамаллиги билан бирга, иқтисодиётни инновацион ривожланишининг барча таркибий қисмларини бозор муносабатлари тўлиқ қамраб олмаслиги замонавий иқтисодиётнинг ривожланишига тўсиқ бўлади. Ушбу тўсиқларга барҳам беришда эса давлатнинг турли механизмлари орқали аралашуви муҳим аҳамият касб этади.

Инновацион иқтисодиётни асоси ҳисобланган илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жамият олдида турган ижтимоий-

иктисодий ва техник вазифаларга эришиш учун амалга ошириладиган норматив, маъмурий, ташкилий, молиявий, ресурс ҳамда бошқа характердаги бевосита ва билвосита чоралари мажмуи сифатида белгилайди⁷⁴. Мазкур чоралар қатор усуллар орқали амалга оширилади.

Давлат томонидан тартибга солиш усуллари деганда иқтисодиёт миллий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ва яратиш учун ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар орқали бозорга, иқтисодиётнинг ноижорат секторига, тадбиркорлик соҳасига таъсир ўтказиш усуллари тушунилади.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солиш усулларини таснифлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Аммо энг умумий тасниф сифатида бошқарув таъсирининг табиатига кўра бевосита ва билвоситага гуруҳлаш мумкин, уларнинг нисбати инновацион фаолиятга давлат таъсирининг танланган шакли ва мамлакатдаги иқтисодий вазият билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида билвосита усулларнинг тўрт гуруҳи қўлланилади⁷⁵:


- Солиқ имтиёзлари.
- Кредитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш.
- Солиққа тортишни кечиктириш.
- Махсус ҳуқуқий қоидалар.

Албатта, инновацион корхоналарга энг яхши усул бу солиқ имтиёзларини таклиф қилиш. Чунки, бошқа усуллардан фарқли ўлароқ, бу давлат бюджетидан маблағ ажратишни талаб қилмайди, фақат бюджетга ўтказилиши керак бўлган корхона маблағларининг бир қисмидан воз кечиш керак бўлади.

⁷⁴ Киселев А.О., Безрукова Т.Л. Методы государственного стимулирования инновационной деятельности// А.О. Киселев, //Актуальные направления научных исследований XXI века: теория и практика. – 2017. – Т. 5. № 1 (27). – С. 411-415.

⁷⁵ Инновации в науке, обществе, образовании: факторы и механизмы устойчивого развития. Монография. / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева - Пенза: Международный центр научного сотрудничества. «Наука и Просвещение». - 2021. - 200 с.


Амалдаги усулларнинг тузилиши тартибга солинадиган объектлар хусусиятига боғлиқ. Бевосита усуллар давлат мулкани бошқаришда кенгрок қўлланилса, билвосита усуллар асосан нодавлат мулк шакллари объектларига нисбатан қўлланилади.



1.4-расм. Инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тамойиллари ва шакллари⁷⁶

Иқтисодиётни бевосита давлат томонидан тартибга солиш усуллари бозор субъектлари фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Бевосита таъсир кўрсатиш таъсир кўрсатишнинг иқтисодий инструментлари ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий инструментлар кўмагида амалга оширилади. Давлат томонидан бевосита тартибга солишнинг асосий воситаларига мақсадли комплекс лойиҳалар ва макроиқтисодий режалар бўйича чора-тадбирлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат буюртмалари, турли меъёрлар, марказлашган ҳолда ўрнатилган нархлар, квоталар, лицензиялар, лимитлар, давлат бюджети харажатлари ва бошқалар ҳисобланади. 1.5-расмда таъсир кўрсатиш шакллари бўйича давлат томонидан тартибга солиш усулларини кўриб чиқишимиз мумкин.

⁷⁶ Инновации в науке, обществе, образовании: факторы и механизмы устойчивого развития. Монография. / Под общ. ред. Г. Ю. Гуляева - Пенза: Международный центр научного сотрудничества. «Наука и Просвещение». - 2021. - 200 с.



1.5-расм. Давлат томонидан тартибга солиш усуллари⁷⁷

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усулларига бозор субъектларининг хатти-ҳаракатларини, билвосита маълум бир иқтисодий муҳитни ривожлантириш орқали уларни давлат учун зарур йўналишда ишлашга ундовчи усуллар ҳисобланади. Бундай тартибга солиш усулларига бюджет, фискал, инвестицион, пул-кредит, инновацион, амортизация ва молиявий сиёсатнинг бошқа соҳаларининг воситалари ҳисобланади.

Бевосита тартибга солишнинг биринчи усули илмий соҳани бюджетдан молиялаштиришга тегишли ва инновацияларнинг таркибий томонларини ўз ичига олади. Билвосита усуллар инновациялар учун қулай муҳит яратади, инновацион соҳага йўналтирилган корхоналарни юқори ижтимоий маъқеи ҳамда таълим ва фан соҳасидаги юқори обрўси учун рағбатлантиради. Билвосита усуллар бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ мос келади, улар рақобат муҳитини яратишга ёрдам беради ва корхоналарни янада самарали ишлашга, давлат ва жамият манфаати учун ижтимоий фойдали ҳаракатларни содир этишга, ўз фаолиятларини оптималлаштиришга ва инновацияларни жорий қилишга ундайди. Зеро, солиқ воситалари

⁷⁷ Изланишлар ва тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

билвосита усуллар ичида энг самарали таъсир этувчи механизмлардан бири ҳисобланади.


Иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли ва солиқ механизмидан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамиятини очиқ беришда албатта, солиқ механизмининг иқтисодий моҳиятини ёритиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди.

Ҳозирги кунга келиб, иқтисодий ва молиявий адабиётларда солиқ механизми тушунчасига ягона таъриф бўлмасда, аксарият иқтисодчи олимлар ва мутахассислар солиқ механизмини солиқ сиёсатининг мақсадларига эришишдаги солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари тўплами сифатида эътироф этадилар (7-иловага қаранг).

Адабиётлардаги мазкур атамага берилган таърифлар таҳлили орқали солиқ механизмининг иқтисодий ва ҳуқуқий моҳиятига кўра, бизнингча унга берилган энг мақбул таснифларини шарҳлаб ўтамиз. Солиқ механизми солиқ муносабатларининг усуллари ва қоидалари мажмуи бўлиб, унинг ёрдамида солиқ сиёсатининг мақсадларига эришилади. Мазкур таъриф кенг тарқалган ва умумэътироф этилган таърифлардан бири бўлиб, фикримизча солиқ механизмининг тор маънодаги иқтисодий моҳиятини ифодалайди. Солиқ механизми давлатнинг самарали тартибга солиш дастакларидан (рычаг) бири ҳисобланиб, солиқ тизимини бошқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий нормалари ва усуллари мажмуидир. Ушбу таъриф солиқ механизмининг нафақат иқтисодий, балки ҳуқуқий моҳиятини очиқ бермоқда, зеро солиқ механизмининг асосини солиқ қонунчилиги ташкил этади.

Яна бир таърифга эътибор берадиган бўлсак, солиқ механизми - бу турли инструментлар орқали давлат томонидан солиққа тортишни бошқаришнинг ташкилий-ҳуқуқий нормалари, усуллари ва шакллари мажмуидир, деб келтирилган. Ушбу таърифга аҳамият берадиган бўлсак, таъриф бошқа таърифлардан фарқли ўлароқ солиқ механизмини ҳаракатга келтирувчи инструментларига эътибор берилмоқда. Мазкур инструментлар


адабиётларда турлича келтирилади, масалан, солиқ механизмининг элементлари, солиқ механизмининг воситалари, солиқ механизмининг кичик механизмлари каби терминлар ишлатилади, лекин уларнинг пировард таркиби деярли бир хил.



1.6-расм. Солиқ механизмининг инструментлари⁷⁸


Хусусан, айрим иқтисодий адабиётларда режалаштириш, тартибга солиш ва назорат солиқ механизмининг элементлари сифатида келтирилади. Баъзи адабиётларда эса режалаштириш, тартибга солиш ва назорат ўзлари кичик алоҳида механизмлар сифатида солиқ механизмларининг таркибий қисмларидан иборат механизмлар мажмуи деб талқин қилинади.

⁷⁸ Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. Молия. Тошкент. 2020. 197 б.



1.7-расм. Солиқ механизми⁷⁹

1.8-расмда келтирилган солиқ механизмида солиқ муносабатларининг усуллари ва йўллари тартибга солиш элементи таркибида келтирилади.



1.8-расм. Солиқ механизмининг функциялари, элементлари ва мақсади⁸⁰

⁷⁹ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁸⁰ Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

Солиқ сиёсатининг ички моҳияти солиқлар моҳиятига мувофиқ шаклланади, яъни солиқнинг умумэтироф этилган асосий функциялари орқали умумдавлат, корпоратив ва шахсий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни кўзда тутаяди. Демак, солиқ механизмнинг асосий вазифаси давлатнинг солиқ сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Умуман олганда, солиқ механизми иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилиши солиқларнинг тартибга солиш (рағбатлантириш, чеклаш, қоплаб бериш) функциясидан фойдаланишга асосланади. Солиқлар воситасида тартибга солиш - ишлаб чиқариш жараёнларига тезкор аралашувига қаратилган иқтисодий чоралар тизимидир. Солиқлар воситасида тартибга солиш иқтисодий асосланганлик, молиявий мақсадга мувофиқлик ва манфаатлар тенглиги каби тамойилларига асосланади. Солиқлар воситасида тартибга солишнинг асосий вазифалари ХЮСларнинг ички ва ташқи фаолияти учун умумий солиқ муҳитини яратиш ҳамда устувор тармоқлар ва маблағларнинг ҳудудий йўналишларга ҳаракатини рағбатлантириш учун имтиёзли солиқ шароитларини таъминлашдан иборатдир.

Солиқлар воситасида тартибга солиш инвестиция ҳаракатларига молиявий таъсирни, иқтисодий тармоқларида технологияларни ривожлантиришни, солиқ имтиёзлари доирасида ўзини-ўзи тартибга солишни ва бюджет мувозанатини кафолатлайди. Солиқлар воситасида тартибга солиш солиқ механизмнинг энг динамик ва ҳаракатчан элементларидан биридир. У солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида оператив аралашувнинг иқтисодий чоралари тизимига асосланади.

1.9-расмда орқали солиқлар воситасида тартибга солишнинг 4 усулини ажратишимиз мумкин. Солиқлар воситасида тартибга солишда энг асосий ва муҳим ўринлардан бири фискал (бюджет-солиқ) мувозанат (баланслаш) бўлиб, бу гуруҳ усуллари имтиёзли ҳудудлар ва қатъий бюджет-солиқ тартибини назарда тутаяди. Трансфертлар, грантлар ва субсидиялар

кўмагида бюджет кредити маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга эришади.



1.9-расм. Солиқлар воситасида тартибга солиш усуллари⁸¹

Даромадларни тартибга солишда солиқ ставкаси давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим воситалардан биридир. Солиқлар воситасида тартибга солиш усулларида бири солиқ ставкаларини оптималлаштириш бўлиб, бу фискал ва тартибга солувчи солиқ функциялари ўртасида оқилона мувозанатга эришишга имкон беради.

Солиқ ставкаси солиқ базаси ёки унинг бир қисми фоизини белгилаб, унинг пулдаги қиймати солиқ миқдори ҳисобланади. Ҳукумат солиқ ставкасини ўзгартирар экан, солиқ қонунчилигига катта ўзгартириш киритмаган ҳолда, иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиши мумкин. Солиқ сиёсати алоҳида ҳудудлар ва тармоқлардаги айрим тоифа солиқ тўловчиларга пасайтирилган ёки табақалаштирилган солиқ ставкалари орқали сезирларли самарага эришади.

Солиқ ставкаси молиявий қонунчиликнинг нисбий ҳаракатчанлигини таъминлайди ҳамда ҳукуматга даромадларни тартибга солиш сиёсатида

⁸¹ Изланишлар ва тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

устуворликларни тез ва самарали ўзгартириш имконини беради. Давлат сиёсатини амалга оширишда солиқ ставкаси муҳим аҳамият касб этади, бунда мутаносиб, прогрессив, регрессив ва қатъи қаби турли солиқ ставкаларидан фойдаланишга имкон беради. Улар нафақат турли тоифадаги солиқ тўловчиларнинг даромадлари даражасини, балки турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантиришни тартибга солишда самарали воситадир.

Корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш ва уларнинг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида самарали тартибга солишнинг энг муҳим ва бош механизми солиқ имтиёзлари ҳисобланади⁸².

Солиққа тортишнинг жаҳон амалиётида қўлланиладиган солиқ имтиёзларини тизимлаштириш мушкул. Сабаби давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга манфаатдорлиги мавжуд бўлган ва у томонидан иқтисодиётнинг айрим тармоқлари, ҳудудлар, тадбиркорлик фаолияти турларини рағбатлантириш ёки чеклаб туришга тайёр бўлган ҳар қандай ҳолларда ўрнатилиши мумкин.

Давлат солиқ тўловчиларга муайян солиқ имтиёзларини тақдим этар экан, биринчи навбатда иқтисодий жараёнларга таъсирини фаоллаштиради. Ҳар қандай давлатда имтиёзларни тақдим этишнинг шакл ва усуллари доимий равишда ривожланиб боради. Жаҳон солиқ амалиётида солиқ рағбатларининг бир неча турлари ишлаб чиқилган⁸³:

фойда, даромад ёки бошқа объектни солиқ солишдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

зараларни келажак даврлардаги даромадларга олиб бориш;

⁸² Ключищева В.Г., Ключищев Д.А. Предпринимательство и его функции в современной рыночной экономике // В сборнике: Актуальные проблемы исследования региональных рынков Сборник статей Всероссийской научно-практической конференции. Под ред. Т.Н. Гоголевой, П.А. Канапухина. 2016. С. 119-123.

⁸³ Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности [Электронный ресурс] / М.Е. Орлова, Ф.А. Мухаметов // Интерактивная наука, Научный журнал. – 2016. - №4. 54-68 с.


пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш;

муайян фаолият тури ёки бундай фаолиятдан олинган даромаднинг солиқдан (тўлиқ ёки қисман) озод этилиши;

алоҳида ижтимоий гуруҳларни солиқдан озод қилиш;

солиқ тўловларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш.

Юқорида келтирилган изланишларига кўра, инновацион ривожланишга восита сифатида фойдаланиладиган солиқ механизмини 1.10-расм орқали тасаввур этишимиз мумкин. Инновацион ривожланишга кўмак берувчи солиқ механизми инструментларининг таркибий ифодаси қуйидагиларни ўз ичига олади⁸⁴: инновацион ривожланишнинг солиқ механизми; солиқ сиёсати тамойиллари; солиқ сиёсатини амалга ошириш усуллари; бошқарув функциялари; назорат қилиш; мантиқий мувофиқлаштириш; солиқ сиёсати таъсирининг вақтинчалик жиҳати.



1.10-расм. Инновацион ривожланишнинг солиқ механизмлари⁸⁵

Инструментлар тўпламининг ўзига хос ажралиб турадиган хусусияти шундаки, уларни инновацион ишларни тизимлаштириш мақсадида солиқ

⁸⁴ Гиясов С.А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». ДУК. Тошкент. 2022. 316 б.

⁸⁵ Изланишлар ва тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

сиёсатини бошқариш нуқтаи назаридан тақдим этишдир. Ушбу инструментларнинг таркибий тузилмаси, муаммонинг хусусиятларига мос равишда уларнинг мумкин бўлган комбинацияларини аниқлашга имкон беради. Инструмент инновацион ривожланишга йўналтирилган солиқ механизмига асосланади, чунки у ҳал қилинаётган муаммонинг объекти бўлиб, унинг асосини англатади. Шу билан бирга, ушбу асос солиқ ва солиқдан ташқари молиялаштириш манбалари таркибий қисмларининг комбинация турларини назарда тутаяди. Ушбу комбинацияларнинг мақбуллик даражаси муаммони ҳал қилишнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлайдиган юқори тузилмаси билан белгиланади. Натижада солиқ рағбатлари корхоналар инновацион фаолиятини билвосита қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бунда, албатта, тўғри шаклланган солиқ сиёсати ҳамда унинг тузилмаси ва ишлаш шартларини ҳисобга оладиган, етарлича созланган солиқ механизми муваффақиятли солиққа тортишнинг муҳим шартидир.

Шу ўринда, солиқ механизмдан фойдаланиш ва самарали фойдаланиш тушунчаларнинг моҳиятига қисқача тўхталиб ўтсак. Самара сўзининг этимологик маъносига мурожаат қиладиган бўлсак, Сифат тизимлари халқаро стандартида⁸⁶ келтирилган таърифга кўра (ISO 9000:2015) самара бу эришилган натижа ва фойдаланилган ресурслар ўртасидаги боғлиқлик. Оддий сўзлар билан айтганда натижага эришиш учун қанча маблағ сарфланади, бу қанчалик фойдали? Натижадорлик (ISO 9000:2015) - режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга эришиш даражасини англатади. Оддий сўзлар билан айтганда режалаштирилган ҳамма нарса амалга оширилганми ва биз хоҳлаган натижага эришдикми?

Самарали солиқ механизмини баҳолашнинг асосий мезони сифатида айрим солиқ тўловчиларнинг чекланган реал даромад манбаларини ҳисобга

⁸⁶ <https://iso-management.com/wp-content/uploads/2018/09/ISO-9000-2015.pdf>

олган ҳолда, улар томонидан солиқ юкини кўтаришнинг объектив қобилиятидир. Самарали солиқ механизмига эришиш минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, солиқ сиёсатининг фискал йўналишини чеклайдиган мажбурий қўшимча шартларни жорий этиш билан таъминланади⁸⁷.

Фикримизча, давлатнинг солиқ сиёсатида самарали солиқ механизмини шакллантиришнинг асосий мақсади солиқ механизми воситаларини (инструментлари, элементлари) такомиллаштиришдан иборат бўлиши керак. Солиқ механизмдан самарали фойдаланиш орқали умумдавлат, ХЮС ва фуқаролар манфаатлар ўртасидаги мувозанат таъминланади. Яъни солиқ механизмдан самарали фойдаланишдан кўзланган мақсад умумий фаровонликка эришишдир.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш деганда мавжуд солиқ механизми инструментларини (элементларини) амалда қўллаш тартибини такомиллаштириш асосида корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш орқали иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни англатади. Яъни, амалдаги солиқ механизмдан шундай фойдаланишки, корхоналарнинг инновацион фаолияти учун имкон қадар қулай солиқ муҳитини яратиш орқали уларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, рентабеллигини оширишга, юқори сифатли, экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ундаш ва манфаатдорлигини рағбатлантиришдир.

Шунингдек, солиқ механизмдан самарали фойдаланиш деганда давлат, ХЮС ва фуқаролар учун солиқ механизмдан фойдаланишнинг салбий оқибатларини камайтириш ва аксинча ижобий таъсир даражасини оширишдан иборат бўлиши лозим. Солиқ механизмдан самарали фойдаланиш орқали корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлаштириш билан бирга давлат солиқ механизмдан дастлаб фойдаланишда

⁸⁷ Тюпакова Н.Н., Бочарова О.Ф. Особенности функционирования налогового механизма в транзитивной экономике. Научный журнал КубГАУ 2011, № 66 (02), сс. 1–13.

бюджетидаги йўқотишларни минималлаштириш ва ўрта истикболда солиқ базасини кенгайтириш асосида солиқ тушумларини ошириш, аҳолининг реал даромадини ошириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга эришишдан иборат.

Энди иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқларнинг ролини ёритишга ўтар эканмиз, бунда, замонавий шароитда Ўзбекистон солиқ тизими самарадорлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун мамлакат иқтисодий ўсиши ва ривожининг асоси ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда солиқлар роли ортиб бормоқда.

Дарҳақиқат, бу борада И.Ниязметов томонидан солиқ тизимининг самарадорлиги солиқ тизимига қўйиладиган асосий фундаментал талаблардан бири эканлиги илмий асосланиб, икки муҳим жиҳати келтирилган:

биринчидан, солиқ ундириш ёки солиққа тортиш жараёнлари давлат ва солиқ тўловчилар учун имкон қадар арзон, яъни кам харажат бўлиши ҳамда ортиқча оворагарчиликларга олиб келмаслиги даркор;

иккинчидан, давлат солиқ механизми воситасида иқтисодиётни ва ижтимоий жараёнларни автоматик тарзда самарали тартибга солиб бориш имкониятига эга бўлиши керак. Яъни, солиқ воситасида давлат молиявий маблағлар, ишлаб чиқариш омиллари ҳамда меҳнат ва табиий ресурсларни самарали бошқара олиши лозим⁸⁸. Айнан мазкур жиҳати иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Фақатгина иқтисодиётнинг барча тармоқларига инновацияларни доимий жорий қилиш шароитларида иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Инновациялар корхоналарда рўй берадиган ишлаб чиқариш, бошқарув ва бошқа жараёнларни такомиллаштиришни ўз ичига қамраб олади. Фақатгина ўз фаолиятларини доимий такомиллаштириб бориш корхоналарнинг узок

⁸⁸ Ниязметов И.М. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. –Тошкент: “Молия”, 2017. - 195 б.

муддатли истиқболда мувафақиятни таъминлайди. Шу билан бирга корхоналар ўз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва ривожлантириш, бошқарувни такомиллаштириш, янги технология ва ускуналарни жорий қилиш билан бирга, солиқ юкини енгиллаштириш ҳисобига даромадларни оширишга интилади. Бу вазифа қуйидаги йўналишлар бўйича ҳал қилинади:

1) корхонада мақбул солиқ юки миқдорини таъминловчи фаолият турини танлаш;

2) ХЮС нуқтаи назаридан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг оптимал усуллари ва муддатларини белгилаш;

3) фойдани таксимлаш ва фойдаланиш йўналишларини танлаш, корхона учун қулай солиқ оқибатларига имкон берувчи молиявий ресурсларни инвестиция қилишни амалга ошириш.

Тартибга солишнинг билвосита усулини (масалан, солиқлар воситасида рағбатлантириш) қўллаш самараси билан тартибга солишнинг бевосита усулини (мисол учун, тўғридан-тўғри молиялаштириш) қўллаш самарасини солиштирар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, солиқлар воситасида тартибга солиш давлатнинг бозор механизмига камроқ аралашувини назарда тутаяди, қарор қабул қилишда хусусий сектордаги ХЮСларнинг автономлигини сақлайди, корхоналар давлат томонидан яратилган талабга эмас, балки реал талабга жавоб бериши муносабати билан сунъий бозорларни яратмайди, аксарият ҳолатларда амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни эмас, балки аллақачон содир этилган ҳаракатларни рағбатлантиради ва ҳоказо. Бундан ташқари, билвосита усулларга асосланган солиқ сиёсатини олдиндан башорат қилиш имкониятига эга.

Бир вақтнинг ўзида зарур рағбатлар ва молиявий-ресурс базасини яратиш давлат томонидан инновацион ривожланишни солиқлар воситасида тартибга солиш орқали таъминланиши мумкин. Солиқлар воситасида тартибга солишнинг устуворлиги шундаки, унинг қўлланилиши тадбиркорлик учун жуда муҳим бўлган хусусий секторнинг мустақиллигини ва жамиятга муҳим бўлган тадбиркорликнинг (тадқиқот йўналишлари, техник

ишланмалар ва уларни амалга ошириш танлови учун) иқтисодий масъулиятини заифлаштирмаслиги билан боғлиқ. Бунда, давлат томонидан сунъий равишда қўллаб-қувватланадиган ва ҳар доим ҳам самарали бўлмаган билим ва инновациялар бозори яратилмайди. Сабаби солиқлар бўйича чора-тадбирлар иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга ягона ёндашувни таъминлайди. Солиқлар воситасида тартибга солиш шундай ижтимоий ва психологик афзалликларга эгаки, бунда корхоналар томонидан олинадиган давлатнинг қўллаб-қувватлаши мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалик танлови билан эмас, балки корхоналарнинг ўз саъй-ҳаракатлари натижасида эга бўладилар. Шундай қилиб, солиқлар воситасида тартибга солиш иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун зарур бўлган давлат ва тадбиркорлик манфаатлари уйғунлигини таъминлайди.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан фойдаланишнинг иқтисодий аҳамиятини ёритишни давом эттирар эканмиз, юқорида таъкидланганнидек, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш деганда инновацион иқтисодиётни фундаментал асоси ҳисобланган илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришни англатса, солиқ механизмидан самарали фойдаланиш орқали мазкур фаолият турларини ривожлантириш деганда солиқ механизмнинг асосий элементларидан бири ҳисобланган тартибга солиш, хусусан солиқ рағбатлари орқали амалга оширилишини англатади.

Солиқлар назариясида солиқ рағбатлари, хусусан солиқ имтиёзларини қўллашнинг тўғрилиги ва мақсадга мувофиқлиги масалалари доим мунозарали ҳисобланган. Классик мактаб намоёндалари, монетаризм ва институционал йўналишларнинг тарафдорлари солиқ имтиёзларига турлича ёндашган. Замонавий тадқиқотчиларда ҳам бу масалалар бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Неокейнс йўналишлари тарафдорлари иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли муҳимлигини тан олишар экан, солиқ функциялари ичида

рағбатлантириш функциясидан фаол фойдаланишни илгари сурадилар, солиқ тўловчиларнинг муайян категориялари учун ИТТКИ ва инновацион фаолиятга солиқ имтиёзларни қўллашни қўллаб-қувватлашади⁸⁹.

Бирок, тадқиқотчиларнинг кўпчилик қисми солиқ имтиёзларидан фойдаланишга салбий фикр билдиришганини ҳам кўриш мумкин. Масалан, эркин рақобат ва минимал давлат аралашуви тарафдорлари бўлган неоклассик назарияси намоёндалари корхоналарга солиқ имтиёзларини тақдим этилиши нархнинг ахборот берувчи ва тартибга солувчи функцияси деформациясига олиб келади, эркин рақобат тамойилларига зарар етказиши ва бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмини бузади деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, айнан бозор қонунлари ҳамда эркин рақобат тадқиқотлар ва инновацияларга рағбат яратади, ХЮСларга солиқ имтиёзлари тақдим этилиши, солиқ тизимининг ожизлигидан далолат беради, унинг асосий функциялари, айниқса, фискал функциясига путур етади.

Баъзи неолиберал йўналиш вакиллари эса давлатнинг иқтисодиётга “юмшоқ” аралашувини ёқлайдилар ва солиққа тортишнинг турли нейтрал моделларини таклиф этадилар⁹⁰. Амалиётда ҳам илмий тадқиқотлар ва инновацияларни рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишга нисбатан турли мамлакатларда турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Германия, Финляндия, Швейцария, Болгария, Мексика ва Эстонияда давлат бизнес-секторда ИТТКИни рағбатлантиришда солиқ механизмларидан деярли фойдаланилмайди. Бу давлатлар кўпинча бевосита молиялаштириш схемаларини афзал кўрадилар.

Аммо, назарий талқинлардаги зиддиятлар ҳамда амалиётда ИТТКИ ва инновациялар катализатори сифатида солиқ имтиёзларининг қўлланилишидаги қарама-қаршиликларга қарамасдан, хўжалик жараёнларни тартибга солишда, шу жумладан корхона ва ташкилотларнинг инновацион

⁸⁹ Клавдиенко В.П. Национальные инновационные системы в странах БРИКС // Общество и экономика. 2015. № 8–9. С. 121–138.

⁹⁰ Rothbard M. Man, Economy, and State with Power and Market // 2-nd Edition. Ludwig von Mises Institute. Alabama. 2019. P. 1154–1155.

фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан фойдалаётган давлатлар сони ортиб бораётганини жаҳон тажрибаси кўрсатмоқда. Хусусан, тадбиркорлик секторидаги тадқиқотлар ва инновацияларни давлат томонидан умумий қўллаб-қувватлашдаги улуши ушбу мақсадларга тўғридан-тўғри маблағлар ажратилишига нисбатан сезиларни даражада ортиб бормоқда. Мисол учун, Нидерландия, Австралия, Ирландия, Япония, Канадада илмий тадқиқотлар ва инновацияларга солиқ имтиёзлари билан давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш ўртасидаги нисбат тахминан 80 фоизга 20 фоизни ташкил этади⁹¹.

Инновацион фаолликни ошириш вазифасининг ҳал қилиниши бозор ва инновацион жараёнга давлат томонидан тартибга солиш механизми орқали таъминланади. Бу жараёнга давлатнинг аралашуви инновацион фаолият соҳасида ноқулай тенденцияларни, ҳудуд ва тармоқларнинг инновацион жозибасизлигини, ХЮСлар пассивлигини олдини олиш ва бартараф этиш учун зарур бўлади.


Солиқ тизимининг инновацион фаолликни қўллаб-қувватлашдаги роли инновацион маҳсулот талаби учун, модернизация учун, яъни технологияга инвестиция учун шарт-шароитлар яратиш билан ифодаланади. Шунингдек, солиқ тизими меҳнат унумдорлигига олиб келувчи ва ИТТКИ натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилишга йўналтирилган солиқ тўловчиларнинг инновацион фаолиятига тўсиқлар яратмаслиги керак. Бунда, масала янги солиқ механизмларини жорий қилишда эмас, балки амалдаги солиқ механизмидан инновацион корхоналарнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда самарали фойдаланиш ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқлар воситасида тартибга солиш билвосита хусусиятга эгаллиги ва ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига йўналтирилганлиги сабабли самарали ҳисобланади. Бундай тартибга солиш иқтисодий ва

⁹¹ Клавдиенко В.П. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае.// Общество и экономика, МГУ им. М.В. Ломоносова. № 7, 2018. Стр.39-50.

ижтимоий вазифаларни ҳал қилади. Хусусан, тадбиркорлик ва инновацион фаолликни ривожлантириш учун рағбатлар тақдим этади, иқтисодий энг устувор тармоқларига капитал тўпланишига имкон беради, ИТТКИ ва кадрлар салоҳиятини ривожланишини рағбатлантиради, шунингдек, инвестицион фаолиятни ҳамда ташқи иқтисодий муносабатларни йўналтиради ва ривожлантиради.

Солиқларга фақатгина бюджетга зарурий тушумларни таъминловчи восита сифатида қаралиши бир мунча тор ёндашув бўлиб, бу категория моҳиятини тўлиқ ифода этмайди. Солиқлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишда муҳим инструмент ҳисобланар экан, жамият ишлаб чиқаришига сезиларли таъсир кўрсатади, унинг ўсиш суръатларини чеклаб туради ёки рағбатлантиради, жамғариш ва истеъмолга рағбатларни кучайтиради ёки кучсизлантиради, шунингдек, аҳоли тўлов қобилиятини оширади ёки пасайтиради.



1.11-расм. Тадқиқотлар ва ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг асосий мақсадлари⁹²

Тадқиқотлар ва ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг асосий мақсадларини 1.11-расм орқали кўриб чиқар эканмиз, узоқ

⁹² Муаллиф томонидан шакллантирилган.

муддатли иқтисодий ўсишни ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш мақсади муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақсадни бош мақсад дея эътироф этишимиз жоиз, чунки ушбу мақсад қолган мақсадларнинг пировард якуний натижаси ҳисобланади десак муболаға бўлмайди.


Маълумки, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришдек вазифани фақат бозор муносабатлари йўли билан ҳал қилишнинг амалий жиҳатдан иложи йўқ, шунинг учун давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг ҳуқуқий воситаларини бироз ўзгартириш талаб этилади. Аввало, давлат томонидан хусусий корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва инновацияларга барқарор талабни таъминлаш бўйича зарур чоратadbирларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Замонавий олимлар ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацияларнинг етакчи ролини қайд этадилар. Бунда, инновацион жараённинг бориши кўпинча давлатнинг иқтисодий сиёсатидан келиб чиқади.

Таъкидлаш зарурки, инновацион жараёнларни солиқ усуллари орқали рағбатлантириш борган сайин оммалашиб бораётгани иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли ортиб бораётганлигидан далолат беради. Зеро, солиқлар воситасида рағбатлантириш тушунчаси хориж адабиётларида асосан илмий тадқиқот ва ишланмаларга (ИТИ - R&D tax incentives) қўлланилиши қайд этилмоқда. Бу саноатда замонавий ускуналар ва юқори технологияларни ҳамда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни биринчи навбатга қўйиш билан боғлиқдир.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Франция, Бельгия, Голландия, Португалия, Греция, Канада,

Ирландия, Корея, Япония ва Австралия каби баъзи мамлакатларда бунга асос бўладиган муҳим аҳамият берилмоқда (1.12-расм).



1.12-расм. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни солиқлар воситасида рағбатлантириш ва бюджетдан бевосита молиялаштириш (01.01.2020 йил ҳолатига, ЯИМга нисбатан фоизда)⁹³

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли шундаки, давлат айнан солиқ механизмларидан фойдаланиш орқали инновацион фаолиятни рағбатлантириш воситасида умуммиллий устуворликлар ва ХЮСларнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг энг асосий ва энг кўп кўзланган мақсадларни келтириш мумкин: илмий-техник ўсишни таъминловчи тармоқларни мақсадли қўллаб-қувватлаш; илм-сиғимкор ва юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг ўсиши; иқтисодиётни устувор тармоқларида инвестицияларнинг ўсиши.

⁹³ Measuring Tax Support for R&D and Innovation. Direct government funding and tax support for business R&D, 2019. OECD R&D Tax Incentives Database, April 2022. <https://www.oecd.org/sti/rd-tax-stats.htm>.

Солиқлар воситасида рағбатлантириш иқтисодий, шунингдек, инвестицион, инновацион, экологик фаолиятни амалга оширишни ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунда, айнан инвестицион - инновацион жараёнлар корхоналар ва умуман иқтисодиёт рақобатбардошлигини ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланади.

Умуман олганда, самарали солиқ сиёсатини олиб бориш учун солиқларнинг роли ва функцияларининг аҳамияти муҳимдир. Шубҳасиз, солиқларнинг фискал функцияси асос ҳисобланади, лекин замонавий шароитда аксарият давлатларнинг иқтисодиётлари ривожланишининг инновацион йўлга ўтишида инновацион жараёнларни рағбатлантирувчи солиқлар ҳам самарали инструментлардан бири бўлмоқда.

§ 1.3. Солиқлар воситасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга оид илмий-назарий ёндашувлар

Солиқ механизмдан фойдаланиш асосида инновацион ривожланишни таъминлаш одатда солиқ имтиёзлари ва енгилликларининг инновацион корхоналар фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирга асосланади. Айни пайтда, солиқлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилиши солиқларнинг тартибга солиш (рағбатлантириш, чеклаш, қоплаб бериш) функциясидан фойдаланишга асосланган. Солиққа тортиш назарияси доирасида тартибга солиш функциясининг таъсири солиқ тўловчиларнинг турли объектлари ва тоифаларини нотекис солиққа тортилиши билан асосланади. Ўз навбатида, солиқ юкининг нотекислиги керакли самарани яратади. Бунда, устувор йўналишда солиқ юкини юмшатиш орқали давлат ушбу йўналишда иқтисодий ривожланиш учун янада қулай шароитлар яратади, бошқа йўналишда солиқ юкининг ошиши ривожланиш учун қўшимча тўсиқларни келтириб чиқаради.

Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солишни назарий англаш ва амалий қўллаш тарихи солиққа тортиш назариясининг тадрижий

ривожланиши билан боғлиқ. Солиқ назарияси ривожланиши билан бирга солиқларнинг иқтисодиётдаги роли ва функционал мақсади ҳам ўзгариб борган. Бу солиқнинг мутлақ фискал функцияси тан олинисидан тортиб, то улар воситасида тартибга солиш, шу жумладан солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг англанилиши тарзида кечган.

Дастлаб солиқлардан фақатгина давлат даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирга келиб солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий унсури бўлиб хизмат қилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига давлат томонидан таъсир этишнинг энг муҳим усулларида бири сифатида бугунги кунда солиқлардан фойдаланилмоқда. Таъкидлаш лозимки, солиқнинг тартибга солиш функцияси орқали иқтисодиёт ва жамият тараққиётига таъсир кўрсатиш имкониятлари том маънода солиқ тизимларининг шаклланиш давридан бошланган.

Молия илми ривожланишининг бутун тарихи давомида иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш муаммоси кўплаб олимларнинг илмий изланишлари ва таҳлиллари предмети бўлиб келган. У.Петти, А.Смит, Ж.Руссо, Дж.Миль, Д.Рикардо, Ж.Сисмонди, А.Вагнер, Н.Тургенев, А.Маршал, Э.Селигман, И.Янжул, Л.Эрхард, Дж.Кейнс, А.Лаффер, М.Фридман ва Г.Менкью каби иқтисодчи олимлар солиқларни иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир этишнинг муҳим инструменти сифатида тадқиқ этишда улкан хисса қўшган. Жумладан, иқтисодий жараёнларга солиқларнинг таъсири дастлаб У.Петти, Ж.Сей, А.Смит каби иқтисодчилар томонидан кўриб чиқилган бўлса, Д.Рикардо, Ж.Сисмонди, А.Вагнер каби олимлар солиқларнинг ишлаб чиқаришга таъсирини тадқиқ этган⁹⁴.

Кўпгина тадқиқотчилар солиқлар воситасида тартибга солишнинг илмий асосларини неоклассик назария етакчиси А.Маршал қўйган, деб

⁹⁴ Антология экономической классики. В 2-х томах. Т. I. (В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Предисловие И.А.Столярова. - М.: МП «ЭКОНОВ», 1991. - 475 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962. - 684 с.

ҳисоблайди. XIX асрнинг сўнгги чорагида чоп этилган бир қатор асарларида Маршал асосий мақсади доимо фискал функцияни бажариш деб ҳисобланган солиқлар бир вақтнинг ўзида иқтисодиётга таъсир этувчи восита, деган хулосага келган⁹⁵. Хусусан, у солиқларни ундириш фуқароларнинг харид қобилиятини пасайтиради ва тадбиркорларнинг инвестиция имкониятларини камайтиради, билвосита солиқлар эса нархларни оширади ва истеъмолга таъсир қилади, бу ўз-ўзидан жамиятдаги кўплаб иқтисодий жараёнларга таъсир қилади, деб ҳисоблаган.

Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш муаммолари бўйича фаол тадқиқотчи олим Дж.Кейнс бўлган. Кейнсчилик назариясининг марказий ғояси солиқлар иқтисодиётни тартибга солишнинг асосий воситаси эканлигидир⁹⁶. Кейнснинг ишларида солиқларга иқтисодий тизим ичига ўрнатилган қайишқоқ механизм сифатида принципиал янги ёндашув кузатилади. Хусусан, солиқлар иқтисодий жараёнлардаги тебранишларни текислаш учун самарали инструмент сифатида кўриб чиқиладиган бошланган.

Ушбу назарияга мувофиқ бозор иқтисодиёти такомиллашмаган ва ўзини ўзи тартиблаб турувчи тизим ҳисобланмайди. Фақат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин. Кейнснинг фикрига кўра, давлат нафақат пул-кредит, балки фискал сиёсат орқали ҳам истеъмол қилишни рағбатлантиришга таъсир кўрсатиши керак.

Бу борада неоклассиклар назарияси намоёндолари, жумладан мазкур назария асосчиларидан бири А.Маршалл эркин рақобат, табиийлик, иқтисодий, хусусан ишлаб чиқариш жараёнларининг барқарорлиги устуворлигига асосланади⁹⁷. Ушбу назариянинг кейнс концепциясидан фарқи иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш усулларига бошқача ёндашувдан иборат. Агар кейнсчилар мактаби динамик тенглик барқарор

⁹⁵ Marshall A. Principy ekonomicheskoy nauki [Principles of Economics], M.: Progress, 1993. 594 p.

⁹⁶ Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. –Москва.: Гелиос АРВ, пер. с англ. 1999. - 352.

⁹⁷ Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. -М.: Изд-во «ДЕЛО», «ВИТА-ПРЕСС», 1996. -544 б.

эмас ва шу туфайли давлат иқтисодий жараёнларга бевосита аралашуви зарур деб ҳисоблаган бўлса, неоклассик йўналишга кўра ташқи тузатиш чоралари эркин рақобат қонунлари таъсирига ҳалақит берувчи тўсиқларни бартараф қилишгагина йўналтирилган бўлиши керак. Давлат аралашуви ташқаридан ҳеч бир ёрдамсиз иқтисодий тенгликка олиб келишга қодир бўлган табиий ўзини ўзи тартибга солувчи қонунлар билан бирга бозорни чекламаслиги керак.

XX асрнинг 70-йилларида шаклланган иқтисодиётнинг таклиф назарияси (М.Уэй-Денбаум, М.Бернс, Г.Стейн, А.Лаффер) фискал сиёсат аҳамиятини кескин қайта кўриб чиқади. Бу назария Кейнс назариясидан фарқли ўлароқ солиқларни иқтисодиёт ривожига ва тартибга солиш омилларидан бири сифатида кўриб чиқадилар. Муаллифларнинг фикрича, юқори солиққа тортиш тадбиркорлик ва инвестицион фаолликка салбий таъсир кўрсатади ҳамда охири оқибат солиқ тушумларининг камайишига олиб келади⁹⁸. Бу назария доирасида солиққа тортиш ставкаларини пасайтириш ва корхоналарга имкони борида солиқ имтиёзларини тақдим этиш таклиф қилинади. Солиқларни камайтириш йўли билан иқтисодиётни юқори самарали рағбатлантиришга эришилади, бу эса ўз навбатида юқори иқтисодий ўсишга сабаб бўлади.

И.Фишер ва Н.Калдор томонидан солиқлар воситасида тартибга солишнинг асосий инструментлари сифатида солиқ объекти ва солиқ солиш базаси кўриб чиқилган⁹⁹. Бу назарияда инвестициялар ва бошқа йўналишларга йиғилган жамғармаларни солиқлар воситасида истемолга ўзгартириш ғояси алоҳида ўринга эга.

А.Лаффер эса солиққа тортиш меъёри хусусидаги назарияни ишлаб чиқиб, солиқ ставкаларининг маълум миқдоргача ошириб бориши бюджет

⁹⁸ Мармилова Е.Н. Роль налогов как экономических рычагов стимулирования инновационных процессов // Экономические и юридические науки. Финансы и налогообложение. № 5 Минск. 2016. стр. 109-115.

⁹⁹ Моисеева Ю.О. Взаимодействие инструментов фискальной и монетарной политики в механизме регулирования экономического роста. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Ульяновск. 2005. 22 с.

даромадларининг кўпайишига хизмат қилади, лекин солиқ ставкалари меъёридан ошиб кетса, бюджет даромадлари аксинча камайиб боради деган хулосага келган¹⁰⁰. Лаффер солиқ юки ва давлат даромадлари ўртасидаги алоқани белгилловчи қонуният мавжуд, деган фикрни илгари суради¹⁰¹. Турли мамлакатларнинг статистик маълумотларини умумлаштириб, у шундай хулосага келдики, солиқ ставкаларини камайтириш ишлаб чиқаришнинг ва иқтисодий фаолликнинг ўсишини рағбатлантиради. Камроқ ставкада давлат кўпроқ даромад олади, чунки юқори солиқлар ишлаб чиқаришни бўғиб қўяди, корхонани айланма маблағлар ва инвестициялардан маҳрум қилади.

Иқтисодиётни тартибга солиш борасида Г.Менкьюнинг фикрлари кейнсчилар ғоясига яқин бўлсада, баъзи фарқли жиҳатлари мавжуд. Унинг фикрига кўра, иқтисодиётнинг 10 та тамойилидан бири шундан иборатки, рағбат инсонга ижобий таъсир этади. Агар миллий қонунчилик мамлакат аҳолисини жамғаришга рағбатлантирса, фуқаролар ўз даромадларининг катта қисмини тўплашга йўналтирадilar. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келажакдаги турмуш даражасини оширишга олиб келади. Менкью нафақат хусусий, балки жамият жамғармаларини кўриб чиқар экан, жамғармаларни рағбатлантирувчи солиқ қонунчилиги кутилмаган натижаларга олиб келади деган хулосага келган¹⁰². Солиқларнинг ўзгартирилиши ва капиталдан даромадларга солиқларнинг камайтирилиши бюджет тушумларини қисқартиради ва ўз навбатида бюджет тақчиллигини оширади. Миллий жамғармалар ҳақиқатда ўсиши учун солиқ соҳасидаги ўзгаришлари хусусий жамғармаларни шундай рағбатлантириш керакки, бунда энг камида бюджет тақчиллиги ўзгармаслиги керак. Акс ҳолда рағбатлантириш фақатгина вазиятни ёмонлаштиради. Паст солиқ ставкалари инсонларнинг интенсив

¹⁰⁰ Барулин С.В., Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России // Финансы. – М., 2003. - №4. – С.34-37.

¹⁰¹ Стругова Л. Р. Зависимость налоговых поступлений от налоговой нагрузки на основе закона Артура Лаффера. Экономика. Раздел V. Налоговая политика. Вестник пермского университета. 2012. Вып. 4(15), 81-87 стр.

¹⁰² Менкью Н. Г. Принципы экономикс. Санкт-Петербург: Питер ком, 1999. -784 с.

меҳнат қилишга ва жамғармаларининг меъёри ошишига бир мунча рағбатлантиради.

Замонавий иқтисодий адабиётларда, турли хил талқинларга қарамай, солиқларни тартибга солишнинг моҳиятини тушунишда фарқлар мавжуд эмас. Деярли барча тадқиқотчилар унинг қуйидаги умумий хусусиятларини ажратиб кўрсатишади¹⁰³. Биринчидан, солиқлар воситасида тартибга солиш иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солиш элементларидан биридир. Иккинчидан, у солиқ сиёсати доирасида белгиланган вазифаларга эришиш учун давлат томонидан иқтисодий муносабатлар иштирокчиларига мақсадли таъсир этишнинг иқтисодий механизми сифатида ишлатилади. Учинчидан, солиқлар орқали тартибга солиш - бу исталган ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиш учун жамият ва умуман давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига таъсир кўрсатадиган жараён дир. Солиқлар воситасида тартибга солиш тўғридан-тўғри солиқ муносабатлари субъектларининг иқтисодий манфаатлари орқали амалга оширилганлиги сабабли, уни давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усули сифатида аниқ таснифлаш керак. Солиқлар воситасида тартибга солиш функциясидан фойдаланган ҳолда, давлат исталган натижаларга эришиш учун турли инструментлар орқали иқтисодий агентларнинг хатти-ҳаракатларига мақсадли таъсир кўрсатади.

И.Майбууровнинг фикрича, солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиққа тортиш воситасида солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаси ва фаолият турларини ривожлантириш учун муайян рағбатлар шаклланиши билан ифодаланади. Функция мазкур тоифа ва фаолият турлари учун солиқ имтиёзлар тизими орқали амалга оширилади: солиққа тортишнинг имтиёзли режимлари, пасайтирилган солиқ ставкалари, солиқ кредити ва таътиллари, турли озод қилишлар, чегирмалар ва ҳ.к.¹⁰⁴.

¹⁰³ Пансков В.Г. Налоговое регулирование как инструмент подъема экономики. Налоги, управление финансами. Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. М. 2019. 86-99 с.

¹⁰⁴ Майбууров И.А и др. Налоги и налогообложение. Учебник. 6-е изд., перераб. и доп. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2015– 487 с.

Юқорида келтирилган илмий-назарий ёндашувлар асосан солиқлар воситасида иқтисодийётга таъсир этиш, тартибга солиш ва ривожлантиришнинг фундаментал асоси ҳисобланган классик ва умумий жиҳатлари эди. Солиқлар воситасида иқтисодийётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ёндашувларини кўриб чиқишдан аввал инновацияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири ва ҳиссасига оид фундаментал тадқиқотлар ва илмий-назарий ёндашувларни ҳам қисқача кўриб чиқамиз.

Аксарият олимлар томонидан илмий-техник ва инновацион фаолиятни иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда унинг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи иқтисодий ривожланишнинг энг асосий омиллари сифатида кўриб чиқилган. Масалан, 1950 ва 1970 йилларда М.Абрамович, Р.Солоу, Дж.Кендрик, Э.Денисон, С.Кузнецлар инновацияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшдилар. XX-асрда АҚШда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ўрганиш асосида улар пул оқимларининг 50 фоизидан ортиғи иқтисодийётга инновацион маҳсулотларни киритиш натижасида келиб чиққан деган хулосага келишди (1.2-жадвал).

1.2-жадвал

Инновацион маҳсулотнинг иқтисодий ўсишга қўшган ҳиссаси¹⁰⁵

Муаллиф	Тадқиқот даври	Тадқиқотнинг нашр этилган йили	Инновациялар ҳисобига иқтисодий ўсиш %
М.Абрамович	1869-1953	1956	48
Р.Солоу	1909-1949	1957	51
Дж.Кендрик	1889-1953	1961	44
Э.Денисон	1929-1957	1962	58
С.Кузнец	1929-1957	1971	78

1970-1980 йилларда иқтисодий ўзгаришларнинг эволюцион назарияси ва инсон капитали назарияси фаол ривожланди (Ф.Агийон, Дж.Гроссман, Р.Лукас, П.Ромер, П.Хоувитт, Э.Хэлпман), бу инновацияларнинг иқтисодий ривожланишдаги роли тасаввурини чуқурлаштиришга ҳамда меҳнат ва капитал билан биргаликда иқтисодий ўсишнинг эндоген омили ҳисобланган

¹⁰⁵ Никонова Я.И. Исследование взаимосвязи инноваций и экономического роста национальных экономик. Научно-методический электронный журнал Концепт. 2016. Т. 15. С. 2001-2005

технологик ўзгаришларга асосланган иқтисодий ўсишнинг янги моделларини яратишга имкон берди¹⁰⁶.

1980-1990 йилларда нашр этилган ва иқтисодий тизимларни ривожлантиришда инсон капиталининг роли бўйича тадқиқотларни ўз ичига олган Р.Барро, И.Бенхабиба, Х.Сала-и-Мартина, Ф.Каселля илмий ишлари иқтисодий ўсишнинг инновацион табиати тўғрисида билимларни чуқурлаштиришга имкон берди. Тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, техник ва технологик ўзгаришларнинг макроиқтисодий динамикага таъсири бевосита инсон капиталининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Хусусан, иқтисодиётда инновацион фаолликнинг ошиши ва унинг ўсиш суръатлари таълим, касб-хунар ва кадрларни қайта тайёрлаш соҳаларини молиялаштириш ҳажми билан аниқланади. Инсон капиталига инвестициялар миллий иқтисодиётнинг янги билимларни яратиш қобилиятини белгилайди, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини оширадиган хорижий технологияларни самарали трансферт қилишга ёрдам беради¹⁰⁷.

Энди айнан солиқлар воситасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ёндашувларини кўриб чиқамиз. Солиқлар воситасида иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ёндашувларини ўрганиш жараёнида шундай хулосага келдикки, аксарият иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда асосан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият объект сифатида тадқиқ этилган. Чунки, улар томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали эришилади деган хулосага келинган. Иқтисодиётни айнан солиқлар воситасида

¹⁰⁶ Никонова Я.И. Оценка влияния инноваций и их финансирования на экономический рост национальной экономики. Международный научно-исследовательский журнал. 2016. № 11 (53). Часть 1. Ноябрь. с. 53-59.

¹⁰⁷ Никонова Я.И. Оценка влияния инноваций и их финансирования на экономический рост национальной экономики. Международный научно-исследовательский журнал. 2016. № 11 (53). Часть 1. Ноябрь. с. 53-59.

ривожлантириш мақсадига эса солиқ механизмлари, хусусан солиқ рағбатлари орқали эришилади деб ҳисоблашган.

Жумладан, О.Никулина ва А.Сердюклар фикрича, айнан солиқ имтиёзлари инновацион жараёни фаоллаштиришда энг муҳим рол ўйнайди, чунки у инновацияларни рағбатлантириш, фан ва технологияларни ривожлантиришга аниқ эътибор бериш билан ажралиб туради ва дунёнинг етакчи мамлакатларида ўзининг самарадорлигини исботлади¹⁰⁸.

Е.Баклыкованинг фикрига кўра, инновацион ривожланишни тартибга солиш инструментларидан бири солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини камайтириш ёки кечиктириш мақсади бўлган солиқ имтиёзлари ҳисобланади¹⁰⁹.

J. Atanassov va X. Liuлар ўз тадқиқотлари асосида корпоратив солиқнинг камайиши патентлар сони ва патентга иқтибослар (патентлар сифати) кўрсаткичи билан ўлчанадиган, айниқса молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган, кичик гаров активларига ва заиф корпоратив бошқарувига эга бўлган, солиқ тўлашдан бўйин товлаш стратегиясидан кўп фойдаланадиган фирмаларнинг инновацион маҳсулотини кўпайишига олиб келишини аниқлайдилар¹¹⁰.

T. Karkinsky ва N. Riedelлар 1995 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда роялти даромадига солиқ ставкасининг 1 фоизга оширилиши мамлакатда патентлар сонининг -3.5 фоиздан -3.8 фоизга камайишига олиб келганлигини ҳисоблаб чиқишди¹¹¹.

D. Romero-Jord'an ва бошқалар томонидан Испаниядаги иккита солиқ имтиёзларининг ИТТКИга таъсирини ўрганиш учун 1995-2015 йилардаги

¹⁰⁸ Никулина О. В., Сердюк А. А. Налоговое регулирование инновационной деятельности как фактор развития системы государственной поддержки инновационного предпринимательства. Бюджетно-налоговая система. Финансы и кредит. № 27. 2016. 2-19 с.

¹⁰⁹ Баклыкова Е.А. Механизмы налогового регулирования инновационного развития предприятий в условиях членства России в ВТО. Российское предпринимательство. Москва. № 20 (266) / 2014. стр. 158-164.

¹¹⁰ Atanassov, Julian and Xiaoding Liu, "Can Corporate Income Tax Cuts Stimulate Innovation?," *Journal of Financial and Quantitative Analysis*, August 2020, 55 (5), 1415-1465.

¹¹¹ Karkinsky Tom and Nadine Riedel, "Corporate Taxation and the Choice of Patent Location within Multinational Firms," *Journal of international Economics*, 2012, 88 (1), 176-185.

EESE сўров маълумотларидан фойдаланиб, уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, солиқ кредитлари фақат йирик корхоналарнинг ИТТКИга хусусий инвестиция киритишга ижобий ва сезиларли таъсир кўрсатган¹¹².

A.Dechezlepretre ва бошқаларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳар бир фунт субсидия учун ИТТКИни 1,7 фунт стерлингга (£) рағбатлантирди ва мазкур механизмнинг мавжуд эмаслигида 2006-2011 йиллар мобайнида ИТТКИ ҳажми ўртача 10 фоизга кам бўлган¹¹³. Уларнинг хулосалари I.Guceri va L.Liшлар томонидан тасдиқланган, улар худди шу даврдаги Буюк Британиянинг корпоратив солиқдан йўқотилган даромадининг ҳар бир фунти учун ИТТКИга -1,6 ва 1,3 фунт стерлинг эластиклиги баҳоланган¹¹⁴.

Z.Chen ва бошқалар тадқиқотларида ИТТКИга олдиндан ва белгиланган чегарадан юқори инвестиция киритган компаниялар учун солиқларни сезиларли даражада камайтириши 2008 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда ИТТКИга инвестицияларни жалб қилинишини сезиларли даража оширган¹¹⁵.

N.Rao 1981 йилдан 1991 йилгача бўлган даврда АҚШ федерал солиқ кредитининг ИТТКИга таъсирини ўрганиб чиқиб, ИТТКИга харажатларнинг 10 фоизга камайтирилиши ИТТКИга харажатлар нисбати сифатида ўлчанадиган тадқиқотларнинг интенсивлиги коэффицентини қисқа муддатда 19,8 фоизга ошишига олиб келишини баҳолади¹¹⁶.

Р.Шумяцкий ўз тадқиқотлари асосида иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, биринчи навбатда, инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда, тармоқларни инновацион ривожлантириш орқали амалга

¹¹² Romero-Jordán, Desiderio, María Jesús Delgado-Rodríguez, Inmaculada Alvarez-Ayuso, and Sonia de Lucas-Santos, "Assessment of the Public Tools Used to Promote R&D Investment in Spanish SMEs," *Small Business Economics*, 2014, 43 (4), 959-976.

¹¹³ Dechezlepretre, Antoine, Elias Einiño, Ralf Martin, Kieu-Trang Nguyen, and John Van Reenen, "Do Tax Incentives for Research Increase Firm Innovation? An RD Design for R&D," NBER Working Paper Series, 2016, (22405).

¹¹⁴ Guceri, Irem and Li Liu, "Effectiveness of Fiscal Incentives for R&D: Quasi-Experimental Evidence," *American Economic Journal: Economic Policy*, 2019, 11 (1), 266-91.

¹¹⁵ Chen, Zhao, Zhikuo Liu, Juan Carlos Suárez Serrato, and Daniel Yi Xu, "Notching R&D Investment with Corporate Income Tax Cuts in China," *American Economic Review*, 2021, 111 (7), 2065-2100.

¹¹⁶ Rao, Nirupama, "Do Tax Credits Stimulate R&D Spending? The Effect of the R&D Tax Credit in Its First Decade," *Journal of Public Economics*, 2016, 140, 1-12.

оширилиши керак, деган хулосага келган. Бунда, инновацион ва инвестицион фаолиятни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг самарали усулларида бири солиқлар воситасида тартибга солиш ва рағбатлантириш ҳисобланади¹¹⁷. Ҳозирги кунда инвестицион ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солиш фаолияти инновациялар билан боғлиқ бўлган шахсларга ва инвестиция лойиҳалари иштирокчиларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бериш шаклида амалга оширилмоқда. Шунингдек, муаллифнинг фикрига кўра, давлат инновацион сиёсатининг асосий йўналишларидан бири турли характердаги чоралар мажмуини ўз ичига оладиган ихтирочилик ва рационализация фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш бўлиши керак.

А.Васильевнинг фикрига кўра, инновацион жараённинг дастлабки босқичларида харажатларнинг таркибий қисмларидан бири бўлган зарур ускуналарни сотиб олишга йўналтирилган харажатлар ҳисобланади, шунинг учун иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни солиқлар воситасида тартибга солишнинг муҳим механизми ҳисобланган ҳамда солиқ тўловчилар учун ҳам, давлат учун ҳам муҳим молиявий оқибатларга олиб келувчи амортизация харажатларини ҳисобдан чиқариш механизмидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак¹¹⁸.

Ю.Малкова фикрича, инновацион ривожланишни солиқлар орқали тартибга солиш одатда солиқ имтиёзларнинг инновацион корхоналар фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирга асосланади¹¹⁹. Айни пайтда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида солиқ механизмидан фойдаланиш солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланишга асосланган. Солиққа тортиш назарияси доирасида тартибга

¹¹⁷ Шумяцкий Р. И. Некоторые аспекты налогового регулирования инновационно-инвестиционной деятельности. Сибирский институт управления - филиал Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президенте Российской Федерации. Новосибирск. 2018. 34-36 с.

¹¹⁸ Васильева А. Г. Налоговое регулирование инновационного развития экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. МаГУ. Челябинск – 2010. 28 с.

¹¹⁹ Малкова Ю. В. Налоги как инструмент развития инновационной экономики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. ФГОБУВПО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» М. 2011. 27 с.


солиш функциясининг таъсири солиқ тўловчиларнинг турли объектлари ва тоифаларининг нотекис солиққа тортилиши билан асосланади.

О.Никулина ва А.Сердюкларнинг фикрига кўра, инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситаси солиқ имтиёзлари бўлиб, унинг умумий мақсади корхоналарнинг солиқ мажбуриятларини камайтириш орқали инновацион лойихаларни амалга оширишга бўлган қизиқишини оширишдир¹²⁰. Бошқача қилиб айтганда, инновацион корхоналар учун махсус солиқ режими билан солиқларнинг фискал функцияси заифлашади ва инновацияларни рағбатлантириш бўйича тизимли ва узок муддатли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали тартибга солиш функциясининг аҳамияти ошади. Шу билан бирга, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларини мувозанатда амалга оширишда солиқлар воситасида тартибга солишнинг мақбуллигини таъминлаш муҳимдир.

И.Коростелкина томонидан амалга оширилган тадқиқотлари асосида келинган фикрига кўра, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва рақамлаштириш жараёнлари инновацияларни жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, модернизация жараёнларида молиялаштириш, солиқ имтиёзлари, имтиёзли давлат кредитлари ва зарур инфратузилмани яратиш шаклида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин тутди¹²¹. Амалиётда ИТТКИни солиқ механизми воситасида рағбатлантириш тобора оммалашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда у мамлакатнинг инновацион фаолиятига таъсир кўрсатадиган энг самарали воситалардан бири сифатида тан олинган.

¹²⁰ Никулина О. В., Сердюк А. А. Налоговое регулирование инновационной деятельности как фактор развития системы государственной поддержки инновационного предпринимательства. Бюджетно-налоговая система. Финансы и кредит. № 27. 2016. 2-19 с.

¹²¹ Коростелкина И.А., Андросова А.О. - Эффективность налогового стимулирования инновационной деятельности в РФ: оценка и расчет // Тренды и управление. – 2020. – № 1. – С. 38 - 50. DOI: 10.7256/2454-0730.2020.1.33232 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=33232.



1.13-расм. Иновацион фаолиятга таъсир этувчи омиллар¹²²

Солиқ имтиёзларининг инновацияларга таъсири даражасини ҳисобга олган ҳолда, айрим тадқиқотчилар солиқ имтиёзларининг ўзи инновациялар билан боғлиқ вазиятни тубдан яхшилашга қодир эмас, деб ҳисоблашади, уларнинг инновацион жараён субъектларига таъсири ташқи ва ички деб таснифланган бир қатор омилларга боғлиқ деган хулосага келишади.

М.Орлова ва Ф.Мухаметовлар томонидан инновацион солиқ имтиёзларининг самарадорлиги масалалари ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари кўриб чиқилиб,¹²³ муаллифлар томонидан бу инструментлар самарадорлиги пухта баҳоланмасдан, инновацион фаолиятни ривожлантирувчи замонавий солиқ механизмларини шакллантириб бўлмайди, деган хулосага келинган.

И.Мельникованинг фикрига кўра, инновацион фаолиятни солиқлар воситасида ривожлантириш иқтисодий муносабатлар субъектларига улар

¹²² Михелашвили Н. Р. Перспективы развития российской модели национальной инновационной системы // Электронный научно-практический журнал «Экономика и менеджмент инновационных технологий». 2016. -№1. Режим доступа: <http://ekonomika.snauka.ru/2016/01/10696>.

¹²³ Орлова М.Е., Мухаметов Ф.А. Инструменты налогового стимулирования инновационной деятельности. Центр научного сотрудничества «Интерактив плюс». Казань. 2016. Стр. 1-5.

томонидан мазкур фаолиятни амалга оширишлари учун қулай шароит яратадиган солиқ имтиёзлари ва преференцияларни тақдим этиш бўйича комплекс чоралар орқали амалга оширилади¹²⁴.

П.Свободанинг фикрича, инновацион фаолиятни давлат томонидан бевосита молиялаштиришдан кўра, билвосита солиқ механизмлари воситасида рағбатлантириш самаралироқ ҳисобланади¹²⁵ деган фикрга муаллифнинг эконометрик таҳлиллари асосида келинган.

Ш.Гатаулиннинг фикрига кўра, давлат солиқлар воситасида ишчи ўринлар сонини оширишни, техник жараёни ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга капитал қўйилмаларни рағбатлантиради¹²⁶. Давлат солиқлар ёрдамида техник жараёни рағбатлантириши энг аввало техник қайта жихозлаш, реконструкция, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш учун ускуналарга йўналтирилган даромадларнинг қисми солиқлардан озод бўлишида намоён бўлади.

Дарҳақиқат, солиқларни рағбатлантириш функцияси ҳақида сўз борганда, бу борада Қ.Яҳёевнинг фикрига тўхталиш ўринлидир. Унинг фикрича, солиқларнинг рағбатлантириш ва бошқариш функцияси доимо қатъий бўлмай такрорланиб турмаганлигидан солиқ функцияси эмас, давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишдаги вақтинчалик солиқ вазифаси, деб қараши керак. Чунки, имтиёзларни доимий қилиб белгилаб бўлмайди, акс ҳолда солиқ категориясига путур етказилиб, у йўқ бўлиб кетиши мумкин¹²⁷. Бу борада профессор фикрига қўшилар эканмиз, солиқ имтиёзлари нафақат муайян муддатга, балки аниқ шартлар асосида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹²⁴ Мельникова И.Н. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в Беларуси / И.Н.Мельникова // Центр системного анализа и стратегических исследований НАН Беларуси [Электронный ресурс]. – 2011. – Режим доступа: <http://ru.forsecurity.org>. – Дата доступа: 15.09.2015.

¹²⁵ Svoboda P. The impact of tax incentives on research and development. Acta Universitatis Agriculturae et Silviculturae Mendelianae Brunensis, Czech.2017. 65(2): 737–743.

¹²⁶ Гатаулин Ш.К. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. Издательский дом «Мир экономики и права» Тошкент: 1996. стр. 303.

¹²⁷ Яҳёев К. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. Қайта ишланган. ТМИ. Фан ва технологиялар маркази. Тошкент. 2003. 247 б.

Т.Маликов ҳам солиқларнинг фаолликка таъсири ҳақида тўхталиб, солиқлар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкинлигини таъкидлаб ўтган¹²⁸. Фикримизча, профессор солиқлар деганда - солиқ механизмига, хусусан солиқ имтиёзларини назарда тутган. Шунингдек, Т.Маликовнинг солиқ имтиёзлари натижасида амалда ҳеч қачон улар берилаётган чоғида кўзда тутилган мақсадларга тўлиқ эришилмаган¹²⁹ деган фикрга келиши, бизнингча айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга ҳам тақдим этилган ва қўлланилаётган солиқ имтиёзларига бирдек тааллуқлидир.

Б.Ташмурадова томонидан солиқ юкини пасайтириш тадбиркорликни фаоллаштириш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантирувчи муҳим иқтисодий омили¹³⁰ сифатида эътироф этилган. Ўз навбатида, солиқ юкини пасайтириш аксарият ҳолатларда солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилиб келинган.

Ш.Тошматовнинг фикрига кўра, давлат томонидан фойданинг юқори солиққа тортилиши ХЮСларнинг тадбиркорлик фаолиятлари секинлашувига олиб келади. Корхоналар фойдасини солиққа тортишда фақат фискал услублар билангина эмас, балки хусусий тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятларини ҳам рағбатлантириш зарур¹³¹. Ш.Тошматов корхоналар фойдасининг ўсиши республикамизда солиқ юки ва фойда солиғи ставкалари ўзгаришларига тескари боғланганлигини илмий асослаб берган.

Шунингдек, Ш.Тошматов ва бошқалар давлат томонидан инновацион фаолиятни билвосита қўллаб-қувватлашнинг дунёда энг кўп тарқалган усули сифатида солиқлар воситасида рағбатлантиришни келтирган¹³².

¹²⁸ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т."Академия" 2002.-53 б.

¹²⁹ Маликов Т.С. Солиқ имтиёзларининг салбий жihatлари. "Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари" мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Т. Молия. 2011. 438 б.

¹³⁰ Ташмурадова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2007.–28 б.

¹³¹ Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқларнинг ролини кучайтириш муамолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, БМА. – 2008. 321 б.

¹³² Тошматов Ш.А. Ражаббаев Ш.М. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. Т.: Молия. 2015. 160-б.

Муаллифлар томонидан айнан солиқлар воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантиришда ушбу фаолиятга ХЮСлар томонидан молиявий кўйилмаларни йўналтиришга кизиқишлари оширилиши кўллаб-қувватланади, деган хулосага келинган.

Бу борада С.Воронин солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш ва бошқа зарурий чораларни амалга ошириш асосида юқори даражада қайта ишланган ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар рақобатбардошлигига кўмак берувчи шароитларни яратиш лозим дея таъкидлайди¹³³. Инновациялар яратилиши ва жорий қилиниши ҳисобига юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларини ошишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида инновацион фаолиятни фаоллаштиришга ва бу асосда иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошишига ҳамда ўрта ва узок муддатли истиқболдаги белгиланган устуворликларга эришишга кўмак беради.

И.Алимарданов ва бошқаларнинг фикрича, жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, иқтисодиётнинг ўсиш суръати ва халқнинг турмуш даражаси, унинг халқаро савдо ва халқаро меҳнат тақсимооти афзалликларидан самарали фойдаланаётганлигига бевосита боғлиқ¹³⁴. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиётининг интеграциялашуви шароитида, республикада ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳамда солиққа тортиш механизмини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Д.Ғозибеков эса солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг ўзидаги чекланган ресурсларни инвестициялашда давлат ва хусусий манфаатлар нисбатини мақбуллаштириш мақсадга мувофиқ дея таъкидлаган. Унинг фикрича солиқ

¹³³ Воронин С.А. Налоговый механизм стимулирования инноваций и необходимость его совершенствования в Узбекистане. Института прогнозирования и макроэкономических исследований. Ташкент. 2017. Стр. 11.

¹³⁴ Алимарданов И. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматларини экспорт қилишда солиқлар орқали рағбатлантириш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Т.: № 2, 2016. 1-8 б.

кредитлари воситасида иқтисодиётнинг реал секторида нодавлат тузилмалари инвестиция фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш зарурдир¹³⁵ дея таъкидлаган. Аммо фикримизча, солиқ кредитлари воситасида инвестицияларни нафақат иқтисодиёт тармоқларига, балки илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга ҳам кенг жалб этиш зарур.

И.Ниязметов фикрига кўра, ҳар қандай иқтисодиёт ривожига солиқ тизимининг қандай шакллантирилганлиги муҳим роль ўйнайди. Бунда, солиқ тизими солиққа тортишнинг адолатлилиги, аниқ ва соддалиги, бюджетга етарлилиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали тартибга солишга қодирлиги ҳамда қайишқоқлиги каби фундаментал талабларга жавоб берадиган тарзда ишлаб чиқилган бўлиши даркор¹³⁶. Албатта, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали тартибга солишда солиқ имтиёзлари муҳим аҳамият касб этади, демак солиқ имтиёзларини қўллашда умумэтироф этилган тамойиллар ва фундаментал талабларга мувофиқ уларни белгилаш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш керак бўлади.

Шунингдек, И.Ниязметов фикрича, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда давлат ўз қўлидаги барча иқтисодий инструментлардан, жумладан фискал, тариф, пул-кредит, суғурта ва бошқа иқтисодий механизмлардан фойдаланади. Охирги йигирма йил ичидаги илмий адабиётларда инновацион ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг энг самарали инструментларидан бири солиқ механизми эканлиги ҳақида фикрлар кўп учрайди. Манбалар таҳлили кўрсатишича, аксарият давлатларда инновацион фаолиятни рағбатлантиришда бюджетдан бевосита молиялаштириш усулидан воз кечиб, солиқлар орқали билвосита рағбатлантириш усулига устуворлик берилган¹³⁷.

¹³⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: "Молия" нашриёти, 2003.

¹³⁶ Ниязметов И. М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. Молия. Тошкент. 2018. 32 б.

¹³⁷ Ниязметов И. М. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини

Бундан ташқари, И.Ниязметов фикрига кўра, солиқ инструментини тўғри танлашда имтиёзлаш мақсади ва имтиёз олувчиларнинг талабини (мақсади, эҳтиёжи) ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Бунда, авваламбор, имтиёз татбиқ этиладиган солиқ турини тўғри танлаш керак. Хусусан, инвестицияларни ҚҚСдан озод қилиш мутлақо ортиқча (кераксиз) бўлиши мумкин. Чунки, бундай имтиёз солиқнинг ишлаб чиқариш занжирида оралиқ маҳсулотлар учун тўланган ҚҚСга эга бўлган субъект зиммасида қолиб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда каскад эффеқтинини юзага келтиради. Худди шунингдек, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда фойда солиғидан фойдаланиш ҳам энг мунозарали ва иқтисодчилар томонидан кенг танқид остига олинган имтиёзлаш инструменти ҳисобланади. Бу сармоядорлар томонидан фойдани кўпайтиришга қаратилган солиқ имтиёзларидан кўра инвестиция харажатларини камайтиришга қаратилган солиқ имтиёзларини афзал кўриши билан боғлиқ¹³⁸.

Н.Ашурованинг фикрига кўра, солиқ механизми солиқ имтиёзларининг ишлаши учун шароит яратиши, асосий йўналиш илмий-техника тараққиётини юксалтиришга ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга, кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилиши лозим¹³⁹.

Жаҳонда инновацион технологияларни яратиш ва уларни саноатда татбиқ этиш соҳасида етакчиларидан бири бўлган, замонавий илмий-тадқиқот базасига, шунингдек, юқори ижодий салоҳиятли кўплаб олимларга эга Европа Иттифоқи ҳисобланади¹⁴⁰. Европа Иттифоқига аъзо

такмиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. (541) 14-16 б.

¹³⁸ Ниязметов И. М. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш йўллари. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш шароитида солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисобининг муаммолари” мавзусида Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Т.: ФИ., 2022. – (787) 171-177 бет.

¹³⁹ Ашурова Н. Солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадларининг узвийлиги. // Солиқлар ва солиққа тортиш./ Молия. 2015. №4 ТМИ. 82-86 б.

¹⁴⁰ How Can EU Legislation Enable and/or Disable Innovation? Jacques Pelkmans, Andrea Renda. Report. European Commission. Brussels, Belgium. July 2014. 78 p.

давлатларнинг илмий-техникавий ишланмалар соҳасидаги стратегик йўналиши - инновацион инфратузилманинг устувор йўналишларида инвестиция ресурсларини жамлашдан иборат. Инновацион инфратузилманинг устувор йўналишларидан бири эса инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга муайян имтиёзлар берадиган янада такомиллаштирилган солиқ механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Шунингдек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, техник ишлаб чиқаришнинг янги ғоя ва янгиликлар генератори кичик венчур фирмалари бўлди. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизими турли хил имтиёзлар орқали кичик илм-фан тадқиқот фирмалари фаолиятини рағбатлантиради. Хусусан, ИТТКИга сарфланган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш, капитал ўсишидан даромадларни солиққа тортишдаги имтиёзлар, капитал жалб қилишда кичик фирмаларга узоқ муддатли қимматли қоғозлар жойлаштириш ва ниҳоят, корхоналар даромадларини прогрессив солиққа тортишдир. Бундан ташқари, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиққа тортиш механизмларининг айрим турларидан алоҳида ёки уларнинг бир нечтаси комбинациясидан самарали фойдаланиш мумкин. Халқаро амалиётда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун солиқ базасидан маълум бир элементларни чегириш, солиқнинг тўлов муддатини узайтириш, солиқ таътили тақдим этиш ва шу каби бошқа солиқ имтиёзлари ҳамда энгилликлари қўлланади¹⁴¹.

Солиқлар воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаш мумкин, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ривожланиши, алоҳида корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш харажатларини камайтирилиши, миллий корхоналарнинг жаҳон

¹⁴¹ Ниязметов И. М. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. (541) 14-16 б.

бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиши мумкин.

Солиқлар воситасида иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари шундаки, солиқ юки даражасининг иқтисодий фаолиққа тесқари муносаббати солиқлар воситасида иқтисодий тартибга солишда турли хил самарали механизмлардан фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, солиқларнинг мажбурийлиги солиқлар воситасида иқтисодий тартибга солишда устунлик берса, иккинчи томондан солиқ тўловчиларнинг солиқларни яширишга бўлган интилишининг мавжудлиги туфайли солиқ назорати самарали ташкил этилганлиги етарли даражада натижа беради. Бундан ташқари, солиқларнинг бошқа мажбурий тўловлардан энг муҳим фарқли жиҳати эквивалентсизлик хусусиятидир. Ушбу хусусият солиқлар орқали иқтисодий самарали тартибга солиш учун давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий товарларнинг муносаб бўлишини талаб этади.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Инновацион иқтисодий давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурати биринчидан, умумий иқтисодий ва жамият учун инновацион жараёнларни аҳамияти ортиб бораётганлигидан келиб чиқса, иккинчидан, илмий ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, юқори харажатлар ва якуний натижанинг мавҳумлиги билан изоҳланади. Зеро, ҳозирда айнан инновация иқтисодий ривож истикболларини белгиламоқда.

2. Солиқ механизмдан фойдаланиш асосида инновацион ривожланишни таъминлаш одатда солиқ имтиёзлари ва энгилликларининг инновацион корхоналар фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирга асосланади. Айни пайтда, солиқлар иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилиши солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланишга асосланган. Солиққа тортиш назарияси

доирасида тартибга солиш функциясининг таъсири солиқ тўловчиларнинг турли объектлари ва тоифаларини нотекис солиққа тортилиши билан асосланади.

3. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқларнинг роли шундаки, давлат айнан солиқ механизмларидан фойдаланиш воситасида инновацион фаолиятни рағбатлантириш орқали умуммиллий устуворликлар ва ХЮСларнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлайди. Солиқларга фақатгина бюджетга зарурий тушумларни таъминловчи восита сифатида қаралиши бир мунча тор ёндашув бўлиб, бу категория моҳиятини тўлиқ ифода этмайди. Солиқлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солишда муҳим механизм ҳисобланар экан, жамиятнинг ишлаб чиқаришига сезиларли таъсир кўрсатади, унинг ўсиш суръатларини чеклаб туради ёки рағбатлантиради, жамғариш ва истеъмолга рағбатни кучайтиради ёки кучсизлантиради, шунингдек аҳоли тўлов қобилиятини оширади ёки пасайтиради.

4. Аксарият иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан иқтисодий инновацион ривожлантиришда асосан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият объект сифатида тадқиқ этилган. Чунки, улар томонидан иқтисодий инновацион ривожлантиришга айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали эришилади деган хулосага келинган. Иқтисодий айнан солиқлар воситасида ривожлантириш мақсадига эса солиқ механизмлари, хусусан солиқ имтиёзлари орқали эришилиши илмий асосланган.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИДАН ФЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИ

§ 2.1. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ қонунчилиги таҳлили

Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам инновацион ривожлантирмасдан туриб иқтисодий тараққиётнинг кейинги босқичига ўтиб бўлмайди. Зеро, юқори рақобатбардошликка эришишда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтиши стратегик устуворлик ҳисобланади. Бу иқтисодий ривожланиш моделининг ўзгариши ҳамда иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни талаб этади.

Мамлакатимизда фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги ПФ-438-сонли Фармони¹⁴² ҳисобланиб, унга асосан 1992-1995 йилларда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида хўжалик шартномалари асосида бажариладиган илмий тадқиқот ҳамда инновация ишлари ҚҚС тўлашдан озод қилинган.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш вазифаси эса мамлакат раҳбари томонидан расман 2018 йилда кўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони¹⁴³ мувофиқ 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси тасдиқланиб, Стратегия бош мақсадига эришишда қатор муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб ГИИ рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 июлдаги “Илм-фанни давлат йўли билан кўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-438-сонли Фармони. Ҳужжат ўз кучини 28.09.2020 йилда йўқотган. <https://lex.uz/docs/172827>.

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон Фармони. <https://lex.uz/search/all?actnum=5544>.

илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;

инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шакллари жорий этиш.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилиш”ни¹⁴⁴ илгари сурдилар. Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида учинчи устувор вазифаси сифатида “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”, деб алоҳида таъкидла ўтдилар¹⁴⁵.

Республикаимизда олиб борилаётган муваффақиятли ислохотлар иқтисодиётимизни юқори суръатларда ривожлантиришда фан-техника ютуқларидан юксак даражада фойдаланиш ва инновацион фаолликни ошириш заруриятини юзага чиқарди, бу эса пировард натижада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Инновацион ривожланиш стратегияси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарурий омили ҳисобланади.

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. Тошкент. Халқ сўзи. 28.12.2018.

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги. 25.01.2020. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

Инновацион иқтисодиёт энг аввало эгилувчан, динамик иқтисодиёт бўлиб, унда янги компаниялар вужудга келади, эскирганлари йўқолади, янги бозорлар изланади, янги бозор қисмлари ўзлаштирилади.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ конунчилиги таҳлилини амалга оширар эканмиз, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг бу борадаги меъёрларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексига¹⁴⁶ иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга асосий таянч бўладиган илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиққа тортишга, шунингдек, мазкур фаолият турларини тартибга солишга, шу жумладан рағбатлантиришга доир меъёрлари етарли бўлмаган, мавжудларида эса ноаниқлик ва самара кам бўлган. Жумладан, Солиқ кодексининг 141-моддаси 6-қисми 4-бандида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан бошқа харажатлар чегирилиши назарда тутилган. Солиқ кодексининг 145-моддасида бошқа харажатлар таркиби келтирилган, хусусан ушбу модданинг 36-бандида фаолият билан боғлиқ ИТТКИ учун харажатлар юридик шахслар фойда солиғидан чегириладиган харажатлар сифатида белгиланган.

Лекин амалда бўлган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ИТТКИ учун харажатлар моҳияти ва таркиби белгиланмаган бўлса, баъзи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур таърифнинг мазмун-моҳиятида номувофиқликларни кузатиш мумкин. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори¹⁴⁷ билан тасдиқланган низомда мазкур харажатларнинг моҳияти ва таркиби келтирилмаган. Масалан, ушбу низомдаги “Давр харажатлари”, деб номланган 2-параграфининг 2.3.18-бандида фақатгина “илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (иккинчи таҳрир) 08.01.2020 йилда ўз кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/1286558>.

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маҳсулотни (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/264422>.

олиб бориш харажатлари” деб қайд қилинган. Аммо ИТТКИга доир харажатлар деганда қандай харажатлар тушунилиши ва уларнинг аниқ таркиби белгиланмаган.

Бундан ташқари, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (стандарт) 11-сон БҲМСда¹⁴⁸ "Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар" деб номланган бўлса, ушбу стандартнинг мақсадида "илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига харажатлар", амал қилиш доирасида "илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишлари харажатлари" деб, тушунчалар параграфиди эса илмий-текшириш ишлари ва тажриба-конструкторлик ишлари деб белгиланган. Бунда, асосий фарқли жиҳатлари шундаки, стандартда "илмий-текшириш", "ишлаб чиқишлар", "ишлар" деб назарда тутилган. "Ишлаб чиқишлар" ва "ишлар" билан "ишланмалар"ни ҳамда "илмий-текшириш" билан "илмий-тадқиқот"ни этимологик иқтисодий луғавий маъносида фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу эса ўз навбатида, мазкур ишланмаларга йўналтирилган харажатларнинг фойда солиғи базасидан чегиришда кўплаб ноаниқликлар ва тушунмовчиликларни юзага келтириб, солиқ механизидан самарали фойдаланишга етарли даражада имкон бермаган.

Шунинг учун биз томонимиздан изланишларимиз асосида ИТТКИ учун йўналтирилган харажатлар мазмун-моҳиятига аниқлаштирилган муаллифлик таърифини ва ушбу харажатларни чегиришнинг такомиллаштирилган тартибини солиққа оид қонун ҳужжатларида белгилаш таклифи илгари сурилган. Ишлаб чиқилган ушбу таклифларимиз асосида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси¹⁴⁹ алоҳида 312-моддаси билан тўлдирилиб, ИТТКИга доир харажатлар тушунчаси ва чегириш тартибига доир меъёрлари белгиланди.

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 11-сон БҲМС. ДСҚ ва МВнинг 1998 йил 3 декабрдаги "Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар тўғрисида"ги 64-сон ҚҚ. (ЎЗР. АВдан 28.12.1998 йилда 581-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>

Дастлаб, ИТТКИга доир харажатлар тушунчасига умумий таъриф, яъни янги маҳсулотни (товарларни, хизматларни) яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни (товарларни, ишларни) такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишнинг янги технологияларини, усулларини яратиш ёки қўлланилаётган шундай технологияларни, усулларни такомиллаштириш жумласига кирадиган харажатлар сифатида белгиланди. Мазкур таърифнинг мазмуни умумий характерга эга бўлиб, кўпроқ инновацион маҳсулотга йўналтирилган харажатларга яқин бўлиб колган. Шунинг учун илмий таклифларимиз асосида ИТТКИга доир харажатларнинг янада аниқлаштирилган таърифлари белгиланди. Хусусан:

илмий тадқиқотларга доир харажатлар - янги илмий ёки техник билимлар ва ғояларни олиш мақсадида амалга оширилган оригинал ҳамда режали тадқиқотлар жумласига кирадиган харажатлар;

тажриба-конструкторлик ишланмаларига доир харажатлар - янги маҳсулотни (товарларни, хизматларни) яратиш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни (товарларни, хизматларни) такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишнинг янги технологияларини, усулларини яратиш ёки қўлланилаётганларини такомиллаштириш жумласига кирадиган харажатлар сифатида белгиланди.

Шу билан бирга, ИТТК фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ёки асослангилган тарзда ушбу конструкторлик фаолияти турлари жумласига киритилиши мумкин бўлган барча харажатлар ҳам ИТТКИга доир харажатларга киритилиши кўшимча таъриф сифатида берилди. Бундан ташқари, илмий таклифларимиз асосида мазкур харажатларни чегириш механизми ҳам такомиллаштирилиб, таъсирчанлиги оширилди. Хусусан, солиқ тўловчининг ИТТКИга доир харажатлари, амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлардан ташқари, тегишли ИТТКИнинг натижасидан қатъи назар, бундай тадқиқотлар ва ишланмалар тугалланган ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномасини тарафлар имзолаганидан

кейин харажатлар дастлаб 100 фоиз чегирилиши белгиланган бўлса, ҳозирда икки коэффициент қўлланилган ҳолда чегирилиши белгиланди.

Солиқ кодексидаги иқтисодий инновацион ривожлантиришга йўналтирилган яна бир меъёрларидан бири бу 243-моддаси (иккинчи тахрирдаги Солиқ кодексида 208-моддада назарда тутилган)¹⁵⁰ ҳисобланиб, ушбу моддада бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари ҚҚСдан озод этилиши белгиланган. Ушбу солиқ механизми 1992 йилдан (08.07.1992 й. ПФ-438) жорий қилинишига қарамадан, унда белгиланган солиқ механизми корхоналар инновация фаолиятига таъсир этиш даражаси паст бўлган. Бунинг сабабларидан бири шуки, мазкур солиқ механизмини қўллашда рағбатлантириш объекти, яъни инновация ва инновация билан боғлиқ атамалар тегишли қонунчилик билан мустаҳкамланмаган.

Бу борадаги илмий асосланган таклифларимизга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 июлдаги ЎРҚ-630-сонли Қонуни¹⁵¹ ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги 606-сонли қарори¹⁵² қабул қилиниб, уларда инновация, инновацион фаолият, инновацион инфратузилма ва янги ишланма каби тушунчаларнинг аниқ таърифи белгиланди. Жумладан, инновация фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма, деб эътироф этилган бўлса, янги ишланма - мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси, деб эътироф этилди. Шунингдек, инновацион фаолият деганда

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги тахрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 24.07.2020 йилдаги ЎРҚ-630-сон. <https://lex.uz/docs/4910391>.

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги “Республика ҳудудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 606-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/6240100>.

янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият¹⁵³, деб ушбу Қонунда алоҳида белгилаб қўйилди.

Иккинчи тахрирдаги Солиқ кодексининг 282-моддаси ҳам инновацион фаолиятни бевосита ривожлантиришга қаратилган меъёрларни ўз ичига олади. Хусусан, ушбу модданинг 26-бандида илмий-тадқиқот ташкилотлари, ўқув юртларига қарашли тажриба, экспериментал ва ўқув-тажриба хўжаликларининг бевосита илмий ҳамда ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ахамиятига молик бўлган ерлар, шунингдек, илмий тажрибалар, экспериментал ишлар, янги навларнинг селекцияси ўтказилиши учун ҳамда мавзулари тасдиқланган бошқа илмий ва ўқув мақсадлари учун фойдаланиладиган экинлар ҳамда дарахтзорлар эгаллаган ер участкалари ҳам солиқ тўлашдан озод қилинган¹⁵⁴. Мазкур солиқ механизмидан самарали фойдаланиш, яъни инновацион маҳсулотлар ва технологияларни жорий қилиниши ҳамда ушбу маҳсулотларни истеъмолини рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

- қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланадиган энергия манбалари ускуналари жорий қилинган ер участкалари ер солиғидан озод қилиш;

- сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ерларни ер солиғидан озод қилиш;

- қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганлик учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчиларни мол-мулк солиғидан озод қилиш¹⁵⁵. Мазкур тақлифлар янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 414- ва 428-моддаларида ўз ифодасини топди.

¹⁵³ Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни, 24.07.2020 йилдаги ЎРҚ-630-сон. <https://lex.uz/docs/4910391>.

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2007. <https://lex.uz/docs/1286558>

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги тахрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 378-моддаси 14-бандига (иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 179-моддаси 18-бандида белгиланган) асосан нодавлат нотижорат ташкилотларидан, халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлса, республиканинг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грантнинг суммаси ЖШДС солинмайдиган даромадлар ҳисобланади¹⁵⁶. Мазкур меъёр инновацион фаолиятнинг бош бўғини ҳисобланган илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришга қаратилган, лекин миллий шартномалар доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грант суммасига нисбатан ЖШДС бўйича солиқ имтиёзи назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича республика ҳудудига олиб кириладиган ва республикада ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун ҚҚСни тўлашдан озод этилиши ҳам янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 483-моддасида¹⁵⁷ назарда тутилган.

Юқоридагиларда ташқари, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш мақсадида ХЮСлар инновацион фаолиятини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашга оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 июлдаги ПҚ-916-сонли қарорига мувофиқ 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ХЮСлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

ИТТКИни бажариш қисмида даромад солиғи, ЯСТ, ҚҚС ва ДМЖга мажбурий тўловлар (ЯИТдан ташқари) тўлашдан озод этилган¹⁵⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2602-сонли қарорига мувофиқ Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон-Япония Ёшлар инновация маркази 2025 йилнинг 1 январига қадар барча солиқларни, шунингдек ДМЖга мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, мазкур қарорга асосан марказнинг чет эллик ходимлари марказдаги фаолият доирасида олинган даромадлар бўйича ЖШДС тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҚҚС тўлашдан озод этилган¹⁵⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги ПҚ-2769-сонли қарорига асосан Геномика ва биоинформатика марказига бепул берилаётган мол-мулк қиймати, шунингдек, мақсадли тушаётган маблағлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилмаслиги белгиланган¹⁶⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли Фармонига биноан Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ташкил этилган «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган инновация лойиҳалари доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврида дастлаб юридик шахслар ер солиғи, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ОИИРС, ЯСТ, Республика йўл жамғармасига ва Бюджетдан ташқари умумтаълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/1372342>.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2602-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3031117>.

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 февралдаги “Геномика ва биоинформатика соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек инновация ишларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2769-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3115843>.

этилган¹⁶¹. Кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сонли Фармонида асосан фақат юридик шахслар ва мол-мулк солиқларидан озод этилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли қарорига¹⁶² асосан Технопарк резидентлари учун 2025 йил 1 августга қадар айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 1 фоиз этиб белгиланди¹⁶³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли Фармонида мувофиқ дастлаб «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази сифатида¹⁶⁴, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6268-сонли Фармонида асосан “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки” сифатида қайта ташкил этилган технопарк резидентлари 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва ДМЖга мажбурий ажратмаларни ҳамда ЯИТни тўлашдан озод этилган. Шунингдек, ушбу ПФ-6268-сон Фармонга асосан Технопарк резидентлари билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича ходимлар томонидан 2028 йил 1 январгача олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар солиқ солиш мақсадида белгиланадиган жисмоний шахсларнинг умумий йиллик даромадлари ҳажмига киритилмаслиги белгилаб қўйилди¹⁶⁵. Бундан ташқари, мазкур Фармон билан белгиланган имтиёзлар ҳудудларда барпо этиладиган «Inno»

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5068-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3227414>.

¹⁶² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-307-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/6102466>.

¹⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4861558>.

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3249651>.

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-6268-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5525180>.

инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопарклари ва уларнинг резидентларига 2022 йил 1 августдан бошлаб татбиқ этилиши белгиланди¹⁶⁶.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-3416-сонли Фармонида асосан ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ЯИТ ва тўлов манбаидаги юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан ташқари барча турдаги солиқлардан озод қилинган¹⁶⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонида биноан юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар, венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан олинган даромадлар бўйича лойиҳа-конструкторлик бюрolari, фаолиятдан олинган даромадлари бўйича янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ЯИТдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинган¹⁶⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги ПҚ-3697-сонли қарори билан ташкил этилган Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширган ҳолда, ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилган¹⁶⁹.

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 октябрдаги “Республика худудларида инновация ва инвестиция фаолиятини жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 606-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/6240100>.

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги ПФ-3416-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3431440>.

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-5308-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3516847>.

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3697-сонли қарори. <https://lex.uz/search/nat?actnum=3697>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли қарорига мувофиқ илмий-тадқиқот ташкилотлари ўзларининг асосий фаолияти бўйича Пенсия жамғармасига ажратмалардан ташқари барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинган. Бунда, бўшаётган маблағлар ушбу ташкилотларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилиши белгиланган¹⁷⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сонли қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси 2022 йил 1 январга қадар муддатга ЯИТдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва ДМЖга мажбурий ажратмалардан озод этилган¹⁷¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги ПҚ-3975-сонли қарори билан Президент хузурида ташкил этилган Оролбўйи халқаро инновация маркази 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга барча турдаги солиқларни тўлашдан озод этилган¹⁷².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли қарорга асосан Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бунда, Миллий реестрга киритилган юридик шахслар - дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар,

¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3723561>.

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3894-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3846720>.

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3975-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3994101>.

хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилиши назарда тутилган¹⁷³.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ЯСТдан озод қилинган¹⁷⁴. Бироқ, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат Солиқ кодексининг солиқ имтиёзларини белгилаш ва тақдим этишга доир меъёрларига мувофиқ келмайди. Сабаби, солиқ имтиёзлари алоҳида ҳолатларда фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ тақдим этилиши белгиланган.

Шуни ҳам алоҳида зарурки, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда ушбу соҳага, хусусан инновацион инфратузилмани янада яхшилаш мақсадида солиқ механизми воситасида йўналтириладиган инвестициялар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун мазкур фаолият турларига инвестицияларни фаол жалб қилинишида халқаро амалиётда кенг фойдаланиб, ўзининг ижобий самарасини бериб қелаётган солиқ механизмлари назарда тутилган айрим солиққа оид қонунчилик ҳужжатлари таҳлилини амалга ошириш зарур. Жумладан, иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 159-моддасида ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда юридик

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2042-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2239895>.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги “Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 721-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3903197>

шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси камайтирилиши белгиланган¹⁷⁵. Лекин, ушбу солиқ механизми солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир этиши кузатилган бўлсада, унинг амалий қўлланилиши чекланган. Чунки, аксарият ҳолларда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағлар суммасига нисбатан солиқ даврида ҳисобланган амортизация суммаси юқори бўлган ва солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдордаги чегаравий меъёр белгиланган.

Мазкур солиқ механизмнинг солиқ тўловчилар учун аҳамияти, рағбатлантиришнинг таъсир даражаси ва самарадорлиги ошириш мақсадида изланишларимиз ва амалга оширилган тадқиқотларимиз асосида ушбу меъёрнинг қўллаш механизмини такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилиб, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўз ифодасини топди. Хусусан, янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг¹⁷⁶ 306-моддасида белгиланган тартибда аниқланадиган активнинг бошланғич қийматидан келиб чиққан ҳолда амортизация қилиниши лозим бўлган амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестицион солиқ чегирмаларни қўллаш тартиби ва шартлари ушбу моддада белгиланиб, инвестициявий чегирма амортизация харажати деб эътироф этилди. Жумладан, инвестициявий чегирма янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг ва ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари доирасида маҳаллий ишлаб чиқаришнинг дастурий таъминотини сотиб олишга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг дастлаб 10 фоиз, кейинчалик 20 фоизи миқдорида қўлланилиши белгиланди.

Шу билан бирга, рағбатлантириш объекти, яъни янги технологик жиҳоз (ускуна) тушунчаси Адлия вазирлигидан 2007 йил 11 июнда 1688-сон билан

¹⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (иккинчи таҳрир) 08.01.2020 йилда ўз кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/1286558>.

¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

давлат рўйхатидан ўтказилган низомда¹⁷⁷ белгиланган бўлиб, ушбу низом 2017 йил 28 августда ўз кучини йўқотган бўлсада, 2020 йил 8 январда ўз кучини йўқотган иккинчи тахрирдаги Солиқ кодексида назарда тутилмаган. Мазкур тушунча ҳам янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 308-моддасида ўз ифодасини топди Унга асосан товарларни (хизматларни) ишлаб чиқариш жараёнида солиқ тўловчи томонидан фойдаланиладиган, чиқарилган кундан эътиборан кўпи билан 3 йил ўтган машиналар ва ускуналар янги технологик ускуналар деб эътироф этиладиган бўлди.

Илмий таклифлар ва амалий тавсияларимиз асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сонли Фармони¹⁷⁸ билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 13-бандида солиқ кредити институтини жорий этиш масаласини кўриб чиқиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли қарорининг¹⁷⁹ 4-банди билан солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи «инвестициявий солиқ кредитлари» институтини жорий этиш белгиланган. Бундан ташқари, ушбу солиқ механизми Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-598-сонли Қонунининг 35-моддасида ҳам “инвестицияга оид солиқ кредити” номи билан ўз ифодасини топди. Ушбу модда мазмунига эътибор берадиган бўлсак, инвесторларни кўллаб-қувватлаш мақсадида уларга инвестицияга оид солиқ кредити берилиши мумкин ва ушбу кредит солиқ мажбуриятини бажариш муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, бунда солиқ тўловчи бўлган инвесторга белгиланган муддат ичида ушбу инвестор тўлаши керак бўлган

¹⁷⁷ Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. <https://lex.uz/docs/1220922>

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3845273>.

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4415356>.

солиқ тўловларини кредит суммасини ва ҳисобланган фоизларни Солиқ кодексига мувофиқ кейинчалик босқичма-босқич тўлаган ҳолда камайтириш имконияти берилиши назарда тутилган¹⁸⁰.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, деб номланган 11-бобда эса солиқ кредитининг айрим ўхшаш жиҳатлари назарда тутилган механизм сифатида жорий қилинган. Масалан, қарз суммасини қайтариш солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Бунда, солиқ тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қуйидаги асослардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда берилиши белгиланган¹⁸¹:

1) табиий офат, технологик фалокат ёки бошқа бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида зарар етказилганда (фоизсиз);

2) бюджетдан молиялаштириш кечиктирилганлиги ёки бажарилган давлат буюртмаси, давлат эҳтиёжлари учун бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш кечиктирилганда (фоизсиз);

3) солиқни бир йўла тўлаши оқибатида унинг ночорлиги (банкротлиги) аломатлари пайдо бўлиши хавфи юзага келганда (100 фоиз);

3¹) манфаатдор шахс фаолиятни 3 йилдан ортиқ вақтдан буён амалга ошираётганлиги ва ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўлаб келганлиги, аммо молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини белгиланган муддатларда тўлаш имкониятига эга бўлмаганда (100 фоиз);

3²) агар шахс солиқ тўлашни кечиктириш ҳуқуқи тўғрисидаги хабарномани ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 3 ой ичида бу ҳақда солиқ органларини хабардор қилганда (50 фоиз)

¹⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/4664142>.

¹⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

4) мулкый ҳолати солиқни бир йўла тўлаш имкониятини истисно этганда (100 фоиз);

5) товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш, реализация қилиш мавсумий хусусиятга эга бўлганда (100 фоиз);

6) божхона чегараси орқали товарлар олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш учун асослар мавжуд бўлганда (100 фоиз)¹⁸².

Халқаро амалиётда солиқ кредитини тақдим этишнинг асосий шартлари ҳисобланган ХЮСларнинг ихтисослиги ва фаолият тури, тақдим этиш муддати, солиқ тўловчи билан шартнома асосида тузилиши, тўлов муддатининг ўзгартириш имконияти, суммани қоплаш тартибининг ўзига хослиги, асослар доираси, фоиз ставкаси ва истисно ҳолатларда қайтарилмаслиги каби жиҳатлари ҳисобга олинмаган¹⁸³. Қолаверса, халқаро амалиётда мазкур механизм асосан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали уларнинг молиявий муаммоларини хал қилишда кенг фойдаланилади (4.1-параграфга қаранг).

Бизнингча, солиқ кредити ва инвестицион солиқ кредити институтини янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 11-бобида¹⁸⁴ назарда тутилган солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартиришга оид белгиланган меъёрлари асосида татбиқ этилиши ушбу солиқ механизмларининг иқтисодий моҳиятига ва мақсадларига тўлақонли мувофиқ келмайди ҳамда уни корхоналарнинг инновацион - инвестицион фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан самарасиз ҳисобланади.

Шунингдек, солиқни тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти манфаатдор шахсга, башарти унинг молиявий аҳволи ушбу солиқни белгиланган муддатда тўлаш имконини бермаса,

¹⁸² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

¹⁸³ Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш. Монография. Тошкент. “Молия”. 2020. 194 б.

¹⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

бирок кўрсатилган шахсда бундай солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган муддат мобайнида тўлаш имконияти юзага келади, деб тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса, берилиши мумкинлиги қайд этилган. Лекин солиқни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун берилган муддат мобайнида тўлаш имконияти юзага келишини тахмин қилувчи айнан қандай асослари етарлича мавжуд бўлиши кераклиги номаълум.

Бундан ташқари, солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти 1) юридик шахсга - унинг соф активлари қийматидан ошмайдиган суммага; 2) жисмоний шахсга - унинг мол-мулки қийматидан ошмайдиган суммага берилиши белгиланган бўлсада, ушбу суммаларга солиқни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти қандай фоиз ставкаларда қайтарилиши Солиқ кодексида очик қолиб кетган. Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон солиқ қонунчилигида амалда бўлган солиқ кредити, яъни тўлов муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш механизми умумий характерли бўлиб, инвестицион йўналтирилмаганлигидан далолат беради.


Юқоридагилардан кўринадики, аввало, ушбу соҳага доир қонунчиликни мувофиқлаштириш ва ноаниқликларни бартараф этиш орқали иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

§ 2.2. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали тартибга солиш амалиёти

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда ХЮСларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини солиқ механизми орқали тартибга солишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда, солиқ механизми орқали тартибга

солиш ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар сингари асосан солиқ рағбатлари орқали амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали тартибга солиш амалиётига ўтишдан аввал, мазкур фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солиш, хусусан рағбатлантиришнинг умумий кўрсаткичларига эътибор қаратамиз.



2.1-расм. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили¹⁸⁵ (%)

2.1-расм кўрсатишича, 2015-2021 йиллар мобайнида ЯИМга нисбатан умумий солиқ имтиёзлари ўртача 1,1 фоизни, умумий солиқ тушумларига нисбатан умумий солиқ имтиёзлари ўртача 5,4 фоизни, умумий солиқ имтиёзларига нисбатан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлар ўртача 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, 2020 йилда умумий солиқ тушумларига нисбатан умумий солиқ имтиёзлари 14,5 фоизни, яъни

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (www.mf.uz), Давлат статистика қўмитаси (www.stat.uz) ва Давлат солиқ қўмитаси (www.soliq.uz) расмий сайтларидаги маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

ўтган йилларга нисбатан бир мунча юқори кўрсаткични кўрсатаётганлиги пандемия билан боғлиқ. Чунки, айнан 2020 йилда пандемия шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва енгилликлари қўлланилган.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ рағбатларидан фойдаланиш даражаси 2015 ва 2019 йилларда бошқа йилларга нисбатан юқорирок кўрсаткичга эга бўлсада, ушбу фаолият турларига тақдим этилган солиқ имтиёзларининг умумий солиқ имтиёзларидаги улуши ўртача олти йилда 10 фоизга хам етмайди. Фаолият кўрсатаётган юридик шахсларнинг умумий сонига нисбатан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланиб, имтиёздан фойдаланган юридик шахслар сони эса ушбу даврда ўртача 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур кўрсаткичлар илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш даражаси пастлигидан ёки илмий тадқиқот ва инновацион фаолликни сезиларли даражада оширишда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

2.1-жадвал

Илмий-тадқиқот ва инновация ишларини ҚҚСдан озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзи таҳлили ¹⁸⁶

Йиллар	Солиқ кодекси 208-м. 9-б. (янги таҳрирдаги СКнинг 243-м. 9-б.)					
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган имтиёзлардаги улуши	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШлардаги ЮШлар улуши
01.01.2016	20	0	2795,8	0	0,017 %	2%
01.01.2017	21	105 %	2936,7	105 %	0,018 %	2%
01.01.2018	23	110 %	2997,7	102 %	0,029 %	2%
01.01.2019	22	96 %	3057,2	102 %	0,018 %	4%
01.01.2020	11	50 %	2905,8	95 %	0,017 %	2%
01.01.2021	12	109 %	933,1	32 %	0,004 %	2%

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ рағбатларининг ҳар бирига, уларнинг, солиқ тури, тақдим этиш шакли, қўллаш амалиёти ва ҳозирги кундаги ҳолатига тўхталиб ўтамиз. Жумладан, 2.1-жадвал кўрсатишича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 243-моддаси 9-бандида¹⁸⁷ (Эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 208-моддаси 9-банди¹⁸⁸) назарда тутилган ҚҚСдан озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёздан фойдаланувчилар ва имтиёз миқдори йилдан-йилга камайиб борганлигини кузатиш мумкин.

Бунинг асосий икки сабабини келтириш мумкин:

1) мазкур солиқ имтиёзи фақатгина бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига татбиқ этилади. Ваҳоланки, бундай ишларга йўналтирилаётган харажатларнинг 51 фоизи (01.01.2020 йил ҳолатига 3342,9 млрд.сўмни (3-иловага қаранг) ташкил этади¹⁸⁹) ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб келинмоқда;

2) ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзи етарли самара бермайди. Чунки, бундай имтиёз солиқнинг ишлаб чиқариш занжирида оралик маҳсулотлар учун тўланган ҚҚСга эга бўлган субъект зиммасида қолиб кетишига сабаб бўлади ва оқибатда каскад эффектини юзага келтиради.

ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзига нисбатан ушбу солиқ бўйича пасайтирилган солиқ ставкаларини назарда тутувчи солиқ имтиёзлари қўлланилишининг афзаллиги шундан иборатки, унда ҚҚС ўзининг ҳисобга олиш хусусиятини йўқотмайди. Мазкур ҳолат “INTER-INNOVATION” хусусий корхонаси фаолияти кўрсаткичлари орқали қўйидаги 2.2-жадвалда солиштириш орқали тасвирланган.

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги таҳрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (иккинчи таҳрир) 08.01.2020 йилда ўз кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/1286558>.

¹⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари. Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари / Статистик бюллетень. Тошкент. 2020. www.stat.uz.

2.2-жадвал

ҚҚСдан озод қилиш ва пасайтирилган ставка қўллаш бўйича имтиёзларнинг қиёсий таҳлили¹⁹⁰ (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	ҚҚС бўйича вариантлар	
		Амалдаги ҳолат	Пасайтирилган ставка (10 %)
1	Товар (маҳсулот, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	44 399,3	44 399,3
2	Сотилган товар (маҳсулот, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	39370,5	39370,5
3	Реализацияга ҚҚС	0,0	4439,9
4	Харажатларга олиб борилган ҚҚС	1307,4	0,0
5	Чегираладиган ҚҚС суммаси:	0,0	1307,4
6	Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	546,4	1853,8
7	Ҳисобланган фойда солиғи	65,5	222,4
8	Соф фойда (6 қатор – 7 қатор)	480,9	1631,4
9	Бюджетга тўланадиган ҚҚС	0,0	3132,5

Илмий тадқиқот ва инновация ишларидан ҚҚС тўлиқ озод қилиш ўрнига пасайтирилган солиқ ставкасини қўлланилиши оқибатида кирим қилинадиган ҚҚС тўлиқ ҳисобга олинади, натижада корхона соф фойдаси 1,1 млн.сўмга ўсишига ва 3,1 млн.сўм бюджетга қўшимча тушумлар тушишига олиб келади.

Демак, мазкур солиқ имтиёзидан самарали фойдаланиш ҳамда ушбу механизмнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга ижобий таъсирини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1) мазкур солиқ имтиёзи нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари ҳамда хусусий маблағлар ҳисобидан ҳам бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига татбиқ этилиши;

2) илмий тадқиқот ва инновация ишлари ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига мазкур солиқ турининг пасайтирилган ставкаларини қўллаш;

3) ишлар натижасидан, яъни амалиётга жорий қилиниши ва (ёки) маҳсулот тижоратлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда ҚҚСнинг 0 ставкасини қўллаш.

¹⁹⁰ Корхона электрон ҳисоботлари асосида муаллифнинг шартли ҳисоб-китоби.

Шу билан бирга, ушбу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2602-сонли қарорига¹⁹¹ мувофиқ Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети хузурида ташкил этилган Ўзбекистон-Япония Ёшлар инновация марказига 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҚҚС тўлашдан тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этиладиган солиқ имтиёзларига ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

2.4-жадвал

Илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув тажриба хўжаликларини ер солиғидан озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзи таҳлили¹⁹²

Йиллар	Иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 282-м. 2-қ. 26-б. (Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 428-м.)				Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШ лардаги ЮШлар улуши
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
01.01.2016	4	0	57,7	0	0,000	0%
01.01.2017	8	200%	24,5	42%	0,000	1%
01.01.2018	16	200%	173,7	709%	0,002	2%
01.01.2019	32	200%	4976,4	2865%	0,029	5%
01.01.2020	35	109%	1106,3	22%	0,007	7%
01.01.2021	13	34%	517,6	67%	0,003	2%

Иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 282-моддаси 2-қисми 26-бандига асосан (Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 428-моддаси) илмий-тадқиқот, ўқув ва илмий тажриба ҳамда экспериментал ишлари учун фойдаланиладиган ерлар ер солиғидан озод қилинган (2.4-жадвал).

Албатта, мазкур солиқ имтиёзи муҳим, чунки бу инновацион циклнинг дастлабки бўғинини рағбатлантирмоқда. Бироқ, иқтисодий инновацион ривожлантиришда нафақат илмий тадқиқот фаолияти, балки илмий тадқиқот ва инновацион фаолият натижаси ҳисобланган инновацион

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети хузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2602-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3031117>.

¹⁹² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

махсулот, юқори технологияларни жорий қилиниши ва тижоратлаштирилиши солиқ механизми воситасида фаол рағбатлантириш зарур.

2.5-жадвалда келтирилган инструментларнинг таснифланиши солиқ имтиёзларини имтиёзлаш усуллари бўйича фарқлаш имконини беради. Шунингдек, мазкур таснифда солиқ имтиёзлари инновацион фаолиятнинг аниқ бир босқичида рағбатлантириш объектига, уларнинг таъсири тамойили бўйича таснифланади.

2.5-жадвал

Халқаро амалиётда инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари ва уларнинг таснифланиши¹⁹³

	Солиқлар воситасида рағбатлантириш инструментлари	Рағбатлантириш объекти	Инновацион фаолият босқичлари
Озод қилишлар	Солиқ таътиллари	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Солиқ ставкасини пасайтириш ёки ноль ставка	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши, тижоратлаштирилиши
	Хорижий манбадан даромадга имтиёзлар	Трансфер технологиялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Алоҳида объектларни солиққа тортишдан чиқариш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион мукофот	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
Чегирмалар	Тадқиқот ва ишланмаларга жорий харажатларни ҳисобдан чиқариш	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўсиш суръатлари	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион чегирмалар	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Асосий воситалар амортизациясининг махсус режимлари	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Зарарларни келажакка ўтказиш	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тезлаштирилган амортизация	Қимматбаҳо тадқиқот ускунасига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Қўшимча солиқ чегирмалари	Инвестициялар ҳажми	Тадқиқот, жорий қилиниши
Кредитлар	Тадқиқот солиқ кредити	Тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестициялар ҳажми, хусусий бизнес ва тадқиқот муҳити ўртасидаги ҳамкорлик	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Инвестицион солиқ кредити	Корхона технологик модернизациясига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши
	Тадқиқот фаолиятидаги иш ҳақи учун солиқ кредити	Инвестициялар ҳажми, инсон капиталига инвестициялар	Тадқиқот, жорий қилиниши

Шу нуқтаи назардан инновацион фаолиятнинг муҳим босқичи ҳисобланган янги ва инновацион технологиялар, жумладан қайта

¹⁹³ Гиясов С.А. Солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг халқаро амалиёти. Иқтисодиёт ва таълим / Молия ва солиқлар. ТДИУ. 2021 йил, 4-сон 132-141 б. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal>.

тикланадиган энергия манбалари ускуналари ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилган корхоналарга ушбу ускуналар ва технологиялар бўйича мол-мулк солиғидан ва улар эганлаган ерлар бўйича ер солиғидан имтиёزلарни татбиқ этиш лозим. Албатта, агар сувни тежайдиган суғориш технологиялари муайян вақт давомида фойдаланишга яроксиз ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилиниши зарур.

Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 378-моддаси 14-бандида¹⁹⁴ (Иккинчи тахрирдаги Солиқ кодексининг 179-моддаси 18-бандида¹⁹⁵) нодавлат нотижорат ташкилотларидан, халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари ва фондларидан, шунингдек ваколатли органнинг хулосаси мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасидаги халқаро шартномалари доирасида солиқ тўловчи грант берувчидан бевосита олган грантнинг суммасига ЖШДС солинмаслиги белгиланган.

2.6-жадвал

Илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчиларнинг ЖШДСдан озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзи таҳлили¹⁹⁶

Йиллар	Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 378-м. 14-б. (Иккинчи тахрирдаги Солиқ кодексининг 179-м. 18-б.)				Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШ лардаги улуши
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
01.01.2016	14	0	840,4	0	0,005	1%
01.01.2017	14	100%	609,1	72%	0,004	1%
01.01.2018	8	57%	23,3	4%	0,000	1%
01.01.2019	11	138%	1031,8	4428%	0,006	2%
01.01.2020	16	145%	282,8	27%	0,002	3%
01.01.2021	39	244%	2942,8	1041%	0,013	7%

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Янги тахрир. 2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

¹⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (иккинчи тахрир) 08.01.2020 йилда ўз кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/1286558>.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

2.6-жадвал гувоҳлик беришича, мазкур солиқ имтиёздан 2015 йилда 14 та ҳолатда 840,4 млн.сўм, 2016 йилда 14 та ҳолатда 609,1 млн.сўм, 2017 йилда 8 та ҳолатда 23,3 млн.сўм, 2018 йилда 11 та ҳолатда 1031,8 млн.сўм, 2019 йилда 16 та ҳолатда 282,8 млн.сўм, 2020 йилда 39 та ҳолатда 2942,8 млн.сўм фойдаланилган. Шунингдек, мазкур солиқ имтиёзи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 26 октябрдаги ПҚ-1631-сонли (ПҚ-3674 узайтирилган) қарорида Буюк Британиянинг Кембридж университети иштирокида Тошкент шаҳрида Юқори технологиялар марказининг чет эллик ходимлари Марказдаги фаолияти доирасида олинган даромадлари бўйича ЖШДСни тўлашдан озод этилган. Мисол учун, мазкур имтиёздан 2015 йилда 2 та ҳолатда 1429,4 млн.сўмни ташкил этса, 2016 йилда 3 та ҳолатда 840,8 млн.сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги ПҚ-2602-сонли қарорида ҳам Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурида Ўзбекистон-Япония ёшлар инновация марказининг чет эллик ходимлари 2025 йилнинг 1 январига қадар марказдаги фаолият доирасида олинган даромадлари бўйича жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ тўлашдан озод этилган.

Солиқ солишнинг адолатлилик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, солиқ механизмидан самарали фойдаланиш орқали тадқиқот натижаларини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларни амалиётга жорий қилинишини жадаллаштириш ҳамда инновацион фаолият босқичларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида грант лойиҳаларда миллий шартномалар доирасида илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширувчи иштирокчиларни (Ўзбекистон Республикаси резидентларини) лойиҳа доирасида олган даромадларига нисбатан ЖШДСнинг пасайтирилган (амалдаги ставканинг 50 фоизи) солиқ ставкаларини қўллаш, тадқиқот натижаларини жорий қилиш ва (ёки) тижоратлаштириш шarti асосида эса мазкур солиқни тўлашдан озод қилиш орқали қоплаб бериш мақсадга мувофиқ.

2.7-жадвалдаги ҳисоб-китобларимиз кўрсатишича, илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган резидент иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадлари илмий тадқиқот натижаларини жорий қилинганлигидан келиб чиққан ҳолда, ЖШДСдан озод қилиниши давлат бюджетида ўртача бир йилда 4818,4 млн.сўм йўқотишга олиб келиши мумкин.

2.7-жадвал

Илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадлари ЖШДСдан озод қилиниши таҳлили¹⁹⁷

ИТТКИларни бажарган тадқиқотчи-мутахассислар	01.01.2019			Натижаларни жорий қилган тадқиқотчи-мутахассислар сони	Ўртача умумий иш ҳақи (млн.сўм)	Жами иш ҳақидан даромад солиғи (млн.сўм)
	Шу жумладан	Иш ҳақи (ВМК-233) (млн.сўм)	Жорий қилинган натижалар			
Фан доктори DSc	2242	4,4	ўртача 1	957	4210,8	505,3
Фан номзоди PhD	8200	3,2	ўртача 2	3494	11180,8	1341,7
Илмий даражага эга бўлмаганлар	21524	2,7	ўртача 4	9171	24761,7	2971,4
ЖАМИ	31966	10,3	1946	13622	40153,3	4818,4

Бироқ, бу илмий тадқиқот фаолиятига бир йил давомида сарфланадиган давлат бюджети харажатларининг ўртача 1,8 фоизини ташкил этади. Зеро, Skeie ва бошқалар 2004 йилдан 2010 йилга қадар бўлган даврдаги OECD-PATSTAT и OECD-Orbis маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда, даромад солиғи бўйича имтиёзли солиқ ставкасини 5 фоизга камайтирилиши патентга бўлган буюртмалар сонини 6 фоизга ошишига боғлиқлигини илмий асослайди¹⁹⁸. Ва аксинча, Karkinsky ва Riedelлар 1995 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда роялти даромадига солиқ

¹⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайтларидаги маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 233-сонли қарори асосида муаллифнинг таҳлили.

¹⁹⁸ Skeie, Øystein Bieltvedt, Asa Johansson, Carlo Menon, and Stéphanie Sorbe, “Innovation, Patent Location and Tax Planning by Multinationals,” February 2017.

ставкасининг 1 фоизга оширилиши мамлакатда патентлар сонининг -3.5 фоиздан -3.8 фоизга камайишига олиб келганлигини ҳисоблаб чиқишди¹⁹⁹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга солиқ рағбатларини тақдим этиш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли Фармони²⁰⁰ билан Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопарки ташкил этилиши ва қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилиши белгиланган. Бироқ, технопарк ташкил этилган вақтда инновация, инновацион лойиҳа, инновацион инфратузилма, илмий-ҳажмдор маҳсулотлар, инновацион ишланма ва инновацион маҳсулот каби атамаларга таъриф қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланмасдан, солиқ имтиёзлари тақдим этилиб келган.

2.8-жадвал

«Яшнобод» инновация технопаркини рағбатлантириш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили²⁰¹

Йиллар	05.06.2017 й. ПФ-5068				Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШ лардаги улуши (%)
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси млн.сўм	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
01.01.2018	1	0	229,5	0	0,001	0,1%
01.01.2019	4	400%	1730,9	754%	0,011	0,4%
01.01.2020	18	450%	730,4	42%	0,007	1,8%
01.01.2021	17	94%	1984,5	272%	0,011	2,9%
жами	40		4675,3			

¹⁹⁹ Karkinsky, Tom and Nadine Riedel, "Corporate Taxation and the Choice of Patent Location within Multinational Firms," Journal of international Economics, 2012, 88 (1), 176-185.

²⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги "Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида"ги ПФ-5068-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3227414>.

²⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

2.8-жадвал кўрсатишича, «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида 2017 йилда 1 та ҳолатда 229,5 млн.сўм, 2018 йилда 4 та ҳолатда 1730,9 млн.сўм, 2019 йилда 18 ҳолатда 730,4 млн.сўм, 2020 йилда 17 ҳолатда 1984,5 млн.сўмга бутун фаолият кўрсатиш даврига тўлиқ озод этиш шаклида имтиёзлар тақдим этилган.

«Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга оширилган лойиҳалар доирасида бутун фаолият кўрсатиш даврига 2017-2020 йилларда жами 1986,5 млн.сўм ЯСТ, 2335,0 млн.сўм фойда солиғидан, 336,7 млн.сўм юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи ва 17,1 млн.сўм юридик шахслардан олинadиган ер солиғидан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзлари тақдим этилган (2.9-жадвал). Бунда, солиқ турлари бўйича энг юқори улуш фойда солиғига (49,9%) тўғри келади.

2.9-жадвал

«Яшнобод» инновация технопаркини рағбатлантириш кўрсаткичларининг солиқ турлари бўйича қиёсий таҳлили²⁰²

Солиқ тури	ПФ-5068, 05.06.2017 й. (млн.сўм)				Жами
	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	
Ягона солиқ тўлови (Айланмадан солиқ)	229,5	1591,1	126,1	39,8	1986,5
Фойда солиғи	0	139,8	267,6	1927,6	2335,0
Мол-мулк солиғи	0	0	336,7	0	336,7
Ер солиғи	0	0	0	17,1	17,1
Жами	229,5	1730,9	730,4	1984,5	4675,3

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли Фармони билан дастлаб «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази, кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6268-сонли Фармони билан ушбу Марказ Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркига ўзгартирилиб, технопарк резидентларига 2028 йил 1 январгача бўлган муддатга барча турдаги солиқлар ва ДМЖга

²⁰² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

мажбурий ажратмаларни, шунингдек ижтимоий солиқни (ЯИТ) тўлашдан тўлиқ озод қилиш шаклида солиқ имтиёзи белгиланган²⁰³.

Мазкур солиқ имтиёзларининг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши 2019-2020 йилларда 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу даврда солиқ имтиёздан фойдаланган солиқ тўловчи юридик шахсларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган умумий юридик шахслардаги улуши 29,9-65,1 фоизни ташкил этган (2.9-расм). Бу эса, ўз навбатида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун белгиланган бошқа солиқ имтиёзларига нисбатан фойдаланиш даражаси юқорилигидан далолат бермоқда. Бундан ташқари, 2.10-жадвалдаги таҳлил гувоҳлик беришича, 2021 йил 1 январ ҳолатига ушбу солиқ имтиёзи жорий қилиниши натижасида 1053 та юридик шахслар ихтиёрида 440692,0 млн. сўм маблағлар қолган.

2.10-жадвал

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркини рағбатлантириш кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили²⁰⁴

Йиллар	ПФ-5099, 30.06.2017 й.				Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШлардаги улуши
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати		
01.01.2018	101	0	2616,4	0	0,01	8,4%
01.01.2019	279	276%	81683,2	3122%	0,51	25,7%
01.01.2020	293	105%	132530,6	162%	1,29	29,9%
01.01.2021	380	130%	223861,8	169%	1,29	65,1%
жами	1053		440692,0			

Шуни ҳам таъкилдаш жоизки, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган бошқа солиқ имтиёзларига нисбатан, яъни айрим

²⁰³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги ПФ-6268-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5525180>.

²⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

йилларда ўсиш ва айрим йилларда камайиш суръатлари кузатилган бўлса, айнан дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки бўйича фойдаланилган солиқ имтиёзлари фақат ўсиш суръатлари кузатилган. Бунинг икки асосий сабабини келтириш мумкин. Биринчи сабаби, мазкур имтиёз фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда 2 йилга узайтирилиши, яъни инновацион фаолиятнинг натижаси имтиёзни қўллаш муддати узайтирилишига шарт сифатида боғланганлиги қайд қилинган. Иккинчи сабаби, солиқ имтиёзлари тўплами корхоналар инновацион фаолиятининг барча иштирокчиларини камраб олган, яъни фаолият доирасида солиқ имтиёзлари корхона таъсисчисига, корхонага ва корхона ходимига тақдим этилган.

2.11-жадвал

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркини рағбатлантиришнинг солиқ турлари бўйича қиёсий таҳлили²⁰⁵


Солиқ тури	ПФ-5099, 30.06.2017 й. (млн.сўм)				Жами
	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	
ЯСТ	1343,3	23495,2	3389,2	2890,2	31117,9
Фойда солиғи	0	2748,6	21979,2	40815,6	65543,4
ҚҚС	2,6	19363,6	74093,2	10216,4	103675,8
Суғурта бадалли	0	5,5	0	0	5,5
Мол-мулк солиғи	0	61,6	984,3	0	1045,9
ЯИТ	1270,6	25029,6	23877,3	125475,7	175653,2
Даромад солиғи	0	9405,4	8102,5	44228,9	61736,8
СРФУС	0	0	40,9	0	40,9
ДМЖ	0	1573,7	0	0	1573,7
Дивидент солиғи	0	0	64,1	0	64,1
Ер солиғи	0	0	234,6	0	234,6
Жами	2616,5	81683,2	132765,3	223626,8	440691,8

Энди ушбу солиқ имтиёзининг солиқ турлари бўйича кўриб чиқамиз. 2.11-жадвал кўрсатишича, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки резидентларига 2017-2020 йилларда ЯСТдан 31117,9 млн.сўм, фойда солиғидан 65543,4 млн.сўм, ҚҚСдан 103675,8 млн.сўм, суғурта бадалидан 5,5 млн.сўм, юридик шахслардан олинган

²⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

мол-мулк солиғидан 1045,9 млн.сўм, юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан 234,6 млн.сўм, ЯИТдан 175653,2 млн.сўм, ЖШДСдан 61736,8 млн.сўм, СРФУСдан 40,9 млн.сўм, ДМЖдан 1573,7 млн.сўм, жисмоний шахсларнинг дивидент тарзида олган даромад солиғидан 64,1 млн.сўм тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзлари тақдим этилган.

2.1-расм орқали дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркини рағбатлантиришнинг солиқ турлари бўйича улуши таҳлил қилинганда, ҚҚСга 23,5 фоизга, фойда солиғига 14,9 фоизга, ЖШДСга 14,0 фоизга, ЯСТга 7,1 фоизга ҳамда бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларга 0,7 фоизга тўғри келган. Агар «Яшнобод» инновация технопаркини солиқ механизми воситасида рағбатлантиришда энг юқори улуш фойда солиғига (49,9%) тўғри келган бўлса, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркини солиқ механизми орқали рағбатлантиришда энг юқори улуш ҚҚСга (23,5%) тўғри келган.



2.1-расм. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопаркини рағбатлантиришда солиқ турлари бўйича улуши²⁰⁶

²⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технопарки фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда юридик шахсларни резидент мақомини олишнинг аниқ мезонларини белгилаш орқали уларни самарали рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли Фармонининг 11-бандида Инновация маркази (технопарки) тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланган бўлсада, ушбу банди ханузгача ижроси таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-3416-сонли Фармонига асосан ташкил этилган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси дастлаб ЯИТдан ташқари барча турдаги солиқ ва тўловлар, шунингдек, ДМЖга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган эди. Кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармони билан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, ЯИТ ва тўлов манбаидаги юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан ташқари барча турдаги солиқлардан озод қилинган. Хусусан, 2019 йилда 2 та ҳолатда 657,2 млн. сўм миқдорда ушбу солиқ имтиёзи қўлланилган бўлса, 2020 йилда 1 та ҳолатда 660,9 млн. сўм миқдорда қўлланилган²⁰⁷.

Шу билан бирга, тегишли Фармонга биноан 2018 йилдан бошлаб, юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартаплар, венчур фондлар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюрolari, янги технологияларни трансфер қилувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ЯИТдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилиш тарзида солиқ имтиёзларини тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилган. 2.12-жадвал кўрсатишича, муайян муддатга тўлиқ озод қилиш тарзидаги ушбу солиқ имтиёзидан фойдаланувчилар сони ва имтиёз миқдори йилдан-йилга камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 2018-2020 йиллар мобайнида 44

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

та ҳолатда ушбу имтиёздан фойдаланиб, 12042,1 млн.сўм миқдориди маблағ ХЮСлар ихтиёрида қолган.

2.12-жадвал

Лойиҳалар-стартаплар, венчур фондлар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюроларига тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари таҳлили²⁰⁸

Йиллар	ПФ-5308, 22.01.2018 й.			Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШ лардаги улуши
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)			
01.01.2019	18	-	10016,9	-	0,07	1,7%
01.01.2020	11	61%	1365,5	14%	0,02	1,1%
01.01.2021	15	136%	659,7	48%	0,01	2,6%
ЖАМИ	44		12042,1			

Лойиҳалар-стартаплар, венчур фондлар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюроларига тақдим этиладиган солиқ имтиёзларини солиқ турлари бўйича таҳлил қилганимизда энг юқори кўрсаткич мол-мулк солиғига - 40,0 фоизга тўғри келган, ундан кейин ЯСТ 31,0 фозни, ҚҚС 19,0 фоизни, фойда солиғи 6,9 фоизни ва бошқа солиқлар 3,1 фоизни ташкил этган.

2.13-жадвал

Илмий-тадқиқот ва инновация муассасаларига тақдим этилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича қиёсий таҳлили²⁰⁹

Солиқ тури	ПФ-5308, 22.01.2018 й. (млн.сўм)				
	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	Жами	Улуши
ЯСТ	3642,4	44,1	46,5	3733,0	31,0%
Фойда солиғи	419,9	246,2	163,7	829,8	6,9%
ҚҚС	844,7	1027,8	410,6	2283,1	19,0%
Мол-мулк солиғи	4763,9	47,4	0,0	4811,3	40,0%
ЯИТ	0,0	0,0	1,1	1,1	0,0%
Даромад солиғи	13,3	0,0	0,8	14,1	0,1%
Сув солиғи	24,5	0,0	0,0	24,5	0,2%
ДМЖ	308,2	0,0	0,0	308,2	2,6%
Ер солиғи	0,0	0,0	37,1	37,1	0,3%
Жами	10016,9	1365,5	659,8	12042,2	

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президентнинг қарорига²¹⁰ асосан илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалардан ташқари барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилиниши, бунда, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилиши белгиланган.

2.14-жадвалдаги илмий-тадқиқот ташкилотларига уларнинг асосий фаолияти бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур солиқ имтиёзининг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши 2021 йил 1 январ ҳолатига 0,5 фоизни ташкил этган. 2018 йилга нисбатан 2019 йилда солиқ имтиёзидан фойдаланувчиларда ва имтиёз миқдорида ўсиш суръатлари кузатилиб, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда имтиёзидан фойдаланувчиларда ўсиш кузатилган бўлсада, имтиёз миқдорида камайиш кузатилган.

2.14-жадвал

Илмий-тадқиқот ташкилотларига уларнинг асосий фаолияти бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили²¹¹

Кўрсаткичлар	ПҚ-3698, 07.05.2018 й.						Жами
	01.01.2019		01.01.2020		01.01.2021		
	ЮШ сони	Суммаси млн.сўм	ЮШ сони	Суммаси млн.сўм	ЮШ сони	Суммаси млн.сўм	
Жами	3	610,1	5	1156,8	6	481,8	2248,7
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати			167%	190%	120%	42%	
Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши		0,4%		0,01%		0,01%	0,5%
шу жумладан, солиқ турлари бўйича							
ҚҚС		347,3		1101,6		25,1	1474,0
Фойда солиғи		66,4		14,3		418,9	499,6
Пенсия жамғармасига ажратма		29,5		0		0	29,5
Мол-мул солиғи		166,4		0		0	166,4
ЯСТ (Айланмадан солиқ)		0,5		40,9		37,8	79,2

²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3723561>.

²¹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

Солиқ турлари бўйича таҳлил қилинганда эса, энг юқори улуш ҚҚСга тўғри келиб, 65,5 фоизни ташкил этган. Бироқ, солиқ имтиёзини қўллаш амалиётида ноаниқликлар ва зиддиятлар ҳам кузатилади. Мисол учун, қарорда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилмаган бўлсада 2 та ҳолатда 29,5 млн.сўм қарорга зид равишда солиқ имтиёзи қўлланилган.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3894-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифаларидан бири сифатида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган ҳолда, Палата ЯИТдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва ДМЖга мажбурий ажратмалардан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёзи тақдим қилинган²¹². Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2018 йилда 3,1 млн.сўм (ЯИТ ва ДМЖга мажбурий ажратмалар), 2019 йилда 39,1 млн.сўм (ЯСТ), 2020 йилда 344,5 млн.сўм (ҚҚС, фойда солиғи ва ЯСТ) имтиёздан фойдаланилган²¹³. Бунда ҳам ЯИТ имтиёз бериш тақиқланган бўлсада, қарорга зид равишда тақдим этиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги 721-сонли қарорига²¹⁴ асосан Илғор технологиялар марказининг 2 та резиденти томонидан 2020 йилда 217,8 млн.сўм фойда солиғи бўйича тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёздан фойдаланган.

Бундан ташқари, Президентнинг мамлакатимизда дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш

²¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3894-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3846720>.

²¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

²¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги “Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 721-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3903197>

чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига²¹⁵ мувофиқ Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазибалари ва йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамда инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш белгиланиб, ишлаб чиқувчилар барча турдаги солиқлар ҳамда ДМЖларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган. 2.15-жадвалдаги маълумотлар кўрсатишича, ўтган йилларга нисбатан ўзгариш динамикаси турлича бўлган. Агар ушбу солиқ имтиёздан фойдаланган юридик шахслар сони 2017 йилдан бошлаб камайиш кузатилган бўлса, солиқ имтиёзи миқдоридан 2015-2018 йилларда қарийб икки бараварга ўсиш кузатилиб, 2019-2020 йилларда камайиш кузатилган.

2.15-жадвал


Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзлари таҳлили²¹⁶

Йиллар	ПҚ-2042, 20.09.2013 й.					
	ЮШ сони	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Суммаси (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги улуши (%)	Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун имтиёзлардан фойдаланган ЮШлардаги улуши (%)
01.01.2016	77		6493,4		0,04	6,4
01.01.2017	95	123%	13963,4	215%	0,08	8,7
01.01.2018	83	87%	29358,6	210%	0,28	8,5
01.01.2019	44	53%	57800,7	197%	0,34	7,5
01.01.2020	27	61%	23426,2	41%	0,14	5,4
01.01.2021	7	26%	54,2	0%	0,01	1,3
Жами	333		131096,5		13,1	6,8

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2042-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/2239895>.

²¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

Жами илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзлардан фойдаланган юридик шахсларда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилари учун тақдим этилган солиқ имтиёздан фойдаланган юридик шахсларнинг улуши 2015-2020 йилларда 6,8 фоизни ташкил этган бўлса, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга берилган умумий имтиёзлардаги дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилари учун тақдим этилган солиқ имтиёзи улуши ушбу даврларда 13,1 фоизни ташкил этган.



2.2-расм. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларга тақдим этилган солиқ имтиёзларининг солиқ турлари бўйича таҳлили²¹⁷

Мазкур солиқ имтиёзи кўрсаткичларини солиқ турлари бўйича таҳлил қилганимизда, энг юқори улуш ҚҚС - 44,3 фоизни ташкил этган, кейинги ўринда ЯСТ - 30,9 фоизни ва фойда солиғи - 15,5 фоизни ташкил этган (батафсил 5-иловага қаранг). Бу ҳам ўз навбатида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун белгиланган бошқа солиқ имтиёзларига нисбатан

²¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

фойдаланиш даражаси бир мунча юқорилигидан далолат бермоқда (2.2-расм).

Тўғри, амалиётда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида тартибга солишда солиқ механизмнинг назорат функциясидан ҳам фойдаланилади. Масалан, солиқ рағбатлар ҳисобига бўшаган маблағлар мақсадсиз фойдаланилган тақдирда солиқ назорати шакллари асосида тегишли пеня ёки фоизи билан бюджетга қайтарилади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, халқаро амалиётда ишлаб чиқаришда эскирган ускуналардан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш амалиётидан ҳам кенг фойдаланилади²¹⁸.

Қолаверса, Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни тартибга солиш амалиётида чеклаш характердаги солиқ воситаларидан деярли фойдаланилмайди. Шунинг учун мазкур фаолият турларини солиқ механизмдан фойдаланиш орқали ривожлантиришда инновацион фаолликни талаб даражасида оширмаган ҳамда инновацион фаолиятга тааллуқли белгиланган талабларни асоссиз ва мунтазам бажармаётган ХЮСларга нисбатан солиқ ставкаларини ошириш, қўшимча солиқларни жорий этиш ёки тезлаштирилган амортизацияни қўллаш ва фаолиятга доир бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш хусусиятга эга механизмлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали тартибга солиш, шу жумладан рағбатлантириш амалиёти таҳлили шуни кўрсатдики, рағбатлантиришнинг айрим объектлари аниқ бўлмаган ҳолда, муайян ва номуайян муддатга, фаолият бошлиниши биланок, асосан ҚҚС, фойда солиғи ва ЯСТдан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёларини тақдим этиш амалиёти қўлланилмоқда. Зеро, халқаро тажрибада ушбу фаолият турларини самарали рағбатлантириш инструментлари сифатида асосан солиқ кредитлари, солиқ чегирмалари,

²¹⁸ Гиясов С.А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» ДУК. Тошкент. 2022. 316 б.

солиқ таътиллари, пасайтирилган ва табақалаштирилган солиқ ставкалари ҳисобланади. Шунинг учун биринчи навбатда мазкур фаолият турларига ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларини ўрнига ушбу солиқнинг пасайтирилган ставкаларини қўллаш амалиётини жорий қилиш зарур. Бу ўз навбатида, давлат бюджети учун ҳам ХЮСларнинг инновацион фаолияти учун ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

§ 2.3. Солиқ механизми воситасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилиш ҳолати

Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда инвестицияларнинг роли ва зарурлиги муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни ҳам инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки, айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият маблағ кўп талаб этиладиган соҳалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур фаолият давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш зарурлигини тақозо этади.

Мамлакатимизда инвестицияларни фаол жалб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар натижасида соҳага доир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Аввало, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга, шунингдек инновацион инфратузилмага инвестицияларни солиқ механизми воситасида жалб қилиш ҳамда реинвестиция қилиш ҳолатини Солиқ кодексининг бу борадаги меъёрлари асосида таҳлил қиламиз.

Инновация, инновацион фаолият ва инновацион иқтисодиёт каби тушунчалар моҳияти тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида ёритилган. Лекин уларнинг айрим ўзига хос хусусиятлари ва ушбу соҳага доир бошқа атамалар моҳиятига қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Илмий фаолият - объектлар, ходиса, жараёнларнинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борликни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият

ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир. Фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади. Амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади²¹⁹.

Инновацион инфратузилма - инновацион фаолиятни моддий-техник, молиявий, ташкилий-услугий, ахборот, консултатив ва бошқа жиҳатдан таъминлайдиган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мулкчиликнинг исталган шаклидаги улар бирлашмаларининг мажмуи бўлса, инновацион лойиҳа - янги ишланмалар яратиш учун бажариш муддатларини, ижрочиларни, молиялаштириш манбаларини ва тегишли инфратузилмани шакллантиришни назарда тутувчи тадбирлар мажмуи ҳисобланади²²⁰.


Иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 159-моддаси 3-бандига асосан ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси камайтирилиши белгиланган.

Шунингдек, солиқ солинадиган фойдани камайтириш юқорида кўрсатиб ўтилган харажатлар қилинган солиқ давридан эътиборан, технологик жиҳоз бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан 5 йил ичида амалга оширилиши назарда тутилган эди. Бундан

²¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/4571490>.

²²⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-630-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/4910391>.

ташқари, янги технологик жиҳоз харид қилинган (импорт қилинган) пайтдан эътиборан 3 йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилиниши ва ушбу имтиёз фақатгина товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчиларга нисбатан татбиқ этилиши қайд этилган эди²²¹.



2.3-расм. Солиқ солинадиган фойдани йўналтирилган инвестиция суммасига камайтиришнинг йиллар кесимидаги таҳлили²²²

2.3-расм орқали солиқ солинадиган фойдани йўналтирилган инвестиция суммасига нисбатан камайтириш шаклидаги солиқ енгиллигидан фойдаланиш даражаси пасайиб борганлиги кузатиш мумкин. Агар 2016 йил 1 январь ҳолатига ушбу енгиллик қўлланилиши натижасида 128 та юридик шахсда 98913,8 млн.сўм маблағ ўз ихтиёрида қолган бўлса,

²²¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. (иккинчи таҳрир) 08.01.2020 йилда ўз кучини йўқотган. <https://lex.uz/docs/1286558>.

²²² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

2021 йил 1 январь ҳолатига 17 та юридик шахсда 840,7 млн.сўм ўз ихтиёрида қолган ёки 117 бараварга енгилликни қўллаш камайган.

Бундай ҳолатга келишининг асосий 2 сабабини келтириш мумкин:

1) йўналтириладиган маблағлар суммасидан тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизация чегирилиши;

2) солиқ солинадиган фойдани 30 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда солиқ солинадиган фойдани камайтирилиши.

Масалан, “Аср” корхонасининг ҳисобот даврига ҳисобланган амортизация суммаси 841,9 млн.сўмни ташкил қилганлиги, яъни йўналтирилган инвестиция суммасидан юқори бўлганлиги сабабли корхона солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзида енгилликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган. “Бек” корхонасида эса аксинча, имтиёздан фойдаланилган, аммо йўналтирилган инвестиция суммасидан ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси чегирилмаган ҳолда, солиқ солинадиган фойданинг 30 фоиздан кўп бўлмаслиги ҳақидаги меъёр сабабли 6861,8 млн.сўм солиқ солинадиган фойдадан 2058,5 млн.сўм камайтирилган. Бу жамиятнинг инвестицияга йўналтирилган маблағининг 33 фоизини ташкил этади ва сезиларли натижаларга эришиш имконини бермайди (2.16-жадвал).

2.16-жадвал

Солиқ солинадиган фойдадан камайтириш тарзидаги енгилликни қўлланилиши таҳлили²²³

Корхона номи	Ҳисобот йили	Кўрсаткичлар номи (млн.сўмда)				
		Солиқ солинадиган фойда	Инвестицияга йўналтирилган умумий маблағлар	Ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси	Солиқ солинадиган фойда суммасининг 30%	Солиқ солинадиган фойдани инвестиция суммасига камайтириш суммаси
“Аср” корхонаси	2019	502,5	407,1	841,9	150,8	0,0
“Бек” корхонаси	2019	6861,8	6236,9	4410,8	2058,5	1826,1

²²³ Корхоналарнинг электрон солиқ ҳисоботлари асосида муаллиф таҳлили.

Таъкидлаш жоизки, катта ҳажмдаги инвестицияларга қарамасдан, асосий фондларнинг эскирганлик даражаси ошиб бормоқда ва юқориликча сақланиб қолган. Бу, бир томондан, мазкур енгилликнинг муҳимлигини пасайтирган бўлса, иккинчи томондан, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини сусайтирган. Шу ўринда, фойда солиғи воситасида рағбатлантириш шаклларининг қайси бири самаралироқ эканлигини 2.17-жадвалдаги қиёсий таҳлил орқали кўриб чиқамиз.

2.17-жадвал

Фойда солиғи воситасида рағбатлантириш шаклларининг қиёсий таҳлили²²⁴


Кўрсаткичлар	Вариантлар			
	Базис	Фойда солиғидан 50% миқдорида солиқ имтиёзи тақдим этиш	50% миқдорида фойда солиғи ставкасини пасайтириш	Солиқ солинадиган фойдадан (30% ошмаган ҳолда) йўналтирилган инвестиция суммасини чегириш
Тушум	60,0	60,0	60,0	60,0
Харажатлар	18,0	18,0	18,0	18,0
Ялпи фойда	42,0	39,5 (42,0-2,5)	42,0	29,4 (42-12,6)
Имтиёз	-	2,5 (50%*5,0)	-	12,6 (30%*42)
Фойда солиғи суммаси (12% ставка бўйича)	5,0	5,0	2,5 (50%*5,0)	3,5 (29,4*12%)
Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси ҳисобланган жами сумма	37,0	34,5	39,5	38,5

Таҳлил натижалари шунини кўрсатадики, фойда солиғи ставкаси 50 фоизга пасайтирилган тақдирда капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси 39,5 млн.сўмни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич фойда солиғидан 50 фоиз миқдорида озод қилиш (37,0 млн.сўм) ва солиқ солинадиган фойдадан йўналтирилган инвестиция суммасига камайтириш (38,5 млн.сўм) вариантларидан кўра капитал қўйилмаларни молиялаштиришда афзалроқ ҳисобланмоқда. Демак, солиқ солинадиган фойдадан йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш ва солиқ ставкасини пасайтириш тарзидаги енгиллик рағбатлантиришнинг бошқа шакллариغا нисбатан капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаси шаклланишида, енгиллик

²²⁴ Муаллифнинг қиёсий таҳлили.

ҳисобига корхона ихтиёрида қоладиган маблағлар мақсадли ишлатилишида ва умуман корхонанинг инвестицион фаоллигини оширишда самаралироқ ҳисобланмоқда.

Худди шунингдек, иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 356-моддаси 3-қисми 1-хатбошига асосан янги технологик асбоб-ускуналар олишга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига ЯСТ базасидан камайтирилиши белгиланган эди. Бунда, солиқ солинадиган базани камайтириш юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб 5 йил ичида амалга оширилиши назарда тутилган.



2.4-расм. ЯСТ базасидан йўналтирилган инвестиция суммасини камайтиришнинг йиллар кесимидаги таҳлили²²⁵


²²⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

2.4-расм далолат беришича, ЯСТ базасидан йўналтирилган инвестиция суммасини камайтириш шаклидаги енгилликдан самарали фойдаланиш даражаси йилдан-йилга пасайиб борганини кузатиш мумкин. Жумладан, енгилликдан фойдаланган солиқ тўловчи – юридик шахслар сони 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 133 тага, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 85 тага, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 598 тага, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 103 тага ва 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 21 тага камайган. Солиқ суммаси миқдори эса 2015 йилга нисбатан 2016 йилда 3835,6 млн.сўмга, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 8992,8 млн.сўмга ортган бўлсада, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 57775,0 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 8236,9 млн.сўмга ва 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 173,0 млн.сўмга камайган.

Шунинг учун мазкур енгилликларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида йўналтирилган инвестиция суммаларидан ҳисобот даврида ҳисобланган амортизация суммаси чегирилмаган ҳолда, солиқ солинадиган фойдадан камайтириш механизмини инвестицион солиқ чегирмаси шаклида жорий қилиниши корхоналар инвестицион ва инновацион фаоллигини оширишда сезиларли натижа беради деб ҳисоблаймиз. Хусусан, активнинг бошланғич қийматидан келиб чиққан ҳолда, амортизация қилинадиган активлар бўйича инвестицион солиқ чегирмаларни қуйидаги тартибда ва шартларда қўллаш таклиф этилади. Мисол учун янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтириладиган маблағлар суммаларининг 20 фоизи миқдорида;

Шунингдек, иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 141-моддаси 6-қисми 4-банди ва 145-моддаси 36-бандида фаолият билан боғлиқ ИТТКИлари учун (асосий воситаларни сотиб олиш, уларни ўрнатиш ҳамда капитал тусдаги бошқа харажатлар мустасно) харажатлари солиқ солинадиган фойдадан чегирилиши белгиланган эди. Асосий фаолияти тури

ИТТКИ бўлган юридик шахсларнинг²²⁶ фаолияти билан боғлиқ ИТТКИ учун чегирилган харажатларининг йиллар кесимидаги миқдори, ўзгариш динамикаси ва эришилган натижалари таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолат аниқланди (2.5-расм). Чегирилган харажатлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 78,0 млрд.сўмга, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 55,9 млрд.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 142,6 млрд.сўмга харажатлар миқдори ортиб борган.



2.5-расм. Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИлари учун чегирилган харажатлар ва уларнинг натижалари таҳлили²²⁷

²²⁶ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифига мувофиқ ОКОНХ бўйича 19800, 22300, 51512, 84200, 84500, 85300, 85400, 87400, 90310, 91531, 93690, 95110, 95120, 95130, 95140, 95160, 95400, 95630, ОКЭД бўйича 63400, 72110, 73101, 73102, 73103, 73201, 73202, 73203, 74130, 74140, 74204, 74300, 74600, 74870, 74900 - статистиканинг хос рақами билан асосий фаолият тури илмий тадқиқот ва ишланмалар бўлган юридик шахслар.

²²⁷ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайтидаги маълумотлар асосидаги таҳлили.

Чегирилган харажатларнинг ўсиш динамикаси билан эришилган натижалар ўсиш динамикаси таҳлил қилинганда, 2016 йилга нисбатан 2019 йилда чегирилган харажатлар миқдори 276,5 млрд.сўмга кўпроқ чегирилиб, 324,2 фоизга ўсган бўлса, ИТТКИ ҳажми 100,3 фоизга ўсган. Худди шунингдек, 2016-2019 йиллардаги ўртача ўсиш суръати чегирилган харажатларда 134,2 фоизга ўсган бўлса, ИТТКИ ҳажми 106 фоизга ўсган Буни, бошқа имтиёзларга нисбатан ижобий ҳолат деб таъкидлаш мумкин (2.18-жадвал).

2.18-жадвал

Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИ учун чегирилган харажатлар ва эришилган натижалар таҳлили²²⁸ %

Сана	ИТТКИ ҳажми (млрд.сўм)	ИТТКИни бажарган ташкилотлар сони	ИТТКИ сони	ИТТКИни бажарган ходимлар (ўриндошларсиз) сони	Фаолияти билан боғлиқ ИТТКИ учун чегирилган харажатлар (СКнинг 141-м. 6-қ. 4-б. ва 145-м. 36-б.)
01.01.2017	122,6	82,3	91,7	75	85,6
01.01.2018	105,6	89,0	103,7	98,9	191,4
01.01.2019	151,2	171,7	45,6	97,6	134,2
01.01.2020	125,5	45,5	128,6	98,0	165,1
Ўсиш суръатлари					
ўртача тўрт йилда	106,0%	115,3%	92,0%	146,6%	134,2%
2016 йилга нисбатан 2019 йилда	200,3%	69,6%	60,8%	94,6%	424,2%

Бундан ташқари, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ рағбатлари ҳисобига улар ихтиёрида қоладиган маблағларнинг узок муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмаларга йўналтириш ҳолати таҳлил қилинди. Жумладан, 2.22-жадвал таҳлили кўрсатишича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиши натижасида 2016 йил 1 январь ҳолатига 88 та корхонада 5004,7 млн.сўм маблағ ихтиёрида тежалган бўлсада, улардан 16 та корхона томонидан 1,5 млн.сўм маблағлар узок муддатли инвестициялар ва 12 та корхона томонидан 11,5 млн.сўм

²²⁸ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги расмий сайтидаги маълумотлар асосидаги таҳлили.

маблағлар капитал қўйилма сифатида йўналтирилган. Ушбу даврда солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар йўналтирилганлар сони 18 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган инвестиция суммаси 0,03 фоизни ташкил этган. Шунингдек, имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан капитал қўйилмага маблағ йўналтирилганлар сони 14 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган маблағ суммаси 0,23 фоизни ташкил этган.

2.22-жадвал

Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари, узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмалар таҳлили²²⁹

Сана	Солиқ имтиёзи		Шу жумладан				Солиқ имтиёзига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар		Солиқ имтиёзига нисбатан капитал қўйилмалар	
			Узоқ муддатли инвестиция		Капитал қўйилма		Сони-да	Сумма-сида	Сони-да	Сумма-сида
	ЮШ сони	Суммаси (млн.сўм)	ЮШ сони	Суммаси (млн.сўм)	ЮШ сони	Суммаси (млн.сўм)				
01.01.2016	88	5004,7	16	1,5	12	11,5	18%	0,03%	14%	0,23%
01.01.2017	100	8196,3	15	3,8	14	15,7	15%	0,05%	14%	0,19%
01.01.2018	154	17021,1	22	45,7	17	20,2	14%	0,27%	11%	0,12%
01.01.2019	308	65980,5	29	40,1	29	23,5	9,4%	0,06%	9,4%	0,04%

Худди шунингдек, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиши натижасида 2017 йил 1 январь ҳолатига 100 та корхонада 8196,3 млн.сўм маблағ ихтиёрида қолгани ҳолда, улардан 15 таси 3,8 млн.сўм маблағлар узоқ муддатли инвестициялар ва 14 таси 15,7 млн.сўм маблағлар капитал қўйилма сифатида йўналтирилган. Ушбу даврда солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар йўналтирилганлар сони 15 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган инвестиция суммаси 0,05 фоизни ташкил этган.


Шунингдек, имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан капитал қўйилмага маблағ йўналтирилганлар сони 14 фоизни ташкил этса,

²²⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган маблағ суммаси 0,19 фоизни ташкил этган. 2018 йил 1 январь ҳолатига 154 та корхонада 17021,1 млн.сўм маблағ ихтиёрида қолган бўлса, шундан 22 таси 45,7 млн.сўм маблағлар узоқ муддатли инвестициялар, 17 таси 20,2 млн.сўм маблағлар капитал қўйилма сифатида сафарбар этилган. Ушбу даврда солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар йўналтирилганлар сони 14 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган инвестиция суммаси 0,27 фоизни ташкил этган. Имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан капитал қўйилмага маблағ йўналтирилганлар сони 11 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган маблағ суммаси 0,12 фоизни ташкил этган.

2019 йил 1 январь ҳолатига эса 308 та корхонада 65980,5 млн.сўм маблағ ихтиёрида қолган бўлса, шундан 29 таси 40,1 млн.сўм маблағлар узоқ муддатли инвестициялар, 29 таси 23,5 млн.сўм маблағлар капитал қўйилма сифатида сафарбар этилган. Ушбу даврда солиқ имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан узоқ муддатли инвестициялар йўналтирилганлар сони 9.4 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган инвестиция суммаси 0,06 фоизни ташкил этган. Имтиёздан фойдаланган корхоналар сонига нисбатан капитал қўйилмага маблағ йўналтирилганлар сони ҳам 9.4 фоизни ташкил этса, имтиёз суммасига нисбатан йўналтирган маблағ суммаси 0,04 фоизни ташкил этган.

2.6-расм орқали илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари, узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатларига эътибор берадиган бўлсак, узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръатларига нисбатан солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари йилдан-йилга илгарлаб кетаётганлигини кузатиш мумкин.



2.6-расм. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари, узоқ муддатли инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўзгариш динамикаси²³⁰

Солиқ механизми воситасида корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятига ҳамда инновацион инфратузилмага инвестицияларни жалб қилиш ҳолати таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, солиқ имтиёзлари ҳисобига тежалган ва корхона ихтиёрида қолган маблағларнинг реинвестиция қилиш даражаси жуда ҳам пастлигидан далолат бермоқда.

Солиқ механизми воситасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни жалб қилишда инвестицион солиқ кредитидан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Шунингдек, номуайян ёки муайян муддатга, фаолият бошланиши биланок, тўлиқ озод қилиш шаклида солиқ имтиёзларини тақдим этишда муайян муддатда имтиёз ҳисобига корхона ихтиёрида қолган маблағнинг маълум бир қисмини реинвестиция қилиш шартини белгилаш таклиф этилади.

Мамлакатимиз солиқ тизимида илмий-тадқиқот ва инновацион-инвестицион фаолиятни солиқ механизми воситасида тартибга солиш

²³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф таҳлили.

амалиётида асосан рағбатлантириш воситаларидан фойдаланиши маълум бўлди. Бизнингча, солиқ механизмидан самарали фойдаланишда нафақат рағбатлантириш, балки чеклаш механизмидан оқилона фойдаланиш зарур.

Иккинчи боб бўйича хулоса

1. Иқтисодий инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмидан самарали фойдаланишда, энг аввало, ушбу соҳага доир қонунчиликни мувофиқлаштириш ва ноаниқликларни бартараф этиш лозим. Хусусан, корхоналар инновацион фаолиятини солиқ механизми воситасида рағбатлантиришнинг асоси ҳисобланган рағбатлантириш объектини, яъни инновация, инновацион фаолият ҳамда ИТТКИ каби тушунчалар таърифи, уларга доир харажатлар моҳиятини ва солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини солиққа оид қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш зарур.

2. Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали тартибга солиш, шу жумладан рағбатлантириш амалиёти таҳлили натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки, рағбатлантириш объектлари аниқ бўлмаган ҳолда, эрилиши лозим бўлган аниқ кўрсаткичлар белгиланмасдан, мазкур фаолиятлар бошланиши биланок, муайян ва номуайян муддатга, асосан ҚҚС, фойда солиғи ва ЯСТ каби солиқ турларидан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёлари қўлланилиб келинган. Бизнингча, ушбу фаолият турларини самарали рағбатлантириш механизмлари сифатида асосан солиқ кредитлари, солиқ чегирмалари, солиқ таътиллари, пасайтирилган ва табақалаштирилган солиқ ставкаларини кўллаш лозим.

3. Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларини ҚҚСдан озод қилишда нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига татбиқ этиш зарур.


Бунда, ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш пасайтирилган ставкани, ишлар натижаси асосида эса ҚҚСнинг ноль ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ механизмдан самарали фойдаланиш орқали тадқиқот натижаларини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларни амалиётга жорий қилинишини жадаллаштириш ҳамда инновацион фаолият босқичларини тўлиқ камраб олиш мақсадида грант лойиҳаларда илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадларига нисбатан ЖШДСнинг пасайтирилган солиқ ставкасини (амалдаги ставканинг 50 фоизи) қўллаш, тадқиқот натижаларини жорий қилиш ва (ёки) тижоратлаштириш шарти асосида эса мазкур солиқдан озод қилиш орқали коплаб бериш механизмини татбиқ этиш таклиф этилади.

III БОБ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

§ 3.1. Корхоналар илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солиқ механизмининг таъсири

Тадқиқот ишимизда корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солиқ механизмининг таъсирини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва инновацион жараёнларга таъсирини кўриб чиқиш зарур, яъни соҳага доир тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳажмини эришилган натижалар ҳажмига қиёсий таҳлил қилиш керак. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, аввало макро даражадаги кўрсаткичлар ва тенденцияларни таҳлил қиламиз.



3.1-расм. ИТТКИга доир чегирилган харажатлар ва эришилган натижалар таҳлили²³¹


²³¹ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (<https://soliq.uz/>) ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг (<https://my.ima.uz/>) расмий сайтидаги маълумотлари асосида таҳлили.

Корхоналарнинг ИТТКИга доир чегирилган харажатлари ва эришилган натижаларнинг ўсиш суръатлари солиштирилганда, ўртача олти йилда чегирилган харажатлар 113 фоизга ўсган бўлса, ўртача умумий эришилган натижалар 115 фоизга, шу жумладан ихтиролар учун келиб тушган талабномалар 103 фоизга, фойдали моделлар учун келиб тушган талабномалар 114 фоизга, саноат намуналари учун келиб тушган талабномалар 95 фоизга, товар белгиси учун келиб тушган талабномалар 104 фоизга, ЭҲМ ва маълумотлар базаси учун келиб тушган талабномалар 137 фоизга, селекция ютуқлари учун келиб тушган талабномалар 139 фоизга ўсган. Бу кўрсаткичлар айнан ИТТКИга доир харажатларни фойда солиғи базасидан чегириш шаклидаги солиқ механизмининг тўлиқ озод қилиш шаклидаги бошқа имтиёзларга нисбатан натижадорлигидан далолат бермоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли қарорига асосан миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2022 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

3.2-расм далолат беришича, 2014 йилга нисбатан 2015 йилда имтиёзлар 283 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 157 фоизга ўсган, 2015 йилга нисбатан 2016 йилда имтиёзлар 215 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 134 фоизга ўсган, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда имтиёзлар 208 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 121 фоизга ўсган, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда имтиёзлар 198 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 126 фоизга ўсган, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда имтиёзлар 41 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 165 фоизга ўсган, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда имтиёзлар 0,2 фоизга ўсган бўлса, дастурлар сони 144 фоизга ўсган. Қўлланилган мазкур солиқ имтиёзи суммаси ўтган йилга нисбатан ўртача етти йилдаги ўсиш суръати 172 фоизни ташкил этган бўлса, ЭҲМ учун янги яратилган дастурлар

сонининг мос даврга нисбатан ўсиш суръати ўртача 156 фоизни ташкил этмоқда.




3.2-расм. Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларга тақдим этилган имтиёзлар ва эришилган натижалар таҳлили²³²

Ушбу ҳолатни ҳам бошқа имтиёзларга нисбатан таъсир этиш даражаси бир мунча ижобий деб баҳолаш мумкин. Бундай натижанинг икки асосий сабаби мавжуд. Биринчиси, мазкур имтиёз фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда 2 йилга узайтирилиши, яъни инновацион фаолиятнинг натижаси имтиёзни қўллаш муддати узайтирилишига шарт сифатида боғланган бўлса, иккинчи сабаби, солиқ имтиёзилари тўплами корхоналар инновацион фаолиятининг барча иштирокчиларини, яъни корхона таъсисчиси, корхона ва корхона ходимларини қамраб олган.

Эътиборимизни 3.3-расмдаги кўрсаткичларга қаратар эканмиз, сўнгги йилларда инновацион фаолиятга солиқ имтиёзлари миқдори сезирларли

²³² Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (<https://soliq.uz/>) ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг (<https://my.ima.uz/>) расмий сайтидаги маълумотлари асосида таҳлили.

ошиб борган. Хусусан, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 143,5 млрд.сўмга, 2018 йилда 139,3 млрд.сўмга, 2019 йилда 147,2 млрд.сўмга солиқ имтиёзлари кўп қўлланилган. Лекин эришилган натижаларда қўлланилган имтиёзлар каби ижобий ва сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган.




3.3-расм. Корхоналарнинг инновацион фаолиятига тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва эришилган натижаларининг қиёсий таҳлили²³³

Мисол учун инновацион фаолиятга мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари инновацион фаолият натижаларидан ҳам илгарилаб кетган. Хусусан, 3.4-расм кўрсатишича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ўтган йилларга нисбатан ўсиш суръатлари ўртача 149,4 фоизни ташкил этган бир вақтда, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари 43,5 фоизни, инновацияларни жорий қилган корхоналарнинг

²³³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ўсиш суръатлари 45,9 фоизни, инновацион маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқарган корхоналар сони 41,7 фоизни, инновацияларни ишлаб чиқарган жами корхоналар сонида инновацияларни жорий қилган корхоналар салмоғи 39,3 фоизни ташкил этмокда.



3.4-расм. Корхоналарнинг инновацион фаолиятига тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва эришилган натижалари ўсиш суръатларининг қиёсий таҳлили²³⁴

Шунингдек, 3.4-расм таҳлил натижалари далолат беришича, инновацион фаолиятга амалга оширилган харажатларнинг ўртача ўсиш суръатлари солиқ имтиёзларининг ўртача ўсиш суръатларига монанд келса-да, инновациянинг асосий шартин ҳисобланган инновацион маҳсулотлар, хизматлар ва ишларнинг ҳажми ҳамда инновацияларнинг жорий қилинишининг ўртача ўсиш суръатлари қарийб 3 баравар паст

²³⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса солиқ механизмининг инновацион фаолиятга таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда. Бунинг биринчи сабаби инновацион фаолиятнинг барча босқичлари солиқ механизмлари билан қамраб олинмаган бўлса, иккинчи сабаби солиқ имтиёзлари маълум шартлар асосида тақдим этилмаганлигидир.

Бундан ташқари, иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 159-моддаси 3-бандига ва 356-моддаси 3-қисми 1-бандига²³⁵ асосан 2015 йилда 1002 та, 2016 йилда 857 та, 2017 йилда 694 та ва 2018 йилда 118 та солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг узок муддатли инвестицияларга ва капитал кўйилмаларига таъсир этиш даражаси амалга оширилган регрессион (Poisson regression) таҳлилларга кўра статистик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятлилиги маълум бўлди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
Tax_benefit	9.11e-08***	9.11e-08***
Constant invest	(0)	15.07*** (0.209)
Constant lnalpha		4.242*** (0.0526)
Observations	518	2,667
Number of nom	215	1,596

Standard errors in parentheses
*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

3.5-расм. Солиқ имтиёзларининг узок муддатли инвестицияларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари²³⁶

Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган инвестиция суммалари фойда солиғи ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзларини корхоналарнинг узок муддатли инвестицияларга (1-шакл 030-сатр) ижобий таъсир этиш даражаси

²³⁵ Ўзбекистон Республикасининг иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодекси. 2007.
<https://lex.uz/docs/1286558>

²³⁶ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси маълумотлари асосида таҳлили

статистик ва иқтисодий жиҳатидан аҳамиятлилигини кўрсатмоқда (3.5-расм).

Худди шунингдек, 3.6-расмдаги регрессион таҳлил натижасида ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган инвестиция суммалари фойда солиғи ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш тарзидаги солиқ имтиёзларини корхоналарнинг капитал қўйилмаларга (1-шакл 100-сатр) таъсир этиш даражаси статистик жиҳатидан ва иқтисодий жиҳатидан аҳамиятлилигини кузатишимиз мумкин.

VARIABLES	(1) Fixed Effects	(2) Random Effects
Imtiyozmingsom	-2.21e-07*** (0)	-2.21e-07*** (0)
Constant Kapitalqoiylma		17.58*** (0.182)
Constant lnalpha		3.972*** (0.0449)
Observations	749	2,666
Number of nom	305	1,596

Standard errors in parentheses
*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

3.6-расм. Солиқ имтиёзларини капитал қўйилмаларга таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари²³⁷

Амалга оширилган регрессион таҳлилларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, аниқ шартлар асосида солиқ солинадган фойдадан камайтириш тарзида тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг инвестицион фаолиятига ижобий таъсир этиш даражаси юқори бўлмоқда. Аниқ шартлар деганда - мазкур солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг биринчи шарти сифатида муайян инвестиция хажми белгиланган бўлса, иккинчи муҳим шарти йўналтирилган инвестициялар ҳисобига янги технологик жиҳоз харид қилинган пайтдан эътиборан уч йил ичида реализация қилинган ёки текинга берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун бекор қилинишидир.

²³⁷ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

Шунингдек, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига корхоналар ихтиёрида қоладиган маблағлар, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмига таъсир этиш даражасини аниқлаш мақсадида, иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 208-моддаси 9-бандига (Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 243-моддаси 9-банди), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонлари ҳамда 2013 йил 20 сентябрдаги ПҚ-2042-сонли ва бошқа қатор қарорларига асосан 2015 йилда 88 та, 2016 йилда 100 та, 2017 йилда 152 та, 2018 йилда 306 та корхоналарга илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларни уларнинг ялпи тушумига (2-шакл 010-сатр) ва таннархига (2-шакл 020-сатр) таъсир этиш юзасидан регрессион (Poisson regression) таҳлиллар амалга оширилди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
YAST	1.36e-06*** (2.75e-10)	1.36e-06*** (2.75e-10)
QQS	1.41e-07*** (0)	1.41e-07*** (0)
Foyda		-0.0155 (4.977)
YIT	3.50e-06*** (1.71e-09)	3.50e-06*** (1.71e-09)
Mulk		4.15e-07 (1.50e-06)
Maktab		-0.000939 (0.0141)
Constant Tannarx		13.64*** (0.170)
Constant lnalpha		2.448*** (0.0631)
Observations	294	646
Number of nom	100	409

Standard errors in parentheses
 *** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

3.7-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг таннархига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари²³⁸

²³⁸ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили

Амалга оширилган таҳлиллар натижаси инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари статистик жиҳатдан аҳамиятлилиги, лекин иқтисодий жиҳатдан кам аҳамиятлилиги, яъни солиқ имтиёзларининг мазкур фаолият турига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат берди. Масалан, 3.7-расмдаги регрессион таҳлил натижасида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзини корхоналарнинг таннархига (2-шакл 020-сатр) таъсир этиш даражаси пастлиги, яъни, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига корхона ихтиёрида қоладиган маблағларнинг инновацион маҳсулотларни (иш, хизмат) ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатлар ҳажмига таъсир этиш даражаси пастлиги аниқланди.

VARIABLES	(1) Fixed effects	(2) Random effects
YAST	9.69e-07*** (1.14e-10)	9.69e-07*** (1.14e-10)
QQS	1.26e-07*** (0)	1.26e-07*** (0)
Foyda		-5.14e-05 (5.23e-05)
YIT	2.85e-06*** (9.16e-10)	2.85e-06*** (9.16e-10)
Mulk		1.82e-07 (9.49e-07)
JShDS		-0.00340* (0.00199)
Maktab		-0.00726 (0.00899)
Constant Yalpi_tushum		14.60*** (0.108)
Constant lnalpha		1.543*** (0.0560)
Observations	362	647
Number of nom	125	409

Standard errors in parentheses
 *** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

3.8-расм. Инновацион фаолият учун тақдим этилган солиқ имтиёзларини корхоналарнинг ялпи тушумига таъсири бўйича регрессион таҳлил натижалари²³⁹

²³⁹ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

Худди шундай, 3.8-расмдаги регрессион таҳлил натижаси ҳам гувоҳлик беришича, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун тўлиқ озод қилиш тарзидаги фойда солиғи бўйича тақдим этилган солиқ имтиёзлари корхоналарнинг ялпи тушумига таъсири ижобий деб бўлмайди. Яъни, солиқ имтиёзлари корхоналарнинг маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушумига, шунингдек, маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмига таъсир этиш даражаси пастлигидан далолат бермоқда.

Юқорида амалга оширилган макро даражадаги таҳлилларимизни микро даражада, яъни корхоналарнинг илмий тадқиқот, ИТТКИ ва инновацион фаолиятига солиқ механизмнинг таъсир этишини мисоллари асосида давом эттирамиз.

3.1-жадвал

"Инновацион корхона" МЧЖ томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили²⁴⁰

Солиқ тури	01.01.2018	01.01.2019	ўтган йилга нисбатан (млн. сўмда)	01.01.2020	ўтган йилга нисбатан (млн. сўмда)	01.01.2021	ўтган йилга нисбатан (млн. сўмда)
фойда солиғи	0,0	0,0	0,0	3883,4	3883,4	6268,6	2385,2
ҚҚС	0,0	9977,6	9977,6	18357,2	8379,6	2284,0	-16073,2
ЯИТ	45,5	972,4	926,9	2282,5	1310,1	14009,3	11726,8
даромад солиғи	0,0	5211,5	5211,5	841,2	-4370,2	5211,5	4370,2
ЯСТ	0,0	5692,9	5692,9	0,0	-5692,9	0,0	0,0
ЖАМИ	45,5	21854,4	21808,9	25364,3	3510,0	27773,4	2409,1
ўтган йилга нисбатан %			48032%		116%		109%

Жумладан, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти ҳисобланган "Инновацион корхона" МЧЖга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли Фармони²⁴¹ билан тақдим этилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, 2017 йилда 45,5 млн.сўм, 2018 йилда

²⁴⁰ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

²⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5099-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3249651>.

21854,4 млн.сўм, 2019 йилда 25364,3 млн.сўм, 2020 йилда 27773,4 млн.сўм маблағлар имтиёз ҳисобига жамият ихтиёрида қолиб, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 21808,9 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3510,0 млн.сўмга, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 2409,1 млн.сўмга имтиёздан кўп фойдаланилган.

Жамият ихтиёрида қолган солиқ имтиёзлари, унинг инновацион фаолиятига таъсирини таҳлил қилишда жамиятнинг ушбу даврлардаги молиявий натижаларига эътибор қаратамиз.

3.2-жадвал

"Инновацион корхона" МЧЖнинг молиявий натижалари таҳлили²⁴² (млн.сўм)

Молиявий кўрсаткичлар	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
Маҳсулот (товар)ларни сотишдан соф тушум	41634,4	61244,3	110341,7	201953,8
Маҳсулот (товар)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	30647,9	32777,5	49505,4	113066,4
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	2728,1	7213,0	24047,9	30974,9
Сотиш харажатлари	67,0	781,2	2793,3	457,7
Маъмурий харажатлар	971,4	3821,7	8957,9	12486,8
Бошқа операцион харажатлар	1689,7	2610,0	12296,7	18030,3
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	14330,9	12,9	888,8	867,2
Асосий фаолиятнинг фойдаси	42250,6	25577,5	26346,3	82958,6
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, ш. ж.:	4119,6	2599,4	12291,4	14650,1
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	3,5	11,6	12,8	4,0
Фоишлар шаклидаги даромадлар	1084,8	1677,6	2492,6	1316,8
Валюта курси фаркидан даромадлар	758,0	806,3	1819,6	1089,7
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2273,3	103,9	7966,4	12239,7
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, ш.ж.:	75,0	550,6	4749,9	21630,5
Фоишлар шаклидаги харажатлар	0,0	0,0	1380,6	2711,6
Валюта курси фаркидан зарарлар	75,0	550,6	3369,3	3620,3
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0,0	0,0	0,0	15298,6
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	46295,2	27626,3	33887,8	75978,2
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	46295,2	27626,3	33887,8	75978,2
Фойда солиғи	0,0	0,0	465,3	236,3
Фойдадан бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар	2749,4	28,7	125,4	0,0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	43545,9	27597,5	33297,1	75741,8
Жамият томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзи	45,5	21854,4	25364,3	27773,4
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	38758,8	13742,0	17505,7	29637,3
Капитал кўйилмалар	2276,7	538,4	23985,4	9587,0

Изоҳ: Молиявий натижаларда айрим кўрсаткичлар бўйича "0" бўлганлиги учун келтирилмаган.

Хусусан, жамият ихтиёрида солиқ имтиёзи ҳисобига 2017 йилда 45,5 млн.сўм, 2018 йилда 21854,1 млн.сўм маблағ қолган. Лекин, 2017 йилга

²⁴² Таҳлил муаллиф томонидан жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (1-2-шакллар) асосида таҳлил қилинди.

нисбатан 2018 йилда жамиятнинг асосий фаолиятининг фойдаси 16673,1 млн.сўмга, асосий фаолиятининг бошқа даромадлари 14318,0 млн.сўмга, фойда солиғини тўлагунга қадар фойдаси 18668,9 млн.сўмга, ҳисобот даврининг соф фойдаси 15948,4 млн.сўмга, молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари 2169,4 млн.сўмга, узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 25016,8 млн.сўмга, капитал қўйилмалар 1738,3 млн.сўмга камайган.

Албатта, 3.2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, юқорида камайиши кузатилган кўрсаткичлар кейинги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу каби ҳолатлар, солиқ имтиёзлари жорий қилиниши даврида корхоналарнинг реинвестиция фаоллиги суст бўлиши, солиқни режалаштириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги ва қутилмаган харажатларнинг пайдо бўлиши натижасида имтиёзларнинг жорий қилинишиданок етарли даражада натижа бермаган бўлиши мумкин.

Таҳлилларимини «Яшнобод» инновация технопарки резиденти ҳисобланган "Bumerang" МЧЖ мисолида давом эттирамиз. Аввало жамият фаолиятига солиқ механизми, жумладан жамият томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзларининг йиллар кесимидаги солиқ турлари бўйича таҳлиliga тўхталсак (3.3-жавдал).

3.3-жадвал

"Bumerang" МЧЖ томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари таҳлили²⁴³ (млн.сўм)

№	Солиқ тури	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	Жами
1	ЯСТ	229,5	1337,7	0	0	1567,2
2	Фойда солиғи	0	0	78,3	382,8	461,1
3	Мол-мулк солиғи	0	0	13,2	0	13,2
4	Ер солиғи	0	0	0	17,1	17,1
Жами		229,5	1337,7	91,5	399,9	2058,5

3.3-жадвал кўрсатишича, 2021 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли

²⁴³ Муаллифнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида таҳлили.

Фармонида²⁴⁴ белгиланган солиқ имтиёлари ҳисобига жамият ихтиёрида жами 2058,5 млн.сўм, шу жумладан ЯСТ 1567,2 млн.сўм, фойда солиғидан 461,1 млн.сўм, мол-мулк солиғидан 13,2 млн.сўм, ер солиғидан 17,1 млн.сўм маблағ иқтисод қилинган. Ушбу иқтисод қилинган маблағларнинг жамият фаолиятига таъсирини таҳлил қилар эканмиз, 3.4-жадвал далолат беришича, жамият ихтиёрида жами 2058,5 млн.сўм маблағ қолиши қарамасдан 2017-2020 йиллар давомида узоқ муддатли инвестицияларга умуман маблағ йўналтирилмаган. Эътиборли жиҳати шундаки, имтиёз 2017 йилда жорий қилинган бўлсада 2017-2019 йиллар якуни билан жамият ижобий молиявий натижаларга эришмаган.

3.4-жадвал

"Bumerang" МЧЖнинг молиявий натижалари таҳлили²⁴⁵ (млн.сўм)

Молиявий кўрсаткичлар	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
Маҳсулот (товар)ларни сотишдан соф тушум	22988,1	14861,0	10179,8	13346,9
Маҳсулот (товар)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	15501,6	6179,1	2362,9	3630,5
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	1111,1	1510,0	1462,2	1223,1
Сотиш харажатлари	62,7	89,7	112,8	18,8
Маъмурий харажатлар	311,0	479,1	672,1	505,1
Бошқа операцион харажатлар	737,4	941,2	677,3	699,2
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	24,5	8,9	10,7	41,1
Асосий фаолиятнинг фойдаси	14414,9	4678,1	911,4	2448,5
Молиявий фаолиятнинг жами даромадлари, ш.ж.:	1382,3	185,1	222,4	197,5
Фоишлар шаклидаги даромадлар	4,7	13,6	8,2	0,8
Валюта курси фарқидан даромадлар	1377,6	171,6	214,2	196,7
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, ш. ж.:	6369,8	312,3	548,7	473,6
Фоишлар шаклидаги харажатлар	1,3	0,0	0,0	8,1
Валюта курси фарқидан зарарлар	6358,5	312,3	548,7	465,5
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	10,0	0,0	0,0	0,0
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	9427,5	4551,0	585,1	2172,5
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	9427,5	4551,0	585,1	2172,5
Фойда солиғи	384,3	67,8	2,7	0,2
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	9043,1	4483,2	582,4	2172,2
Капитал қўйилмалар	0,0	282,7	2583,1	0,0
Солиқ имтиёзлари	229,5	1337,7	91,5	399,8

Изоҳ: Молиявий натижаларда айрим кўрсаткичлар йиллар бўйича "0" бўлганлиги учун келтирилмаган.

²⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги "Тошкент шахрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида"ги ПФ-5068-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3227414>.

²⁴⁵ Таҳлил муаллиф томонидан жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (1-2-шакллар) асосида таҳлил қилинди.

Масалан, 2017 йилда имтиёз ҳисобига жамият ихтиёрида 229,5 млн.сўм маблағ қолиб, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1108,2 млн.сўмга маблағ кўп қолган. Лекин, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 8127,1 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 4681,2 млн.сўмга, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 9322,5 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3816,2 млн.сўмга, молиявий фаолиятнинг жами даромадлари 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 1012,1 млн.сўмга, умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 4876,5 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3965,9 млн.сўмга, ҳисобот даврининг соф фойдаси 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 4559,9 млн.сўмга, 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 3900,8 млн.сўмга қамайган.

Худди шунингдек, "Tadqiqiot" ХКнинг фаолиятига солиқ механизмининг таъсири таҳлил қилинганда, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда корхонанинг маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 1509,2 млн.сўмга, асосий фаолиятнинг фойдаси 33,0 млн.сўмга қамайган. Эътиборлиси, молиявий фаолият бўйича харажатлар 2018 йилда 12,0 млн.сўм, 2019 йилда 2421,8 млн.сўм ва 2020 йилда 1456,8 млн.сўмни ташкил этган. Бироқ, 2018 йил якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июлдаги ПФ-5308-сонли Фармонида²⁴⁶ назарда тутилган солиқ имтиёзи ҳисобига 3199,7 млн.сўм маблағ корхона ихтиёрида қолган, лекин 2018 йил ҳисобот даврининг соф фойдаси 140,4 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил 2150,8 млн.сўм, 2020 йилда 1454,5 млн.сўм зарар билан яқунланган (3.5-жадвал).

²⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" ги ПФ-5308-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3516847>.

3.5-жадвал

"Tadqiqiot" ХКнинг молиявий натижалари таҳлили²⁴⁷ (млн.сўм)

Молиявий кўрсаткичлар	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	60098,1	72553,9	0,0
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	1925,0	415,8	0,0
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	1783,6	307,3	22,7
Сотиш харажатлари	1783,6	141,7	0,0
Маъмурий харажатлар	0,0	165,6	8,4
Бошқа операцион харажатлар	0,0	0,0	14,3
Асосий фаолиятнинг фойдаси	141,5	108,5	0,0
Асосий фаолиятнинг зарари	0,0	0,0	22,7
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, шу жумладан:	10,8	162,4	25,0
Валюта курси фарқидан даромадлар	10,8	162,4	25,0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:	12,0	2421,8	1456,8
Фоизлар шаклидаги харажатлар	0,0	0,0	594,8
Валюта курси фарқидан зарарлар	12,0	2421,8	862,0
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	140,4	0,0	0,0
Умумхўжалик фаолиятининг зарари	0,0	2150,8	1454,5
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	140,4	0,0	0,0
Фойда солиғини тўлагунга қадар зарар	0,0	2150,8	1454,5
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	140,4	0,0	0,0
Ҳисобот даврининг соф зарари	0,0	2150,8	1454,5
Узоқ муддатли инвестициялар	1827,0	1944,0	1944,0
Капитал қўйилмалар	10,4	0,0	0,0
Солиқ имтиёзлари (ЯСТ)	3199,7	0,0	0,0

Изоҳ: Молиявий натижаларда айрим кўрсаткичлар йиллар бўйича “0” бўлганлиги учун келтирилмаган.

3.6-жадвалдаги жамиятнинг молиявий натижалари кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 июлдаги ПФ-5308-сонли Фармониغا асосан жамият ЯИТдан ташқари барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинганига қарамасдан, жамиятнинг фаолияти зарар билан яқунланган. Молиявий натижаларга кўра, бунга асосий сабаблардан бири маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушуми 2017 йилда 416,6 млн.сўм, 2018 йилда 2141,5 млн.сўм, 2019 йилда 5514,4 млн.сўмни ташкил этишига қарамасдан, жамиятнинг давр харажатлари, жумладан маъмурий харажатлари йилдан-йилга ортиб

²⁴⁷ Таҳлил муаллиф томонидан корхонатнинг электрон солиқ ҳисоботлари (1-2-шакллар) асосида таҳлил қилинди.

борганлиги учун деган хулосага келиш мумкин, лекин имтиёз жорий килингунга қадар ҳам жамият фаолияти зарар билан яқунланганлигини кузатиш мумкин.

3.6-жадвал

"Konstruktorlik-texnologik" МЧЖнинг молиявий натижалари таҳлили²⁴⁸ (млн.сўм)

Молиявий кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
Маҳсулот (товар) ларни сотишдан соф тушум	0,0	416,6	2141,5	5514,4	1887,3
Маҳсулот (товар) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	0,0	416,6	634,0	1728,9	0,0
Маҳсулот (товар) ларни сотишнинг ялпи зарари	0,0	0,0	0,0	0,0	2212,7
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	36,5	640,1	912,4	1865,8	2205,4
Маъмурий харажатлар	33,8	562,2	798,0	1758,8	1947,7
Бошқа операцион харажатлар	2,8	77,9	114,4	107,0	257,7
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,0	0,1	0,0	214,6	103,0
Асосий фаолиятнинг фойдаси	0,0	0,0	0,0	77,8	0,0
Асосий фаолиятнинг зарари	36,5	223,5	278,4	0,0	4315,1
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, ш.ж.:	0,0	0,0	0,0	11,4	41,5
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	0,0	0,0	0,0	10,8	41,5
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,0	0,0	0,0	0,7	0,0
Молиявий фаолият бўйича харажатлар, ш.ж.:	0,0	32,7	608,7	299,4	260,3
Фоизлар шаклидаги харажатлар	0,0	32,7	523,2	299,4	260,3
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0,0	0,0	85,5	0,0	0,0
Умумхўжалик фаолиятининг зарари	36,5	256,2	887,2	210,2	4533,9
Фойда солигини тўлагунга қадар зарар	36,5	256,2	887,2	210,2	4533,9
Фойда солиги	0,0	0,0	58,7	0,0	0,0
Фойдадан бошқа солиқлар	0,0	20,9	0,0	0,0	0,0
Ҳисобот даврининг соф зарари	36,5	277,1	945,9	210,2	4533,9
Узоқ муддатли инвестициялар	0,0	0,0	5970,5	5970,6	5970,5
Капитал қўйилмалар	4598,1	4936,4	1074,2	51,7	9,3
Солиқ имтиёзи (ҚҚС, даромад)	0,0	0,0	101,9	0,0	6,1

Изоҳ: Молиявий натижаларда айрим кўрсаткичлар йиллар бўйича "0" бўлганлиги учун келтирилмаган.

Таҳлилларимизни иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 208-моддаси 9-бандида²⁴⁹ (Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 243-моддаси 9-банди²⁵⁰) илмий тадқиқот ва инновация ишлари ҚҚСдан озод этиш тарзида солиқ имтиёлари ва уларнинг корхоналар фаолиятига таъсири бўйича мисоллар асосида давом эттирамиз. Ушбу солиқ имтиёздан фойдаланиш

²⁴⁸ Таҳлил муаллиф томонидан жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (1-2-шакллар) асосида таҳлил килинди.

²⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодекси. 2007. <https://lex.uz/docs/1286558>.

²⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. 30.12.2019. <https://lex.uz/docs/4674902>.

ҳолати 2015 йилда 125 та ҳолатда 28916,2 млн.сўмни, 2016 йилда 68 та ҳолатда 13811,3 млн.сўмни, 2017 йилда 63 та ҳолатда 52061,8 млн.сўмни, 2018 йилда 64 та ҳолатда 72805,1 млн.сўмни, 2019 йилда 97 та ҳолатда 29991,3 млн.сўмни ва 2020 йилда 3312 та ҳолатда 1335549,7 млн.сўмни ташкил этган²⁵¹.

3.7-жадвал

"Ilmiy-tadqiqot instituti" МЧЖнинг молиявий натижалари таҳлили²⁵² (млн.сўм)

Молиявий кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021
Маҳсулот (товар) ларни сотишдан соф тушум	391,8	319,8	534,9	428,7	459,8
Маҳсулот (товар) ларни сотишнинг ялпи фойдаси	175,2	137,4	112,6	201,8	166,2
Давр харажатлари, жами, ш. ж.:	111,6	123,0	69,6	55,9	71,1
Сотиш харажатлари	10,0	11,1	10,2	1,3	1,3
Маъмурий харажатлар	77,5	85,4	44,6	48,2	63,3
Бошқа операцион харажатлар	24,1	26,5	14,7	6,4	6,5
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,4	1,4	0,0	0,0	0,0
Асосий фаолиятнинг фойдаси	64,0	15,9	43,0	145,9	95,1
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	64,0	15,9	43,0	145,9	95,1
Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда	64,0	15,9	43,0	145,9	95,1
Фойда солиғи	4,8	1,2	0,0	0,0	0,0
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	0,0	1,2	0,0	0,0	0,0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	59,2	13,5	43,0	145,9	95,1
Узоқ муддатли инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	5970,5
Капитал қўйилмалар	0,0	0,0	0,0	0,0	9,3
Солиқ имтиёзи (ҚҚС)	924,2	1000,2	1203,9	930,5	260,4

Изоҳ: Молиявий натижаларда айрим кўрсаткичлар йиллар бўйича "0" бўлганлиги учун келтирилмаган.

Жумладан, "Ilmiy-tadqiqot instituti" МЧЖнинг молиявий натижаларига солиқ имтиёзларини таъсир этишини 3.7-жадвалдаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилар эканмиз, ҚҚСдан озод қилинишларига қарамасдан, молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичларида ижобий натижалар сезилмаган. Хусусан, 2016 йилда 924,2 млн.сўм, 2017 йилда 1000,2 млн.сўм ҚҚСдан озод қилиниб, 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 76,0 млн.сўмга кўпроқ ҚҚСдан

²⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

²⁵² Таҳлил муаллиф томонидан жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (1-2-шакллар) асосида таҳлил қилинди.

озод қилинган бўлсада мос даврга нисбатан маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушуми 72,0 млн.сўмга, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 37,8 млн.сўмга, асосий фаолиятнинг фойдаси 48,1 млн.сўмга, ҳисобот даврининг соф фойдаси 45,7 млн.сўмга камайган. Худди шунингдек, 2018 йилда 1203,9 млн.сўм ҚҚСдан озод бўлиб, ўтган йилга нисбатан 203,7 млн.сўмга кўпроқ озод қилинган, лекин, маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси 24,8 млн.сўмга, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 1,4 млн.сўмга камайган.

Фикримизча, солиқ механизмининг корхоналар фаолиятига сезиларли ва ижобий таъсир этишига муайян муддат ва солиқни оқилona режалаштириш талаб этилади. Аммо, яна бир муҳим жиҳати шундаки, инновациянинг асосий шартларидан бири ҳисобланган, уни жорий қилиш ва тижоратлаштишга ҳам маълум бир муддат талаб этилади. Мазкур солиқ имтиёздан самарали фойдаланишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

1) ҚҚСдан номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилиш тарзидаги имтиёз ўрнига бир йилдан уч йилгача муддатга пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш лозим. Чунки, биринчидан, юқоридаги таҳлилларимиз имтиёз ўртача уч йилда корхона фаолиятига ижобий таъсир этишини кўрсатмоқда, иккинчидан ҚҚС занжирининг узилишини олдини олиш мақсадида пасайтирилган солиқ ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ;

2) илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг ўзига хослиги, хусусан фаолият натижаларига узок муддатда эришиши сабабли маҳсулотнинг жорий қилиниши ва тижоратлаштирилишидан келиб чиққан ҳолда ҚҚСнинг ноль ставкасини қўлланилиши солиқ механизмининг таъсирчанглигини сезиларли даражада оширади.

Корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятига солиқ механизмининг таъсири борасида амалга оширилган таҳлилларимиз мазкур фаолият турларига солиқ механизмининг таъсир даражаси паслигини кўрсатмоқда. Қайд этиш лозимки, тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларига нисбатан солиқ солинадиган фойдадан (базадан) камайтириш

шаклидаги энгилликларнинг корхоналар фаолиятига ижобий таъсир этиши кузатилди. Бунга асосий сабаблар сифатида мазкур солиқ энгилликларга муайян шартлар ва меъёрлар белгиланишини келтириш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, корхоналарнинг инновацион фаолиятига тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ўсиш суръатлари мазкур фаолият натижалари ўсиш суръатларидан илгарилаб кетмоқда. Бу эса ўз навбатида солиқ механизмдан самарали фойдаланилмаганлигидан далолат бермоқда. Шунинг учун илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда нафақат солиқ имтиёзларини қўллаш масалаларига эътибор қаратиш керак, балки солиқлар воситасида чеклаш механизмларидан ҳам самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиш зарур.

Шунингдек, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида самарали тартибга солишда, шу жумладан рағбатлантиришда солиқ турлари ҳамда солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг тақдим этиш шаклига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, солиқларнинг иқтисодий моҳиятига кўра самарали таъсир этувчи солиқ тури ва уларни тақдим этиш шаклига эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ рағбатларининг корхоналар илмий тадқиқот, инновацион ва инвестицион фаолиятига ижобий таъсир этиш даражасининг пастлиги сабабларидан бири шундаки, аксарият солиқ имтиёзлар аниқ шартлар асосида берилмаслиги ва қайтариб олинмаслигидадир. Яъни, имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати, ҳажми ёки экспорт ҳажмини ошириш, инновацион маҳсулотни жорий қилиш ва тижоратлаштириш каби мажбурият қабул қилмайди.

Шу сабаб мазкур фаолият турлари учун аниқ шартларсиз номуайян муддатга ва тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзлари муайян муддатга ҳамда юридик шахс фойдасининг ўсиши; таннархнинг камайиши; янги иш ўринлари ташкил этилиши; меҳнат унумдорлигини ўсиши; ишлаб чиқариш қувватларини таъминланиши; ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши; энергияни

тежалиши; экспорт хажмини ўсиши; импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши; энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиши, инновацион маҳсулотни жорий қилиниши ва тижоратлаштирилиши каби аниқ шартлар асосида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, илмий тадқиқот ва инновацион-инвестицион фаолият учун тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этиладиган солиқ рағбатлари солиқ кредити каби тақдим этилиши, бунда қўйилган шартлар бўйича ижобий натижаларга эришилгач, шартли солиқ кредити сўндирилган деб ҳисоблаш, акс ҳолда имтиёз берилган давр тугагач, бюджетга қайтариш механизмини ҳам жорий қилиш мумкин.

§ 3.2. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ рағбатларини баҳолаш услубиёти

Аксарият ҳолларда ҳар қандай фаолият турига берилаётган у ёки бу солиқ имтиёзлари фақатгина унинг жорий қилиниши босқичида баҳоланади. Кейинчалик ундан келадиган бюджет йўқотишлари етарлича баҳоланмайди, берилган имтиёз ҳисобига эришиш керак бўлган иқтисодий самарадорлик таҳлил қилинмайди.

Дунё амалиётида тадқиқотлар ва ишланмаларни қўллаб-қувватлаш даражасини халқаро қиёслаш учун β -индекси кўрсаткичи кенг тарқалган. У корпоратив солиқни тўлашга, тадқиқотлар ва ишланмаларни жорий этишга ҳамда капитал харажатларни қоплаш учун зарур бўлган солиққа тортишга қадар даромаднинг жорий қийматини акс эттиради, бунда тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестиция қилиш фойдали бўлади.

β -индекси қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$\beta\text{-index} = \frac{(1-A)}{(1-r)}$$

Бунда, A —тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар учун амортизация ажратмаларининг соф жорий дисконт қиймати; r -фойда солиғи ставкаси. Агар тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлар солиқ солиш базасидан

тўлиқ чегирилган тақдирда $A=r$, $\beta\text{-index}=1$ га тенг бўлади. $\beta\text{-index}$ нинг бирмунча паст кўрсаткичи тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестиция қилиш учун жозибадор солиқ режимидан далолат беради. $\beta\text{-index}$ ҳисоб-китобидан сўнг солиқ субсидиялари ҳажми $1-\beta\text{-index}$ сифатида аниқланади. Биргина мисол, мазкур кўрсаткич 2006 йилда Францияда 0,425ни ташкил этган. Бу давлатнинг 42,5 фоиз тадқиқотлар ва ишланмаларга харажатлари солиқлар воситасида рағбатлантириш чоралари ёрдамида қопланганлигини кўрсатади²⁵³.

Солиқлар воситасида рағбатлантириш самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсишга таъсири масаласи давлат ва алоҳида ташкилотларга муаммолигича қолмоқда. Солиқ рағбатларини қўллаш кўламнинг ўсиши, уларнинг самарадорлиги муаммосига эътиборни қаратишни талаб этади. Зеро, солиқ рағбатлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги уларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Солиқ рағбатлари натижаларини иқтисодий ва фискал жиҳатдан мониторинг ҳамда баҳолаш механизмини тадқиқ этишдан аввал, бу борада иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилган изланишлар ҳамда тадқиқотлар асосида шаклланган қарашлар, ёндашувлар ва услубиётларни таҳлил қилиб ўтамыз.

Жумладан, Т.Малининининг фикрига кўра, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг тақлиф этилаётган усуллари фаол муҳокама қилиниб келинган ва бу масала бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Солиққа тортиш соҳасидаги етакчи иқтисодчиларнинг фикрича, солиқ имтиёзлари - бу солиқни тартибга солувчи (рағбатлантирувчи) функциясининг амалга ошириш шаклидир²⁵⁴.

²⁵³ Мармилова Е.Н. Роль налогов как экономических рычагов стимулирования инновационных процессов. / Экономические и юридические науки. Финансы и налогообложение. Вестник полоцкого государственного университета. № 5. Серия D. 2016. Минск. стр. 109-115.

²⁵⁴ Малинина Т. Оценка налоговых льгот и освобождений: зарубежный опыт и российская практика. - М.: Ин-т Гайдара, 2010. - 212 с.

Шунингдек, И.Майбуров ва бошқалар солиқ имтиёзлари самарадорлигига оддий ёндашув қўлланилишини илгари суради, яъни уларнинг фикрига кўра, тегишли турдаги самара бўйича таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг умумий ўсишини ушбу ўсишни шакллантирадиган имтиёзлар сонига бўлиниши керак²⁵⁵.

Майбуров солиқ имтиёзлари самарадорлигини соҳага қараб тасвирлаш орқали тўрт турга бўлишни таклиф қилади²⁵⁶:

1) фискал самара - жорий солиқ харажатлари бўйича кейинги солиқ тушумларининг кўпайишини ифодалайди;

2) ижтимоий самара - аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва бошқа кўрсаткичларда намоён бўлади. Бу самарани аниқ баҳолашнинг мураккаблиги шундаки, ягона баҳолаш кўрсаткичнинг йўқлиги ва нафақат солиқ имтиёзлари, балки ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш, шунингдек, аҳоли турмуш даражасини умумий табиий ошишининг ижтимоий кўрсаткичларини яхшилашга кумулятив таъсир этишидир;

3) иқтисодий самара - асосий фондларни сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва технологияларни кенгайтириш ва янгилаш оқибатида янги иш ўринларини яратиш ҳамда фойдани ошириш учун тасарруф этилиши мумкин бўлган солиқ тўловларининг камайиши ёки озод қилиниши муносабати билан солиқ тўловчининг ихтиёрида қоладиган молиявий ресурсларнинг кўпайиши орқали намоён бўлади;

4) бюджет самараси - юқорида санаб ўтилган уч самаранинг ажралмас кўрсаткичи бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган солиқ базасини кенгайтириш ва бюджет маблағларини иқтисод қилиш орқали бюджет даромадларини оширишда намоён бўлади.

²⁵⁵ Майбуров И. ва бошқ., Экономика налоговых реформ. Монография. К.: Алерта, 2013. с. 221-225.

²⁵⁶ Майбуров И. Оценка налоговых расходов и эффективности налоговых льгот // Общество и экономика. № 4. 2013. с. 87.

Солиқ воситасида тартибга солиш самарадорлигини мониторинг қилишдан кўзланган мақсад солиқ имтиёзларининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини тизимли равишда назорат қилишдан иборат. Бу жараён турли даражадаги бюджет тизимининг солиқ тушумлари ва ижтимоий йўналтирилган давлат харажатлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади²⁵⁷.

В.Пансковнинг фикрича, солиқ имтиёзларининг ҳар бир тури тегишли ижро этувчи ҳокимият органларига (вазирликлар ва идораларга) бириктирилиши, уларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларининг ҳар бири бўйича уларни жорий этилиши, зарурлиги ва сақлаб қолинишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланганлигини таҳлил қилишни топшириш лозим²⁵⁸.

Т.Кутергина ва Е.Мингазиноваларнинг фикрича солиқ имтиёзлари самарасини баҳолашнинг мавжуд усуллари солиқ ва статистик ҳисоб тизими билан таъминланмаган ва шунинг учун солиқ инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига таъсирини баҳолашда аниқлик етишмайди²⁵⁹.

Д.Черникнинг фикрига кўра, самарали иқтисодий регулятор вазифасини бажарувчи солиқ имтиёзлари тизими муайян талабларга жавоб бериши керак, агар мазкур талабларга риоя қилинмаса, унинг фаолияти мақсадга номувофиқ бўлади²⁶⁰.

О.Фишер ва бошқаларнинг фикрича, корхоналарнинг инновацион фаолияти кўрсаткичларидан иқтисодий самарадорлик коэффициентлари сифатида фойдаланиш мумкин: ИТТКИга амалга оширилган харажатлар-

²⁵⁷ Кутергина Г. Место и роль социально-экономического мониторинга в управлении экономической системой // Управление экономическими системами. 2013. № 2. Дата публикации:11.01.2013. Режим доступа: <http://www.uecs.ru/makroekonomika/item/>.

²⁵⁸ Пансков В. Налоговые льготы: целесообразность и эффективность // Налоги: теория и практика. №10. 2012. с.35.

²⁵⁹ Кутергина Г. ва Мингазинова Е. Методики оценки и мониторинга эффективности налоговых льгот: подходы и проблемы // Финансы, кредит и денежное обращение. Известия ДВГУ. Экономика и управление. № 1. 2014. стр. 84-99.

²⁶⁰ Черник Д. Пути реформирования налоговой системы // Экономика. Налоги. Право.- № 1.-С. 2013.54-64.

нинг солиқлардан иқтисод қилиш коэффициенти, инновация фаолияти учун солиқ имтиёзлари самарадорлиги коэффициенти, инновация фаолиятидан олинган фойданинг солиқ интенсивлиги, инновация фаолиятининг солиқ юки коэффициентлари ва бошқалар. Бундан ташқари, бу кўрсаткичларнинг барчасини инновацияларга бевосита таъсир этувчи самарадорликнинг биринчи тартиб коэффициентлари ва билвосита таъсир этувчи иккинчи тартиб коэффициентлари сифатида 2 гуруҳга бўлиш мумкин²⁶¹.

Солиқ имтиёзининг ижтимоий самарадорлиги аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигини ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишини тасдиқлайдиган кўрсаткичлар билан белгиланади. Бу кўрсаткич аҳолининг айрим тоифаларига, нодавлат ноижорат ташкилотларига солиқ имтиёзларини беришда ҳисобланади²⁶². Ижтимоий самарадорлик сифатида иш ҳақини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш ва улар учун қулай турмуш шароитини яратиш ҳамда солиқ тўловчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш кўриб чиқилади.

Солиқлар орқали рағбатлантириш самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсишга таъсири масаласи давлат ва алоҳида ташкилотларга муаммолигича қолмоқда. Шу сабабли, инновацион-инвестицион ривожланишни рағбатлантиришга йўналтирилган солиқ инструментлари самарадорлиги, шунингдек, уларнинг ХЮСлар солиқ юкига таъсири даражасини баҳолаш, рағбатларни даромадлар даражасига таъсир этишини аниқлашга имкон берувчи баҳолаш мезонлари тизимини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш лозим.

Солиқлар воситасида рағбатлантириш кўламининг ўсиши, уларнинг самарадорлиги муаммосига эътиборни қаратишни талаб этади. Зеро,

²⁶¹ Фишер О. ва бошқалар. Оценка эффективности налогового стимулирования инновационной деятельности в России / О. В. Фишер, Л. В. Перекрестова, Т. П. Ломакина, М. Ш. Иризепова // «Налоги и налогообложение». - № 2. 2014. - С. 156-173

²⁶² Савина О. Проблемы проведения оценки эффективности инструментов налогового стимулирования: анализ современной практики // Налоги и налогообложение. - № 8 (134). 2015. - С. 580-591.

рағбатлантириш дастаклари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги улар самарадорлигини тўхтатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу муаммо ҳал қилиниши учун етарли даражада мураккаб ҳисобланади. Мураккаблиги шундаки, биринчидан, аксарият ҳолларда зарурий статистик маълумотлар аниқ ва етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, турли иқтисодий шароитларда корхоналар ҳолатининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Шунинг учун тақдим этилган солиқ рағбатлари натижаларини фискал ва иқтисодий мониторингдан ўтказиш механизмини ишлаб чиққан ҳолда тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат билан мустаҳкамлаш зарур. Бунда, солиқ рағбатлари корхоналарнинг молиявий натижалари ҳисобланган ялпи тушум, ялпи фойда, соф фойда, иш хақи фонди, ишчилар ўртача ойлик иш хақи, ишчилар сони, экспорт ҳажмини ўсиши каби эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, яъни «имтиёзлар – инвестиция – инновация - натижалар» тамойилида тақдим этилиши иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга сезиларли даражада ижобий таъсир этади, деб ҳисоблаймиз.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга тақдим этилган солиқ рағбатлари натижаларини баҳолаш услубиётини тадқиқ этишда, аввало бу борада тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ишларини кўриб чиқамиз. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олимлардан О.Савина ва Ю.Малкова²⁶³, Т.Кутергина ва Е.Мингазинова²⁶⁴,

²⁶³ Савина О., Малкова Ю. Мониторинг эффективности системы налоговых инструментов стимулирования развития инновационной экономики в условиях действующего законодательства и направления его совершенствования. Налоговое администрирование. Налоги и налогообложение – №4 (94). 2012. стр. 24-34.

²⁶⁴ Кутергина Г. ва Мингазинова Е. Методики оценки и мониторинга эффективности налоговых льгот: подходы и проблемы // Финансы, кредит и денежное обращение. Известия ДВГУ. Экономика и управление. № 1. 2014. стр. 84-99.

С.Головань²⁶⁵, О.Мандрощенко²⁶⁶, О.Савина²⁶⁷, А.Окунь ва Ю.Стешенко²⁶⁸лар ҳамда ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Н.Ашурова²⁶⁹ ва Ж.Ўрмоновлар²⁷⁰ томонидан солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш ва мониторинг қилиш ҳамда самарадорлигини аниқлашга доир турли ёдашув ва услубиётлар таклиф қилинган. Масалан, Т.Кутергина ва Е.Мингазинова²⁷¹ томонидан солиқ имтиёзлари самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги коэффициентлари таклиф қилинган.

1. Солиқ имтиёзларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш коэффициенти:

$K_{снд} = K_{и} / K_{с}$ Бунда, $K_{снд}$ – ижтимоий-иқтисодий самарадорлик коэффициенти, $K_{и}$ – ижобий кўрсаткичлар сонининг суммаси, $K_{с}$ – салбий ёки ўзгаришсиз кўрсаткичлар сонининг суммаси. Коэффициентни ҳисоблаш учун ялпи тушум, ялпи фойда, таннархни камайиши, соф фойда, иш ҳақи фонди, ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи ва ишчилар сони каби кўрсаткичлар динамикаси баҳоланаётган даврдаги инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолда таҳлил қилинади.

Агар $K_{снд} \geq 1$ ни ташкил этса, солиқ имтиёзлари ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ижобий, агар $K_{снд} < 1$ ни ташкил этган тақдирда самарасиз ҳисобланади. Мазкур механизмни “Имкон файз барака” МЧЖ мисолида кўриб чиқар эканмиз, коэффициент $K_{снд} = 1,0$ га тенг, яъни имтиёз самарадорлигидан далолат бермоқда (3.8-жадвал).

²⁶⁵ Головань С. Обзор основных методик оценки эффективности налоговых льгот в целях стимулирования инновационной деятельности. Финансовая, налоговая и денежно-кредитная политика. Байкальский государственный университет экономики и права. 2014. стр. 142-168.

²⁶⁶ Мандрощенко О. Основные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Финансовая аналитика. проблемы и решения. Издательский дом Финансы и кредит, М. № 39. 2016. стр. 45-60.

²⁶⁷ Савина О. Проблемы проведения оценки эффективности инструментов налогового стимулирования: анализ современной практики // Налоги и налогообложение. - № 8 (134). 2015. - С. 580-591.

²⁶⁸ Окунь А. ва Стешенко Ю. Совершенствование подходов к оценке эффективности налогового стимулирования в Российской Федерации // Финансовая политика: проблемы и решения. -М. 10, 2017. №12. – стр. 1407-1423.

²⁶⁹ Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссерт. Т.: БМА. 2018. 246 б.,

²⁷⁰ Ўрмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ механизми воситасида тартибга солишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. диссерт. Т.: БМА. 2018. 308 б.

²⁷¹ Кутергина Г. ва Мингазинова Е. Методики оценки и мониторинга эффективности налоговых льгот: подходы и проблемы // Финансы, кредит и денежное обращение. Известия ДВГУ. Экономика и управление. № 1. 2014. стр. 84-99.

Солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш шакли²⁷²

“Имкон файз барака” МЧЖ		СТИР	Солиқ кодексининг 159-моддаси 3-банди (имтиёз асоси)				
Ҳисобланган ва имтиёз тақдим этилганлиги сабаб тўланмаган солиқ							
Солиқ тури	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)		Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши %		
Фойда солиғи	58,2	210,8	152,6		262%		
ЯСТ	0	0	0		0		
Бошқа солиқлар	0	0	0		0		
Жами	58,2	210,8	152,6		262%		
Натижалар							
Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар манбан	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (инфляция хисобга олинган ҳолда) %	Кўрсаткичлар сони	
						Салбий ёки ўзгаришсиз (Кс)	Ижобий (Ки)
Ялпи тушум	(2-шакл 010 сатр)	381,2	443,9	62,7	6,4%		1
Таннарх (камайиши)	(2-шакл 020 сатр)	344,2	393,7	49,5	4,4%	1	
Ялпи фойда	(2-шакл 030 сатр)	36,6	50,3	13,7	27,4%		1
Соф фойда	(2-шакл 270 сатр)	4,2	3,4	-0,8	9,0%	1	
Йиллик иш ҳақи фонди	(и/х ҳисобкитоби)	26,7	36,8	10,1	27,8%		1
Ишчилар сони	(и/х ҳисобкитоби)	372	325	-47	-12,6%	1	
Ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи	(и/х ҳисобкитоби)	7,2	11,3	4,1	46,9%		1
Солиқ тўловлари	(2-шакл 280+480 сатр)	148,6	118,3	-30,3	-20,4%	1	
Самарадорлик даражаси	($K_{снд} = K_n / K_c$) $K_{снд} = 1$ (самарали)					4	4

Худди шунингдек, “Интертекс” ҚҚ мисолида таҳлилларимизни давом эттирамиз (3.9-жадвал). Бу мисолимизда самарадорлик коэффициенти $K_{снд} = 0,14$ га тенг ёки тақдим этилган солиқ имтиёзининг самарадорлик даражаси пастлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда корхона молиявий натижаларидаги аксарият кўрсаткичларда ижобий натижаларга эришилмаган. Масалан, корхона томонидан таннархни 67,5 фоизга пасайишига эришилган бўлсада, ялпи тушуми 23,8 фоизга, ялпи фойдаси 17,1 фоизга, иш ҳақи фонди 53,1 фоизга ва ишчилар сони 50 фоизга,

²⁷² Жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (2-шакл) асосида муаллиф томонидан таҳлил килинган.

соф фойда 24,8 фоизга, ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи 16,0 фоизга, солиқ тўловлари 1,2 фоизга камайган.

3.9-жадвал

Солиқ имтиёзлари натижаларини баҳолаш шакли²⁷³

Интертекс қўшма корхонаси		СТИР		СК-356 м. 3-қ. 1-б. (имтиёз асоси)			
Ҳисобланган ва имтиёз тақдим этилганлиги сабаб тўланмаган солиқ							
Солиқ тури	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)		Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши %		
Фойда солиғи	0	0	0		0		
ЯСТ	11	17	6		55%		
Бошқа солиқлар	0	0	0		0		
Жами	11	17	6		55%		
Натижалар							
Кўрсаткичлар	Кўрсаткичлар манбаи	2017 йил (млн.сўм)	2018 йил (млн.сўм)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (-;+)	Ўтган йилга нисбатан ўсиши ёки камайиши (инфляция ҳисобга олинган ҳолда) %	Кўрсаткичлар сони	
						Салбий ёки ўзгаришсиз (Кс)	Ижобий (Ки)
Ялпи тушум	(2-шакл 010 сатр)	294,5	195,1	-99,4	-23,8%	1	
Таннарх (камайиши)	(2-шакл 020 сатр)	38,7	8,7	-30	-67,5%		1
Ялпи фойда	(2-шакл 030 сатр)	255,7	186,3	-69,4	-17,1%	1	
Соф фойда	(2-шакл 270 сатр)	90,2	58,8	-31,4	-24,8%	1	
Йиллик иш ҳақи фонди	(и/х ҳисоб-китоби)	92,4	34,1	-58,3	-53,1%	1	
Ишчилар сони	(и/х ҳисоб-китоби)	4	2	-2	-50,0%	1	
Ишчилар ўртача ойлик иш ҳақи	(и/х ҳисоб-китоби)	23,1	17,1	-6	-16,0%	1	
Солиқ тўловлари	(2-шакл 280+480 сатр)	51,2	50,6	-0,6	-1,2%	1	
Самарадорлик даражаси	(Кс_{мд} = Ки / Кс) Кс_{мд} = 0,14 (наст самарали)					7	1

Бундан ташқари, инновацион ва инвестицион фаолиятларга мўлжалланган солиқ имтиёзларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги мазкур коэффициент орқали таҳлил қилинганда, 259,6 млрд.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган 891 та юридик шахслардан 52 фоизи самарали ва 48 фоизи самарасизлиги маълум бўлди (3.10-жадвал).

²⁷³ Жамиятнинг электрон солиқ ҳисоботлари (2-шакл) асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.

3.10-жадвал

Солиқ имтиёзларини ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича умумий таҳлили²⁷⁴

№	Имтиёз тури	Имтиёздан фойдаланганлар сони	Жами имтиёз суммаси (млн.сўм)	Шундан			
				Самарали сони	Самарасиз сони	Самарали %	Самарасиз %
1	СК-159 м. 3-б.	3	1936,8	1	2	33%	67%
2	СК-208 м. 9.	8	8138,6	4	4	50%	50%
3	СК-282 м. 2 қ. 26 б.	18	268,6	9	9	50%	50%
4	СК-356 м. 3 қ. 1 б.	690	224469,7	358	332	52%	48%
5	ПҚ-1631 26.10.2011 й.	1	3331,4	1	0	100%	0%
6	ПФ-5068 05.06.2017 й.	1	414,4	1	0	100%	0%
7	ПҚ-2042 20.09.2013 й.	83	16336,9	41	42	49%	51%
8	ПФ-5099 30.06.2017 й.	87	4689,8	46	41	53%	47%
	Жами	891	259586,2	461	430	52%	48%

2. Солиқ имтиёзларининг инвестицион самарадорлигини аниқлаш коэффициентини:

$K_{инв} = \text{SUM И} / \text{СИ}$ - Бунда, $K_{инв}$ – инвестицион коэффициент, SUM И – баҳоланиши лозим бўлган даврда солиқ тўловчининг узоқ муддатли инвестицияларга нисбатан ёки капитал қўйилмаларга нисбатан ҳажмининг СИ – ушбу даврда солиқ тўловчи томонидан олинган (олиниши режалаштирилаётган) солиқ имтиёзининг ҳажмига нисбатан аниқланади.

$K_{инв} \geq 1,5$ – солиқ имтиёзлари юқори инвестицион самарадорликка эга;

$1 \leq K_{инв} < 1,5$ – солиқ имтиёзлари етарли инвестицион самарадорликка эга; $K_{инв} < 1$ - солиқ имтиёзлари паст инвестицион самарадорликка эга.

Инвестицион фаолиятга мўлжалланган солиқ имтиёзларининг инвестицион самарадорлиги таҳлил қилинганда, 259,6 млрд.сўм солиқ имтиёзларидан фойдаланган 887 та юридик шахслардан узоқ муддатли инвестициялар бўйича 9 фоизи юқори, 18 фоизи етарли ва 89 фоизи паст инвестицион самарадорликка эга бўлса, капитал қўйилмалар бўйича 17 фоизи юқори, 18 фоизи етарли ва 81 фоизи паст инвестицион самарадорликка эгаллиги маълум бўлди. Жами узоқ муддатли инвестициялар

²⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлили

ва капитал қўйилмаларга нисбатан эса 22 фоизи юқори, 2 фоизи етарли ва 76 фоизи паст инвестицион самарадорликка эгаллиги маълум бўлди.

3.11-жадвал

Солиқ имтиёзларини инвестицион самарадорлигини баҳолаш бўйича умумий таҳлили²⁷⁵

Имтиёз тури	Имтиёз-дан фойдаланганлар сони	Имтиёз суммаси млн.сўм	Инвестицион самарадорлик даражаси								
			Узоқ муддатли инвестицияларга нисбатан (1-шакл, сатр-030)			Капитал қўйилмаларга нисбатан (1-шакл, сатр-0100)			Умумий инвестицияларга нисбатан (1-шакл, (030+0100))		
			юқори	етарли	паст	юқори	етарли	паст	юқори	етарли	паст
СК-159 м. 3-б.	3	1936,8	1	0	2	1	0	2	1	0	2
СК-208 м. 9-б.	8	8138,6	1	0	7	0	0	8	1	0	7
СК-282 м. 2 қ. 26 б.	18	268,6	1	0	17	1	0	17	1	0	17
СК-356 м. 3 қ. 1 б.	690	224469,7	75	6	609	138	7	545	184	9	497
ПҚ-1631 26.10.2011	1	3331,4	0	0	1	0	0	1	0	0	1
ПФ-5068 05.06.2017	1	414,4	0	0	1	0	0	1	0	0	1
ПҚ-2042 20.09.2013	83	16336,9	2	2	79	3	1	79	5	1	77
ПФ-5099 30.06.2017	83	4689,8	2	10	71	5	10	68	6	9	68
ЖАМИ	887	259586,2	82	18	787	148	18	721	198	19	670
Жамига нисбатан фоизда			9%	2%	89%	17%	2%	81%	22%	2%	76%

3. Солиқ имтиёзларининг бюджетга самарадорлиги коэффиценти:

1) $K_6 = \text{SUM CT}/\text{СИ}$ - Бунда, K_6 – бюджет коэффиценти, SUM CT - бюджетга солиқ тушумлари ҳажми, СИ – ушбу даврда солиқ тўловчи томонидан олинган (олиниши режалаштирилаган) солиқ имтиёзининг ҳажми. $K_6 \geq 1,0$ – солиқ имтиёзлари юқори самарадорликка эга; $0,8 \leq K_6 < 1,0$ – солиқ имтиёзлари етарли самарадорликка эга; $K_6 < 0,8$ - солиқ имтиёзлари паст самарадорликка эга.

2) $K_6 = \text{CT}/\text{СИ}$ Бунда, K_6 – бюджет коэффиценти, CT – инфляция коэффицентига коррективка қилинган ҳолдаги ҳисобот даврида бюджетга солиқ тушумлари ўсишининг ҳажми, СИ – ҳисобот даврида солиқ имтиёзлари ҳисобига бюджетдаги йўқотишлар суммаси.

²⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг таҳлили

3) $БЙ = БСТ - БПС$ - Бунда, **БЙ** – солиқ имтиёзи тақдим этилиши ҳисобига бюджетдаги йўқотишлар; **БСТ** – амалдаги солиқ ставкаси (солиқ базаси) давридаги бюджетга солиқ тушумлари; **БПС** – пасайтирилган солиқ ставкаси (ўзгартирилган солиқ базаси) давридаги бюджетга солиқ тушумлари.

Шунингдек, таҳлилларимизни О.Савина томонидан таклиф қилинган солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш коэффициентлари мисолида ҳам давом эттиришимиз мумкин.

3.12-жадвал

Солиқ имтиёзларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш коэффициентлари²⁷⁶

Самарадорлик кўрсаткичлари	Аниқлаш формуласи	Изоҳ
$K_{инс}$ - имтиёзлар иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{инс} = БСТ / ХСС$	БТС – бюджетга тўланган солиқ суммасини ҳақиқий ўсиш суммаси; ХСС – корхонада ҳисобланган солиқлар суммаси $БТС = ХСС_{жй} - ХСС_{ой}$ ХСС_{жй} – ҳисобланган солиқлар суммаси жорий йилда ХСС_{ой} – ҳисобланган солиқлар суммаси ўтган йилда
$K_{исф}$ - фойдага нисбатан иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{исф} = СИ / Ф$	СИ – корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзи суммаси Ф – корхонада олинган соф фойда суммаси
$K_{исг}$ - тушумга нисбатан иқтисодий самарадорлик коэффициенти	$K_{исг} = СИ / Т$	СИ – корхона ихтиёрида қолдирилган солиқ имтиёзи суммаси Т – корхонада маҳсулот сотишдан тушум суммаси

Бунда, ҳисобланган солиқ имтиёзлари самарадорлиги коэффициенти $K_{инс} = 1$ га тенг ёки $K_{инс} > 1$ дан юқори бўлса самарали ва $K_{инс} < 1$ дан паст бўлса ёки 0 га тенг бўлса самарасиз ҳисобланади (3.12-жавдал).

Бундан ташқари, О.Мандрощенко²⁷⁷ томонидан ишлаб чиқилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги коэффициентларини ҳам келтиришимиз мумкин.

1. Солиқ имтиёзларининг бюджетга самарадорлиги коэффициенти:

²⁷⁶ Савина О. Проблемы проведения оценки эффективности инструментов налогового стимулирования: анализ современной практики // Налоги и налогообложение. - № 8 (134). 2015. - С. 580-591.

²⁷⁷ Мандрощенко О. Основные подходы к оценке эффективности налоговых льгот // Финансовая аналитика. проблемы и решения. Издательский дом Финансы и кредит, М. № 39. 2016. стр. 45-60.

$$K_{бсм} = \sum_{t=1}^n \text{СТЎ} / \text{БЙ},$$

Бунда, $K_{бсм}$ – бюджет самарадорлиги коэффиценти, СТЎ – солиқ имтиёзи тақдим этилиши натижасида молиявий ҳисобот йилига солиқлар бўйича тушумларнинг ўсиши ҳажми, $t=1 \dots n$ – солиқ имтиёзи тақдим этилган давр, БЙ – солиқ имтиёзи тақдим этилиши ҳисобига бюджетдаги йўқотишлар.

Солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги коэффиценти 1 дан юқори ёки тенг бўлса ($K_{бсм} \geq 1$), солиқ имтиёзлари ижобий бюджет самарадорлигига эга ҳисобланади, агар коэффицент 0 дан 1 гача бўлса самардорлик паст ҳисобланади.

2. Солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлиги коэффиценти:

$$\sum_{t=1}^n (K_{икси}) / n$$

Бунда, $K_{икс}$ - иқтисодий самарадорлик коэффиценти, $t = 1 \dots n$ – солиқ имтиёзлари иқтисодий самарадорлиги коэффицентларининг хар йилги ҳисоб-китоби даври, $K_{икси}$ – ўтган даврга нисбатан пасайиш содир бўлган кўрсаткичлар сонига ўтган даврга нисбатан ўсган ёки ўзгаришсиз қолган кўрсаткичлар сонига нисбати. Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинандиган тушум, юклаб жўнатилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) ва солиққа тортилгунга қадар фойда каби кўрсаткичлар динамикаси таҳлил қилинади. Агар $K_{икс} \geq 2,5$ бўлганда солиқ имтиёзлари юқори самарадорликка эга бўлади. Агар $1 \leq K_{икс} < 2,5$ бўлганда солиқ имтиёзлари етарли самарадорликка эга бўлади. Агар $K_{икс} < 1$ бўлганда солиқ имтиёзлари паст самарадорликка эга бўлади.

3. Солиқ имтиёзларининг ижтимоий самарадорлиги коэффиценти:

$$\sum_{t=1}^n (K_{ижси}) / n$$

Бунда, $K_{ижс}$ - ижтимоий самарадорлик коэффициентлари, $t = 1 \dots n$ – солиқ имтиёзлари ижтимоий самарадорлиги коэффициентларининг хар йилги ҳисоб-китоби даври, $K_{ижсi}$ – ўтган даврга нисбатан пасайиш содир бўлган кўрсаткичлар сонига ўтган даврга нисбатан ўсган ёки ўзгаришсиз қолган кўрсаткичлар сонига нисбати.

Иш ҳақи фонди, ишчиларнинг ўртача сони ва ўртача иш ҳақлари каби кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Агар $K_{ижс} \geq 2$ бўлганда солиқ имтиёзлари юқори самарадорликка эга бўлади. Агар $K_{ижс} < 1$ бўлганда солиқ имтиёзлари паст самарадорликка эга бўлади.

Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг юқорида келтирилган усуллари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг аксарияти инновацион корхоналарга қўллаб бўлмайди. Баъзи усуллар, хусусан, В-индекс бўйича баҳолаш мамлакатимизда инновацион корхоналар учун тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ўзига хос хусусиятлари туфайли фойдаланиш учун мос эмас.

Шунинг учун юқорида келтирилган аксарият баҳолаш услубиётларни тадқиқ этиш асосида айнан корхоналарнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш мақсадида тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлиги, тадқиқотлар ва ишланмаларга қилинган харажатлар самарадорлиги, харажатларнинг инновацион маҳсулотга айланиши даражаси ҳамда иқтисодий инновацион ривожлантиришга солиқ имтиёзларининг умумий таъсир этиш (даражаси) самарадорлигини баҳолашнинг уч коэффициентлари ишлаб чиқилди (3.13-жадвал).

3.13-жадвал

Инновацион корхоналар учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг такомиллаштирилган услубиёти²⁷⁸

Коэффициент, иқтисодий аҳамияти ва ҳисоб-китоб формуласи	Шартли белгиланиши	Меъёрий чегараси
$K_1 = \dot{Y}_{\text{ти}} / \dot{Y}_6$ Давлат томонидан корхоналарнинг инновацион фаоллигини қўллаб-қувватлашга тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолайди	$\dot{Y}_{\text{ти}}$ – солиқ имтиёзлари жорий қилиниши ҳисобига корхоналарнинг тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирган инвестицияларининг ўсиши (сўмда); \dot{Y}_6 – солиқ имтиёзлари жорий қилиниши натижасида бюджетдаги (давлатнинг солиқли даромадлари қисқариши) йўқотишлар (сўмда)	$1 \leq K_1$
$K_2 = \dot{Y}_{\text{Сн}} / \dot{Y}_{\text{Сти}}$ Корхоналарнинг тадқиқот ва ишланмаларга қилинган харажатлари самарадорлигини баҳолайди	$\dot{Y}_{\text{Сн}}$ – солиқ имтиёзлари тақдим этилиши натижасида инновацион маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати %; $\dot{Y}_{\text{Сти}}$ – солиқ имтиёзларидан фойдаланиши натижасида тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар ҳажмининг ўсиш суръати %.	$1 \leq K_2$
$K_3 = \text{СТ}_{\text{им}} / \text{ЯИМ}$ $K_3 = \text{ИХ}_{\text{им}} / \text{ЯИМ}$ Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга солиқ имтиёзларининг умумий таъсир этишини баҳолайди	ЯИМ – ЯИМ ҳажми (сўмда); $\text{ИХ}_{\text{им}}$ - солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналарнинг инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми (сўмда). $\text{СТ}_{\text{им}}$ - солиқ имтиёзларидан фойдаланган корхоналарнинг инновацион маҳсулотларини (товар, ишлар, хизмат) сотишдан соф тушуми (сўмда).	$0 \leq K_3 \leq 1$

Мазкур услубиётни Ўзбекистон мисолида таҳлил қилар эканмиз, инновацион маҳсулотларни (товар, иш, хизмат) сотишдан соф тушумининг ЯИМга нисбати 2016 йилда 0,02 фоизни, 2017 йилда 0,04 фоизни ташкил этган бўлса, 2018-2020 йилларда 0,01 фоизни ташкил этган (4-боб, 4.2-параграфдаги 4.2-расм).

Фикримизча, юқоридаги баҳолаш коэффициентларини қўллашда қуйидагиларни ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- инвестицион лойиҳа яқунлангандан сўнг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва солиқ тушумлари кўпайишидан келиб чиққан ҳолда инвестицион жозибардор-ликни оширилиши. Аввалги молия йилида имтиёзлар ҳисобига бюджет даромадлари ошишининг суммадаги самараси имтиёзлар тақдим этилиши ҳисобига йўқотишлардан ортиқ бўлса, солиқ имтиёзини кўриб чиқишга қабул қилиниши мумкин;

²⁷⁸ Иқтисодчи олимларнинг услубиётлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

- солиқ юкидан келиб чиққан ҳолда бюджет харажатларининг қисқариши. Солиқ имтиёзлари тақдим этилиши ҳисобига бюджетдаги йўқотишлардан ортиқ ёки уларга тенг миқдорда бюджет харажатлари қисқартирилган тақдирда мазкур солиқ имтиёзини кўриб чиқишга қабул қилиниши мумкин;

- аҳоли турмуш даражасининг ошиши. Солиқ имтиёзи татбиқ этилиши натижасида турмуш даражаси ошишига олиб келган аҳоли тоифалари таққосланиши. Тўлов қобилиятининг ошиши ва мажбурий тўловларни тўлаш харажатлари улуши камайганлиги ҳисобга олинади.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, олиқ имтиёзлари самарали, кам самарали ёки самарасиз каби аниқ жавоб олиш мақсадида миқдорий (сон) кўрсаткичларда формулалар ва ҳисоб-китоб алгоритмлари ҳам тақлиф қилинган. Аммо, бундай ёндашувлар асосида солиқ имтиёзлари самарали ёки самарасиз деган қатъий хулосага келиш учун қуйидаги омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, мазкур қоидалар солиқ тўловчи ихтисослиги ва жойлашган ҳудуди нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилсада, солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш концепцияси бир хил.

Иккинчидан, солиқ имтиёзлари самарадорлиги фақатгина солиқ имтиёзларининг турига эмас, балки тақдим этилган мақсадига ҳам боғлиқдир. Агар солиқ имтиёзлари фақатгина солиқ тушумларини кўпайтириш учун тақдим этилган бўлса, шундан келиб чиқиб имтиёзларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилиши ҳамда айнан бюджетга самарадорлик нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Учинчидан, солиқ имтиёзларини баҳолашда алоҳида солиқ имтиёзларини эмас, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги бутун комплекс чораларини баҳолаш зарур. Омилли таҳлилсиз мақсадли индикаторларга айнан нималар таъсир этганини аниқлаш мумкин эмас.

Тўртинчидан, солиқ имтиёзларини баҳолаш якуни бўйича имтиёзлар самарали ёки самарасиз деб аниқ айтиб бўлмайди. Доимо давлатнинг

қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш учун имкониятлар мавжуд. Шунинг учун солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш мақсади фақатгина самарадорлик мезонларига жавоб бермайдиган солиқ имтиёзларини “элакдан” ўтказиш эмас, балки давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа чоралари билан алмаштириш ёки солиқ имтиёзлари самарадорлигига таъсир этувчи омилларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз томонимиздан солиқ имтиёзларини баҳолашга таклиф қилинаётган ёндашув қуйидаги қоидаларга асосланади:

1. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш натижасида тушмай қоладиган бюджет даромадлари ҳажми шаклланади. Солиқ имтиёзларини тақдим этиш молиялаштиришнинг бевосита усулига асосланган давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастаги ҳисобланади. Шундай экан тушмай қоладиган бюджет даромадлари ҳажми солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида бюджетнинг “бевосита” ёки “солиқ” харажатлари ҳажмига мувофиқлиги кўзланади.

2. Биринчи қоидани ҳисобга олган ҳолда, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тамойилини экстраполяция²⁷⁹ қилиш мумкин. Бунда, солиқ имтиёзларини тақдим этиш самарадорлиги деганда қуйидагилар тушунилиши таклиф қилинади:

1) тақдим этилган солиқ имтиёзи ҳисобига энг яхши натижага эришиш, бунда давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа дастаги ҳисобига эришилган натижага нисбатан юқори натижага эришилиши ҳамда буни амалга оширишга бюджетдан сарфланган харажатлар ҳажми солиқ имтиёзларини тақдим этишга сарфланган харажатларга мувофиқ бўлиши керак (натижадорлик).

²⁷⁹ Воксёларни илмий башорат қилиш (прогнозлаш).

2) тақдим этилган солиқ имтиёзлари ҳисобига олдиндан режалаштирилган натижага эришишда бюджетдан сарфланадиган харажатлар давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги бошқа дастаги қўлланилишида сарфланадиган харажатларга нисбатан кам харажат сарфланиши керак (тежамкорлик, арзонлик ёки иқтисод қилинганлик). Фикримизча, солиқ имтиёзи натижасида тежамкорликка ёки натижадорликка эришилган тақдирдагина самарали ҳисобланади. Солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолашда аввало булардан бирини танлаш ва шундан келиб чиқиб самарадорлик мезонларини шакллантириш зарур.

3. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг тармоқлар ривожини стратегик режалаштириш тизими асосида амалга оширилмоқда. Мазкур тизим иқтисодиёт тармоқлари ёки ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг стратегик мақсадлари ақс этирилган ҳужжатларни шакллантиришни қўзлайди. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари мақсадли индикаторларни ва давлат томонидан у ёки бу соҳани тартибга солишда давлат сиёсатининг комплекс чораларини белгилайди.

4. Мақсадли индикаторларга эришиш учун солиқ имтиёзлари давлат сиёсатининг маълум бир соҳасида давлатнинг қўллаб-қувватлаш чорасини ўзида ифода этади. Бунда, солиқ имтиёзлари давлатнинг қўллаб-қувватлашдаги ягона чораси ёки комплекс чораларидаги бир чораси ҳисобланиши мумкин. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари: 1) давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари; 2) ички норматив ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш; 3) халқаро ҳуқуқий инструментлардан фойдаланиш, халқаро шартномалар ва битимлар тузиш.

Давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари 1) бевосита молиялаштириш (субсидиялар, бюджет кредитлари, бюджет инвестициялари); 2) билвосита молиялаштириш (солиқ, божхона имтиёзлари) ўз ичига олади.

Мақсадли индикаторлар динамикаси қатор омилларга боғлиқ бўлиши мумкин: 1) макроиқтисодий объектив сабаблар; 2) давлатнинг тартибга солиш чоралари.

У ёки бу соҳадаги стратегик режалаштиришнинг мақсадли индикаторлари динамикасига солиқ имтиёзлари таъсирини аниқлаш мақсадида омилли таҳлил усулини қўллаш зарур. Омилли таҳлил ўзида мақсадли индикаторларни базис даврдаги омиллар бўйича ўзгаришига нисбатан аниқланади. Унинг мақсади жорий макроиқтисодий тенденциялардан келиб чиқиб, мақсадли индикаторларнинг жорий динамикасини ва базис даврга нисбатан ўзгаришлар сабабини аниқлашдир. Омилли таҳлил асосида турли макро ва микроиқтисодий параметрлар келиб чиққан ҳолда мақсадли индикаторлар динамикасини моделлаштириш вазифаси ётади.

Омилли таҳлил ёндашувининг асоси биринчидан, мақсадли индикаторлар динамикасига объектив таъсир кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткичларни, иккинчидан давлат сиёсати чоралари, шу жумладан солиқ имтиёзлари таъсирини аниқлашга хизмат қилади. Иқтисодиёт тармоқлари ёки ҳудудлар ривожига турли омилларни таъсир этишни миқдорий баҳолаш учун статистик таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланиш керак.

5. Солиқ имтиёзларини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг комплекс чораларини мақсадли индикаторлар динамикасига таъсир этишини баҳолаш қуйидаги самарадорлик мезонлари асосида амалга оширилиги керак.

Самарадорлик мезонларининг саволлари рўйхатини келтириб ўтамиз:

1-савол. Тармоқ ёки ҳудуд ривожининг мақсадли индикаторлари динамикасига ижобий таъсир этувчи омил сифатида солиқ имтиёзларини қўллаш учун зарурий норматив ҳуқуқий база таъминланганми?

1.1. Мезон. Норматив ҳуқуқий база тармоқ ёки ҳудуд ривожини учун шакллантирилган мақсад ва вазифаларни ўз ичига олган.

1.2. Мезон. Мақсадли индикаторларга эришишга йўналтирилган давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг комплекс чоралари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

1.3. Мезон. Тармоқ ёки ҳудуд ривожини ва ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичлар белгиланган.

1.4. Мезон. Норматив ҳуқуқий базада солиқ имтиёзларини қўллашнинг аниқ тадбирлари назарда тутилган.

1.5. Мезон. Норматив ҳуқуқий базада солиқ имтиёзлари маъмурчилигининг аниқ тадбирлари назарда тутилган.

2-савол. Солиқ имтиёзи давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораси сифатида давлат сиёсатининг имтиёзларини қўллаш соҳасидаги асосий йўналишларга мувофиқ келадими?

2.1. Мезон. Стратегик режалаштириш ҳужжатлари солиқ имтиёзларини белгилаш мақсадларига мувофиқ мақсадли индикаторларни белгилайди.

3-савол. Солиқ имтиёзи стратегик режалаштириш ҳужжатларида белги-ланган мақсадли индикаторларнинг ижобий динамикасига ёрдам берадими?

4-савол. Солиқ имтиёзи бюджетга солиқ тушумларини кўпайишига олиб келдими?

4.1. Мезон. Солиқ имтиёзи имтиёз тақдим этилган солиқ тури бўйича тушумлар кўпайишига олиб келди.

4.2. Мезон. Солиқ имтиёзи бошқа солиқ турлари бўйича тушумлар кўпайишига олиб келди.

Юқорида келтирилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш ёндашуви доирасида қуйидаги методологик қоидалар таклиф қилинади:

1. Солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолаш натижаларининг ишончилиги самарадорлик мезонларини тўғри аниқланишига, шу билан бирга, танланган мезонлар нечоғлик тармоқ ёки ҳудуд ривожланганлигига ҳамда солиқ имтиёзларини белгилаш соҳасида давлат сиёсати мақсадларига эришилганлигини ифода этишига боғлиқдир.

2. Самарадорликни баҳолаш мезонлари солиқ имтиёзлари доирасида тармоқ ёки ҳудуд ривожини сифат ва миқдорий тавсифини ифода этади. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик мезонлари эришилган натижаларни баҳолашга асос бўлиб хизмат қиладиган, маълум бир миқдорий ва сифат кўрсаткичини тавсифловчи белгилар йиғиндисини ифода этиши керак.

3. Солиқ имтиёзларининг самарадорлик мезонларини ишлаб чиқишда стратегик режалаштириш ҳужжатларида белгиланган давлат томонидан тартибга солиш чораларининг индикаторлари ва натижадорлик кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарур. Агар давлат томонидан тартибга солиш чораларининг олдиндан белгиланган индикаторлари ва натижадорлик кўрсаткичлари мавжуд бўлган тақдирда солиқ имтиёзларининг самарадорлик таҳлили белгиланган мезонлар билан текшириш жараёнида олинган ҳақиқий маълумот ва ахборотларни солиштириш йўли билан амалга оширилади.

4. Таҳлил якуни бўйича солиқ имтиёзининг самарадорлик даражасини баҳолаш натижаси юзасидан хулосалар шакллантирилади. Агар тармоқ ёки ҳудуд ривожини бўйича реал натижалар белгиланган мезонларга мувофиқ бўлса, солиқ имтиёзи етарли даражада самарали қўлланилаётганлигини аниқлатади. Самарадорлик мезонларига риоя қилинганмаган бўлса, камчиликлар мавжудлиги, солиқ имтиёзини белгиловчи норматив ҳуқуқий базани ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ёки солиқ имтиёзини давлатнинг тартибга солишдаги муқобил чорасига алмаштириш зарурлигидан далолат беради.

5. Самарадорликни баҳолаш мезонлари қўлланиладиган аниқ солиқ имтиёзига нисбатан ишлаб чиқилади. Самарадорликни баҳолаш мезонларини шакллантириш солиқ имтиёзини жорий қилиш мақсади аниқлангандан сўнг солиқ имтиёзини белгилаш ва қўллаш соҳасидаги дастлабки ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

6. Белгиланган солиқ имтиёзи мақсадини аниқлаш солиққа оид қонун ҳужжатлардаги қоида ва меъёрларнинг ҳуқуқий таҳлили асосида амалга

оширилади. Солиқ имтиёзини жорий қилиниши муносабати билан солиққа оид қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қонун лойиҳаларига тушунтириш хатлари ёрдамчи инструментлар ҳисобланиши мумкин.

7. Солиқ имтиёзи мақсади аниқлангандан сўнг солиқ имтиёзининг самарадорлиги таҳлили учун ахборот манбаи бўлиши мумкин ҳужжатлар ва материаллар тўплами шаклланади. Мазкур ҳужжатлар ва материалларни ўрганиш асосида мезонлар шакллантирилади. Ахборотлар манбаи дастлабки ўрганишдан ўтказилгандан келиб чиқиб мезонлар аниқлаштирилади.

8. Солиқ имтиёзлари самарадорлигининг баҳолаш мезонларини шакллантириш ва таҳлил қилиш учун ахборот манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

мақсадли индикаторлар белгиланган қонун ҳужжатлари, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, стратегик режалаштириш ҳужжатлари;

давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ақс эттириган сиёсий ҳужжатлар ва суд органлари ҳужжатлари;

статистик маълумотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозлари ва бошқа расмий ҳужжатлар;

ижтимоий тадқиқотлар қўлланилиши натижасида келиб тушган ахборотлар (анкеталар, сўровномалар).

9. Солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолаш мезонларини шакллантиришда энг аввало имтиёзни жорий қилиш соҳасидаги стратегик режалаштириш ҳужжатларида уни жорий қилиш мақсадларига жавоб берадиган мақсадли индикаторлар ва натижадорлик кўрсаткичларининг мавжудлигини аниқлаш зарур. Агар солиқ имтиёзини жорий қилиш соҳасида асослантилган ва солиқ имтиёзи мақсадларига мувофиқ бўлган мақсадли индикаторлар ҳамда натижадорлик кўрсаткичлари мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ имтиёзи самарадорлигини баҳолаш мезонлари

солиқ имтиёзини жорий қилишда хал қилинадиган вазифалар таҳлили асосида шакллантирилади.

Учинчи боб бўйича хулоса

1. Корхоналарнинг инновацион фаолиятига тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этилган солиқ имтиёзларининг ушбу фаолият натижаларига таъсир этиш даражасига нисбатан ИТТКИга доир харажатларни фойда солиғи базасидан чегириш тарзидаги енгилликнинг ИТТКИ натижаларига ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Бу эса ушбу харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш шаклидаги солиқ механизмининг аҳамиятини янада оширишни тақозо этади. Бундан ташқари, мазкур фаолият турларини ривожлантиришда нафақат солиқлар воситасида рағбатлантириш, балки солиқлар орқали чеклаш механизмларини ҳам оқилона қўллаш таклиф этилади.

2. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида самарали тартибга солиш, шу жумладан рағбатлантиришда нафақат солиқ имтиёзларини тақдим этиш шаклига, балки тақдим этилаётган солиқ имтиёзларининг солиқ турига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, билвосита солиқлар бўйича имтиёзлар тақдим этилиши ҳам фискал, ҳам ХЮС манфаати нуқтаи назаридан лозим даражадаги кутилган натижани бермаслиги эҳтимоли юқоридир.

3. Инновацион корхоналар учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг 3 босқичли услубиёти ишлаб чиқилди. Бунда, 1-босқичда корхоналарнинг инновацион фаоллигини солиқ имтиёзларини тақдим этиш орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлиги баҳоланади. 2-босқичда корхоналарнинг тадқиқотлар ва ишланмаларга қилинган харажатлар, уларнинг муваффақиятли улуши ва инновацион маҳсулотга айланиши (даражаси) самарадорлигини баҳоланади. 3-босқичи иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқ имтиёзларини умумий таъсир этиш самарадорлиги баҳоланади.

IV БОБ. СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

§ 4.1. Солиқ механизмдан самарали фойдаланишнинг халқаро амалиётини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида инновацион фаолиятни ва ушбу фаолиятга инвестицияларни жалб қилишни солиқлар воситасида тартибга солиш, шу жумладан рағбатлантириш муаммоларини тадқиқ этишда, синалган илғор хориж тажрибасини ўрганиш орқали мамлакатимиз солиқ тизимига татбиқ этиш имкониятлари тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашган жаҳон иқтисодиётининг илгариллашини инновацион ривожланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аллақачон “саноат 4.0” ёки “рақамли саноат 4.0” номларини олган саноат революцияси ишлаб чиқаришнинг, керак бўлса бутун иқтисодиётнинг рақамли ва инновацион базасига асосланган. Бугунги кунда аграр ва хом ашё маҳсулотларини шундайлигича экспорт қилиш орқали нафақат жаҳон иқтисодиётида муносиб ўринни эгаллаш мумкин, балки аҳоли фаровонлигини ҳам таъминлаш мушкул. Фақатгина инновацияларга асосланган рақамлашган иқтисодиётгина юқори даражали кўшилган қийматларни яратиш имкониятларини таъминлайди. Шу сабабдан ҳам тез суръатлар билан ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатлар иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни кенг жорий этиш йўлидан бормоқда²⁸⁰.

Солиқлар орқали рағбатлантиришнинг жаҳонда энг кенг тарқалган билвосита усулларида бири солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмлари ҳисобланади. Улар нафақат алоҳида иқтисодий вазифаларни

²⁸⁰ Ниязметов И.М. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. 14-17 (541) б.

хал қилиш, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ўсиши, илм-фан ва техника соҳасига хусусий капитал жалб қилинишини таъминлайди.

Шунингдек, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, техник ишлаб чиқаришнинг янги ғоя ва янгиликлар генератори кичик венчур фирмалари бўлди. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизими турли хил имтиёзлар орқали кичик илм-фан тадқиқот фирмалари фаолиятини рағбатлантиради. Хусусан, ИТТКИга сарфланган харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш, капитал ўсишидан даромадларни солиққа тортишдаги имтиёзлар, капитал жалб қилишда кичик фирмаларга узоқ муддатли қимматли қоғозлар жойлаштириш ва ниҳоят, корхоналар даромадларини прогрессив солиққа тортишдир шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда солиққа тортиш механизмларининг айрим турларидан алоҳида ёки уларнинг бир нечасидан биргаликда самарали фойдаланиш мумкин. Халқаро амалиётда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун солиқ базасидан маълум бир элементларни чегириш, солиқнинг тўлов муддатини узайтириш, солиқ таътили тақдим этиш ва шу каби бошқа солиқ имтиёзлари ҳамда енгилликлари қўлланади.

Жумладан, хорижий мамлакатларда корпоратив фойда солиғи бўйича тақдим этиладиган солиқ имтиёзларининг қуйидаги шакллари мавжуд:

- ҳажмга (салмоққа) боғланган солиқ кредити. Бунда ишлаб чиқариш харажатлари умумий ҳажмида илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятга сарфлар улушига қараб солиқ имтиёзи қўлланади. Бу турдаги имтиёз асосан Норвегия, Франция, Бразилия, Канада, Австралия, Хитой ва Ҳиндистонда амал қилади.

- ўсишга боғланган солиқ кредити, яъни илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятга сарфлар асосида фирма ўсишига қараб солиқ имтиёзи қўлланади (АҚШ).

- даромадга боғланган солиқ кредити, бунда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятга сарфлар асосида даромади

(тушуми) ошган фирмаларга солиқ кредити берилади. Бундай имтиёз Белгия, Нидерландия ва Испанияда мавжуд.

- аралаш (салмоқ ва ўсишга) солиқ кредити. Бунда харажатлар умумий ҳажмида илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятга сарфлар улушига ва улар асосида ишлаб чиқариш кенгайтишига қараб солиқ имтиёзи қўлланади (Япония, Жанубий Корея, Португалия, Испания).

- илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолият учун солиқ чегирмалари. Ушбу солиқ имтиёзи солиқ солинадиган базадан илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолиятга сарфларни чегиришга рухсат бериш тарзида қўлланади (Австрия, Дания, Венгрия, Чехия Республикаси, Буюк Британия, Туркия).

Юқоридагилардан ташқари, айнан кичик бизнес субъектлари учун кўзда тутилган қуйидаги солиқ имтиёзлари ҳам мавжуд:

- энергия тежовчи илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолият дастурлари доирасида фаолият юритадиган корхоналарга солиқдан имтиёз берилади (АҚШ);

- давлат билан илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолият дастурлари доирасидаги ҳамкорлик учун солиқдан имтиёз берилади (Венгрия, Италия, Япония, Норвегия, Туркия);

- ёш ва янги очилган фирмаларга (start-ups) илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолияти учун солиқ кредити берилади (Франция, Нидерландия, Жанубий Корея).

Шунингдек, Белгия, Нидерландия, Венгрия, Испания ва Туркия давлатларида илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолияти билан боғлиқ иш ҳақидан даромад солиғи бўйича солиқ кредити мавжуд бўлиб, унга кўра ходимларнинг мазкур фаолиятлар билан боғлиқ ишларни

базарганлик учун оладиган даромадларидан ушланадиган солиқ бўйича тўлиқ ёки қисман озод қилиш тарзидаги имтиёз қўлланади²⁸¹.

Сингапурда интеллектуал мулк ва илм-сиғимкор тармоқларни ривожлантириш учун қулай тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат инвестицияларга асосланган иқтисодиётдан асосий рақобатдош устунлиги билим ҳисобланган инновацияларга таянган иқтисодиётга ўтмоқда. Биринчи навбатда илм-сиғимкор тармоқларга солиқ имтиёзлари сақланиб қолинган. Янги ва инновацион фаолият турларига нисбатан паст солиқ ставкалари қўлланиладиган катта устунликлар тақдим этилган. Жумладан, ИТТКИ, интеллектуал мулк ва лицензиялаш харажатларга солиқ чегирмалари кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда Сингапурдаги бизнес учун тадқиқот ва ишланмаларни амалга ошириш сарфлари ва моддий харажатлар ҳажмига нисбатан 150 фоиз миқдорда ва бошқа харажатларга 100 фоиз миқдорда солиқ чегирмалари мавжуд²⁸².

Демак, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда ҳамда ушбу фаолиятга инвестицияларни фаол жалб этишда самарали натижа бериб келаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялари шаклларида солиқ таътиллари, солиқ чегирмаси, солиқ кредити, инвестицион солиқ кредити ва пасайтирилган солиқ ставкалари ҳисобламоқда. Жумладан, халқаро амалиётда инновацион маҳсулотни яратиш жараёнида иқтисодий агентларга тақдим этиладиган солиқ чегирмаси солиқлар воситасида рағбатлантиришда энг кенг тарқалган механизмларидан бири ҳисобланмоқда.

Солиқ чегирмалари илмий ва технологик тараққиётни, инновацион бизнес экспортини ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришда

²⁸¹ Ниязметов И. М. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмларидан самарали фойдаланиш. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги республика онлайн илмий-амалий конференция тезислар тўплами. – Тошкент: «Молия» нашриёти, 2020. (541) 14-16 б.

²⁸² The Singapore Tax System – IRAS. <http://www.iras.gov.sg>.

муҳим роль ўйнайди. Масалан, солиқ чегирмаси миқдори Японияда 5,3 фоизни (электрон техника ва ускуналар учун), Буюк Британияда 50 фоиз (янги техника, технология ва материаллардан фойдаланилган биринчи йили учун), Канадада 10-15 фоиз (компания жойлашган худуднинг ривожланганлигидан келиб чиқиб) ташкил этади²⁸³.

Қўшма штатларда солиқ чегирмаси асосан энергия ускуналарига қўлланилади. Нидерландия, Норвегия, Австрия, Малайзия каби бир қатор мамлакатларда ҳам энергетик корхоналарнинг ИТТКИга доир харажатлари солиқ солинадиган фойдадан тўлиқ чегирилади²⁸⁴.

Умуман олганда, солиқ чегирмаси солиқ солиш базасидан камайтириш тарзидаги солиқ чегирмасидан фарқли ўлароқ, қонун билан рухсат этилган умумий солиқ мажбуриятлардан ижтимоий қўллаб-қувватловчи ёки жамият учун муҳим бўлган маълум харажатларни тўридан-тўғри чегиришни ўзида ифода этади. Солиқ чегирмаси таркибан учта илмий тадқиқот фаолияти учун алоҳида мўлжалланган:

1. Илмий тадқиқот фаолиятига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the incremental credit»).

2. Сертификатлаштирилган тадқиқот консорциумнинг фундаментал тадқиқотларига харажатлар ҳажми маълум бир даврнинг мос даврига нисбатан оширилган тақдирда солиқ тўловчига 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for basic research payments»).

3. Энергетик консорциумга тўловлар доирасида 20 фоиз миқдорда солиқ чегирмаси тақдим этилади («the credit for payments to an energy consortium»)²⁸⁵.

²⁸³ D. Anderton. 2018. Science in the city region: establishing Liverpool's life science ecology / Regional Studies, Regional Science.

²⁸⁴ L. Maier. 2019. Innovation incubators – entities of support of small and medium-sized enterprises' competitiveness in the modern economy/ Economy and sociology.

²⁸⁵ Гиясов С.А. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланиш. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». ДУК. Тошкент. 2022. 316 б.

Францияда фойда солиғини тўлашдан вақтинча озод қилиш (солиқ таътиллари) ёки қисман камайтириш амал қилади. Бу янги ташкил этилган кичик ва ўрта фирмаларга нисбатан татбиқ этилади. Улар фаолиятининг дастлабки 50 йилида тўланадиган фойда солиғи 5 фоизга камайтирилади. Буюк Британияда стартап инновацион компаниялар учун фойда солиғи ставкаси 20 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилган. Шунингдек, инновацион маҳсулотларга ҚҚСнинг пасайтирилган ставкалари Германия, Буюк Британия, Швеция ва Италияда қўлланилади²⁸⁶. Ушбу амалиётни инновацион фаолият учун асосан ҚҚС, фойда солиғи ва ЯСТдан тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этилган солиқ имтиёзлари ўрнига жорий этиш зарур. Айнан инновацион фаолият учун тақдим этилган имтиёзларнинг солиқ турларида юқори улушга эга бўлган ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Айрим саноати ривожланган мамлакатлар томонидан инвестицион чегирмалар ва тезлаштирилган амортизация шаклидаги солиқ рағбатлари тақдим этилиб келинмоқда. Масалан, Японияда солиқ чегирмалари ва амортизациянинг алоҳида тартиби ўрнатилган бўлиб, асосий воситалар, солиқ солиш базасидан харажатларнинг маълум бир турларига, шунингдек, усқунанинг тезлаштирилган амортизациядан ўтказиш имкониятини истисно қилиш қўлланилган. Бундан ташқари, капиталга нисбатан 100 млн. йендан ортмаган миқдорда тезлаштирилган амортизация меъёрлари билан бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тизими амал қилади. Бундан ташқари, асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдаги “эркин” амортизация Ирландия ва Буюк Британияда, тезлаштирилган амортизация Франция ва Германияда қўлланилади²⁸⁷.

Инвестицион солиқ чегирмаси инвестицион фаолликни ошириш мақсадида кенг қўлланиладиган самарали механизмлар бири бўлиб,

²⁸⁶ L. Maier. 2019. Innovation incubators – entities of support of small and medium-sized enterprises' competitiveness in the modern economy/ Economy and sociology.

²⁸⁷ Гиясов С.А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». ДУК. Тошкент. 2022. 316 б.

тадбиркорларнинг ускуналар паркани кенгайтириш ва эскирган ускуналарни қайта жиҳозлашга инвестиция йўналтириш учун рағбатлантиришга мўлжалланган. АҚШда инвестицион солиқ чегирмаси жорий қилинган вақтдаги энг юқори ставкаси камида 8 йил хизмат муддати бўлган ҳолда, машина ва ускуналарга инвестиция қилинган маблағларнинг умумий қийматидан 7 фоизни, энг паст ставкаси эса активлар учун фойдаланиш муддати 4-6 йил бўлгани ҳолда 2,33 фоизни ташкил этган²⁸⁸.

Инвестицион солиқ чегирмаси корxonанинг солиқ солиш базасидан маълум бир инвестицион харажат турларини истисно этиш йўли билан ушбу харажат ёки солиқ суммасига нисбатан фоизларда солиқ юқини пасайтирилиши таъминланади. Аксарият мамлакатларда мазкур имтиёз ҳуқуқи янги техника фойдаланиши биланок автоматик тарзда юзага келиши қонунчилик билан мустаҳкамланган.

Инвестицион солиқ чегирмани инновацион корxonаларнинг инвестицион фаоллигини ошириш, хусусан, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги технологик жиҳоз харид қилишга ва ускуна паркани кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон солиқ тизимига жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, фақат ушбу механизмни амалиётга татбиқ этишда айрим ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш зарур. Бунда, инвестицион солиқ чегирмаси амортизация харажати деб эътироф этилиши ва чегирма миқдори ХЮС фаолият тури, ихтисослиги ҳамда жойлашган ҳудуди ва унинг инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим.

Тезлаштирилган амортизациянинг хориж тажрибасини Ўзбекистонда корxonаларнинг илмий тадқиқот, инновацион ва инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлашда, шу билан бирга, аксинча ушбу фаолиятларни тартибга солиш ва чеклаш механизми сифатида фойдаланиш мумкин. Хусусан, белгиланган тартибда ва муддатларда инновацион фаолликни

²⁸⁸ Калачева О.С. Налоговое стимулирование инновационной деятельности в РФ на современном этапе. Юбилейный выпуск журнала «Бизнес. Образование. Право. Вестник Волгоградского института бизнеса». 2016. № 4 (37) стр. 157-159.

таъминланмаган солиқ тўловчиларга нисбатан тезлаштирилган амортизацияни қисман ёки тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш тарзида амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимиз корхоналарнинг инновацион фаоллигини солиқ механизмидан самарали фойдаланиш орқали оширишда Хитойнинг бу борадаги синалган ва сезиларли дажада ижобий самара бериб келаётган илғор тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Масалан, Хитойда корхоналарнинг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришда кенг тарқалган инструментлардан фойда солиғининг имтиёзли ставкалари ҳисобланади²⁸⁹. Яъни, корхоналарнинг инновацион фаолияти турларидан келиб чиққан ҳолда фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини қўллашни таклиф этамиз.

4.1-жадвал

Фойда солиғи ставкалари²⁹⁰

Корхоналар фойда солиғининг асосий ставкаси	12%
Корхоналар фойда солиғининг имтиёзли ставкалари	
Корхоналар тоифаси	Фойда солиғи ставкаси
Янги ва юқори технологик корхоналар	9 %
Дастурий маҳсул ишлаб чиқарувчи корхоналар	8 %
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	8 %
Чизиқ кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемалар ишлаб чиқарувчилар	9 %
Илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар	9 %
Инновацион корхоналар	9 %
Кичик инновацион корхоналар	8 %

4.1-жадвалда келтирилган инновацион фаолият турлари ва инновацион корхоналарга фойда солиғидан тўлиқ озод қилиш ўрнига 10, 9 ва 8 фоиз миқдорида солиқ ставкаларини белгиланиши бир томондан бюджетда имтиёз ҳисобига ортиқча йўқотишлар олди олинса, бошқа томондан корхоналарнинг инновацион фаоллигини оширишда ва инновацион жараёнларни жадаллашувига олиб келади.

²⁸⁹ People's Republic of China: Tax on Corporate Income. PWC. June. 2017. P. 5–9.

²⁹⁰ Хитой тажрибаси асосида Ўзбекистондаги фойда солиғи ставкаси бўйича муаллиф томонидан тузилган.

Бундан ташқари, Хитойда инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари ҳам тақдим этилади (4.2-жадвал). Солиқ таътилларининг ўзига хос жиҳати шундаки, мисол учун янги ва юқори технологик корхоналарга 5 йил муддатга солиқ таътили берилади, бунда дастлабки 2 йилда солиқдан тўлиқ озод қилинади, кейинги 3 йилда пасайтирилган 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайди.

4.2-жадвал

Инновацион корхоналар учун солиқ таътиллари²⁹¹


Солиқ таътиллари тақдим этиладиган корхоналар	Солиқ таътилларининг муддати ва даври
Янги ва юқори технологик корхоналар	5 (2+3)
Дастурий маҳсул ишлаб чиқарувчи корхоналар	5 (2+3)
Интеграл схемалар ёки интеграл схемаларнинг дизайнларини ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Чизик кенглиги (эни) 0,25 микрометрдан кам бўлган интеграл схемаларни ишлаб чиқарувчилар	10 (2+3)
Муқобил энергетика учун усқуна ва технология ишлаб чиқарувчилар	5 (2+3)
Энергия тежовчи ва табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни ишлаб чиқарувчи корхоналар	6 (3+3)
Кичик бизнеснинг инновацион корхоналари	5 (2+3)

Мазкур солиқ имтиёзларга талабгорлар асосан икки тоифадаги солиқ тўловчилар, яъни янги ва юқори технологик корхоналар ҳамда илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхоналар бўлиши керак. Мазкур мақомни олувчи ташкилот-изланувчилар нафақат тадқиқот ва инновацион фаолиятини амалга ошириш керак, балки қатор махсус талабларга мувофиқ бўлиши керак. Янги ва юқори технологик корхоналар тоифаси 4.1-расмда келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

Хитояда илғор технологияларга хизмат кўрсатувчи корхона мақомига эга бўлишнинг зарурий шарти, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот электрон ахборот коммуникация технологиялари, биологик ва фармацевтик технологиялари, аэрокосмик ва авиация технологиялари, янги материаллар ишлаб чиқариш, юқори технологик саноат хизматлари, янги энергетика ва энергия тежовчи технологиялар, атроф муҳит ва табиий

²⁹¹ Клавдиенко В. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае. // Обще-ство и экономика./ Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова. № 7. 2018. стр. 39-50.

ресурларни муҳофаза қилувчи технологиялар, саноат ва аграр секторнинг одатий тармоқларини модернизацияси учун янги ва юқори технологиялар каби устувор соҳалардан бирига киритилиши керак.



4.1-расм. Хитойда янги ва юқори технологик корхоналар тоифаси учун белгиланган талаблар²⁹²

Шунингдек, Хитой тажрибасига таянган ҳолда инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришнинг самарали йўлларида яна бири бу ИТТКИларига харажатлари бўйича юқори солиқ чегирмалари. Юқори солиқ чегирмалари солиққа тортиладиган даромаддан 1,5 баробар (150%) ошган ИТТКИга доир харажатларга камайтирилади²⁹³.

Юқори солиқ чегирмасини ҳам Ўзбекистон мисолида қўллаш имконияти мавжуд, масалан, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга доир

²⁹² Клавдиенко В. Налоговое стимулирование инновационной активности предприятий в Китае. // Общес-тво и экономика./ Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова. № 7. 2018. стр. 39-50.

²⁹³ Securing of Global Investment and Innovation Incentives. China. Deloitte. UK. October. 2017. P. 36–39.

харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш тарзида амалга ошириш мумкин. Бунда, чегирма миқдорини тегишли коэффициент билан боғлаш зарур. Масалан, инновацион корхона жойлашган ҳудудидан келиб чиққан ҳолда коэффициент миқдорига боғлаш зарур. Бунда, инфратузилмаси ривожланган ҳудуддаги корхона учун харажатларнинг 100 фоиз миқдорида, инфратузилмаси ўрта ривожланган ҳудуддаги корхона учун 150 фоиз миқдорида ва инфратузилмаси кам ривожланган ҳудуддаги корхона учун 200 фоиз миқдорда харажатларни чегиришни йўлга қўйиш лозим. Фақат чегириладиган харажатларнинг аниқ таркиби қонун ҳужжатларида белгиланган тақдирдаги бу механизм ўз самарасини беради.

Таъкидлаш жоизки, Хитойда инновацион корхоналар учун солиқ имтиёзлари ва преференцияларни кенгайтирилиши давлатнинг бюджет тизимидаги солиқ тушумлари камайишига олиб келмади. Аксинча, солиқ юқини пасайтирилиши ҳуфёна иқтисодиёт соясидан чиқишга имкон берди, бу эса корхоналар фойда солиғи бўйича тушумлар 2006-2016 йилларда 3,5 баробардан зиёдга ўсишига олиб келган²⁹⁴.

Шунингдек, ривожланган мамлакатларда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида қўллаб-қувватлашнинг муҳим механизмларидан бири, бу солиқ кредити ҳисобланади. Давлат солиқ кредитидан рағбатлантириш дастаги сифатида фойдаланар экан, у нафақат корхоналарнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаоллигини рағбатлантиради, балки солиқ кредитини қўллаш оқибатида узок муддатда баҳолайдиган инвестор сифатида ҳаракат қилади.

Иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан солиқ кредитига таъриф беришда ҳамда халқаро амалиётида қўлланилишида ягона ёндашув мавжуд эмас. Масалан, А.Макрушинанинг фикрича, солиқ кредити бу солиқ имтиёзлари гуруҳи бўлиб, эҳтиёжи бўлган солиқ тўловчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш, корхоналарни ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

²⁹⁴ China Statistical Yearbook. National Bureau of Statistics of China. 2016.

ривожланишини рағбатлантириш, шунингдек икки ёқлама солиққа тортишни олдини олиш мақсадида солиқ мажбуриятини бевосита қисқартиришни ифода этади²⁹⁵. Р.Иванованинг фикрига кўра эса, солиқ кредити бу қайтаришлик, тўловлилик ва шошиличлик шартларида молиявий маблағларни тақдим этиш маъноси эмас, балки ҳар қандай солиқ суммаси ёки қарздорлигидан чегирма сифатида эътироф этади²⁹⁶. М.Меркулов фикрича, солиқ кредити – бу маълум бир асослар бўлгандагина солиқ тўловчи томонидан бир йўла ёки қарздорлик суммасини босқичма-босқич тўлаш шарти билан солиқларнинг тўлов муддатини муайян муддатга ўзгартириш тушунилади²⁹⁷.

Умуман олганда, “солиқ кредити” халқаро амалиётида кенг эътироф этилади ва ҳар доим ҳам қарз бериш шакли билан боғланмайди. Бу борада хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганишимиз натижасида солиқ кредитини тўртта турини ажратиш мумкин. Хусусан, 1) тўланадиган якуний солиқ суммасини камайтириш; 2) солиқ солинадиган базадан чегириниш (камайтириш); 3) олдин тўланган солиқни ҳисобга олиш (foreign tax credit); 4) тезлаштирилган амортизация сингари инвестицион солиқ кредити²⁹⁸.

Юқоридаги кредит турларининг барчасидан инновацион фаолиятга нисбатан фойдаланишни аниқ хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш орқали ўрганишимиз мумкин. Масалан, Ирландияда солиқ кредити ИТТКИга амалга оширилган харажатлардан 25 фоиз миқдорида чегирма сифатида қўлланилади. Францияда корхонанинг фойда солиғи бўйича ҳисобланган харажатлар суммасининг 30 фоизи миқдорида, бироқ 100,0

²⁹⁵ Барулин С. В. Налоговая политика России: монография // С.В. Барулин, А.В. Макрушин, В.А.Тимошенко. – Саратов: Сателлит, 2004. – 167 с.

²⁹⁶ Иванов Р. Х. Налоговый кредит / Х.Р. Иванов // Гуманитарные, социальноэкономические и общественные науки. – 2014. – №5. – С. 143-146.

²⁹⁷ Меркулов М.М. Инвестиционный налоговый кредит: а стоит ли братья? Научная статья. Юридический департамент ЗАО “МКД”. 2017. Стр.1-10.

²⁹⁸ Гиясов С.А. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». ДУК. Тошкент. 2022. 316 б.

млн.евродан ошмаган ҳолда тадқиқот солиқ кредити шаклида тақдим этилади²⁹⁹.

Норвегияда солиқ кредити ИТТКИ соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарга солиқ солинадиган базадан 20 фоиз миқдорида чегирма сифатида тақдим этилади. Бу каби чегирманинг максимал миқдори 25,0 млн. норвегия кронасини ташкил этади³⁰⁰. Канадада солиқ кредитлари ҳам солиқ солинадиган базадан чегирма шаклида тақдим этилади, миқдори ҳудудлар бўйича фарқланади. Масалан, Ньюфаундленд и Лабрадорда чегирма миқдори 15 фоизни ташкил этади. Онтариода чегирма миқдори 3,5 фоизни ташкил этади, лекин қайтариш характериға эға, қайтаришнинг максимал муддати 20 йилни ташкил этади³⁰¹.

Бундан ташқари, айрим мамлакатларда солиқ кредити корхоналарда ихтиро ишларини амалга оширишга ва бу учун зарур ускуналарни сотиб олишга маблағлар сарфланаётганда, аммо етарли фойда олмаётганда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам қўлланилади.

Бундан ташқари, тадқиқот солиқ кредити АҚШ, Япония, Мексика ва Жанубий Кореяда - кредит шаклида, Нидерландия, Италия, Канада, Норвегияда - тўлиқ ҳажмда ва Франция, Испания, Португалияда - аралаш шаклида қўлланилади. Мисол учун Нидерландияда хусусий инновацион фаолиятни тадбиркорларнинг ижтимоий ажратмаларини ҳамда илмий ходимларнинг иш ҳақини ва ижтимоий солиқларини камайтириш тарзидаги “тадқиқот солиқ кредити” орқали рағбатлантириш амалга оширилади³⁰².

Тадқиқот солиқ кредитини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилладиган грант лойиҳаларда миллий шартномалар дорасида илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширувчи ходимларни грант доирасида

²⁹⁹ Ермакова Е.А. Ларионов Н.А. Налоговые кредиты в системе стимулирования инновационной активности / Е.А. Ермакова, Н.А. Ларионов // Управленец. - 2015. - №2. - С. 4-10.

³⁰⁰ Norway; Corporate - Tax credits and incentives // Портал: PwS Global - URL: <http://taxsummaries.pwc.com/ID/Norway-Corporate-Tax-credits-and-incentives>.

³⁰¹ Ontario Research and Development Tax Credit [Электронный ресурс]: // Портал: Ontario Ministry of finance/ – <https://www.fin.gov.on.ca/en/credit/ordtc/>

³⁰² Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. Тошкент. “Молия”. 2020. 194 б.

олган даромадлари бўйича ЖШДСга нисбатан фаолият натижаларидан келиб чиққан ҳолда қўллаш таклиф этилади. Ушбу солиқ механизмнинг мамлакатимиз солиқ тизимида жорий қилиниши илмий тадқиқот фаолияти натижаларини сифат жиҳатидан яхшиланишига ва ушбу натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилинишини жадаллашишига имконият яратади.

Бундан ташқари, қатор мамлакатларнинг, жумладан АКШ, Франция ва Россиянинг инвестиция сиёсатида корхоналарнинг маълум бир инвестицион фаолият турини амалга ошириш ва кейинчалик солиқ солишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қайта реинвестиция қилиш ташаббусларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга мўлжалланган солиқ рағбатларидан инвестицион солиқ кредити ҳисобланади. Масалан, Францияда фойда солиғи суммаси ҳисоб-китобидан бевосита чегирилиб, солиқ тўловлари камайтирилиши ҳисобига корхонанинг янги инвестицияларининг муайян бир қисмини молиялаштиришга имкон берадиган инвестицион солиқ кредити қўлланилиб келинади.

Инвестицион солиқ кредитини мамлакатимиз солиқ тизимида корхоналарнинг ИТТКИ, инновацион ва инвестицион фаолиятига татбиқ этиш мумкин. Лекин, мазкур механизм янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 11-бобида белгиланган тўлов муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш механизми билан адаштирмаслик керак, чунки инвестицион солиқ кредити институти амалдаги механизмдан фарқ қилади.

Инвестицион солиқ кредити - бу солиқнинг тўлов муддатини шундай ўзгартиришки, бунда ташкилот муайян асослари мавжуд бўлган тақдирда, маълум бир муддат ва меъёрларда ўзларининг солиқ бўйича тўловларини кейнчалик босқима-босқич кредит ва ҳисобланган фоиз суммаларини тўлаб бериш шарти билан камайтиришдир³⁰³. Кредит корхоналарга фойда солиғи ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича 1 йилдан 5 йилга қадар, алоҳида

³⁰³ Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. Тошкент. “Молия”. 2020. 194 б.

холларда эса 10 йилга қадар тақдим этилади. Инвестицион солиқ кредити юзасидан тегишли шартнома корхонанинг аризаси асосида ваколатли давлат органи томонидан тузилади.

Шартномада аниқ муддат, муайян шартлар ва тўлов муддати узайтириладиган солиқ турлари белгиланади. Инвестицион солиқ кредитини олган корхона шартномада назарда тутилган муддат мобайнида ҳар бир ҳисобот даврида тегишли ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида камайтиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади. Йиғилган солиқ суммаси шартномада назарда тутилган инвестицион солиқ кредити суммасига тенг бўлгунга қадар камайтиришлар амалга оширилиб келинади. Камайтиришларнинг аниқ тартиби тузилган тегишли шартномада (4-иловага қаранг) белгиланади.

Инвестицион солиқ кредити бюджетга ўтказилиши керак бўлган солиқ тури бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ бўйича тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси ташкилотнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, инвестицион солиқ кредитини қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ва қуйидаги миқдорларда тақдим этиш таклиф этилади³⁰⁴:

1) ташкилот томонидан илмий тадқиқот ёки тажриба конструкторлик ёхуд ўз ишлаб чиқаришини қайта техник жиҳозлаш ишларини, шу жумладан ногиронлар учун янги иш ўринларини ташкил этишни ва (ёки) товарлар ишлаб чиқаришни, ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни энергетик самарадор-ликни ошириш ёки атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган тақдирда, фақатгина

³⁰⁴ Гиясов С.А. Инновацион-инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш. Монография. Тошкент. “Молия”. 2020. 194 б.

ушбу келтирилган мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олинган ускуналарни 100 фоиз нархининг суммасига;

2) ташкилот томонидан инновацион фаолиятни ишлаб чиқаришга жорий қилган, шу жумладан янги технологияларни яратган ёки қўлланилаётганини такомиллаштирган, хомашё ёки материалларнинг янги турларини яратган тақдирда манфаатдор ташкилот билан ваколатли орган ўртасидаги битимда белгиланган суммасига;

3) ҳукумат томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ юқори фойдали коэффицентга эга электр энергия ва иссиқлик энергия ишлаб чиқариш объектларга тегишли, қайта энергия тикловчи манбаларга тегишли энг юқори энергетик сифат самарадорлигига эга объектлар барпо этиш, шу жумладан кўп қаватли уйлар ва (ёки) юқори энергетик самарадорликка эга бошқа объектлар, технологиялар учун инвестициялар йўналтирилган тақдирда фақатгина ушбу мақсадларда фойдаланиш учун сотиб олинган ускуналарни 100 фоиз нархининг суммасига;

4) ҳудудий ривожлантириш ҳудуд ва технопарк резидентлари томонидан ИТТКИ, инновацион ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун мўлжалланган мулкни сотиб олиш, қуриш, ускунага қадар реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга харажатлар суммасининг 100 фоизгача бўлган суммасига.

Инвестицион солиқ кредитининг фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг $\frac{1}{2}$ фоиз ставкасидан кам бўлмаган ва $\frac{3}{4}$ фоиз ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган.

Инвестицион солиқ кредитини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш жараёнини бир корхона мисолида кўриб чиқамиз (4.3-жадвал). Масалан, «Синов» хусусий корхонаси инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга қарор қилиб, шу мақсадда ускуна сотиб олди. Мазкур ҳолат уни бюджетнинг тегишли даромад қисмида ҳисобга олинадиган фойда

солиғи бўйича инвестицион солиқ кредитини тақдим этиш юзасидан молия органларига ариза билан мурожаат қилишга ундади. Худудий молия идораси томонидан ижобий қарор қабул қилиниб, 2022 йил 1 январдан икки йилга 100,0 млн.сўмга инвестицион солиқ кредити тақдим этилиши ҳақида жамият билан тегишли шартнома тузилади.

4.3-жадвал

Инвестицион солиқ кредитини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш жараёни³⁰⁵

Кўрсаткичлар	Миқдор
Инвестицион солиқ кредити суммаси	100 000,0 минг сўм
Инвестицион солиқ кредитининг муддати	24 ой
Ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган фойда солиғи	8 333,4 минг сўм
Инвестицион солиқ кредитининг жами суммасига тенг бўлгунга қадар ҳар бир ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича камайтириб бориладиган сумма (ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммасининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда, яъни 8333,4x50%)	4 166,7 минг сўм
Инвестицион солиқ кредити бўйича фоиз ставкаси (қайта молиялаштириш ставкасининг ½ миқдори, яъни 15x0,5%)	7,5% йилига
Кредити суммасига ҳисобланган фоиз (100 000,0x7,5%)x2	15 000,0 минг сўм
Кредит суммаси жамғарилгандан сўнг ҳар бир ҳисобот даврида қайтарилган жами кредит суммаси (100 000,0+15 000,0)/24	4 791,7 минг сўм

Кредит фойда солиғи бўйича тўлов суммасини, ҳар бир ҳисобот даврида мазкур солиқ тури бўйича умумбелгиланган тартибда аниқланган тегишли тўловлар суммасини 50 фоизи миқдоридан ошмаган ҳолда камайтириш ҳисобига тақдим этилади. Бунда солиқ даври мобайнида жамғарилган кредит суммаси жамиятнинг ушбу солиқ даврида тўланадиган солиқ суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Жамият томонидан фойда солиғи бўйича тўловларни тегишли шартномада назарда тутилган, у томонидан тўланмаган (кредитнинг жамғарилган суммаси) суммаси, ушбу кредит суммасига тенг бўлгунга қадар ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чоракда) камайтириб борилади.

Агар кредитнинг жамғарилган суммаси рухсат этилган меъёрдан ошса, мазкур сумма билан рухсат этилган меъёр суммаси ўртасидаги фарк кейинги ҳисобот даврига ўтказилади. Агар бутун солиқ даврида ёки солиқ даври ичидаги алоҳида ҳисобот даври натижалари бўйича жамият зарар

³⁰⁵ Муаллифнинг шартли мисоли.

кўрган бўлса, солиқ даври якунида ортиқча жамғарилган кредит суммаси кейинги солиқ даврига ўтказилади ва янги солиқ давридаги биринчи ҳисобот даврида жамғарилган кредит суммаси деб тан олинади.

Жамият ҳар бир ҳисобот даврида (ҳар ойда ёки ҳар чоракда) кейинги ҳисобот давридаги ойнинг биринчи беш куни мобайнида, солиқ идораларида ҳисобга олиш учун тақдим этиладиган, маблағлар жамғарилиши ва фоизлар ҳисобланиши бўйича солиқ идораси билан баённомалар расмийлаштиради.

Кредитнинг жамғариладиган маблағлари солиқ идорасидаги жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттириб борилади. Кредит фоизлари кредит тақдим этилган кундан бошлаб унинг тўлиқ қопланишига қадар солиқ идораси томонидан жамиятнинг шахсий карточкасида акс эттирилган ҳолда ҳисобланади.

Кредитни қайтарилиши жамият томонидан ҳар бир ҳисобот даврида фойда солиғи бўйича қилинган камайтиришлар суммаси, ушбу кредит суммасига тенг бўлгандан сўнг тегишли график асосида ҳар ойда (ҳар чоракда) икки йил ичида амалга оширилади. Маблағларни қайтариш графиги шартнома тузилгунга қадар тегишли молия идораси билан келишилади ва зарур ҳолларда кредит суммаси тўлиқ жамғарилгандан сўнг аниқлик кирилиши мумкин. Фоизлар кредит тўлиқ олингандан сўнг жамият томонидан ҳар ойда келишилган тегишли график асосида тўланади (6-иловага қаранг).

Таъкидлаш жоизки, бошқа аксарият мамлакатларда бўлгани каби солиқ солиш базасидан харажатларни чегириш тарзидаги имтиёз энг кенг қўлланиладиган механизмларидан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга харажатлар асосий воситалар ёки номоддий активлар шаклида келажакдаги капиталлашуви фақатгина амортизация ажратмалари воситасида қопланиши мумкин. Агар номоддий активлар бўлса, харажатларни қоплаш имконини янада қийинлашади, бу активнинг мазкур турини маълум муддатга фойдали ишлатилишини чеклашдан

далолат беради. Шунинг учун илмий тадқиқот фаолиятига доир харажатларни чегириш фискал нуқтаи назаридан, нисбатан қиммат бўлмаган механизми бўлгани учун тадқиқотларни амалга оширишда яхши рағбат ҳисобланади.


Иزلанишларимиз давомида шундай хулосага келдикки, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш мақсадида солиқ механизмидан фойдаланишда корхоналарнинг ИТТКИга доир харажатларини ва инновацион инфратузилмани яхшилаш учун йўналтирилган инвестиция суммаларини солиқ базасидан чегириш, солиқдан тўлиқ озод қилиш ўрнига пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш, энг муҳими инновацион маҳсулот ва технологияларни жорий қилиниши ва тижоратлаштирилишидан олинган фойдани фойда солиғидан озод қилиш самарали ҳисобланади.

§ 4.2. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш йўллари

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш йўлларига ўтишдан аввал мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш даражаси, бу борадаги халқаро рейтинглардаги ўрни ва инновацион фаолиятнинг иқтисодиётга таъсири бўйича таҳлилларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

2017-2021 йиллар учун Глобал инновацион ва Глобал рақобатбардошлик индекслар бўйича расмий ҳисоботлар ўрганилганда, 2020 йилга қадар Ўзбекистон Глобал инновацион индексдаги рейтингига кирмаган. 2020 йилда 132 та мамлакат ичида 93-ўринни, 2021 йилда 86-ўринни эгаллаган бўлса, Глобал рақобатбардошлик рейтингига ҳозирги кунга қадар кирмаган (4.1-расм). Қайд этилишича, Ўзбекистон инсон капитали ривожланиши, инфратузилма даражаси ва ички бозорни ривожлантириш бўйича ўртадан паст даромадли мамлакатлар гуруҳида


ўнинчи ўринни эгаллади. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ҳолатидан дарак беради.



4.1-расм. 2021 йилда Глобал инновацион ва рақобатбардошлик индексларидаги Ўзбекистоннинг (2020 йилда ҳам) ўрни³⁰⁶

Иқтисодиётни инновацион ривожланишига инновацион фаолият таъсирини таҳлил қилар эканмиз, инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажмининг ЯИМга нисбати 2009 йил 1 январь ҳолатига 0,03 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 0,05 фоизни ташкил этган. Инновацияларга харажатларнинг ЯИМга нисбати 2009 йил 1 январь ҳолатига 0,01 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 0,01 фоизни ташкил этган. Инновацион маҳсулотларни (товар, иш, хизмат) сотишдан соф тушумининг ЯИМга нисбати 2016 йилда 0,02 фоизни, 2017 йилда 0,04 фоизни ташкил этган бўлса, 2018-2020 йилларда 0,01 фоизни ташкил этган.

³⁰⁶ Global Innovation Index 2021. Executive Summary. 14th Edition. WIPO. 28 p. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021_exec.pdf#page=6; IMD World Competitiveness Ranking. <https://gtmarket.ru/ratings/imd-world-competitiveness-ranking>.



4.2-расм. Инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва уларни сотишдан соф тушумининг ЯИМдаги улуши³⁰⁷

Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018-2019 йилларда корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган инновацияларнинг таъсир даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилган танланма кузатув сўровнома натижаларига эътибор берадиган бўлсак, маҳсулотлар, хизматлар, ишлар турининг кўпайиши бўйича сўровномада иштирок этган респондентларнинг 19,6 фоизи паст, 41,1 фоизи ўртача, 19,6 юқори ва 19,6 фоизи таъсири бўлмаган деб ҳисобланган. Маҳсулотлар, хизматлар, ишлар сифатининг яхшиланиши бўйича сўровномада иштирок этган респондентларнинг 12,2 фоизи паст, 43,9 фоизи ўртача, 22,4 юқори ва 21,5 фоизи таъсири бўлмаган деб ҳисобланган. Атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши бўйича сўровномада иштирок этган респондентларнинг 17,8 фоизи паст, 40,2 фоизи ўртача, 12,2 юқори ва 29,9 фоизи таъсири бўлмаган деб ҳисобланган. Ишлаб

³⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф таҳлили.

чиқариш қувватларининг ўсиши бўйича сўровномада иштирок этган респондентларнинг 15,0 фоизи паст, 38,3 фоизи ўртача, 20,6 юқори ва 26,2 фоизи таъсири бўлмаган деб ҳисобланган. Сотиш бозорларининг кенгайиши бўйича сўровномада иштирок этган респондентларнинг 20,6 фоизи паст, 39,3 фоизи ўртача, 16,8 юқори ва 23,4 фоизи таъсири бўлмаган деб баҳолаган (4.6-жадвал).

4.6-жадвал


Ўзбекистон Республикаси бўйича корхона ва ташкилотлар томонидан 2016-2018 йиллар давомида жорий қилинган инновацияларнинг таъсир даражаси таҳлили³⁰⁸

Кўрсаткичлар	Таъсир даражаси (%)	шу жумладан (%)			
		паст	ўртача	юқори	таъсири бўлмади
Маҳсулотлар бўйича инновациялар					
Маҳсулотлар, хизматлар, ишлар турининг кўпайиши	100	19,6	41,1	19,6	19,6
Сотиш бозорларининг кенгайиши:	100	18,7	43,0	16,8	21,5
Ўзбекистонда	100	17,8	42,1	21,5	18,7
МДХ давлатларида	100	23,4	27,1	6,5	43
бошқа давлатларда	100	27,1	21,5	5,6	45,8
Маҳсулотлар, хизматлар, ишлар сифатининг яхшиланиши	100	12,2	43,9	22,4	21,5
Бандликнинг ошиши	100	15,9	48,6	7,5	28,0
Жараёнлар бўйича инновациялар					
Ишлаб чиқариш мослашувчанлигининг ошиши	100	15,9	40,2	18,7	25,2
Ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши	100	15,0	38,3	20,6	26,2
Иш ҳақиға харажатларининг камайиши	100	21,5	35,5	7,5	35,5
Моддий ва энергия харажатларининг камайиши	100	25,2	35,5	13,1	26,2
Маркетинг инновациялари					
Сотиш бозорларининг кенгайиши:	100	20,6	39,3	16,8	23,4
Жами инновациялар биргалликда					
Атроф-муҳит ифлосланишининг камайиши	100	17,8	40,2	12,2	29,9
Замонавий техник тартиблар, қоидалар, стандартларга мувофиқликнинг таъминланиши	100	14,0	37,4	28	20,6

Бундан ташқари, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йилда 2018-2019 йиллардаги инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар юзасидан ўтказилган танланма кузатув сўровнома натижаларига эътибор берадиган бўлсак, ушбу даврлар мобайнида инновацион фаолиятга

³⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. Тошкент. – 2020. 352 б.

тўсқинлик қилувчи асосий омиллар сифатида молиявий маблағлар етишмаслиги қайд этилган (4.3-расм).



4.3-расм. Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи омиллар³⁰⁹

Тадқиқот ишимизнинг 2-3-бобларидаги таҳлилларимизда ҳам солиқ механизмнинг корхоналар ИТТКИ, инновацион ва инвестицион фаолиятига таъсир этиш даражаси паслиги маълум бўлди. Шунинг учун, изланишларимиз ва амалга оширилган тадқиқотларимизга таяниб, иқтисодиётимизни инновацион ривожлантириш шароитида корхоналарнинг ИТТКИ ва инновацион фаолиятини тартибга солишда ва уларнинг инвестицион фаоллигини оширишда солиқ механизмдан самарали фойдаланишнинг қуйидаги йўллари келтириб ўтамыз.

Биринчидан, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиққа оид қонун ҳужжатларидаги номувофиқликлар ва ноаниқликларни

³⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Статистик бюллетень. Тошкент. – 2020. 352 б.


бартараф этиш орқали такомиллаштириш зарур. Жумладан, ИТТКИ ва инновацион фаолиятни солиқ механизми воситасида самарали рағбатлантиришнинг муҳим асоси ҳисобланган рағбатлантириладиган субъектлар, уларни аниқлаш мезонлари, инновацион корхона мақомини бериш тартибини, шунингдек, рағбатлантириш объектлари, таркиби ва уларни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлигини таъминлаш ҳамда уларни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгилаш лозим.

Солиққа оид қонун ҳужжатларидаги мавжуд номувофикликлар ва ноаниқликлар, уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш йўллари тадқиқот ишимизнинг 2.1-параграфида келтирилган. Қўшимча сифатида рағбатлантириладиган субъектлар, уларни аниқлаш мезонлари ва инновацион корхона мақомини бериш тартиби бўйича таклифларимизни бериб ўтамыз.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан фойдаланиш самараси аввало солиқ механизмнинг таъсири йўналтирилиши керак бўлган солиқ тўловчилар доирасини аниқ белгилашга ва тегишли солиқ механизмлари мажмуига боғлиқ. Инновацион иқтисодиёт ва унинг таркибий субъектлари билан боғлиқ ягона терминологиянинг мавжуд эмаслиги иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ механизмдан самарали фойдаланишни сезиларли даражада пасайтиради.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, инновацион иқтисодиётга доир нафақат асосий тушунчалар, балки «инновацион корхона», уни аниқлаш мезонлари ва ягона реестри қонун ҳужжатлари билан белгиланмаган.

Солиқ тўловчиларга инновацион корхона мақомини бериш алгоритмини 4.4-рasm орқали кўришимиз мумкин.



4.4-расм. Солиқ тўловчига инновацион корхона мақомини бериш алгоритми³¹⁰

Мавзуга оид ўрганилган адабиётларга таянар эканмиз, инновацион фаолиятни воқеалар занжири сифатида ҳам ифодалашамиз мумкин: янги билимлар (ғоялар) пайдо бўлиши - ғоянинг интеллектуал маҳсулотга (инновацияларга) айланиши - инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этилиши - инновацияларни тижоратлаштириш (инновацион маҳсулотни тижорий жиҳатидан муваффақиятли ишлаб чиқариш). Ушбу занжирдаги - инновацияларни ишлаб чиқариш, инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, инновацион маҳсулот истеъмоли каби уч асосий поғонасини солиқлар орқали рағбатлантириш лозим.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг белгиланган асосий йўналишлари фаолияти рағбатлантирилиши талаб этиладиган субъектлар доирасини аниқлашга имкон берди. Буларга қуйидагилар киради:

1) Инновацияларни яратувчи корхоналар. Ҳозирги кунда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни рағбатлантирадиган солиқ воситаларининг

³¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

аксарияти ушбу тоифадаги корхоналар фаолиятига қаратилган. Бирок, иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқлар орқали рағбатлантиришнинг натижадорлиги рағбатлантирувчи таъсирини бошқа тоифадаги субъектларга ҳам адекват тақсимлашга боғлиқ. Акс ҳолда, иқтисодий инновацион ривожлантириш учун муҳим бўлган «инновацияларни ишлаб чиқариш–жорий қилиш-тижоратлаштириш» занжири узилади.

2) Инновацион корхоналар ёки инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий қилувчи ташкилотлар. Ушбу тоифадаги субъектлар кўпроқ рағбатлантиришга муҳтож, чунки ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этиш иқтисодий инновацион ривожланишини таъминлашнинг асосий шартидир. Инновациялар ишлаб чиқаришни ёки инновацион маҳсулотларни истеъмол қилишни алоҳида рағбатлантириш инновацияларни экспорт қилишга ёки инновацион маҳсулотларни импорт қилишга олиб келиши мумкин.

3) Инновацион маҳсулот истеъмолчилари бўлган корхоналар. Ҳозирги кунда бундай корхоналар Ўзбекистонда кам ва улар ҳам инновацион маҳсулотларга бўлган талабни ошириш учун солиқлар воситасида рағбатлантиришга муҳтож.

4) Инновацион инфратузилма корхоналари. Ушбу тоифанинг солиқлар воситасида рағбатлантириш талаб қиладиган субъектлар таркибига киритилиши - инновацион инфратузилма корхоналарининг фаолияти инновацион фаолиятнинг барча босқичлари билан боғлиқлиги ва иқтисодий инновацион ривожланишини тезлаштириш учун муҳимдир.

Солиқлар воситасида кўпроқ қўллаб-қувватлаш талаб этиладиган "Инновацион корхоналар" тоифасини инновацион фаолиятнинг асосий иштирокчилари сифатида белгиланиши, ўз навбатида солиқ тўловчилар сифатида инновацион корхоналар ўзи қандай мезонларга жавоб бериши керак деган саволга олиб келди. Изланишлар асосида инновацион корхоналар тоифасини солиқлар воситасида тартибга солиш субъектлари сифатида ажратиш учун қуйидаги мезонларни келтириш мумкин:

- амалга оширилган ИТТКИ;

- инновацион маҳсулотларнинг улар реализацияси ҳажмининг ўсишидаги улуши ва олинган патентлар сонидagi улуши кўрсаткичларида ифодаланган ИТТКИ ва умуман инновацион фаолият натижадорлиги.

Иккала мезон ҳам иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга асосланган ўзаро боғлиқ бўлган иккита жараённинг натижасини, яъни инновацияларни яратиш ва уларни жорий қилиш жараёнини кўрсатади. Сабаби ривожланаётган корхона молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиши билан характерланади. Шунинг учун рентабеллик ва қўшимча киритилган инновациялар сонини икки муҳим мезон сифатида киритиш таклиф қилинади.

Демак, инновацион корхоналарни солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаси сифатида таснифлаш учун қуйидаги мезонлар таклиф қилинади:

1) ҳисобот даврига интеллектуал капиталнинг³¹¹ ўсиши (корхонанинг ишбилармонлик обрўси, шунингдек савдо белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини ўз ичига олмаган ҳолда номоддий активларининг қиймати);


2) корхона интеллектуал капиталининг ўсиш суръатига сифат жиҳатидан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромаднинг тенглиги ёки ўсиш суръати.

Шунингдек, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиққа оид қонун ҳужжатларида солиқ рағбатларини белгилашда субъектларнинг нафақат ихтисослиги ва фаолият турини, балки рағбатлар бериладиган субъектларнинг жойлашган ҳудуди, шарт-шаротлари ва инфратузилмасини инобатга олиш, шунингдек, рағбатлар ҳисобига эришиши кутилаётган истиқболли режа кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларни солиқ рағбатларининг асосий шарти сифатида белгилаш лозим. Бундан ташқари, янги маҳсулот ва технологияларни яратиш билан

³¹¹ Интеллектуал капитал - бу маълум одамларнинг билимлари, амалий кўникмалари ва ишлаб чиқариш тажрибаси, шунингдек, фойда ҳамда бошқа иқтисодий ва техник натижаларни максимал даражада ошириш мақсадида фойдаланадиган патентлар, маълумотлар базалари, дастурий таъминот, савдо маркалари ва бошқаларни ўз ичига олувчи номоддий активлар.

боғлиқ ИТТКИни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, инновацион фаолиятга берилган таърифлар таҳлили шундай хулосага келишимизга имкон бердики, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга солиқ механизмининг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш инновацион фаолият узлуксизлигини таъминлаш мақсадида унинг барча босқичларида рағбатлантириш орқали эришиш мумкин. Инновацион фаолият босқичлари, шунингдек, унинг узлуксизлигини таъминлаш зарурати 4.4-рasm орқали инновацион фаолият моделида кўришимиз мумкин.



4.4-рasm. Инновацион фаолият модели³¹²

Инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш самарасизлигининг энг муҳим сабаби солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш ва тақдим этишга комплекс ёндашувнинг мавжуд эмаслигидир. Инновацион фаолиятни рағбатлантирадиган мавжуд солиқ имтиёзлари орасида

³¹² Муаллиф томонидан тузилган.


аксарияти инновацион фаолиятнинг биринчи босқичида, яъни инновацияларни яратиш босқичида амал қилади. Ўзбекистон амалиётида ҳам илмий тадқиқот ва инновацион фаолият натижаларини жорий этиш, инновацион маҳсулотларни тижоратлаш-тириш ва истеъмол қилишни рағбатлантиришга қаратилган самарали механизмлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Иқтисодий инновацион ривожлантиришга қаратилган замонавий солиқ воситалари тизимининг паст самарадорлиги кўп жиҳатдан «ишланма -ишлаб чиқаришга жорий этиш - тижоратлаштириш» тўлиқ инновацион циклини комплекс рағбатлантирадиган чораларнинг етишмаслиги билан белгиланади. Зеро, ушбу циклни сўнгги босқичлари мамлакатнинг барқарор инновацион ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инновацион иқтисодийнинг турли субъектларидан баъзилари кўпроқ, бошқалари камроқ даражада рағбатлантиришга муҳтож. Шунинг учун, инновационлик даражаси паст бўлган билимларнинг келиб чиқиш босқичида инновацияларни яратадиган корхоналарни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Билимларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, яъни олинган билимларни аниқ инновацион маҳсулотга ёки технологияга айланиши босқичида инновацияларни жорий қилувчи корхоналарни рағбатлантириш зарур.

Шунингдек, ушбу босқичда янги маҳсулот ёки технологияни муваффақиятли тижоратлаштириш учун ушбу маҳсулот ёки технологияга бўлган талабни рағбатлантириш муҳим ўрин тутди, яъни солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмини инновацион маҳсулот истеъмолчилари ҳисобланган корхоналарга йўналтириш зарур. Ва ниҳоят, барча босқичларда инновацион иқтисодий ривожланишига инвестицияларни кўпайтириш учун инновацион инфратузилма корхоналарини рағбатлантириш керак. Ҳар бир гуруҳ корхоналари фаолиятида мавжуд фарқлар, шунингдек уларнинг инновацион жараёндаги

ўрни ва ролидан келиб чиқиб, ҳар бир гуруҳ учун солиқлар орқали рағбатлантиришнинг турли хил воситаларидан самарали фойдаланиш лозим.



4.5-расм. Иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқлар воситасида комплекс рағбатлантириш тизими³¹³

Мазкур комплекс рағбатлантириш тизими мамлакатимиз иқтисодий инновацион ривожлантиришга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтиришга ёрдам беради, чунки улар инновацион фаолиятнинг барча босқичлари ҳамда фаолиятнинг барча субъектларини рағбатлантириш таъсири билан қамраб оладиган комплекс ёндашувдан фойдаланилади.

Таклиф этилаётган мазкур комплекс тизим доирасида ишлаб чиқиладиган механизмлар икки йўналишда ифодаланиши мумкин.

Биринчидан, инновацияларга бўлган талаб, уларни истеъмол қиладиган, яратадиган ва инновацион инфратузилма корхоналарини

³¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

рағбатлантиришга қаратилган механизмларнинг комплекс тўпламини ишлаб чиқиш лозим.

Шунинг учун, янги ва инновацион технологияларни, жумладан қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ёки сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилган солиқ тўловчиларни юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғидан имтиёз қўллаш лозим. Бунда, сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб маълум бир давр давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган тақдирда, солиқ имтиёзини бекор қилинишини алоҳида белгилаш зарур. Инновацион маҳсулот ёки технологияни жорий қилиниши асосида солиқлар воситасида рағбатлантириш аввало, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг шарти ва инновацион фаолиятнинг муҳим босқичи солиқ механизми билан қамраб олинишига эришилса, иккинчидан, инновацион маҳсулот ёки технология истеъмолчиларини рағбатлантириш орқали ушбу маҳсулотларга бўлган талабни оширишга эришилади. Мазкур солиқ имтиёзини татбиқ этилиши натижасида биргина 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 12 та юридик шахснинг 582,2 млн.сўм маблағлари тежалишига эришилди³¹⁴.

Изланишларимиз натижасида инновацион фаолиятнинг турли босқичларини қамраб олиш, шунингдек нафақат бевосита инновацион корхоналарни, балки инновацион фаолиятнинг бошқа субъектларини рағбатлантириш нуқтаи назаридан солиқ механизмидан фойдаланишнинг комплекс ёндашуви аниқланди. Мазкур ёндашувни мамлакатимизда солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларида қўлланилиши уни иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ёрдам берадиган самарали механизмга айланиши мумкин.

Бундан ташқари, иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда нафақат рағбатлантириш (пасайтирилган солиқ ставкалари, солиқ таътиллари, солиқ

³¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

чегирмалари, солиқ кредитлари) хусусиятига эга чораларни қўллаш, балки инновацион фаолликни ошириш бўйича чораларни кўрмаётган субъектларга нисбатан чеклаш (солиқ ставкаларини ошириш, қўшимча солиқларни жорий этиш, солиқ имтиёзларидан фойдаланишни ҳамда эскирган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришда маънан ва жисмонан эскирган ускуналардан фойдаланишни чеклаш), шунингдек, қоплаб бериш (0 ставкасини қўллаш орқали қоплаб бериш) хусусиятига эга механизмларни қўллаш тизимини яратиш зарур.

Иккинчидан, солиқ механизмдан самарали фойдаланиш орқали бевосита инновацион корхоналар учун энг қулай солиқ муҳитини яратиш лозим. Хусусан, илмий тадқиқотлар, тажриба конструкторлик ишлари ва инновацион фаолиятни ривожлантиришда муайян ва номуайян муддатга, фаолият натижаларидан қатъий назар, тўлиқ озод қилиш тарзидаги солиқ имтиёзларини ўрнига пасайтирилган солиқ ставкалари, солиқ чегирмалари ва инвестицион солиқ кредитлари каби механизмлардан фойдаланиш зарур.

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи айрим тоифа солиқ тўловчиларга инвестицион солиқ кредитини қўллаш самарадорлигини регрессион таҳлиллар асосида кўриб чиқишимиз мумкин. Иккинчи таҳрирдаги Солиқ кодексининг 356-моддасига асосан янги технологик асбоб-ускуналар олишга йўналтирилган маблағлар миқдорига солиқ солинадиган базанинг кўпи билан 25 фоизига камайтириш тарзида берилган имтиёзларнинг, шунингдек, 159-моддасига асосан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегирган ҳолда йўналтириладиган маблағлар суммасига солиқ солинадиган фойдани (солиқ солинадиган фойданинг 30 фоиздан ошмаган ҳолда) камайтириш тарзида тақдим этилган солиқ имтиёзларининг корхона соф тушуми ва капитал қўйилмаларига таъсирини баҳолаш мақсадида 2015 йилдан 2018 йилга қадар тақдим этилган солиқ имтиёзларининг жами 554 та корхоналар капитал қўйилмалари ва соф тушумига таъсири ўрганилди.

Бу имтиёзлар мазмунан инвестицион солиқ кредитининг баъзи хусусиятларини, хусусан мақсадли, муддатли ва қисман озод қилиш каби шартларини ўзида мужассам этган. Шу сабабли, уларни таҳлил қилиш солиқ кредитлари самарадорлигини баҳолашда муҳим ҳисобланади.

Таҳлил натижаларини текширишда қуйидаги икки асосий гипотеза шакллантирилди:

H1 - Технологик модернизациялашни рағбатлантириш мақсадида берилган имтиёзлар корxonанинг Капитал қўйилмалари ҳажмини оширишга ижобий таъсир қилади.

H2 - Технологик модернизациялашни рағбатлантириш мақсадида берилган имтиёзлар корxonанинг Соф тушуми ҳажмини оширишга ижобий таъсир қилади.

Таҳлилларни амалга оширишда биз панел маълумотлар тўпламидан фойдаланамиз. Панел маълумотлар тўплами йиллар ва турли корxonалар кесимида бўлганлиги сабаб кузатувлар сонини кўпайтиришга имкон беради. Шунингдек, бу шакл кузатиш имкони бўлмаган ва корxона бирликларига хос хусусиятлар ҳамда вақт таъсирларини бошқариш имконини беради.

Технологик модернизациялашни рағбатлантириш учун берилган имтиёзларнинг корxonалар капитал қўйилмалари ёки соф тушумига таъсирини таҳлил қилишда қуйидаги бошланғич тенглама (4.1) шакллантирилди:

$$Y_{it} = \alpha + \beta X_{it} + \delta Z_{it} + \varepsilon_{it} \quad (4.1)$$

$$i = 1, 2, 3, \dots, N$$

$$t = 2015, 2016, \dots, T$$

бунда,

Y_{it} – t корxonанинг i йилдаги мавжуд капитал қўйилмалари миқдори ёки соф тушуми; α – кесишиш нуқтаси (*intercept*); β ва δ стандартлашган коэффициентлар; X – солиқ имтиёзлари суммаси; Z – назорат қилувчи (*controlling*) ўзгарувчилар тўплами; ε_{it} – стандарт хатолик (*composite error term*).

Тобе, ихтиёрий ва назорат қилувчи (*controlling*) ўзгарувчилар сифатида танланган кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси ва Жаҳон банкининг маълумотлар базасидан олинди. 4.7 ва 4.8-жадваллар бизга танлаб олинган ўзгарувчилар тўғрисида қисқача маълумотларни тақдим этади.

4.7-жадвал

Ўзгарувчилар тўғрисида маълумот³¹⁵

Ўзгарувчилар номи	Қисқача таърифи	Манба
Тобе ўзгарувчилар, (<i>Yit</i>)		
Капитал қўйилмалар	Бухгалтерия балансининг 100-сатр маълумоти	ДСҚ маълумотлари
Соф тушум	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 010-сатр маълумоти	ДСҚ маълумотлари
Ихтиёрий ўзгарувчилар, (<i>Xit</i>)		
Солиқ имтиёзлари суммаси	Технологик модернизация учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари	ДСҚ маълумотлари
Назорат қилувчи (<i>controlling</i>) ўзгарувчилар, (<i>Zit</i>)		
Соф фойда ва зарар	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг 270-сатр маълумоти	ДСҚ маълумотлари
Солиқ юки	Корхоналар томонидан тўланадиган барча солиқлар ва мажбурий тўловлар юки	Жаҳон Банки очик маълумотлар базаси
Фоиз ставкаси	Хусусий секторнинг қисқа ва ўрта муддатли молиялаштириш эҳтиёжлари учун банкларнинг қарз фоиз ставкаси	Жаҳон Банки очик маълумотлар базаси
Товар ва хизматларга солиқ	Товар ва хизматлар реализацияси /истеъмолига солинадиган солиқлар (ЯСТ, ҚҚС, акциз солиғи)	Жаҳон Банки очик маълумотлар базаси
Узоқ муддатли инвестиция	Бухгалтерия балансининг 030-сатр маълумоти	ДСҚ маълумотлари
Doing Business индекси	Жаҳон банкининг “Ease of doing Business” индекси	Жаҳон Банки очик маълумотлар базаси

Таҳлиллар икки, уч ва тўрт йиллик даврлар мобайнида имтиёзлардан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларга асосланади. 4.8-жадвал уч даврга тегишли танланган детерминантлар тўғрисида статистик маълумотларни тақдим этади. Унга кўра, имтиёзлар ҳисобига 2015-2016 йилларда жами 263 та корхонанинг ихтиёрида ўртача 178.3 млн. сўмлик қўшимча маблағ қолган бўлиб, капитал қўйилмалари ва соф тушумлари мос равишда ўртача 17056.3 ва 26225.6 млн. сўмни ташкил этган.

³¹⁵ Муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси ва Жаҳон Банки маълумотларига асосида тайёрланди.

2015-2017 йилларда эса жами 279 та бизнес субъектлари имтиёзлар ҳисобига ўртача 40,1 млн сўмлик қўшимча маблағга эга бўлган. Уларнинг капитал қўйилмалари ва соф тушумлари мос равишда ўртача 1327,1 ва 20487,5 млн сўмни ташкил этган. Тўрт йил, яъни 2015-2018 йиллар давомида 12 та корхона томонидан олинган имтиёз миқдори ўртача 26.0 млн сўмни ва капитал қўйилмалари ва соф тушумлари мос равишда ўртача 23.0 млн ва 2225.3 млн сўмни ташкил этган.

4.8-жадвал

Ўзгарувчилар тўғрисида статистик маълумотлар³¹⁶

Ўзгарувчилар	Корхона-лар сони	Ўртача	Стандарт оғиш	Минимум	Максимум
Икки йиллик (2015-2016)					
Капитал қўйилмалар	263	17056.26	183278.4	0	3013144
Соф тушум	263	26225.58	164494.3	0	2911346
Солиқ имтиёзлари суммаси	263	178.28	1083.902	0.004	14383.64
Соф фойда ва зарар	263	3087	28709.12	-15689.82	479276
Солиқ юки	263	39.6	1.501	38.1	41.1
Фоиз ставкаси	263	13.64	0.125	13.523	13.773
Билвосита солиқлар	263	28.11	1.119	26.994	29.231
Узоқ муддатли инвестиция	263	2751.18	16699.42	0	246200.2
Doing Business индекси	263	61.884	0.209	61.675	62.093
Уч йиллик (2015-2017)					
Капитал қўйилмалар	279	1327.112	25503.07	0	736140.1
Соф тушум	279	20487.5	253780.5	0	6475586
Солиқ имтиёзлари суммаси	279	40.105	71.91876	0.009	808.814
Соф фойда ва зарар	279	2050.51	31506.91	-25822.36	891274.2
Солиқ юки	279	39.166	1.370	38.1	41.1
Фоиз ставкаси	279	14.224	0.821	13.524	15.376
Билвосита солиқлар	279	30.361	3.310	26.994	34.858
Узоқ муддатли инвестиция	279	380.973	2083.508	0	25676.22
Doing Business индекси	279	63.461	2.237	61.675	66.613
Тўрт йиллик (2015-2018)					
Капитал қўйилмалар	12	23.016	106.911	0	718.468
Соф тушум	12	2225.294	3365.444	0	19204.11
Солиқ имтиёзлари суммаси	12	26.031	23.239	0.361	102.413
Соф фойда ва зарар	12	145.388	422.024	-895.552	2721.388
Солиқ юки	12	37.4	3.316	32.1	41.1
Фоиз ставкаси	12	15.660	2.613	13.524	19.965
Билвосита солиқлар	12	29.442	3.312	26.684	34.858
Узоқ муддатли инвестиция	12	11.027	37.066	0	151.038
Doing Business индекси	12	64.534	2.712	61.675	67.752

Таҳлилларимизда ихтиёрий ўзгарувчи (X_{it}) сифатида танланган имтиёзлар суммасининг тобе ўзгарувчилар (Y_{it}), яъни капитал қўйилмалар ва соф тушум билан умумий алоқадорлиги 8-иловадаги расмда

³¹⁶ Муаллиф томонидан Давлат солиқ қўмитаси ва Жаҳон Банки маълумотларига асосида тайёрланди.

таъсирланган. Ҳар учала (a , b ва c) ҳолатда ҳам технологик модернизацияни рағбатлантириш учун тақдим этилган солиқ имтиёзлари тадбиркорлик субъектларининг капитал қўйилмалари ва соф тушуми билан ижобий алоқадорликни кўрсатмоқда. Бу бизнинг юқорида шакллантирган икки гипотезамиз тўғрилигининг дастлабки исботи ҳисобланади.

Гарчи 8-иловадаги расм бизга умумий алоқадорлик тўғрисида ахборот берсада, ундаги маълумотлар тақдим этилган имтиёзларнинг таъсир даражасини баҳолашда чекланган. Бу эса эконометрик таҳлилларни амалга ошириш заруратини юзага келтиради. Шу сабабли, биз дастлаб эконометрик таҳлилимизни берилган имтиёзлар ҳисобига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлар миқдорининг капитал қўйилмалар ҳажмига таъсирини баҳолашдан бошлаймиз.

Таҳлилларни амалга оширишда *Ordinary Least Squares (OLS)*, *Fixed Effects (FE)* ва *Random Effects (RE)* моделларидан фойдаланилган бўлиб, *Hausman* ва *Breusch and Pagan Lagrangian multiplier* тести дастлабки икки ҳолатда (икки ва уч йиллик таҳлилларда) *RE* модели ва учинчи ҳолатда (тўрт йиллик таҳлилда) эса *OLS* моделини бизнинг маълумотлар тўплами хусусиятига энг мос модел эканлигини кўрсатди.

Random Effects (RE) модели ихтиёрий ўзгарувчилар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик мавжуд эмаслигини тахмин қилади ва корхоналарнинг ўзига хослигини ҳисобга олмасдан фақат берилган имтиёзлар миқдорининг вақт ўтиши билан капитал қўйилмаларга қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўриб чиқишга имкон беради.

Танланган ихтиёрий ўзгарувчилар ўртасида алоқадорлик (*multicollinearity*) даражасини текшириш мақсадида *Variance Inflation Factor (VIF)* тести амалга оширилди. Тест натижалари барча ихтиёрий ўзгарувчиларнинг бир-бирини акс эттириш даражаси 5 катталиқдан камлигини, яъни *multicollinearity* натижасида юзага келиши мумкин бўлган хатоликлар даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эканлигини кўрсатди (Gujarati, Porter, 2009).

Шунингдек, мавжуд “*ҳетероскедастиклик*” муаммосини бартараф этиш мақсадида *robust* спецификацияси танланди (9-иловадаги жадвалга қаранг).

9-иловадаги таҳлилар натижаси имтиёз ҳисобига корхоналар ихтиёрида қолган маблағларнинг капитал қўйилмалар ҳажмига таъсирини ифодалайди. Имтиёзларнинг таъсир даражаси биринчи ҳолат, яъни 2 йиллик (2015-2016 йй.) учун статистик жиҳатдан аҳамиятли (0.01 коэффицент) бўлиб, имтиёз миқдорининг 1 фоизга оширилиши капитал қўйилмалар ҳажмини тахминан 1.08 фоизга ошириш эҳтимоллигини кўрсатмоқда.

2015-2017 йиллар (уч йил) давомида имтиёздан фойдаланган корхоналар учун тақдим этилган имтиёзларнинг ҳам улар технологик модернизация даражасига статистик жиҳатдан юқори аҳамиятга эга (0.01 коэффицент) эканлиги аниқланди.

Бунда тақдим этилган имтиёзнинг 1 фоизга ошиши тадбиркорлик субъектлари капитал қўйилмалари ҳажмини тахминан 0.47 фоизга ошириш эҳтимоллигини кўрсатмоқда. Бироқ, имтиёзлардан тўрт йил (2015-2018 йй.) мобайнида фойдаланган корхоналарнинг технологик модернизация даражаси тақдим этилган имтиёзлар билан ижобий алоқадорликни кўрсатсада, статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб чиқди. Бу ҳолат асосий воситаларни модернизация қилиш учун сармоя киритган корхоналар сонининг камлиги (12 та) ва улар томонидан жуда кам миқдорда (ўртача 26.0 млн сўм) инвестиция киритилганлиги билан изоҳланади.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, маълум бир шартлар билан тақдим этилган имтиёзлар (улардан самарали фойдаланган ҳолда инвестиция киритилган тақдирда) тадбиркорлик субъектларининг технологик ҳолатини қисқа (икки-уч йил) муддатда модернизация қилиш имкониятини беради.

Худди шу тариқа, 10-иловадаги жадвалда келтирилган регрессион таҳлил натижалари ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилган инвестиция суммалари миқдорида солиқ солинадиган

фойдани (базани) камайтириш тарзидаги имтиёзларнинг корхоналар соф тушумига (2-шакл 10-сатр) таъсир этиш даражасини ифодалайди.

Ушбу таҳлилда ҳам *Random Effects (RE)* модели бизнинг панел маълумотлар тўпламимиз хусусиятига энг мос модел эканлиги аниқланди. Эмпирик таҳлил натижалари мос равишда икки, уч ва тўрт йил давомида имтиёзлардан фойдаланиб келган корхоналар тўғрисида маълумот беради.

Имтиёздан икки йил (2015-2016 йй.) мобайнида фойдаланган корхоналар учун имтиёзларнинг таъсири ижобий ва статистик жиҳатдан аҳамиятли (0.05 коэффицент) эканлигини кўрамиз. Бунда, берилган имтиёзларнинг 1 фоизи ҳисобига корхоналар соф тушуми ўртача 0.32 фоизга ошган. Бундай паст ўсиш даражаси асосий воситаларга киритилган инвестицияларнинг ўз самарасини келгуси икки-уч йилда бериши билан изоҳланиши мумкин.

2015-2017 йиллар (уч йил) давомида имтиёзга эга бўлган корхоналар учун олинган имтиёзлар юқори (0.01 коэффицент) аҳамиятга эга бўлиб, имтиёзнинг 1 фоизга кўпайиши корхона соф тушумининг ўртача 0.5 фоизга ошишига ҳисса қўшган.

Шунингдек, таҳлил имтиёзлардан 2015-2018 йиллар (тўрт йил) давомида фойдаланган корхоналар учун ҳам берилган имтиёзлар миқдори корхоналар соф тушуми билан ижобий алоқадорликка эга эканлигини кўрсатади. Аммо, бу ҳолатда алоқадорлик даражаси статистик жиҳатдан пастроқ аҳамиятга эга бўлиб (0.1 коэффицент), имтиёзнинг 1 фоизга ошиши тадбиркорлик субъектларининг соф тушумини тахминан 0.92 фоизга ошириш эҳтимоллигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатдаги паст аҳамият даражасини ушбу даврда корхоналар томонидан киритилган инвестиция ҳажми билан изоҳлаш мумкин.

Таҳлилларга таяниб хулоса қилиш мумкинки, аниқ шартлар асосида бериладиган солиқ имтиёзларининг корхоналар инвестицион фаолиятига таъсир даражаси юқори. Бунда имтиёзларни тақдим этиш шарти сифатида киритиладиган инвестиция мақсади, ҳажми ва имтиёздан фойдаланиш

муддатининг белгиланиши улардан самарали фойдаланиш даражасини оширади. Айнан инвестицион солиқ кредити шундай шартларни ўз ичига олиши ва натижага йўналтирилганлиги инновацион-инвестицион фаолиятни самарали рағбатлантириш ва инвесторлар солиқ юкини камайтириш каби ижобий натижаларга эришиш имкониятини таъминлайди.

2-бобнинг 2-параграфдаги (2.3, 2.4-расмлар, 2.15, 2.16-жадваллар) таҳлилларимизга таянган ҳолда, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, янги технологик жиҳоз харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига, тегишли солиқ даврида ҳисобланган амортизацияни чегириб ташлаган ҳолда, бироқ солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда солиқ солинадиган фойдаси камайтириш ўрнига инвестицион чегирмаларни жорий қилиш ва уларнинг аҳамиятини ошириш таклиф этилади.

Бунда, янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларининг 20 фоизи миқдоридан фойда солиғи базасидан чегирилади. Мазкур таклифлар жорий қилиниши илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга инвестицияларни фаол жалб қилиш ҳамда инновацион инфратузилмани янада яхшилашга олиб келади.

Масалан, инвестицион чегирма 10 фоиз миқдоридан жорий қилиниши натижасида 2020 йилда 304 та корхона томонидан 631,3 млрд.сўм фойда солиғи базасидан харажатлар чегирилиб, 2019 йилга нисбатан корхоналар сонидан 12 барварга, чегирилган суммада эса 225 бараварга ўсиши натижасида ўтган йилга нисбатан 25312,0 млрд.сўмга кўп реинвестиция қилинган. Шунингдек, 2021 йилда чегириш миқдори 20 фоиз белгиланиши натижасида 471 та корхона томонидан 1702,6 млрд.сўм чегирилиб, ўтган йилга нисбатан корхоналар сонидан 55 фоизга, чегирилган суммада эса 170 фоизга ўсиш кузатилган (4.9-жадвал).

4.9-жадвал

Инвестиция суммасини солиқ солинадиган фойдадан камайтириш ва инвестицион чегирмани қўллаш натижаларининг қиёсий таҳлили³¹⁷

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2019 йилга нисбатан 2020 йилда	2020 йилга нисбатан 2021 йилда
Асосий воситага инвестиция йўналтирган корхоналар сони	12656	12280	11655	10503	9837	9499		
Асосий воситага йўналтирилган инвестиция миқдори (млрд.сўм)	45182,4	82610,7	343435,3	386606,1	218004,4	173365,3		
Фойда солигини камайтирган кор-хоналар сони (2-СКнинг 159-м. 3-б.)	117	5	23	25				
Камайтирилган фойда солиғи миқдори (млрд.сўм), (2-СКнинг 159-м. 3-б.)	85,4	0,5	3,5	2,8				
Фойда солигини камайтириб, реинвестиция қилган корхоналар сони	161	4	9	8				
Фойда солиғи камайтирилган ҳолда, реинвестиция қилинган сумма (млрд.сўм)	3063,5	8907,9	74,7	8,3				
Инвестицион чегирмадан фойдаланган корхоналар сони					304	471	12 баравар	55%
Инвестицион чегирма миқдори (млрд.сўм)					631,3	1702,6	225 баравар	170%
Инвестицион чегирмани қўллаб, реинвестиция қилган корхоналар сони					87	114	11 баравар	31%
Инвестицион чегирма қўлланилган ҳолда, қилинган реинвестиция суммаси (млрд.сўм)					25320,3	19580,6	25315 баравар	-23%

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият учун мўлжалланган солиқ рағбатлари натижаларини баҳолаш услубиётининг жорий қилинмаганлиги ушбу солиқ рағбатлари самарадорлигини пасайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, солиқ рағбатлари натижаларини фискал ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш бюджетга солиқ тушумлар кўпайганлиги, солиқ рағбатларидан мақсадли фойдаланганлиги, ХЮСнинг ихтисослиги, фаолият тури ва молия-хўжалик фаолиятида рағбатлар ҳисобига эришилган кўрсаткичлар, ХЮСнинг жойлашган ҳудудидаги солиқ муҳити ва ҳудуд инфратузилмаси каби омиллар ҳисобга олган ҳолда, омилли таҳлил асосида амалга ошириш зарур.

³¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Умуман олганда, ИТТКИ ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали ривожлантиришда самарали солиқ турини, солиқлар воситасида рағбатлантириш механизмига (солиқдан шартларсиз тўлиқ озод қилиш, муайян шартлар асосида тўлиқ ёки қисман озод қилиш, фойдани камайтириш, базадан чегириш, ставкани пасайтириш, табақалаштириш ёки 0 ставка қўллаш) ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион фаолликни реал ошириш учун айнан қайси иқтисодий субъектни (корхона таъсисчиси, корхона ёки ходим) рағбатлантиришга эътибор бериш иқтисодиётни инновацион ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчи боб бўйича хулоса

1. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмнинг паст самараси кўп жиҳатдан «ишланма - ишлаб чиқаришга жорий этиш - тижоратлаштириш», яъни тўлиқ инновацион циклни комплекс рағбатлантирадиган чораларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Зеро, ушбу циклнинг сўнгги босқичлари мамлакатнинг барқарор инновацион ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни тезлаштириш учун инновацион фаолиятнинг барча босқичларини солиқлар воситасида комплекс рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

2. Инновацион ва инвестицион фаолиятни амалга оширувчи ХЮСлар учун алоҳида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари билан аниқ шартларсиз муайян ва номуайян муддатга, фаолияти бошланиши биланок солиқдан тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига амалга оширилган таҳлиллармиз асосида бошқа солиқ имтиёзларига нисбатан сезиларли даражада ижобий таъсир этиши илмий исботланган инвестицион солиқ кредитини жорий қилиш зарур.

3. Инновацион инфратузилмани янада яхшилашга ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналарнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир этганлиги инобатга ҳолда, янги

технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларига инвестицион чегирмани жорий қилиш ва уни аҳамиятини янада ошириш таклиф қилинади.

4. Иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг шarti ва инновацион фаолиятнинг муҳим босқичи ҳисобланган янги ва инновацион технологиялар, жумладан қайта тикланадиган энергия манбаларининг ускуналари ҳамда сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилган солиқ тўловчиларни рағбатлантиришнинг самарали механизмини қўллаш таклиф этилади. Ушбу механизмни қўлланилиши натижасида инновацион технологияларнинг истеъмолчиларини рағбатлантириш орқали уларга бўлган талабни оширишга эришилади.

ХУЛОСА

Мавзуга доир амалга оширилган илмий изланишларга таянган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилиб, амалий тавсиялар ва илмий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Инновацион иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурати биринчидан, умумий иқтисодиёт ва жамият учун инновацион жараёнларни аҳамияти ортиб бораётганлигидан келиб чиқса, иккинчидан, илмий ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, юқори харажатлар ва якуний натижанинг мавҳумлиги билан изоҳланади. Зеро, ҳозирда айнан инновация иқтисодиёт ривожини истиқболларини белгиламоқда.

2. Солиқ механизмидан фойдаланиш асосида инновацион ривожланишни таъминлаш одатда солиқ имтиёзлари ва енгилликларининг инновацион корхоналар фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирга асосланади. Айни пайтда, солиқлар иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилиши солиқларнинг тартибга солиш функциясидан фойдаланишга асосланган. Тартибга солиш функциясининг таъсири солиқ тўловчиларнинг турли объектлари ва тоифаларини нотекис солиққа тортилиши билан асосланади.

3. Аксарият иқтисодчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда асосан илмий тадқиқот ва инновацион фаолият объект сифатида тадқиқ этилган. Чунки, улар томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга айнан илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш орқали эришилади деган хулосага келинган. Иқтисодиётни айнан солиқлар воситасида ривожлантириш мақсадига эса солиқ механизмлари, хусусан солиқ имтиёзлари орқали эришилиши илмий асосланган.

4. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмидан самарали фойдаланишда, энг аввало, ушбу соҳага доир қонунчиликни мувофиқлаштириш ва ноаниқликларни бартараф этиш

лозим. Хусусан, корхоналар инновацион фаолиятини солиқ механизми воситасида рағбатлантиришнинг асоси ҳисобланган рағбатлантириш объектини, яъни инновация, инновацион фаолият ҳамда ИТТКИ каби тушунчалар таърифи, уларга доир харажатлар моҳиятини ва солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларини солиққа оид қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш зарур.

5. Ўзбекистонда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқ механизми орқали рағбатлантириш амалиёти таҳлили натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки, рағбатлантириш объектлари аниқ бўлмаган ҳолда, эрилиши лозим бўлган кўрсаткичлар белгиланмасдан, мазкур фаолиятлар бошланиши биланок, муайян ва номуайян муддатга, асосан ҚҚС, фойда солиғи ва ЯСТ каби солиқ турларидан тўлиқ озод қилиш шаклидаги солиқ имтиёлари қўлланилиб келинган. Зеро, халқаро тажрибада ушбу фаолият турларини самарали рағбатлантириш инструментлари сифатида асосан солиқ кредитлари, солиқ чегирмалари, солиқ таътиллари, пасайтирилган ва табақалаштирилган солиқ ставкалари ҳисобланади.

6. Бюджет маблағлари ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларини ҚҚСдан озод қилишда нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджетдан ташқари ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларига татбиқ этиш зарур. Бунда, ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига пасайтирилган (амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдоридан) ставкани, ишлар натижаси асосида эса ҚҚСнинг ноль ставкасини қўллаш мақсадга мувофиқ.

7. Солиқ механизмидан самарали фойдаланиш орқали тадқиқот натижаларини сифат жиҳатидан яхшилаш, уларни амалиётга жорий қилинишини жадаллаштириш ҳамда инновацион фаолият босқичларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида грант лойиҳаларда илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларни лойиҳа доирасида олган даромадларига нисбатан ЖШДСнинг пасайтирилган солиқ ставкасини (амалдаги ставканинг 50 фоизи) қўллаш, тадқиқот натижаларини жорий

қилиш ва (ёки) тижоратлаштириш (патент олинishi) шарти асосида мазкур солиқдан озод қилиш орқали коплаб бериш механизмини татбиқ этиш таклиф этилади.

8. Инновацион фаолиятга тўлиқ озод қилиш шаклида такдим этилган солиқ имтиёзларининг ушбу фаолият натижаларига таъсир этиш даражасига нисбатан ИТТКИга доир харажатларни фойда солиғи базасидан чегириш тарзидаги енгилликнинг ИТТКИ натижаларига ижобий таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Бу эса ушбу харажатларни солиқ солиш базасидан чегириш шаклидаги солиқ механизмининг аҳамиятини янада оширишни тақозо этади. Бундан ташқари, мазкур фаолият турларини ривожлантиришда нафақат солиқлар воситасида рағбатлантириш, балки солиқлар орқали чеклаш механизмларини ҳам оқилона қўллаш таклиф этилади.

9. Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида самарали тартибга солиш ва рағбатлантиришда нафақат солиқ имтиёзларини такдим этиш шаклига, балки такдим этилаётган солиқ имтиёзларининг солиқ турига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, билвосита солиқлар бўйича имтиёзлар такдим этилиши ҳам фискал, ҳам ХЮС манфаати нуқтаи назаридан лозим даражадаги кутилган натижани бермаслиги эҳтимоли юқори.

10. Инновацион корхоналар учун такдим этилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини баҳолашнинг 3 босқичли услубиёти ишлаб чиқилди. Бунда, 1-босқичда корхоналарнинг инновацион фаоллигини солиқ имтиёзларини такдим этиш орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлиги баҳоланади. 2-босқичда корхоналарнинг тадқиқотлар ва ишланмаларга қилинган харажатлар, уларнинг муваффақиятли улуши ва инновацион маҳсулотга айланиши самарадорлигини баҳоланади. 3-босқичи иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда солиқ имтиёзларини умумий таъсир этиш самарадорлиги баҳоланади.

11. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга қаратилган солиқ механизмининг паст самараси кўп жиҳатдан «ишланма - ишлаб чиқаришга

жорий этиш - тижоратлаштириш», яъни тўлиқ инновацион циклни комплекс рағбатлантирадиган чораларнинг этишмаслиги билан изоҳланади. Зеро, ушбу циклнинг сўнгги босқичлари мамлакатнинг барқарор инновацион ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни тезлаштириш учун инновацион фаолиятнинг барча босқичларини солиқлар воситасида комплекс рағбатлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

12. Инновацион ва инвестицион фаолиятни амалга оширувчи ХЮСлар учун алоҳида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари билан аниқ шартларсиз муайян ва номуайян муддатга, фаолияти бошланиши биланок солиқдан тўлиқ озод қилиш шаклида тақдим этиладиган имтиёзлар ўрнига амалга оширилган таҳлилларимиз асосида бошқа солиқ имтиёзларига нисбатан сезиларли даражада ижобий таъсир этиши илмий исботланган инвестицион солиқ кредитини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

13. Инновацион инфратузилмани янада яхшилашга ҳамда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналарнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир этганлиги инобатга олган ҳолда, янги технологик ускуналар қийматининг, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатларига инвестицион солиқ чегирмани жорий қилиш ва уни аҳамиятини янада ошириш таклиф қилинади.

